

# ЁШ ГВАРДИЯ



Ўзбекистон ЛКЎИ  
Марказий  
Қўмитаси ва  
Ўзбекистон  
Ёзувчилар  
уюшмасининг  
нашри

(109)  
январ

Ойлик  
адабий-бадий  
ижтимоий-  
сиёсий  
ойнома

1982 йилдан  
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Хуршид ДАВРОН  
Владимир ЖОНИБЕКОВ  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ  
Ҳамид ИСМОИЛОВ  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ —  
масъул котиб  
Олим ОТАХОНОВ  
Азим СУЮН  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ  
Нурали ҚОБУЛ  
Абдурашид ҚОДИРОВ  
Усмон ҚУЧҚОР  
Ғаффор ҲОТАМОВ —  
бош муҳаррир ўринбосари

Тошкент  
«Ёш гвардия» нашриёти





ЎЗБЕКИСТОН ЁШ  
ИЖОДКОРЛАРИ  
VI КЎРИК-КЕНГАШИ

## Холмурод Абдурахмон



Сочинг толасидай сонсиз эгатлар  
Эгат супургудек сочларинг узун.  
Сенинг бардошингдай улкан далалар  
Оргингдан судранар — қандай оғир кун.

Сенинг чарчоғингни яширади тун  
Янги тушлар кўрган тунларинг калта —  
Тонгга яқин ёрилиб кетар  
Чарчоқ тўлдирилган қоп-қора халта.

## Ҳолат

Келмади...  
Ажинанинг тиккайган сочлари ичра  
Сайрайди бойўғли — сукунатни қарғовчи шаккок.  
Ой — ариққа ёпишиб қолган,  
Янада бўзариб боради ранги.  
Ажинани қучиб йиғлайман унсиз...

Утган йилимизнинг 13-17-нўёбир кунлари адабиётимиз бўстонида яна бир янги саҳифа очди, десак, муболага бўлмас. Гап ёш ижодкорларнинг Ўзбекистон Езувчилари уюшмасида чақирилган VI-кўрик-кенгаши хусусида кетаётганини зийрак муштарий аллақачон англаган чиқар. Юзлаб гул ва булбулга ошиён бўлмиш бу макон тўрт кун давомида шунча анвойи бўй, шунча хуш овозни кашф этдиким, буларнинг лутф-карамларидан ҳануз димоғимиз чоғ, дилимиз хушнуд. Бахтиёрлигимиз боиси яна шундаким, дилларни шод этмиш бу булбулнавозларнинг анчайини хонадонингизнинг ҳур нафаси эрмиш «Ешлик» журналимиз «учирма» сидир.

Умуман, ушбу кўрик-кенгаш қамров доирасининг кенглиги, қатнашчиларининг юксак савияси билан адабий жараёнимизда воқеа бўлдиким, сўзимизнинг исботи тариқасида мазкур дафтаримизни асосан улар ижодидан саралашни жоиз топдик.

Умид шулким, анвойи гул ва булбулларга тўлуғ бу бўстон Сизнинг ҳам дилингни шод, қувваи ҳофизангизни обод этгай, азиз муштарий!

\* \* \*

Ҳў, ана, эринчоқ ўғлингга буюр,  
Олиб келсин бир қучоқ ўтин,  
Қизингга айт, гўза сугурмай,  
Сочларига қарасин.  
Сочлари — бир қучоқ ўтин.  
Бу ўтин — мажнунтолнинг хивичларидан.  
Тикилиб қарайман — кўзларим куюр.  
Дарахт девонадай муштар ўзини.

\* \* \*

Қайтдим. Жим.  
Ғарамларга юзимни босдим,  
Бир ҳид туйдим...  
Янтоқларга оёғим қўйдим —  
Бир оғриқ...  
Боқдим бойчечакка тик  
Косасида меҳр...  
Қайтди руҳим вужудимга, шукр.  
Демак, шудгор қилинмабди  
Кўксимдаги болалик дашти.

\* \* \*

Кўзларим ич-ичидан ёнди,  
Осмон тунни кўзимга тўқар.  
Ҳу, анави дарахт шоҳида  
Шаккок бойқуш кимнидир сўқар.

Ичларим ёниб борар,  
Балиқлар шопирар ойнинг чалобин.  
Кўксимга урилар ҳовузнинг тафти,  
Мени кунга ташлаб кетма тун!

Тилларим ич-ичидан ёнди,  
Бўғзимдан отилди сўзлар кўчкини.  
Фарғона тоғларида музни тишладим,  
Тилимдан сачради музлар учқуни...



## Гофир Қурбон



Фалакдан таралар нур эмас, тола,  
Минг рангда товланар гул ила лола,  
Капалак қувмоқда бир тўда бола,  
Баҳор, болаликни ёдга соласан.

Дилларда эрийди қор каби армон,  
Майсалар бўй чўзар — юксалар осмон,  
Қўлимни гулларга чорлаб ушбу он,  
Баҳор, ёшлигимни ёдга соласан.

Қайтадан гулзордай гуллади йўлим,  
Улмас қўшиқларни куйлар булбулим,  
Лабларим излади сени, севгилим,  
Баҳор, ёшлигимни ёдга соласан.

Шодлик деб ҳайқирар қаршимда чечак,  
Боладай ёшарар кўксимда юрак,  
Жаннат деганлари сен бўлсанг керак,  
Баҳор, ёшлигимни ёдга соласан.

Балки тунлар оппоқ, бир мен қораман.  
Ўз-ўзимни излаб, хўп овораман.  
Кўнглим кўприк қурган йўлдан бораман.

Ҳар куним умримга мен қурган устун,  
Ечилмас қай куним қаттиқ туғундай?  
Ҳарсангтош эмасман, ўйларим узун...

Вужудим ёнади ишқингда, ҳаёт.  
Бир куни жаннатдай замон туғилар,  
Дўстим, кўнглим элчи, қучоғингни оч!



\* \* \*

Кел, сирим кўйлаги — жулдур, ечаман,  
Сўнган бўсалардан тўйдим, кечаман,  
Бугун тонгда туриб шабнам ичаман,  
Мен сизни ичаман, кутинг, шабнамлар.

Унсиз учган қушни осмон қарғайди,  
Бевафо кўкламни хазон қарғайди.  
Заҳарли нодонни илон қарғайди,  
Мени эса тилсиз армон қарғайди.

Тунлари бағримни имон-ла ўйдим,  
Қай кун япроқ эдим, хасдайин куйдим,  
Кўнглимни юпатган сабрни суйдим,  
Сабрни суйдим мен, сабр ичаман.

Етимдай меҳрга зорим бор менинг,  
Қаҳр отли дилда дорим бор менинг,  
Қасос деб аталган ёрим бор менинг,  
Қасослар наслиман, қасос ичаман.



## Ёғин

Жала ёғаяпти.  
Ер эса қуп-қуруқ.  
Билмам не ҳол бўляпти ўзи.  
Одамлар кетяпти  
Ҳеч қайтмас бўлиб.  
Меросни ман қилар  
Хосиятсиз ёғин  
«Ўзи йўқнинг — кўзи йўқ» қилиб.  
Билмам не ҳол бўляпти ўзи.

Ниҳоллар нур истар,  
Мурғак қалбига  
Томчилар қадалар ўқ бўлиб.  
Билмам не ҳол бўляпти ўзи?..

## Йўриқ

Тоғлар тўғаноқдир инсон йўлига,  
Тирмашиб чиқишга қўймайди сира.  
Буталар-чи, арқон ташлаб  
Чўққиларга ҳам  
чиқишга чорлайди:  
«Йўли бор». — дея.  
Тоғлар қистамангиз...

## Дард

Бахтим  
ёнма-ён юргандек туюлар.  
Қўлимни узатсам етадигандек кўринар.  
Йўлдаман.  
Излайман.  
Бахтин излаб борар  
минглаб одамлар.  
Кимдир етаклайди бахтини топиб.  
Мен эса йўлдаман,  
Ҳамон йўлдаман...

## Нурмуҳаммад Муҳаммадиев



Холмурод АБДУРАҲМОН — 1969 йил Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ноҳиясидаги Очамайли қишлоғида туғилган. Ҳозир ТошДД журналистика куллитининг учинчи босқич толиби.

Гофир ҚУРБОН — 1963 йил Бухоро вилояти Қорақўл ноҳиясида туғилган. ТошДД филология куллитини битириб, ҳозир Ғ. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд бўлимида ишлаётир.

Нурмуҳаммад МУҲАММАДИЕВ — 1965 йил Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон ноҳиясидаги Уяқ қишлоғида туғилган. ТошДД журналистика бўлимини битириб, Ўзбекистон Ойнаи жаҳонда ишлаяпти.



Абдуқаҳҳор Иброҳимов

## МУСТАҚИЛМИ ЎКИ МУСТАМЛАКА?

Дадил ростини айтадиган бўлсам, «Мустақилмизми ёки мустамлака?» деган саволга аниқ жавоб бериш учун Ўзбекистонни бирор ҳақиқий мустақил давлат, масалан, Хитой, Миср, Мўғулистон ёки Франция билан таққослаб кўриш зарур. Мана, қиёслашни бошладим:

Хитойда мудофаа вазирлиги бор, Ўзбекистонда йўқ.

Миср Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо, Ўзбекистон аъзо эмас.

Мўғулистонга руҳсатномасиз ҳеч ким қадам босолмайди, Ўзбекистонга эса ҳар йили камида дайдиларнинг ўзидан 20 мингдан ортиғи «ташриф буюрмоқда», шундан 10 мингга яқини Тошкентда яшаб қолмоқда. «Мутахассис», «оғир саноатнинг малакали ишчиси» сифатида Бутуниттифоққа қарашли корхоналарга олиб келинган ва ҳамон яширинча олиб келинаётган кимсалар бу ҳисобга кирмайди, уларнинг миқдори айтилмайди ҳам, лекин маълум муддат ўтгач, масалан, ҳар ўн йилда бир марта ўтказиладиган аҳоли рўйхати натижалари мажбуран ёритилган, миграция сиёсатининг қиёфаси кўринади-қолади. 1989 йилнинг январида ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра Тошкентда, ўзининг яккаю ягона пойтахтида ўзбеклар 44 фоизга тушиб қолибди, бошқалар 56 фоизга етибди. Агарда Ўзбекистон амалда мустақил бўлганда, пойтахтимиз ва бошқа шаҳарларимиз ҳам бедарвоза бўлмасди. Мўғулистон мустақил

бўлгани учун гарчи жуда улкан территорияга эга бўлса-да, мўғул халқи ўз жумҳуриятида кам сонли аҳолига айланиб қолмади. Худди шундай улкан территорияга эга Қозоғистон эса мустақил бўлмагани учун қозоқ халқи ўз жумҳуриятида аҳолининг атиги 44 фоизини ташкил этадиган бўлиб қолди ва ҳоказо.

Францияда француз тилига давлат тили мақоми бериш ҳақида қонун қабул қилиш, бу қонуннинг айрим моддаларини амалга ошириш учун 3,5 ва 8 йил муддат белгилаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Лекин ССЖИдаги 14 иттифоқдош жумҳурият (Россияда бунга зарурат йўқ эди)да давлат тили ҳақида қонун қабул қилишга мажбур бўлинди. Иттифоқдош жумҳуриятларнинг мустақилликка илк қадам қўйишлари аслида Давлат тили ҳақида қонун қабул қилишларидан бошланди, деб ҳисоблайман. Шундан келиб чиқиб айтаманки, иттифоқдош жумҳуриятларда Давлат тили ҳақидаги қонунлари тўла амалга ошган палладан бошлаб, улар амалда мустақилликка эришадилар, дейиш мумкин: давлат бошқаруви, мудофаа, ташқи ва ички ишлар, қўйингки, ҳамма-ҳаммаси давлат тилида олиб борилади, катта-кичик амалдорлар орасида жумҳурият тилини билмайдиганлар бўлмайди, давлат тилини билмайдиган кимсаларнинг ўзлари ҳам амалдор бўлишга даъвогарлик қилолмайдилар. Ҳозир эса айримлар тил билмасалар-да, сираям уялиб-нетмай йирик-йирик лавозимларни эгаллаб юрибдилар. Хуллас, мустақиллик даражасини жумҳурият тилини қўллаш доираси билан белгилаш мумкин. (Тил хусусида кейинроқ яна тўхталамиз).

1 миллион 855 минг аҳолига эга Мўғулистон жаҳондаги 100 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабат ўрнатган, чунки у мустақил давлат, 20 миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистон эса дунёдаги бирор мамлакат билан дипломатик алоқа ўрнатмаган, чунки у...

Ўзбекистон Шўролар Ижтимоий Жумҳурияти (у туғилганда шундай аталган) 1924 йилдан бошлаб мустақил давлат деб расман ҳисобланса-да, амалда эса ССЖИнинг — унитар давлатнинг бир вилояти мақомида эди, холос. Тўғри, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовларнинг сазй-ҳаракатлари билан то 1937 йилга қадар айрим соҳалар бўйича бироз эркинликка эга бўлиб, ярим мустамлака даражасига эришган дамлар ҳам бордир. Бу фикримни шу билан исботлайманки, агар Ўзбекистон ССЖ амалда мустақил бўлганида эди, у ҳолда 1990 йили Ўзбекистон ССЖнинг давлат мустақиллиги ҳақида Декларация қабул қилишга ҳожат бўлмасди. Масалан, мустақил давлатлардан бўлмиш — 1918 йили мустақил деб эълон қилинган Финляндия орадан 70 йиллар ўтгач, яна Мустақиллик декларациясини эълон қилса кулгили бўлур эди, лекин 15 та иттифоқдош жумҳуриятнинг 1989—1990 йиллар давомида Мустақиллик декларациясини эълон қилиши ҳеч кимга эриш туюлмади, балки байрам сифатида қабул этилди. 15 та мустақиллик декларациясининг савияси ҳар хил, унинг савияси — мустақиллик белгиларининг даражаси ҳар хил. Бундаги мезон у ёки бу жумҳурият халқи сиёсий онги, миллат сифатида қай даражада уюшганлигига боғлиқ бўлди. Масалан, Украинанинг Мустақиллик декларацияси бошқаларга қараганда қатъийроқ, кескинроқ ва анча етуқдир.

Декларация дегани Баёнотдир. Мустақиллик декларацияси дегани фалончи давлат мустақил деганидир. Ҳалво дегани билан оғиз чучимайди, деганларидек, Ўзбекистон ССЖнинг Давлат мустақиллигини эълон қилишнинг ўзи биланоқ Ўзбекистон мустақил бўлиб қолмайди. Мустақиллик Декларацияларини эълон қилган жумҳуриятлар бу тадбир ила ҳурлик сари маънавий бир қадамни қўйдилар.

Мустақиллик Декларацияси — бу миллатнинг миллий, сиёсий ва ҳуқуқий уйғонишидир.

Мустақиллик Декларациясини қафасдаги қушнинг «Мен озодман», дея қафас эшигини очишга қалит солишидир. Шу ўринда етмиш йиллардан бери «модда бирламчи, онг иккиламчи», «аввал таом, кейин калом» дея миямизга қўйиб келинган ақидаларнинг сохталигини таъкидламай ўтолмайман. Кишилиқ тарихи тасдиқлайдики, ният аввало мияда туғилади, кейин қўл ҳаракати билан амалга оширилади. Шу каби олдин Мустақиллик Декларацияси эълон қилинди, кейин уни амалга оширишга киришилмоқда. Шу нуқта назардан қараганда ўн иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси ва унда қабул қилинган Ўзбекистон ССЖнинг «Ўзбекистон ССЖда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузили-



шини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» деб чиқарган қонуни, Олий Кенгашнинг Ички ишлар иттифоқ-жумҳурият вазирлигини жумҳурият вазирлигига айлантириш ҳақидаги қарори ҳақиқий мустақиллик сари ташланган илк қадамлардандир. Шу сессияда бундан буён жумҳурият прокурори ва унинг ўринбосарлари ташқарида, яъни Москвада эмас, ўзимизда — Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши томонидан тасдиқланиши қонунлаштирилди, яъни бу борада ҳам мустақиллик сари бир қадам ташланди. Лекин жумҳурият прокурори ва унинг ўринбосарлари лавозимига номзодлар танлашда яна ташқарига — Москвага — ССЖИ Бош прокурори билан келишиш шарт деб белгилаб қўйилиши жумҳуриятимиз ҳали тўла мустақилликка эришмаганини, аниқроғи ярим мустамлака — қарам давлат даражасида қолганини билдиради. Лекин умуман прокуроримизни Тошкентда тайинланиши муҳим сиёсий ва ҳуқуқий ютуқдир. Демак, Ўзбекистоннинг ҳозирги раҳбарияти тўла мустақилликка босқичма-босқич эришиш йўлини танламоқда ва менингча, бу ҳозирги шароитда бирдан бир тўғри йўлдири, деб биламан. Чунки 70 йиллардан бери жумҳуриятимизга бир вилоят сифатида қараб келинган, буйруқ бериш ва зуғум ўтказишга ўрганиб кетган кучлар ўз мавқеларини осонликча топширмайдилар. Иккинчидан, давлат бошқаруви, ҳарбий ва дипломатия бўйича маалакали ва билимдон кадрларни етарлича тайёрлашимиз учун ҳам бирмунча муддат зарур.

Маълумки, давлат бошқаруви уч таркибий қисмдан, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборатдир. Жумҳуриятда Президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг қўшиб юборилиши ижроия ҳокимиятини мустақиллашга хизмат қилажак. Бу система жаҳонда ўзини оқлаган, илгор системалардан биридир. АҚШнинг жаҳонда етакчи давлатлардан бири бўлишига олиб келган омиллардан бири ҳам у ерда ижроия ҳокимиятини қудратли бўлишига бутун чоралар кўрилган.

Бир мукаддас китобда айтилганидек, равнақ этиш учун таррақий этган мамлакатлар билан узвий алоқа боғламоқ керак. Бўлажак тижорат ишларимизни ва элчилар айирбошлашни ён қўшни — жон қўшнилариимиз ва таҳассиб қилсак арзийдиган илгор мамлакатлардан бошламоқ лозим, токи улардан ибрат олиб, улар билан бир сафда бўлайлик.

Айтгандай, тилимнинг учда турган бир гап ёдимга тушди: 1990 йилнинг октябрь ойида Михаил Горбачев Испания қиролиги ва Франция жумҳуриятига расмий ташриф буюрди. Газетада унинг ҳамроҳлари номини, жумладан, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг номини ўқиб, дилимда нега бизнинг президентимиз йўғ-а, деб қўйдим. Албатта, Ўзбекистоннинг бир фарзанди сифатида. Лекин Михаил Горбачевнинг Испания ва Францияга сафарининг телетасвирини кўриб, газеталарда ташриф баёнини ўқиб, дилимдан кечган ўша армоним аслида армон эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Негаки, Нурсултон Назарбоев (қардош қозоқ халқи ва қўшни Қозоғистон учун Динмуҳаммад Қўнаевдан кейин кўп ишлар қилишга интилаётгани учун бу давлат арбобини ҳурмат қиламан ва шу сабабли мақоламда унинг номини тилга олаётирман) телетасвирларда кўринмади, газеталарда номи кўринмади, чунки у Франция ва Испанияга ташриф буюрган делегацияда биринчи шахс эмас, балки делегациянинг бир аъзоси эди. Агар Қозоғистон Президенти сифатида, ҳа, мустақил Қозоғистоннинг Президенти сифатида расмий тақлифга кўра расмий ташриф буюрганда, албатта унга ҳам Михаил Гобрачевга кўрсатилган даражада иззат-икром кўрсатиларди. Бунинг учун эса Қозоғистон халқаро субъект мақоми олиши шарт. Хуллас, Ўзбекистон Президенти Испания ва Францияга қилинган ўша ташрифда қатнашмагани президентлик мавқеи, жумҳурият шуқуҳи нуқтаи назаридан дуруст бўлган экан, буни кейин илғаб қолдим. Мустақилликнинг ана шундай талаблари ва нозик томонлари ҳам кўп. Яқин келажақда шунга эришайлик: жумҳуриятимиз раҳбарлари чет эл мамлакатлари (иттифоқдош жумҳуриятлар ҳам шулар сирасига қиради)га расмий ташриф буюришганда, меҳмон ва меҳмон томонларнинг Давлат маҳфиялари ижро этилиши, Давлат байроқлари ҳилпираб туриши ва улар шарафига аскарлар сафи юриб ўтиши керак. Иншоллоҳ, қутлуғ вақти-соати билан бунга ҳам етишармиз. Ўзбекистон ССЖ Президенти, Вице-президенти, Олий Кенгаши шуни мақсад қилиб олишгани улар фаолиятдан

кўриниб турибди. Бу эса мустақиллигимиз кўшандаларига ёқмаётир, албатта. Улар очик қарши чиқишга ботина олмайдилар (бутун Ер юзюда бўлгани каби дунё куруқлик қисмининг олтидан бирини ташкил этувчи ССЖИда ҳам халқлар уйғондилар, уйғонмоқдалар, бу ҳолдан кўз юмиш мумкин эмас), улар эмидан иш тутмоқдалар. Юқориде айтиб ўтганимдек, давлат ҳокимиятининг уч таркибий қисми, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ташқари бугунги кунда матбуот ҳокимияти, журналистлар назорати ҳам бор. Агар оммавий ахборот воситаларидан беғараз фойдаланилса, қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ишлари тўғри ва адолатли олиб борилади. Мабодо халқ минбари бўлмиш матбуот, радио, ойна жаҳондан ғаразли мақсадларда фойдаланилса, халқлар ўртасига нифоқ солинади, жумҳуриятларда парокандалик юз беради. Мустақиллигимизга қарши кучлар оммавий ахборот воситаларидан ғараз йўл билан фойдаланаётгани бугунги кунда Ўзбекистон халқларининг ҳамма қатламларига яхши маълум. Энди ана шу ҳақда сўз боради.

Жумҳуриятимиз Олий Кенгашининг учинчи сессиясида эл кўнглининг тубида, тилининг учда турган дардли гаплар айтилди, марказий газета-журналлардаги ғаразли чиқишларга кескин танқидий муносабат билдирилди. Президент И. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқлари халқимиз ва жумҳуриятимиз шаънини асосли ҳимоя қилишга бағишланди. Бундай дадил чиқишлар жумҳурият парламенти минбаридан илгарилари айтилганини эслаёлмайман. Президентимиз халқимиз ва жумҳуриятимиз шаънини ҳимоя қилишда жасорат кўрсатган экан, биз зиёлилар ҳам бу қутлуғ ишга жиддий киришайлик, Ўзбекистон халқларига ҳақиқатни етказайлик, раҳбариятимизга кўмакдош бўлайлик.

Ичунун, ҳозирги даврнинг биринчи белгиси шуки, қайноқ ҳаётда яшаётиб, курашдан четда туриш мумкин эмас, лоқайдлик тараққийётнинг асосий кўшандасидир. Ландовурларнинг оғзидаги ошини ҳам олдириб қўяётганини кўриб турибмиз. Сир эмаски, илгарилари то партия ташкилотларидан садо чикмагунча, ташаббус кўрсатиш йўқ эди. Бунга ҳам сабаб шу эдики, биринчидан, ташаббус юқоридан бошланиши одат тусини олиб, бир анъанага айлиниб қолган бўлса, иккинчидан, қуйдан ташаббус кўрсатмоқчи бўлган шахсининг бутун хатти-ҳаракати зое кетарди, баъзан эса «бошқаларнинг ишига бурнини суқувчи» деган тавқи лаънат «соҳибни» бўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди.

Ёзилмаган қонунлардан бири шу эдики (буни матбуот кўчасидан ўтган одамлар яхши билишади), Москва газета-журналларида чоп этилган материалларнинг ҳар қандай ҳам, бўҳтону тухматлардан иборат бўлса ҳам, «фармон» кучига эга бўларди, «танқидий фактлар тасдиқланди» дея «жавоб» берилиши шарт эди. Бу гапларни шунинг учун ҳам айтаяпманки, бутун онгли ҳаётим давомида биринчи марта жумҳурият Олий Кенгаши сессиясида марказий матбуотнинг қилмишларию кирдикорлари муҳокама қилинганини телевизорда кўрдим, рўзномаларда ўқидим. Бу ҳам даврнинг янги белгиси, адолат учун курашишининг бир кўринишидир.

Шу ўринда бошқа бир мақоламда ёзилган ушбу сатрларни келтиришни жуда жоиз деб биламан (мақсадимни аниқ ифодалаш учун, албатта): Шу газетанинг (яъни «Литературная газета»нинг) 12 октябрь сониде В. Жириновский деган «шарқшунос»нинг «башорат» қилишича, агар иттифоқдош жумҳуриятларга мустақиллик берилса, Озарбойжон Арманистонни ютиб юборармиш, Молдова Руминия бағрига қирармиш, Эрон шиолида яшовчи туркманларни Туркменистон ўзига қўшиб олармиш, Афғонистон Тожикистонни босиб олармиш, Ўзбекистон Қирғизистонни йўқ қилармиш».

Доно халқ айтганидек, қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам очилади, агар кистовига олса, ёлгоннинг умри қирқ кунга ҳам етмайди, деганидек, В. Жириновскийнинг юқоридеги бўҳтонларининг хашага бир ҳафтадаёқ ошкор бўлиб қолди: «Собседник» ҳафталигининг шу йилги 41-сониде ушбу сатрларни ўқиш мумкин: «Либерал-демократик партиянинг 11 сьезди депутатлари унинг раиси Владимир Жириновскийни «партия маблағларини ўзлаштиришда, ишни барбод қилишда ва Давлат Хавфсизлиги комитети билан ҳамкорлик этишда айблаб» Либерал — демократик партиядан чиқаришди». (Таъкид меники — А. И.) Миси қикди, деб мана шунга айтсалар керак. Бундай миси чиқадиган баъзи муаллифлар Москвадаги кўпчилик газеталарда фаолият кўрсатаётгани фа-



қат Ўзбекистон аҳолисинигина эмас, Украина, Қозоғистон, Молдова, Болтиқбўйи, айтиш мумкинки, барча минтақалардаги газетхонларни ҳам ташвишлантирмоқда. Тинч — хотиржам яшаш ниятида маҳаллий жамоатчилик В. Ардаев деган мухбирни Олмаотадан, В. Дрозд деган мухбирни Львовдан чиқиб кетишини талаб қилди. Лекин ҳомийлари уларни аллада азиз, тўрада майиз қабилида эркалатишда давом этмоқдалар. Бундай разиллик ташқаридан туриб қилинмоқда. Хўш, шундай номаъқулчиликлар ичқаридан туриб ҳам амалга оширилаётган нима дейсиз? Нонқўрликми! Нобакорлик дейсизми? Жумҳуриятнинг тузини ичиб, тузлугига тупурган кимсалар яна кўзимизга қандай қилиб қарай оладилар-а?! Бетавфиқда уят-андиша нима қилсин, деб мана шунга айтсалар керак-да!

Мисолни жумҳуриятда рус тилида чиқаётган газеталарнинг етакчиси ва йириги бўлмиш «Правда Востока»нинг «фаолияти»дан келтира қоламан. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашим керакки, рус тилида чиқаётган газета-журналлар жумҳуриятда яшовчи 8 фоиз атрофидаги рус аҳолисинигина тегишли бўлиб қолмай, шу тилни билувчи барча аҳолининг шу жумладан, тубжой миллатлар — ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қорақалпоқлар ва бошқаларнинг ҳам рўзномасидир. Бутун Ўзбекистоннинг газетасидир. Аслида шундай бўлиши керак эди. Лекин бу газетани мунтазам кузатиб борсангиз, айрим УЗАГА тегишли расмий материалларни ҳисобга олмасангиз, Ўзбекистонда нашр этилаётганга, жумҳуриятнинг уч олий ташкилотининг органи эканига ишонмайсиз. Материалларнинг муаллифлари ҳам, ҳатто фотосуратлари ҳам бу фикримга исботдир. «Правда Востока»ни бошқа иттифоқдош жумҳуриятлардаги, шу жумладан, Болтиқбўйи, Кавказорти жумҳуриятлардаги худди шу мавқедаги газеталар билан таққослаб кўрсангиз, ҳақиқат равшан бўлади-қолади. Ҳатто Нью-Делида инглиз тилида чиқаётган «Индустан таймс» газетаси ҳам Лондон учун хизмат қилмайди, балки Ҳиндистон манфаатларини ҳимоя қилади. Биздаги русча газеталар эса Ўзбекистон ҳаётидан узилиб қолган, айниқса, жумҳурият аҳолисининг 75 фоизини ташкил қилувчи ўзбеклар турмуши, дарди, орзу-умидлари, аънаъларини ёритишда оқсамоқда, балки ёритишни истамас... Айниқса шуниси ташвишланарлики, бирор дадил фикр йилт этиб кўринса, бирор янгилик ялт этиб буй кўрсатса, ўша заҳотиёқ уларга тош отилади, бешиклигдаёқ бўғиб ташлашга киришади. 1990 йилнинг 7 август кунин «Правда Востока» газетасида кўтарилган шов-шув шу фикримни тасдиқлайди ва жамоатчиликни ҳушёрликка ундайди.

«Пионер Востока» газетасининг 1990 йилги 21 июль сонисида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Ошкоралик комитетининг масъул котибаси Т. М. Тўлагановнинг интервьюси босилиб, унда жумладан бундай дейилади:

— Матбуот ҳақидаги Иттифоқ қонуни ва Болтиқбўйи жумҳуриятларининг бу борадаги тегишли қонунлари асосида жумҳуриятнинг матбуот ҳақидаги қонунининг лойиҳасини туздик. Биз уни Иттифоқ қонунига нисбатан янада демократикроқ, янада мустақилроқ қилишга интилдик. Матбуот — бу кишиларнинг қўлидаги ўйинчоқ эмас, у ҳокимият устидан ҳокимиятдир. Ўзбекистон ССЖнинг Матбуот ҳақидаги қонуни Ўзбекистон ССЖ Олий кенгаши сессиясида қабул қилинганидан кейин кучга киради.

Жумҳурият парламенти расмий ва масъул вакилининг фикрига асосланиб, «Пионер Востока» газета редакцияси 1990 йилнинг 1 августидан Ўзбекистон ҳудудида Иттифоқнинг Матбуот ҳақидаги қонуни кучга кирмайди, деган хабарни маълум қилади. Бор гап шу. Шов-шув кўтаришга арзигулик ҳеч гапнинг ўзи ҳам йўқ аслида. Лекин кейинги йилларда «Правда Востока» учун йўқ ердан гап топиб, бу гапни чувалаштириш одат тусига кириб қолди. Икки-уч йил олдин маданий меросга муносабат масаласида ҳам ноилмий фикрларни эълон қилиб, жамоатчиликни, айниқса ўзбек халқи тарихини чуқур билмайдиган аҳолининг фикрини чалқатиришга уринишлар бўлган эди, ҳатто «Темурнинг ўзбек халқига ҳеч қандай алоқаси йўқ» дейишгача бориб етганди. 1989 йили ўзбек тилига давлат тили мақомини беришга доир масалаларни ёритишда ҳам биртомонламаликка йўл қўйган эди. 1990 йили эса КПСС XXVIII съездини ёритишда ҳам узакилик, бир томонламалик каби камчиликларни такрорлади.

Шу газета Т. Тўлаганова интервьюсида илгари сурилган ҳур ва қонуний фикрга қарши Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва тартибни сақлаш бўйича комитети раиси Э. Халиловнинг интервьюсини уюштиради. «Правда Востока»нинг 1990 йилги 7 август сонисида босилган бу интервьюсида Э. Халилов бундай дейди: «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги ССЖИ Қонуни шу йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида ҳам қонуний кучга кирди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки Ўзбекистон ССЖ Конституциясининг 75-моддасини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, шу моддага биноан ССЖИ қонунлари жумҳурият ҳудудида мажбурийдир. Тилга олинаётган ҳужжат тўғридан-тўғри таъбир этувчи қонунлар ва бутун мамлакат ҳудудида, демак, Ўзбекистон ССЖда ҳам кучга эгадир».

Э. Халилов гарчи жумҳуриятимизда Қонунчилик, қонунийлик ва тартиб сақлаш бўйича олий мансаб ва мавқени эгаллаб турган бўлсалар ҳам, газетада у кишининг тилидан берилган юқоридаги гаплар энг сўнги қонунлар асоси — Мустақиллик декларациясига зиддир. Биринчидан, Мустақиллик декларациясининг 4-моддасига биноан «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги ССЖИ қонуни шу йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон ССЖда қонуний кучга киргани йўқ, чунки у Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши томонидан тасдиқлангани йўқ. Тасдиқланмаган ҳужжатни ҳеч қачон ҳужжат деб бўлмади. Кимда ким Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашида тасдиқланмаган нарсани қонун деса, у ҳолда Ўзбекистон ССЖнинг Мустақиллик декларациясини инкор этган бўлади. Наҳотки Олий Кенгашимиз Комитетининг раиси Э. Халилов ўзи бошчилигида тайёрлаб, маъқуланиб, кейин Олий Кенгаш муҳокамасига қўйилган, қабул қилинган, ўзи ҳам овоз берган Мустақиллик декларациясига орадани икки ой ўтмасдан қарши фикр билдирса ёки Олий Кенгаш сессиясида бошқа гапни айтиб, «Правда Востока» газетасида унинг аксини гапирishi мумкин экан-да. Газетхонларда қани мантик, қайси бирисига ишониш керак, деган савол туғилиши табиийдир.

Яна шуниси ҳам борки, Э. Халилов тилга олган ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ Конституциялари айна турғунлик даврида 1977—1978 йилларда тайёрланган бўлиб, маъмурий — буйруқбозликнинг типик «мева»ларидир. Янги Иттифоқ шартномаси тайёрланаётган, демократик тартиблар жорий этилаётган ҳозирги кунда эскирган моддаларни рўқач қилиш қонуншунос олимга ярашмас керак. Қолаверса, Ўзбекистон ССЖнинг Мустақиллик декларациясининг 12-моддасида бундай дейилади: «Ушбу Декларация Ўзбекистон ССЖнинг янги Конституциясини ҳамда янги Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир». Бу деган сўз эски Конституциянинг ҳам умри тугаб қолганини тасдиқлайди.

Масала ўта жиддий бўлгани сабабли, ойдинлик киритиш мақсадида Э. Халиловнинг «Правда Востока»да босилган интервьюси муносабати ила Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Ошкоралик комитети расмининг ўринбосари Жаҳонгир Мама-тов билан суҳбатлашдик, ўша интервьюга муносабатини сўрадик.

— Ошкоралик комитетимиз аъзолари ҳам Қонунчилик, қонунийлик ва тартибни сақлаш бўйича Олий Кенгаш комитети раиси Э. Халилов номидан «Правда Востока»да эълон қилинган фикрларни ўқиб, қаттиқ ҳаяжонландик ва таажжубга тушдик. Наҳотки Ўзбекистон ССЖ Мустақиллик декларацияси қабул қилинганидан кейин ҳам шундай асоссиз гаплар матбуот юзини кўрса? Мен шахсан Э. Халилов билан суҳбатлашдим, интервьюсига салбий муносабатимни билдирдим. Э. Халилов бундай деди: «Мен бу гапларни комитет раиси сифатида эмас, бир шахс сифатида айтгандим. У гаплар комитетнинг расмий фикри эмас, менинг шахсий мулоҳазаларимдир. Яна бунинг устига мен бу гапларни матбуот учун айтмаган эдим, редакция менинг розилигимни олмай чоп этиб юборибди...»

Бу гапларни тинглаб, ўйлаб қолдим. Умуман олганда, расмий шахснинг норасмий фикри бўлармикин? Матбуотда босилган расмий шахснинг фикрини, қани ким расмий эмас, шахсий фикр деб тушуниб етаркин? Менимча, расмий шахснинг фикрлари у то ўз лавозимида турган экан, фақат расмий фикр деб тушунилган ва ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундай деб қабул этилади. Агар Э. Халилов редакцияга эътиро-



зани раддия шаклида шу газетادا жамоатчиликка маълум қилганида эди, унинг узри қабул этиларди, масалага ойдинлик киритиларди. Мустақиллик декларациямизга отилган тош уни отганларнинг ўзига қайтиб келарди. Зеро, «Правда Востока» да ёки бўлмаса бошқа матбуот саҳифаларида, радио ва телевидениеда Э. Халиловнинг раддияси эълон қилинган ийк. Мустақиллик декларациямизни кўз қорачуғидек ардоқлашимиз, ҳимоя қилишимиз ва амалга оширишимиз зарур. Шуниси ўта ачинарлики, жумҳуриятдаги қонунчиликни ҳимоя қилишга даъват этилган Ўзбекистон ССЖ Конституциявий назорат комитетининг раиси Ш. Уразаев «Правда Востока» нинг «Ким ҳақ?» деган саволига ҳеч бир масъулият сезмаган ҳолда тўғридан тўғри «Қонунчилик, қонунийлик ва тартибни сақлаш бўйича комитет раиси ҳақ» деган жавоб беради. Бу жавобдан яна ўйга толасан, киши. Узи Олий Кенгаш сессиясида халқ депутатлари кимларни комитет раислари қилиб сайладилар. Конституциявий назорат комитети раисининг ўзи ҳам Мустақиллик декларациямизга зид фикрни қўллаб-қувватлаб ўтирса-я. Ута масъулиятли лавозим жуда эгасига топширилибди-да. Ҳақ ибораси билан айтганда «қўйлар ҳимояси бўйрилар зиммасига юкланибди-да!» Мустақиллик декларациямизни Конституциявий назорат комитетининг раиси ҳимоя қилмаганидан кейин додимизни кимга айтаемиз? Мустақиллик декларациямизни бир овоздан қабул қилган 463 нафар халқ депутатларимизгами? Буни қарангки, улардан биронтаси матбуотда «Правда Востока» кўтарган шов-шувга муносабат билдирмади, Т. Тўлагановнинг адолатли фикрини оқлаб чиқмади. Депутатларимиз Олий Кенгашнинг 1990 йил октябрь ойининг охириги ҳафтасида бўлиб ўтган учинчи сессиясида Э. Халилов ва Ш. Уразаевнинг интервьюларида Мустақиллик декларациямизга нисбатан билдирилган зид фикрларга сиёсий баҳо бермадилар, Т. Тўлагановнинг қонуний фикрини қонунан ҳимоя қилмадилар, «Правда Востока» газетасининг қилмишига мутолақа лоқайд қарадилар. Ҳатто Олий Кенгаш Ошқоралик комитетидан ҳам садо чиқмади. Қитмирлик, фирромлик, ишбузуқилик каби иллатлар фож этилиши, Мустақиллик декларациямизни ҳимоя қилиш ва амалга оширишни фақат депутатларимизга ташлаб қўйиб, ўзимиз четга туришга ҳаққимиз ийк. Демак, «Правда Востока»да кўтарилган ўринсиз ўша шов-шув чуқур ўрганилиб, Олий Кенгашнинг тўртинчи ёки ундан кейинги сессияларида муҳокама қилиш ва тегишли хулоса чиқариш учун махсус комиссия тузишни таклиф қиламан, токи Мустақиллик декларациясига тош отишлар қайтарилмасин. Бундай иш тутишни виждон ва ҳамият иши деб биламан. Чунки Мустақиллик жумҳурият ва унинг фуқаролари учун ор-номус, кадр-киммат ва шаън-шавкат белгисидир. Мустақиллик декларациямиз эса ана шу муқаддас қадриятларимизни ифодаловчи тарихий ҳужжатдир.

Айтгандай, Ш. Уразаев ўша интервьюсида ССЖИ қонунлари тўғрисида сўз юритмасликка даъват қилади, бу билан амалда жамоатчиликни пассив бўлишга ундайди. Ваҳоланки, айниқса шу кунларда — янги Иттифоқ шартномаси қандай бўлиши жиддий муҳокама қилинаётган ўта долзарб бир пайтда жамоатчилик фаол бўлиши, лоқайдликка чек қўйиши зарур. Ҳамма-ҳамма, биринчи галда зиёлилар ғафлат уйқусини тарк этиб, элини олға етаклашлари керак.

Сиёсий мунозаралар ва курашларда ҳуқуқшунослар энг олдинги сафда бўлишлари лозим эди, лекин, афсуски, Ўзбекистон ҳуқуқшуносларида ана шу фазилат анчагина камёб. Бу ҳолини Ш. Уразаевнинг ўзи ҳам «Правда Востока»нинг ўша сониди, яъни 1990 йилнинг 7 августиди «Инсон. Жамият. Қонун» рунки остида босилган мақоласида эътироф этади, жумҳуриятда ҳуқуқшунослик фани қоқоқ, малакали, билимдон кадрлар оз дейди. Бунга ҳуқуқшуносларнинг ўта пассивлиги ҳам сабаб эмасмикин? Интилганга толе ёр, буюк ютуқларнинг ёнаси ҳам, дояси ҳам жасорат эмасмикин?.. Ҳурматли академикимиз жамоатчиликни пассивликка қорлашини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу ўринда ҳурматли академикимизга битта савол тўғилади. Хўш, жумҳуриятда ҳуқуқшунослик оқтаётган экан, у ҳолда «Ўзбекистон ССЖ фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси», «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонлари ҳуқуқшуносларга нега берилган? Бунда мантиқни кўрмайман. Демак, тур-ғуналик даврида қабул этилган Конституцияларни кўкка кўтариб мақтаб, олий унвонларни қўлга киритган ҳуқуқшунос-

ларимиз бугун халқ учун хизмат қилишга киришишлари лозим, ана шунда «академик», «муҳбир аъзо», «фан арбоби», «хизмат кўрсатган юрист» деган унвонларини оқлаган бўлур эдилар. Ўзбекистонлик бирор ҳуқуқшунос матбуот орқали бирор қонун лойиҳасини, лоқал бирор модда таклиф қилди, Иттифоқ шартномаси қандай бўлиши ҳақидаги мулоҳазаларни билдирди? Унвонлар қатор-қатор, ишдан дарак ийк. Ишлаш керак, бўлмаса истефого чиқиш керак, беҳуда-га ўринни эгаллаб ўтириш ярамайди.

1990 йил 2 августда эълон қилинган ССЖИ Президентининг «Иттифоқ шартномасининг негизи сифатида бозор иқтисодиётига ўтишнинг Иттифоқ дастури концепциясини тайёрлаш тўғрисида» деб чиқарган фармойиши икки нуктада ССЖИ Конституциясига зид эди.

Биринчидан, ССЖИ Президенти бу фармойишни чиқаришда фақат РСФСЖ раҳбарлари билан аҳдлашган, Иттифоқни ташкил этувчи бошқа субъектлар — 14 иттифоқдош жумҳурият раҳбарлари бу аҳдлашувдан четда қолганлар;

Иккинчидан, ишчи гуруҳ ишини назорат қилиб туришда ССЖИ Президентидан ташқари фақат РСФСЖ Олий Кенгашининг Раиси қатнашади, деб белгиланган, бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар раҳбарлари эса бу назоратга жалб этилмаганлар. Ваҳоланки, сўз Иттифоқ шартномасининг негизи хусусида борар экан, уни тузишда ҳам иттифоқни ташкил этувчи ва шартномани имзоловчи барча субъектлар тенг қатнашишлари шарт, уларни четлаб ўтиш қонунга зид. Хуллас, бу фармойиш илгари бўлиб келганидек, иттифоқдош жумҳуриятлар учун ҳам фақат москвалик раҳбарлар томонидан имзо қўявериш ҳалом этаётганини, ҳамма масалалар Москванинг ўзида қабул қилиб қўйилаётганини, ССЖИ ҳукумати амалда фақат РСФСЖ ҳукумати билан келишаётганини, РСФСЖ сиёсий мавқеи бошқа жумҳуриятлардан кучли эканини кўрсатиб қўйди. Аслида, яъни қонунан барча иттифоқдош жумҳуриятлар катта-кичиклигидан қатъи назар сиёсий жиҳатдан тенгдир.

ССЖИ Конституциявий назорат комитети ана шундай қонундан чекинши ҳолларини кузатиш ва ўз вақтида бартараф қилишга даъват этилгандир. Лекин, афсуски, бу комитет юқорида тилга олинган Конституцияга зид фармойишга муносабат билдирмади. Бу комитетдан ўрин ишғол қилган Ўзбекистон ССЖ вакили А. Аъзамхўжаев ҳам бу борада сукут сақлади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Иттифоқ дастури концепциясини тайёрлашда фақат Марказ ва РСФСЖнинг ўзигина қатнашмай, бошқа жумҳуриятлар ҳам иштирок этганида, ўйлайманки, бозор иқтисодиётига ўтиш масаласи анча енгил кўчарди. Шу ўринда марказ РСФСЖдан бўлак иттифоқдош жумҳуриятларни инobatга олмай қаттиқ адашиди, бундан миллион-миллион омма, жумладан, РСФСЖ аҳолиси ҳам наф кўрмади. Қонун бузилмаслиги маъсул бўлган ССЖИ Конституциявий назорат комитети эса ўз асосий вазифасини ўтамади. Демак, бугунги кун талабига жавоб беролмайдиган вакиллар, яхшиси, ўзлари истефого чиққанлари маъқул. Улар ана шу йўл билан ҳам ўз халқлари ва жумҳуриятларига наф етказдилар. Чунки ҳар ким ўз ўрнида ишласа, ўзининг қўлидан келадиган вазифани бажарса, бундан унинг ўзи ҳам, оиласи ва жамият ҳам кўпроқ наф кўради, албатта.

Жумҳурият жамоатчилигининг эътиборини янги Иттифоқ шартномаси тузилаётганига жалб этиш мақсадида шу ҳақдаги бир-икки мулоҳазамни маълум қиламан.

Узингиз ўйлаб кўринг, Иттифоқ парламентида қабул қилинган қонун ва бошқа расмий ҳужжатлар Ўзбекистон ССЖ Мустақиллик декларациясининг 4-моддасига биноан жумҳурият (Украина ССЖ, Белоруссия ССЖ ва ҳоказолар) Олий Кенгаш сессиясида тасдиқлангандан кейин кучга киради. Бунинг ўрнига оддий мантиқ бўйича иш тутиб, жумҳурият учун зарур қонун ва расмий ҳужжатларни ҳар қайси иттифоқдош жумҳуриятнинг Олий Кенгашида қабул қилинган маъқул эмасми! Ана шунда Иттифоқ халқ депутатларига ҳам, Иттифоқ Парламентида ҳам ҳолат қолмайди, ҳар бир жумҳурият ўз шароитидан келиб чиқиб, ўзига зарур қонунларни қабул қилаверади. Ҳамма нарсанинг, барча ташкилотларнинг Бутуниттифоқ органларини тузавериш охири-оқибатда Ер юзи қуруқлик қисмининг олтидан бир қисмини турғунлик ботқоғига ботириб қўйгани энди ҳаммамизга бир сабоқ бўлсин. Жумҳуриятлараро — давлатлараро муносабат-



ларни юритишда ягона қонуний ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятдан фойдаланишни тезроқ йўлга қўйиш керак. ССЖИ эса мустақил давлатларнинг иқтисодий иттифоқи бўлиб қолиши, унга иттифоқни ташкил этувчи давлатларнинг президентлари маълум муддат давомида галма-галдан мувофиқлаштирувчи раис сифатида раҳбарлик қилишлари мумкин. Бу иттифоққа кириш ва чиқиш мутлақо эркин бўлиши керак, ҳеч бир давлат мажбуран киртилмаслиги, чиқишни истаган давлат мажбуран ушлаб турилмаслиги керак. Ҳозир айримлар фалончи жумҳурият ССЖИдан чиқмоқчи экан, дейдилар. Аслида бу ибора мантисиздир. Иттифоқ таркибида бўлинадими, ундан ташқарида бўлинадими, ундан қатъи назар ана шу яккаю ягона она Еримизда яшайдилар ҳамма халқлар. Ҳаммамизнинг умумий тақдиримиз бир. Халқларнинг иттифоқлари шундай одамлати бўлсинки, унинг таркибига кириш фахрли бўлсин, одамлар орзу қилсин, халқларнинг қонуний ҳуқуқлари ва тенглиги тантана қилсин — Мустақиллик турмуш тарзи ва бош шiori маслак бўлсин. Ҳар қандай иттифоқлардан холи яшашни ихтиёр этган халқларга ҳам тўла эркинлик берилсин ва уларнинг йўли тўсилмасин!

Фуқароси мустақил бўлган жумҳуриятнинг мустақиллиги кучли бўлади. Умуман, давлат мустақиллиги даражаси унинг фуқароларининг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий мустақилликларининг даражасига боғлиқ ва шулар билан белгиланади. Фуқаро эркин ва мустақил бўлмай туриб, жумҳурият мустақиллиги узоққа чўзилмайди. ССЖИнинг таназзулга учрашига энг аввало фуқароларнинг мустақиллиги таъминланмагани сабаб бўлди, яъни турмуш тарзимизнинг моҳияти «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган сохта шiorда белгиланган, шу шior остида 73 йилдан ортиқ яшаб келдик. Аслида бу шior шахс эркинлиги ва мустақиллигини топтади, текисчиликни жорий этишга ундади ва ташаббускорликни бўғиб келди. Жамият билан шахс ўртасидаги ва, аксинча, шахс билан жамият ўртасидаги муносабатлар, шу жумладан масъулият ана шу шior асосида қурилди ва амалга оширилди. Бу принцип моҳият эътибори билан хатодир, совет жамиятини таназзулга учратган, мамлакатда эгасизликни келтириб чиқарган нарса ҳам аслида ана шу шiorдир. Умуман, бу шior сохтадир. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун бўлолмайди, яъни яшай олмайди. Биров учун биров яшай олмайди, киши биров бўлиб яшай олмайди, у ўзи бўлибгина яшай олади, холос. «Ҳар ким ўз лаёқатини кўрсатсин» деган шiorни тўғри деб топаман ва пайтдан фойдаланиб шу шiorни ўртага ташлайман, шу шior остида яшашга чорлайман. Сезиб турибман, менинг фикримни — шiorимни рад этишга шошилувчилар кўп. Йўқ, шошилманг, азизлар. Инсон она табиат махсули экан, она тупроқдан вужудга келган экан, у нимаики қилса, шу маконда, шу табиатда қилади. Халқимиз «беш қўл баробар эмас» дейди. Бу эса ҳамма одам ҳар хил, бир хил эмас, улар табиатан ҳар хил қилиб яратилган, уларга бир хил талаб билан ёндашиш, бир хил масъулият юклаш ва бир хил масъулият талаб қилиш мумкин эмас, деган сўздир. Демак, «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган шior шахс билан жамият ўртасидаги масъулият талабига зиддир. Бизда жамият томонидан ҳамма шахсга бир хил талаб билан ёндашув оқибатида, оддий кишилар ҳам, истеъдодли сиймолар ҳам эркин ҳаракат қилолмайдилар, улар турли масъулиятлар остида, балки турли масъулиятсизликлар остида ўзларини кўрсата олмайдилар.

Масъулият тушов бўлиб қолаётир. Масъулият тушовидан қутилиш учун ҳаммага бир хил талаб билан ёндашишдан, бир хил масъулият юклашдан воз кечиш керак, яъни «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган сохта шior, аслида машум шiorдан воз кечиш шарт. Зотан, текисчилик ҳукмрон жойда тараққиёт бўлмайди. Тасаввуф таълимотига кўра инсон табиат заррасидир, лекин бу зарра тупроқнинг турли қисмларидан, бир-бирдан фарқланадиган қисмлардан яралмишдир. Бунини турли ердан турлича микдорда ҳосил олишга ҳам қиёс қилиш мумкин. Масалан, совуқ иқлимий жойда фалладан гектарига 10—11 центнердан ҳосил олинса, Ўзбекистонда эса гектарига 50 центнерга етказиб дон олиш мумкин.

Одамнинг етуқлигига қараб масъулият ҳисси ҳам кучлироқ бўлади. Мен бу ўринда етуқлик тушунчасида фақат билим-

донлик даражасини кўзда тутаяётганим йўқ. Етуқлик аввало маънавиятга боғлиқдир. Киши билимнинг энг олий даражаларига эришган бўлатуриб, масъулиятсиз ҳам бўлиши мумкин, бундай ҳоллар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам кўп учрайди. Ота-онанинг бола олдидаги, боланинг ота-онаси олдидаги, эрининг хотин олдидаги, хотиннинг эр олдидаги масъулияти бўлганидек, ходимнинг ўзи ишлайдиган корхона, ташкилот ва муассаса олдидаги масъулияти ҳам бор, албатта. Шундан келиб чиқиб айтаманки, фуқаро раҳбари олдида, раҳбарият эса фуқаро олдида масъулият ҳис этиши зарур. Шарқда — мусулмон оламида давлат раҳбари барча фуқароларнинг маънавий отаси ҳисобланган. Шу сабабли ҳам давлат бошлигининг бошқа бир мамлакатдан уйланиши одат тусига кирган. «Комсомольская правда» газетасининг 1990 йилги 1 ноябрь сонисида «Мен Раиса Максимовнани севиб қолдим» сарлавҳали хабарда бундай дейилади: «Актриса ва эстрада кўшиқчиларини севиб қолганларга енгил... Мен эса... Раиса Максимовнани севиб қолдим. У шундоқкинаки... У эри билан биров ёққа борадиган бўлса, мен телевизордан кўзимни узолмайман. Менинг хатимни босинлар, майли у ўқисин. У менинг биринчи муҳаббатимдир. Дима, 16 ёшданан. Волгоград». Дима-ку ўспиринлигига бориб, валдирашга валдирабди-да, дейиш мумкин. Лекин газета раҳбарияти масъулият сезмагани аниқ. Иттифоқ номида чиқаётган нашрларнинг раҳбарияти фақат Россия ўқувчилари олдидагина эмас, барча ўқувчилари олдида масъулият ҳис этиши шарт.

РСФСЖдаги фирмалардан бири «Горбачев» маркали ароқ чиқарган бўлса, «Московские новости» газетаси бундай деб ёзибди: «Горбачев истаган фармонларини чиқаришда эркин бўлса, совет фуқаролари эса уларни бажармасликда эркиндирлар» («Известия», 1990 йил, 25 октябрь). Жумҳуриятимиз мустақиллиги доирасига ўқувчиларимизни бундай, бизлар учун одобсиз хабарлардан сақлаш ҳам қиради. Демократия дегани одоб доирасидан чиқиш эмас. Ахир, бизлар шарафли зот — одамларимиз-а! Жумҳурият хавфсизлиги учун душман аскарининг қадами қанчалик зид бўлса, буви тенги аёлни, бунинг устига Иттифоқ Президентининг жуфти ҳалолани севиб қолгани тилга олинган беҳаё хабар ҳам шунчалик ярамаслиқдир.

Мустақилликнинг мазмуни кенг ва чуқур. Матбуот, радио, телевидение соҳаларида ҳам жумҳуриятимиз мустақил сиёсат ўтказиши зарур. Ана шулар жумҳурият фуқароларининг мустақил фикрловчи шахслар қилиб тарбиялашда таъсирчан қуроллардир.

Жумҳуриятимиз ўз паспорт системасига эга бўлиши керак. Ўзбекистон паспорт ижтимоий бетайинларга берилмаслиги керак. Чунки арзимас нарсани баҳона қилиб ёки енгил турмуш илинжида тарки ватан айлаган кимсаларда масъулият деган тушунча бўлишига ишонмайман. Бесабаб ўз ватанини тарк қилганларнинг ота-онасидан юз ўгирган оқпадарлардан нима фарқи бор? Маънавий майиб одамлардир улар.

Ота-она, ўғил-қиз, қариндош-уруғ, оға-инилар, қўни-қўшилар каби ҳусусий мулк ҳам инсоннинг она тупроққа отган теран томирдир. Одамнинг теран томирлари қанчалик чуқур ва кучли бўлса, унда масъулият туйғуси ҳам шунчалик буюк бўлади. Мамлакат обод, юрт фаровон, эл тўқ бўлса масъулиятлилар сафи кенгай боради. Масъулиятлилар қанча кўп бўлса, жумҳуриятимиз шунчалик қудратли бўлади.

Жамият оилалардан ташкил топган экан, ота-онанинг ўз зурриёди олдидаги масъулияти ҳақида тўхтамай ўтолмайман. Янги оила тўйдан бошланади. Қаердаки оила қуришга масъулият билан ёндашилса, қаердаки оилага муқаддас тушунча деб қаралса, қаердаки тўйга инсон ҳаётдаги муҳим бир босқич деб қаралса, ўша ерларда оила мустаҳкам бўлади, келин-куёвлар қўша қариб, ували-жували бўлиб юришларига замин яратилади. Эл-юрт шохидлиги ҳам келин-куёвларга масъулият юклайди, эл-юртнинг оқ фотиҳаси тотуллика, қўша қаришликка даяватдир. Бу даяват бир умрга йўлдош бўлади, ҳаммиша ёдга тушиб туради: «Тўйимизда фалончилар яхши тилак билдиришган». Шунинг учун ҳам «Топганинг тўйга буорсин», деган халқ олқишида маъно кўп. Демак, тўй ёш келин-куёвларга оила олдида турмуш масъулиятини юклайди, десак бўлади. Ота-оналарнинг «қиз чиқазаман», «ўғил уйлантираман» деган ниятда югуриб-елиб юришларини тушунмоқ керак ва уларга жа-



моат ташкилотлари ҳам ёрдам кўрсатмоғи жоиз. Чунки оила мустақамлиги жамиятнинг маънавий соғлиғидир. Бинобарин, жамият соғломлиги учун ҳаммамиз ҳам масъулиятлигимиз. Мақолада тўй масъулияти ҳақида гапиришимга боис шуки, тўй қилмаган ёки тўйда қатнашмаган бирорта ўзбек йўқ. Ҳурра келган тўй деган ибора ана шундан келиб чиққан бўлса ажаб эмас.

Тўйга — оила қуришга жиддий қаралмайдиган жойларда ҳар 1000 янги никоҳдан ўтган ёш келин-куёвнинг 800—900 нафари бир йил давомидаяқ ажралиб кетаётганидан, айрим йирик шаҳарларда 30—40 ёшли буйдоқлар ва қари қизлар кўпайиб бораётганидан дарак топиб, диёримизда оилалар асосан мустақкам эканидан севинаман. Бу жиҳатдан Ўзбекистонни дунёда энг тараққий этган мамлакатлардан бири Японияга қиёс этиш мумкин. Демак, жумҳуриятимиз мустақил равишда ривожланиш йўлига кирса, яқин келажакда жаҳонда энг раванк топган давлатлардан бирига айланишига оилавий замин мавжуд. Бундай замин жуда мустақкам ички мудофаа қуролидир, у асрлар давомиде вужудга келган. Яхши ота-оналарни авлиё деб билганимиз, адолатли подшоҳнинг амри вожиб деб ҳисоблаганимиз. Шунинг учун ҳам юқорида тилга олинган Дималарни «оқпадар», «она безори» деб, унинг «изҳори дили»ни чоп этган матбуотчиларни калтабин деб биләмиз. Жумҳурият мустақиллиги энг аввало эзгу ишлар, эзгу фикрлар мустақиллиги ва тантанасидир.

Юқорида тилга оид бир-икки оғиз гапириб ўтганим. Энди яна шу мавзуга қайтаман. Маълумки, ўз тилида иш юритмаган жумҳуриятни мустақил деб бўлмайди. 1990 йилнинг ноябрь ойида шу мақола ёзиш учун кўшимча маълумотлар йиғиш ва ўрганиш мақсадида Тошкентдаги барча олий ташкилотларнинг «бюро пропусков»лари — «Рухсатхона»ларида бўлдим — у ерларда ўзбек тили ҳамон қўлланилмас экан.

Миллий давлат мустақиллиги унинг миллий тили мустақиллиги билан ҳам белгиланади. Миллий тил қўлланилмаган ёки камситилган давлатни тўла мустақил деб бўлмайди, ундай «давлат» ошкора ёки пинҳона мустамлака бўлади, ёки бўлмаса амалда қарам давлат ҳисобланади. Ўзбекистон ССЖда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши мустақиллик сари ташланган илк қадамлардан бири бўлди. Бу қонунни бажариш ҳақида сўз борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш шартки, тилини унутмаган халқ ўзининг кимлигини ҳам унутмайди. Тил камолоти эл камолотидир. Тил ҳақидаги қонун лойиҳалари 1989 йили матбуотда ва минбарларда муҳокама қилинганда кимнинг қандайлиги давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишдаги ижобий ёки салбий муносабатларида аён ва ошкор бўлаётир.

Ўзбекистон ССЖнинг Тил ҳақидаги қонунининг 28-моддасида бундай дейилади: «Ўзбекистон ССЖ давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув муассасаларининг, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва идораларнинг раҳбарлари ўзларига тобе соҳа доирасида ушбу қонун талабларига риоя қилинишига шахсан жавобгардир». Хўш, қонун талабларига риоя қилинишига шахсан жавобгар раҳбарлар ким ва улар ўзларига юклатилган вазифаларни бажармоқдаларми? Мен шу саволга жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳрида ҳукумат телефонидан фойдаланувчи биринчи даражали раҳбарлар рўйхати билан танишиб, ўрганиб чиқдим. Менинг ҳисобимга кўра, 1990 йилнинг августига қадар улар жами 1272 нафар раҳбар экан. Шулардан 597 нафари «рус тилида гаплашувчи аҳоли»нинг вакилидир. Булар қаторига она тилисини унутган ва она тилисида гаплашишни истамовчи маҳаллий раҳбарларни ҳам қўшса, бу рақам яна анча ошиб кетиши турган гап. Демак, олтимиш фоиздан ортқ раҳбар тил ҳақидаги қонунни бажарилишига бошқош бўлолмайди, чунки унинг ўзи давлат тилини билмайди, демак, бу шарафли ишда иштирок этолмайди, давлат тилини билмаган шахсдан давлат тилини жорий этишни талаб ҳам қилиб бўлмайди. Шундай раҳбарлар учун давлат тилини ўрганиш мuddати қонунда 8 йил деб белгиланган, энди эса бир йилдан сал ошди. Турли сабабларга кўра ҳозирги кунда ўзбек тилида сўзлашувчи ўзбеклардан ташқари, форс, рус ва бошқа тилларда гаплашувчи миллатдошларимиз ҳам бор. Улар ўз она тилларини қайта ўрганиб олишлари учун шароит яратиб берайлик.

Иттифоқдош жумҳуриятларнинг амалда тўла сиёсий мустақилликка эришишлари кўп жиҳатдан Президентлик бошқарувининг жорий этилиши билан боғлиқдир. Бу ижобий жараён марказдаги айрим шахсларга ёқмайди, албатта. Улар Президентлик бошқаруви системасининг афзаллигига соя ташлаш мақсадида ўз қўл остиларидаги матбуотдан ҳам фойдаланиб қолмоқдалар. Масалан, «Правда» газетасининг 1990 йилги 8 октябрь сониде Рубен Сафаровнинг ёзишича, илгари мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган генераллар бўйича биринчи ўринни эгаллаган бўлса, эндиликда президентлар сони бўйича шундай ўринни ишғол қилганмиш: мамлакат, жумҳуриятлар, ноҳиялар, кўчаларнинг президентлари вужудга келганмиш. Учирим, қочиримлар, пичинглар — буларнинг бари менсимасликдан бошқа нарса эмас. Кўчаларнинг президентлари йўқ, бўлган ҳам эмас. Ноҳияларнинг президентлари ҳам йўқ, ҳеч ким сайланган ҳам эмас. Жумҳуриятларнинг президентлари сайландилар, чунки жумҳурият дегани мустақил бир миллий давлатдир. Давлат бўлгач, Президенти ҳам бўлиши табиийдир. Президент тўшунчаси, бу ўринда мен Ўзбекистон Президентини кўзда тутаяман, худди Давлат байроғи, Давлат мадҳияси сингари муқаддасдир, бу тушунча устидан масқара қилишга, уни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, бу бир кўрнамалиқдир. Каттагина бир мақола-ку, лекин автори Р. Сафаров Ўзбекистонда кўпдан бери яшаб келса ҳам, юксак лавозиму олий даражаларни кўлга кирита олган бўлса ҳам, илган тузимиз ҳурмати лоақал бир оғизгина Ўзбекистонни тилга олмайди. Мақола охирида илова қилинган «Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси. Тошкент» деган сўзлар бор, холос. Р. Сафаровни ҳам, газетани ҳам жумҳуриятимизнинг, жафокаш халқимизнинг ғам-ташвишлари эмас, балки юксак ўнвон рўқач қилинган ҳолда Президентга, Президент бошқаруви келтираётган ижобий нарсаларга соя ташлаш қизиқтиради. Салмоқли, улкан асарлар яратган тарихчи олимлар четда қолиб кетиб, Р. Сафаров академиянинг муҳбир аъзоси қилиб сайланганда жамоатчилик таажжубдан ёқа ушлаб, «ҳозирги таркибдаги академияни тарқатиб, янги таркибда академия тузиш пайти келибди» деганида жон борлигига мана энди тушуниб етиб турибман.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг биринчи сессиясидан кейин Москва Кремлида қабул қилинган, жумҳуриятимизга ҳам дахлдор қарорлар ва бошқа расмий ҳужжатлар Ўзбекистон ССЖнинг Мустақиллик ҳақидаги Декларациясининг 4-моддасига биноан Олий Кенгашининг навбатдаги, яъни 1990 йилнинг октябрида бўлган учинчи сессиясида муҳокама қилиниб, маъқул келганлари қабул этилиб, номақбулларига тегишли ва асосли баҳо берилиши керак эди. Агар Москвада қабул қилинган ҳужжатларнинг ҳаммаси маъқул деб топилса, албатта бу ҳақда ҳам сессияда асосли гап бўлиши лозим эди, ҳуллас, муносабат билдириш шарт. Зотан, Мустақиллик декларациясини қабул қилдикми, демак унга риоя қилишимиз ҳам шарт-ку, ахир. Шу ҳақда депутатларимиз ёдига тушириб туриш ниятида мақола ёзиб, «Совет Ўзбекистони» газетасига тақдим этган эдим. Афсуски, мақоланинг ўшандай «қалтис» жойлари менинг розилигимсиз ва яширинча олиб ташланибди, бу борада мен гишт қолипдан кўчиб, газета саҳифаси тайёр бўлиб, сунги корректура ўқиш жараёнида хабар топиб қолдим. Бу билан мен газета идорасини танқид қилаётганим йўқ, чунки эскича фикрловчи, ҳар нарсадан ҳадиксировчи матбуотчилардан умуман гина қилиб бўлмайди, уларнинг ўзлари мана шунчақароқ бўлиб қолишган. Бу билан аслида айтмоқчиманки, матбуоти эркин, журналисти мустақил бўлмаган давлатни тўла мустақил деб бўлмайди. Ҳақиқий демократик давлатларда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан кейин матбуот тўртинчи ҳокимият ҳисобланади. Олий Кенгашининг учинчи сессиясида лоақал Ошқоралик комитетининг масъул котибаси Т. Тўлганованинг «Пионер Востоққа» газетаси (1990 йил, 21 июль) орқали жамоатчиликка маълум қилиб қўйган Ўзбекистон ССЖнинг «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонуни» лойиҳаси муҳокама этилиши, ҳеч бўлмаса бу ҳақда аниқлик киритилиши лозим эди. Чунки Иттифоқнинг матбуот ҳақидаги қонуни Ўзбекистон ССЖнинг Мустақиллик декларациясининг 4-моддасига кўра Ўзбекистон ССЖда тадбиқ этиш қонунга зиддир. Шунинг учун ҳам мен Мустақиллик декларациясининг 4-моддасини турмушга тадбиқ этишни депутатларимиз эйтиборига ҳа-



вола қиламан, билган нарсам ҳақида сукут сақлашим халқ олдида гуноҳдир, деб ҳисоблайман. Зора Мустақиллик декларациясига тўла-тўқис Олий Кенгашининг навбатдаги, яъни тўртинчи сессиясида амал қилинар, деган умиддаман. Умуман олганда, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши ўн иккинчи чақириқ учинчи сессиясида жумҳуриятимиз сиёсий ҳаётида катта воқеа юз берди — «Ўзбекистон ССЖда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилди. Ўзбекистон ССЖ Министрлар Совети Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Ўзбекистон ССЖ Президенти айна бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси бўлди. Ўзбекистон ССЖ Президентининг ва Ўзбекистон ССЖ Министрлар Советининг аппарати Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги битта аппаратга бирлаштиришга қарор қилинди.

Менинг фикримча, гарчи бу тадбир 1990 йилнинг 1 ноябрида расмийлаштирилган бўлса-да, аслида бундай бошқарув системаси шу йилнинг эрта кўкламида Ўзбекистон ССЖда президент бошқаруви жорий этилгандаёқ вужудга келганди. Бу билан айтмоқчиманки, Ўзбекистонда Президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқаруви ҳокимияти эгизак тарзда таваллуд топди. Бу фикрни Президентимиз чиқарган болалар ва оналар ҳимоясига оид, халқ маъмуричилигига доир фармонлар ва улар ижросининг айна бир пайтда Президент ҳокимиятига қанчалик тегишли бўлса, Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимиятига ҳам шунчалик тааллуқли экани исботлайди. Яна шунчи ҳам таъкидлаш жоизки, ўша халқчил фармонлар кўпроқ Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимияти зиммасидаги вазифаларга дахлдор эди. Хуллас, Президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимиятининг қўшиб юборилишига замин аввал бошдан оқ яратилганди, эндиликда эса ана шу ҳаётий ҳодиса расмийлаштирилди, Ўзбекистон ССЖда президент бошқаруви жорий этилгандан бошлабқў Ўзбекистон ССЖ Президентининг ва Ўзбекистон ССЖ Министрлар Советининг аппаратлари табиий равишда бирлаша бошлаган эди, энди эса орадаги тўсик қонунан бартараф этилди.

Умуман олганда, Туркистонда, туркий халқлар давлатчилигида давлат ҳокимияти билан ижроия-бошқарув ҳокимияти азалдан туташ бўлиб кетган, туркий халқлар табиатан адолатли яқка раҳбар бошқарадиган давлат ҳокимиятини маъқул кўрадилар. Олис ва яқин тарихимиздан бу фикрни тасдиқловчи кўплаб далиллар келтиришимиз мумкин. Энг яққол мисол Амир Темур Кўрагоний фаолиятидир. У ўз салтанатини ўрнатгач, зотибори навбатда ижроия-бошқарув ҳокимиятига асосий этиборни қаратади, ижро билан шахсан ўзи шуғулланади, турклашган мўғул ўғлонлардан бири Султон Маҳмудни расман ҳоқон қилиб кўтаради, ўзи эса амир унвони билан чекланади. Анқара ёнидаги буюк жангда Йилдирим Бозидини асир олган ҳам ўша Султон Маҳмуддир. Кейин у ўз ажали билан вафот этгач, Амир Темур ҳоқонлик вазифасини ҳам ўзи ўтай бошлайди. Бироқ Темур фаолиятида ижроия ҳокимияти соҳиблиги етакчилик қилган.

Амир Темур тузган улкан давлатнинг меросхўри ва давомчиси Шохрўқ Мирзо ҳукмронлигининг биринчи босқичида ҳам унинг фаолиятида ижроия-бошқарув ишларига бош-қош бўлганини кўрамай. Бу даврда Ҳиротда Девони Олийга, яъни ҳозирги ибора билан айтсак, Вазирлар маҳкамасига унинг севимли ўғли, шоир ва олим, буюк давлат арбоби Бойсунқур Мирзо бошчилик қилади. Ана ўша кезларда Ҳиротда ва бошқа шаҳарларда такрорланмас осор-атиқалар қурилади, «Зафарнома» сингари назари йўқ китоблар битилади. Бобур, Маҳмуд Ҳазнавий, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Абдуллажон Иккинчи, Абулғози Баходирхон, Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи (Феруз), Амир Шохмурод каби ҳукмдорлар фаолиятида ҳам ижроия-бошқарув ишларига шахсан раҳбарлик қилишни кўришимиз мумкин. Ҳатто Муҳаммад Алихон (Нодирбеғимнинг ўғли)нинг ижроия-бошқарув ишига бевосита раҳбарлик қилиши Қўқон давлатини то у тухмадга учрагунга қадар мустаҳкамлаган эди. Хуллас, жумҳуриятимизда Президент ҳокимияти билан ижроия-бошқарув аппаратининг

бирлаштирилиши халқимиз турмуши тарзига мос, аъналаримизга монанд ва тарихан ўзини оқлаган ҳокимият туридир. 1 ноябрдан бошлаб жорий этилган идора усулимиз ўтмишда бўлганидек янги самара ва барака келтурғусидир.

Жумҳуриятимизнинг мустақиллик сари қўяётган илк қадамлари ва дастлабки муайян ютуқларимиз айримларга хуш ёқмаётир, атайин ғалва чиқариш учун Москва матбуотидан фойдаланмоқдалар. «Халқ сўзи» — газетасининг 1990 йилнинг 29 октябрда чиққан нишона сонида босилган «Қалом дегилки, ҳақ-рост бўлсин» деган мақолада ҳам бу ҳақда анча сўз юритиб, А. Кружилин, И. Рогов, В. Жириновский, П. Гутионовларнинг айрим чиқишларига танқидий муносабат билдирган эдим. Бу ҳақда Олий Кенгаш учинчи сессиясида Ўзбекистон ССЖ фуқароларига, ССЖИ Олий Кенгашига қарата қабул қилинган Мурожаатномада ҳам танқидий фикр айтилди. Афсуски, мурожаат матни силлиқина тузилган, жиждий мулоҳазалар кам. Аслида у жиддий қилиб тузилиши, «Известия» газетаси орқали Иттифоқ жамоатчилигига қаратилиши лозим эди, чунки турмушимиз қандай бораётгани жумҳуриятда шундоқ ҳам яхши маълум. Қолаверса, дўстга дўст бўлайлик, рақибга эса шафқат қилмайлик. Ялиниб дўстликка эришиб бўлмайди. Мен ҳам дўстликка тарафдорман. Лекин тенгликка асосланган дўстлик бўлсин дейман. Миллий мустақиллик шунга тақозо этади. Юртимизда ҳеч ким камситилмаётганидан Иттифоқ газеталарини ўқийдиган бутун мамлакат аҳолиси хабардор бўлиши керак. Умуман, «Известия» ва бошқа шу каби Москвада нашр этиладиган газета-журналлар жумҳуриятларга ҳам қонунан тегишли бўлса-да, Ўзбекистонга деярли ўрин бермайди. Жумҳуриятимиздаги катта ва асосий оқим ҳақида Москва газеталари лом-мим демайди-да, мабодо улар наздида жузъий бирор камчилик бўлиб қолса, ногора қилиб чаладилар. Бундай нообччиқишларга марказий матбуот орқали тегишли ва ҳақиқий баҳо берилмас экан, Москва газеталари ўз билганидан қолмайдиганга ўхшайди. Фикрим исботи учун битта мисол келтириш билан чекланаман. «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги махсус мухбири (ўз мухбири эмас) А. Кружилин шу газетанинг 1990 йилги 26 сентябрь сонида босилган «Қонун ўйинчоқ эмас» деган мақолачасида Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ташкилоти — Олий Кенгашга ҳурматсизлик қилган эди. Бу ишини у шу газетанинг 1990 йил 31 октябрда чиққан сониде босилган «Без дискриминации» (Камситилмайди) деган корреспонденциясида давом эттирган эмишким, «Литературная газета» танқид қилгани учун Ўзбекистон ССЖнинг фуқаролиги ҳақидаги қонун лойиҳаси жумҳурият Олий Кенгаши сессияси кун тартибидан олиб ташланган эмиш. Ана холос, 20 миллион киши яшовчи бутун бошли бир жумҳуриятда А. Кружилиндан бўлак қонуншунос йўқ экан-да! Унинг корреспонденциясини ўқиган бошқа жумҳуриятларнинг ўқувчилари наздида худди шундай таъсурот қолдиради. Камситилмаслики тарғиб қилаётган А. Кружилин қонун чиқарувчиларимизни ва уларни парламентга сайлаган жумҳурият аҳолисини камситаетганини ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Айтгандай, Москва телевидениеси 1990 йилнинг 29 октябрь кўни «Время» кўрсатувида «Ўзбекистон парламенти рус тилида гаплашувчи аҳолини ҳимоя қилиш ҳақида мурожаат қабул қилди» дея ёлғон гап тарқатди. Масалани шу тарзда эшитган бошқа жумҳуриятларнинг халқлари Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам рус тилида гаплашувчи аҳоли камситилиб келинаётган экан-да, дея чалқаш хулосага бориши аниқ. Натижада улар халқимизга, турли жойларда ҳарбий хизмат ўтаётган ўғилларимизга нотўғри муносабатда бўлишлари мумкин. Аслида А. Кружилинлар ана шу керак. Хушёр бўлмасак, учқундан аланга чиқиб кетиши мумкин. Жумҳуриятимиз мустақиллиги эҳтиёт ва сезгир бўлишимизни тақозо этади.

Ўзбекистон ССЖдан сайланган 108 ССЖИ халқ депутатининг 90 фоиздан кўпининг мамлакат парламенти аъзоси сифатидаги фаолиятидан хабаримиз йўқ. Қани энди депутат сифатида бўй кўрсатмаган ёки интилса-да бўй кўрсата олмайдиган депутатлар фақат ўзларини ўйлашни бас қилиб, жумҳурият манфаати йўлида танглик кўрсатиб муддатидан олдинроқ депутатликдан тортинмай воз кеча қолсалар, уларнинг ўрнига муносиб кишиларни депутат қилиб сайлашга имконият вужудга келарди.

Юқориде айтганимдек, Ўзбекистон ССЖнинг давлат мустақиллиги ҳақидаги Декларациянинг 4-моддасига биноан мамлакат парламентида қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг сессиясида тасдиқ-



ланганидан кейин кучга киради. Бас шунга келишилган ва қонун расмийлаштирилган экан, мантиқан иш тутиб, Ўзбекистонлик ССЖИ халқ депутатларини қақриб олайлик. Ахир ортиқча сарф-харажатнинг, қозғобозликнинг нима кераги бор. Қақриб олинган депутатларнинг муносибларини ўз хоҳишларига кўра Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари таркибига киритайлик. Албатта, бу иш Ўзбекистон ССЖ Президенти фармони билан амалга оширилади. Олий Кенгаш сессиясида тасдиқланади. ССЖИ халқ депутатларини қақриб олиш мумкинлиги ва зарурлигини яна шу ҳолат билан исботлайманки, Президент бошқаруви жорий этилган, жумҳуриятда икки хил макомга эга халқ депутатларининг бўлиши қонун мумкин эмас. Жумҳуриятда олий давлат бошлиғи унинг Президентидир, қонун чиқарувчи олий даргоҳ унинг парламентидир. Албатта, менинг бу қонуний гапларим айрим депутатларга ёқмайди, на илож, ҳақиқат ҳар нарсадан устундир. Бугун бўлмаса эртага, бу йил бўлмаса келгуси йили бошқа жумҳуриятларда ҳам менинг фикримни тўғрилигини тасдиқловчи фикрлар айтилажак, шуларга амал қилинажак. Зеро, кундек равшанки, парламент устидан турувчи парламент, Президент устидан турувчи яна бошқа Президент бўлиши мумкин эмас. Улардан бири бўлиши мумкин, холос. Иккаласи ҳам бор ёки бўлиши мумкин дейиш ўзини алдашдан бошқа нарса эмас.

Барча мустақил давлатларда бўлгани каби Ўзбекистон ССЖда ҳам ҳамма сиёсий ва ижодий ташкилотлар жумҳурият Конституцияси доирасида фаолият кўрсатиши шарт. Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда етакчи сиёсий куч — бу Ўзбекистон Компартиясидир. У илгариги партия эмас, катта ўзгаришга учраган, унинг мазмуну моҳияти ҳам ўзгарган, халқчилик томонга боряпти. Шу сабабли унинг номини ўзгартишни таклиф қиламан. Шу партиянинг аъзоси бўлатуриб ўзим ҳам бултургидан ўзгариб қолганимни сезяпман, атрофимни қуршаган фирқадош дўстларим ҳам энди маънавий жиҳатдан бошқача бўлиб қолганликларини илғаб турибман. Чинини айтсам, бугунги кунда иттифоқдош жумҳуриятлардаги компартиялар илгаригидек икки томи сувдек бир-бирига ўхшаш, юввошгина ташкилотлар эмас. Масалан, Болтиқбўйи компартиялари Кавказорти компартиялардан фарқланади. Молдова Компартияси ўзи бир олам, Украина Компартияси яна бир ўзга олам, Россия Федерацияси Компартияси тутган йўл бошқалардан анча фарқланади. Ана шу ранг-барангликдан келиб чиқиб, ҳозирги Ўзбекистон Компартиясига баҳо берсак, бу ўтган йилдаги ўз ўтмишдошдан ҳам, кўшни жумҳуриятлардаги Компартиялардан ҳам фарқланади. Бугунги кунда Компартиямиз муайян даражада умумхалқ фикрини ифодалаб, етакчи сиёсий куч бўлибди, халқ фикрини ифодалаб, халқчил бўлиб турган партия Ўзбекистон халқ партияси номини олишга муносибдир. Ана шунда исми жисмига монанд бўлади, обрўйи янада ортади, аъзоларининг сони тобора оша боради, мустақам сиёсий куч эканини тўла кўрсатади. Жумҳуриятимиздаги барча сиёсий ва ижодий ташкилотлар эркин бўлмай туриб Ўзбекистон ССЖни тўла мустақил деб бўлмайди. Мустақиллигини сир-сноати шундаки, барча масалалар унинг ичиди, онги ва қалби бўлмиш ўз пойтахтида ҳал этилиши керак.

Мустақиллик белгиларидан яна бири ташки ва ички алоқаларда давлат тилимизни ҳам билган вакилар қатнашидир. Москвада 1990 йилнинг августиде янги Иттифоқ шартномасини тузишга доир дастлабки маслаҳат мажлислари бошланганда «Известия» газетаси саҳифаларида бу анжуманларда қатнашиб, иттифоқдош жумҳуриятлар манфаатини ҳимоя қилаётган расмий вакилларнинг номлари ва фикрлари баён этилди. Ана шунда жумҳуриятимизнинг расмий вакили сифатида Ўзбекистон ССЖ Давлат режа қўмитаси раисининг ўринбосари И. Чиргадзе қатнашгани «Известия» газетасидан билдик. Шу муносабат билан мен улан-уделик ҳамкасабамдан хат олдим, тошкентлик ўқувчилар телефон орқали таажуб билдиришди: «Наҳотки 20 миллионлик ўзбек халқи манфаатини ҳимоя қила оладиган бирорта ўзбек топилмаган бўлса? Наҳотки ўз ниятимизни ўзимиз ихор қилолмайдиган тушкун аҳволга тушиб қолган бўлсак? Янги Иттифоқ шартномаси тузишда унга имзо чекувчи ҳар бир халқнинг ўз вакили қатнашиши керак эмасми? Украина номидан украин, Грузия номидан грузин, Ўзбекистон номидан ўзбек гапирсин. Ор-номусимизни, шон-шавкатимизни, шуқув ва шаънимизни ўзимиз ардоқлайлик!» Бу талабларда асос бор, шу сабабли уларни изоҳлаб ўтирмайман. Жумҳуриятимизнинг мустақиллиги тўла тикланаётгани ифодаси ўлароқ Президент бошқаруви жорий қилинди, бу, энг аввало,

қадимий ўзбек давлатчилигининг амалда қайта тикланиши йўлидаги илк ва муҳим бир қадам бўлди. Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳақиқий Президент сифатида реал ҳокимиятга, реал куч-қудратга, обрў-этибор ва мавқега, Ер юзидеги давлатларро қонуний эътирофга эга бўлиши қонуний ҳуқуқимиздир. Шу ҳуқуқимизни тўла амалга ошириш учун қуйидаги тадбирлар зарурдир.

1. Президент қароргоҳи — ўрдани тайин қилиш, яъни Шаҳрисабздаги Оксарой, Самарқанддаги Кўксарой, Бухоро, Қўқон ва Хивадаги давлат саройлари қабилида замонавий янги Президент саройи ва Парламент биносини қуриш керак.

2. Президент гвардиясини тузиш (уни она тилимизда «Ўрда қўриқчилари» дейиш мумкин).

3. Давлат хавфсизлиги комитетини жумҳурият вазирлар Кенгашига тўла итот эттириш ва унинг раиси жумҳурият Президенти ҳузурда садокатини ифодалаган қасамд қилиши керак.

4. Жумҳурият ва ички ишлар вазири жумҳурият Президентига садокатини ифодалаб қасамд қилиши керак.

5. Миллий муҳофаа вазирлигини тузишга киришиш керак (бу вазифа бир йўла амалга ошириб бўладиган ишлардан эмас, лекин босқичма-босқич иш тутиш керак). Жумҳурият Президенти айни пайтда жумҳурият қуроли кучларининг олий лашкарбошиси экани эътироф этилиши лозим.

Мен санаб ўтган бу 5 та тадбир Ўзбекистон ССЖнинг мустақил давлат эканини кўрсатади ва қафолат беради, Ўзбекистон ССЖ Президенти ва фуқароларининг дахлсизлигини таъминлайди ва қўриқлайди. Умуман, ўзини ҳимоя қилмаган давлатни давлат деб бўлмайди. Бу ҳақда мақола давомида яна тўхталам.

Халқро сиёсат соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий декларациясини Ўзбекистон ССЖ номидан эътироф этиб, халқро муносабатларда ана шу Декларацияси принципларидан келиб чиқиб иш тутиш лозим. Ўзбекистон ССЖнинг мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияни ташки сиёсат соҳасида ҳам тўла қўллашга киришайлик.

Ўзбекистон ССЖнинг мустақил давлат экани ССЖИ Конституцияси ва Ўзбекистон ССЖ Конституциясига кўра де-Факто ҳолатида эди. Ўзбекистон ССЖда Президент бошқарувининг жорий этилиши натижасида ана шу де-Факто ҳолати де-Юре босқичи томон йўнала бошлади, Ўзбекистон раҳбариятининг энг муҳим ва энг биринчи сиёсий вазифаси де-Фактони тўлатўкис де-Юре босқичига етказишдир, дейиш мумкин.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши ҳузурдаги Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг доимий вакилини жумҳуриятимизнинг фавқуллодда ва мухтор элчиси даражасига кўтариш, унинг зиммасига ўриндошлик вазифаси бўйича чет эл мамлакатларининг Москвадаги элчихоналари билан муносабат бошлаш юмушини юклаш айни муддаодир.

Иттифоқдош жумҳуриятларда Ўзбекистон ССЖнинг элчихоналарини очайлик ва Тошкентда улар ўз элчихоналарини очиш учун рухсат бериб, тегишли шароит яратайлик.

Бирлашган Миллат Ташкилотида Ўзбекистон ССЖнинг доимий вакили бўлишига эришайлик.

Дунёдаги барча дўст ва хайрхоҳ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиб, фавқуллодда ва мухтор элчилар айирбошлайлик, йирик шаҳарларда консулхоналар очайлик.

Ўз даврида ўринли ва ўринсиз сабабларга кўра жумҳуриятимиздан бош олиб кетган юртдошларимиз ва уларнинг фарзандлари учун, уруш йилларида аскарликка олиб кетилган ва она юртига қайтиб келмаган ва келолмаган миллатдошларимиз ва уларнинг фарзандлари учун Ўзбекистон Президенти фармони билан умумий авф эълон қилиш (атайин қон тўккан кишилар авф этилмайди), агар юртдошлар она-Ватанга қайтишни ихтиёр этсалар, уларга яқиндан қўмақлашиш ва бошпана бериш — инсонпарварлик белгиларидандир.

Хитой, Афғонистон, Эрон, Туркия, араб мамлакатлари ва бошқа давлатларда азалдан яшаб келаётган миллатдошларимизга (туркистонликларга) маданий-маърифий ва бошқа жиҳатлардан ёрдам уюштириш ватандошларнинг жумҳуриятимизга ташриф буюришлари учун эркин шароит яратиш, жумҳуриятимизга кўчиб келиши истовчиларни имконият доирасида қонуний асосларда жумҳурият фуқаролигига қабул қилиш навбатдаги вазифаларимиздан бўлса ажаб эмас.

Иттифоқдош ва қўшни жумҳуриятларда яшовчи миллатдош-



ларга маданий-маърифий, зарурати бўлса, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан ёрдам кўрсатиш юртдошлик бурчимиздир.

Ташқи алоқалар кучайиши муносабати билан жумҳурият Ташқи ишлар вазирлиги штатини тегишинча кенгайтириш давра тақозосидир.

Чегаралиши даврида жумҳурият ҳудудидан ташқарида қолган, турли даврларда яратилган ва миллатимизга муайян даражада алоқадор бўлган осор-атикалар (муқаддас жойлар), масалан, Форобий, Беруний, ибн Сино, Ғазнавий, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Мангуберди, Жалолиддин Румий, Лутфий, Атоий, Навоий, Тож маҳал, Бедил, Машраб, Фурқат каби буюк сиймоқларнинг мақбаралари ҳолатидан воқиф бўлиш, уларга зиёратчилар ташрифини уюштириш авлодлик бурчимиздир.

Ўзбек (туркий) халқининг қонуний мулки бўлган, лекин адолатсизлик билан, талон-торож қилинган юртимиздан турли даврларда олиб кетилган амалий, тасвирий санъат асарларини, зеб-зийнат буюмларни, қўлёзма ва босма китобларни музокаралар йўли билан халқимизга қайтариб олиб келиб бериш эндиликда мумкин бўлган юмушларимиздан ҳисобланади.

Нумуноси ва доврида бошлиқлар ва айрим шахслар томонидан арзон-гаровга сотиб юборилган ва совға қилинган, халқимиз тарихида муайян ўрни бўлган барча нодир асарларни ҳозирги эгаларидан сотиб олиб келиш, агар сотишни истамасалар, нусхаларини, микрофильмларини келтириш фидойиликни талаб этади.

Ҳозир мавжуд давлат чегараларини эътироф этиш ва дахлсизлигини таъминлаш, агар чегараларни ўзгартириш тўғрисида фикр кўзгатирилса, музокаралар ва мулоқотлар йўли билан масалани тинч ҳал этиш зарур.

Ҳама миллатлару эллар билан тинч-тотув яшаш учун шароит яратиш бериш халқимизнинг азалий одатидир.

Жумҳурият миллий хазинасини яратмай туриб мустақилман дейиш мумкин эмас.

Жумҳурият миллий пул бирлигини чиқариб, ўз пулимизга эга бўлмай туриб, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий мустақилликка эриша олмаёмиз.

Жумҳурият миллий банкини очайлик.

Жумҳуриятнинг ўз солиқ ва бож системасини жорий этайлик.

Жумҳуриятдан чиқарилаётган ва жумҳуриятга олиб келинаётган жамики нарсаларнинг ҳисобини қилиш, ССЖИ хазиналарида сақланаётган, Ўзбекистонга тегишли бойлик ва мулкларни аниқлаш, ҳисоблаш ва босқичма-босқич юртимизга олиб келиш чораларини белгилаш ва шу борада ишга киришиш зарур.

Жумҳуриятдан четга асосан хом ашё эмас, балки товар чиқаришга эришайлик.

Жумҳуриятга олиб келинаётган нарсаларнинг ҳам, жумҳуриятдан чиқарилаётган нарсаларнинг ҳам қиймати халқаро бозор баҳосида бўлиши шарт.

Жумҳурият ҳудудидаги барча ерусти ва ерошти бойликлари фақат жумҳуриятники эканини эълон қилиб амалда шу ҳуқуқдан қонуна фойдаланайлик.

Жумҳуриятдаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ҳарбий ва бошқа иншоотларни иттифоқ ёки жумҳурият тасарруфида бўлиб келганидан қатъи назар (1991 йилдан бошлаб) жумҳурият ихтиёрига ўтказиш, яъни уларни қонуна миллийлаштириш, агар муайян корхона, ташкилот, муассаса ёки иншоотни жумҳурият тасарруфига ўтказишнинг иложи бўлмаса ёки томонлар бу борада бир битимга келишмасалар уларни жумҳурият ҳудудидан чиқиб кетишига эришиш зарур, зеро жумҳурият заминда жумҳурият Президенти амрига итоат этмайдиган бирор корхона, ташкилот, муассаса ёки иншоот бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон жумҳуриятининг янги Асосий қонунини яратиш учун диёнатли алломалар, уламолар, фузалолардан иборат муаллифлар таркибини тузиб, унинг рўйхатини матбуотда эълон қилайлик.

Орол ҳалокатини бутун Туркистон фожиаси деб эълон қилиш, маффақдор томонлар, қўшни жумҳуриятлар билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда айрим дўст мамлакатлар иштирокида Орол муаммосини бартараф этайлик. Биринчи нажот йўли шунки, пахта экувчи жумҳуриятлар билан келишилган ҳолда пахта экин майдонини тенг ярмига қисқартириш, шу орқали Амударё ва Сирдарё сувини иқтисод қилиб, Оролга оқизиш, айрим сув омборларини Оролга очиб юборишдир, Обь дарё-

сининг атиги 5—6 фоиз сувини ҳам пахтакорларга раво кўрмай, қатъий равишда йилига Ўзбекистондан 4 миллион 500 минг тонна пахта олинишини талаб қилётганларга Орол ҳалокати оқибатларини батафсил уқтириб қўйиш лозим кўринади, бу хусусда жумҳурият Президенти баёнот билан чикса мақбулдир.

Зарурат туғилганда жаҳондаги йирик воқеаларга Ўзбекистон ССЖ номидан Президент томонидан муносабат билдирилиши керак (одатда мустақил давлат бошлиқлари шундай иш тутадилар): миллий байрамлар, турли анжуманларнинг очилиши ва шу қабиларга табриқномалар юборилади, мусибатда ҳамдардлик билдирилади.

Чет эл Президенти (жумладан, иттифоқдош жумҳурият Президенти) Ўзбекистон ССЖга ташриф буюрганда қандай тантана билан кутиб олинса, жумҳуриятимизнинг Президентига ҳам давлат бошлиғига кўрсатиладиган иззат-икром бўлишига эришайлик.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ўзбек (туркий) давлат бошлиқларининг бугунги кундаги давомчиси эканини ўзи ҳам, ўзбек халқи ҳам, бошқа халқлар ва уларнинг совет бошлиқлари ҳам ҳис ва эътироф этиши зарур. 1922 йилнинг 30 декабридан бошлаб Совет Иттифоқи гарчи қозғоғда Федератив давлат деб ҳисобланиб келган бўлса, аслида у унитар давлат, яъни ҳукмрон рус миллатининг, нари босса, славян халқлари (ҳарбий кадрлар орасида украинлар ҳам кўп)нинг давлати бўлиб келди ва ҳозир ҳам бу ҳолат анча кучлидир. Шу сабабли кўпгина иттифоқдош жумҳуриятларда янги Иттифоқ шартномаси тузилишига очиқдан-очиқ қарши чиқилмоқда, ҳадиксираб муносабат билдирилмоқда, судан оғзи куйган киши қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек илгариги, яъни ҳозир амалда бўлган Иттифоқ шартномаси аслида иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳуқуқларини чиппака чиқариб қўйгани ўртадаги ишончга раҳна солгани турган гап. ССЖИ ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг Конституцияларида ҳар бир иттифоқдош жумҳурият ўз ихтиёри билан эркин равишда чиқиб кетиш ҳуқуқига эга, деб қафолат берилган бўлса-да, Москва ҳукумати 1989 йили референдум ўтказишни шарт қилиб қўйди. Ваҳоланки, иттифоқдош жумҳуриятлар Иттифоққа кирётганларида халқнинг фикри сўраб ўтирилмаган, унинг номидан амалдорларнинг ўзлари масалани ҳал қилиб қўя қолишган. Ваҳоланки, киришда қандай йўл тутилган бўлса, чиқишда ҳам худди шу тартиб бўлиши мантиққа мосдир. Хуллас, иттифоқдош жумҳуриятларда, жумладан, Россияда ҳам, янги Иттифоқ Шартномаси жумҳуриятларнинг миллий мустақиллигига тушов бўлмаслиги талаб этилмоқда ва қатъий шарт қилиб қўйилмоқда. Хўш, бунда нима ёки нималар мустақилликка қафолат бўлиши мумкин. Менинг фикримча, то янги Иттифоқ шартномасига имзолар қўйилгунча, иттифоқдош жумҳуриятлар, масалан, Ўзбекистон, биринчидан, ўзининг янги Конституциясини қабул қилиши, иккинчидан, иттифоқдош жумҳуриятлар ва чет эл мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида дипломатик алоқалар ўрнатиши (икки томонлама бир-бирини мустақил давлат сифатида тан олиши) ва, учинчидан, халқаро субъект сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши зарур. Ана шу учта тадбирдан кейин янги Иттифоқ шартномасини имзолаш иттифоқдош жумҳуриятнинг мустақиллигига хавф сола билмайди. Янгитдан ташкил этилмоқчи бўлган Иттифоқ мустақил давлатларнинг иқтисодий конфедерацияси, яъни давлатлар уюшмаси бўлиши мумкин, унга кириш ҳам, чиқиш ҳам эркин ва ихтиёрий бўлмоғи керак. Узи йигирманчи асрнинг охирида мажбурий иттифоқнинг кимгаям зарурати бор?! Йигирма биринчи аср халқлар ҳурлиги асри бўлиб тарихга кирсин, дейман.

Ўқоридаги айтганларим навбатдаги вазифалардир. Улар ижросига қанча тез киришсак, жумҳуриятимиз ва халқимизга наф шунча кўп бўлади. Кечиксак, адо бўлаётган ерошти ерушти бойликларимиз шунчалик кўп исроф бўлади. Масалан, 1990 йилда жумҳуриятимизда катта иқтисодий ютуқлар (масалан 5 миллион тоннадан ортиқ пахта етиштирилди) қўлга кириптиди. Россияда эса митингвозликка ружу қўйилиб, дон-дуннинг ўттиз-қирқ фоизи, картошканинг кўпгина қисми қор остиде қолиб кетди, россияликларни боқиш учун эса исроф бўлган миқдорда дон-дун ва картошка сотиб олинди. Хўш, кимларнинг меҳнат ҳаққи эвазига 1990 йили ССЖИда пул етмиш фоиз қадрсизланди? Ана шу исрофгарчиликлар касофатига Ўзбекистон ССЖ халқи, жумладан, 5 миллион тонналик пахта хирмонини яратган пахтакорлар моддий зиён кўрдилар. Йил бўйи



фидокорона меҳнат қилган деҳқон ризқига зомин бўлмаслик учун Ўзбекистон ўз пул бирлигини чиқариши шарт, то шундай бўлмас экан, косамиз оқармайди. Бунинг учун мустақиллик керак. Хўш, бугунги Ўзбекистон Шўролар Ижтимоий Жумҳуриятига қандай ҳуқуқий таъриф бериш мумкин: мустамлаками? Ярим мустамлаками? Юқорида айтган мулоҳазаларим ва далилларимга асосланиб хулоса чиқарсам, Ўзбекистон шу кунда ҳам мустамлака, ҳам ярим мустамлака ва мустақилдир, уч хил статус жумҳуриятимизда қоришиб кетган.

Ўзбекистонни шунинг учун мустамлака дея оламанки, Иттифоққа қарашли улкан корхоналар ва ташкилотлар (масалан, Туркистон ҳарбий округи кўшинлари) жумҳуриятга бўйсунмайди.

Ўзбекистонни шунинг учун ярим мустамлака дейиш ҳам мумкинки, юртимизда иттифоқ-жумҳуриятга бўйсунувчи таш-

килот ва корхоналар мавжуд, ССЖИ давлат буюртмаси ҳукмрон, аини пайтда давлат буюртмасидан ортиқ маҳсулотни сотишга рухсат этилган, лекин бу ишнинг системаси яхши ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонни шунинг учун ҳам мустақил давлат дейишадими, жумҳурият де-Факто сифатида (қонунан) мустақил давлат, ўз Конституциясига, бошқарув аппаратларига эга, Президент бошқаруви жорий этилганидан бошлаб жумҳуриятимиз де-Юре сифатида (амалда) мустақиллик томон одимламоқда. Мустақиллик декларациямизнинг қабул этилиши, ички ишлар вазирини ва жумҳурият прокурорини тайинлашни Президентимиз ваколатига олиниши мустақиллик сари дастлабки дадил қадамлардир.

Оқ йўл сенга, ҳур Ўзбекистон!

## АДАБИЙ МЕРОС

### Садриддин Айний

#### Турон марши

Ўён! Турон эли, ўён!  
Тўлқунланди илму урфон,  
Бошқаланди бутун даврон,  
Бошқа даврон, бошқа замон,  
Ухламаюр сира жаҳон.  
Ётасанми жоҳил, нодон!  
Ўён, Турон эли! Ўён!  
Тўлқунланди илму урфон.

Ўзбек, қозоқ, туркман, татар —  
Бир неча эл бўлдинг, етар.  
Айрилмоқдан ўзни қутқар,  
Айрилиқ, бил, бошга етар!  
Ўён, Турон эли! Ўён!  
Тўлқунланди илму урфон.

Турон ўғли, эр ўғлисан,  
Эр ўғлисан, шер ўғлисан.  
Юрт ўғлисан, ер ўғлисан,  
Чингиз-ла Темур ўғлисан.  
Ўён, Турон эли! Ўён!  
Тўлқунланди илму урфон.

Билим иста, мактабга юр,  
Билим берар кўнгилга нур,  
Кўзингни оч, дунёни кўр,  
Бутун дунё деюр: югур!  
Ўён! Турон эли, ўён!  
Тўлқунланди илму урфон.

«Меҳнаткашлар товуши» рўзномаси,  
1919 йил, 1 октябрь, Самарқанд



#### Амир Темур бинолариндан бўлгон Бибиҳоним харобаси ила мусоҳиба

Сенмисан! Темурдан авлодинга қолган ёдгор!!  
Сендадур, Темур нишони, турк шони ошкор.  
Сенда рифъат, сенда даҳшат, сенда санъат, сенда шон,  
Қисқаси, ўткан кунинг барча нишони сенда бор.  
Нурәфшондир қуёшдек, гунбазинг кўк остида,  
Пештоқинг тоғдек ер устиндадур устивор...  
Сўйла! Охир не учун кўнглим каби ўлдинг синиқ!  
Сўйла! Охир не учун кўксум каби ўлдинг фиғор!<sup>2</sup>

Этмади, Турон улусми, сенга-да ҳеч эътибор!..  
Қилмади ўзбек нажот<sup>3</sup> имиз сенга ҳеч эътибор!..

(«Болалар йўлдоши», (ж), Самарқанд, 1919 йил;  
№ 2-3, 26-бет.)

Нашрга тайёрловчи: Шерали Турдиев

<sup>1</sup> рифъат[а] — юксаклик.

<sup>2</sup> фиғор [ф] — жароҳатли, ярали.

<sup>3</sup> нажот[а] — суюниш, шодланиш.



Шукур Курбон



## Хақиқат Ҷумтағир

1.

Минг йиллик юрилган йўлдан қайтмоқ шарт,  
Миллион йил юрилган йўлдан қайтмоқ шарт,  
Бир нарса ҳақида ёлғон юз мингта,  
Ҳақиқат биттадир,  
Шуни айтмоқ шарт...

2.

Кўриб қийналасан, кўнглинг ғашланар,  
Ўйлайсан жим, соқит, кўзинг ёшланар,  
«Нега шундай?»— дейсан.— «Нега?».

Жавоб йўқ,

Азоб ҳаммасидан кейин бошланар.

3.

Бу кўрпанинг бургалари вояга етган,  
Воҳ! Вояга етган ҳам қон сўришга ўтган.  
Тухум қўйган ҳар бири юз, тўрт юзлаб ҳатто,  
Паразитлар қоним сўриб болалаб кетган.

4.

Бу кунлар ҳамманинг бошидан ўтган,  
Ўтганки, одам йўқ — «оҳ» демай кетган,  
Кечаги ғамларинг айтиб йиғлама,  
Бугунги таҳқирдан қулоқ том битган.

5.

Ёлғонларга ёмон ўрганиб қолдик,  
Бир зум юзлашмасак ўртаниб қолдик.  
Ўткинчи умрда билиб-билмайин  
Ўткинчи гапларни товоққа солдик.

6.

Бугун бир «оҳ» тортсак, тарих дер «фарёд!»,  
Бугун хуррам кулсак — мозий яйрар шод.  
Яхшидир-ёмондир — аждодларимиз  
Бизни деб гўрларда сақлашар сабот.

7.

Қўрқувнинг кўзи катта, йўқ хатарни кўради,  
Келмас бало-қазолар қаторини кўради.  
Тариқ эккани майли, чумчуқдан чўчиб,  
Қўрқувга бўй берган халқ баттарини кўради.

8.

Бу балиқ сасиган эмас, бас қилинг!  
Сизга думи тегди холос балиқнинг!  
Бошин ёрганлар ҳам кетди миннатдор,  
Демак раҳматини оляпмиз халқнинг!..

9.

Шеъримнинг айби кўп — шундоқ билинган,  
Ўйлаб буни юрак-бағрим тилинган.  
Таскин учун дейман: «Кўзикмасин, деб,  
«Тош ҳовли»га латта-путта илинган».

Эслаймизми, Муҳаммад Юсуф,  
Йўлимиздан ит чиқиб қолди:  
Беихтиёр дедим: «Итдан қўрқаман,  
Қопган мени болалигимда,  
Шу-шу, ҳайиқаман муштдайдан ҳам...»  
Олдинга ўтдингиз, индамай-нетмай,  
Юра бошладингиз,  
Эргашдим бир зум.  
«Э, йўқ, бунақаси кетмайди,» дедим,  
Олдинга ўтдим,  
Илдамлаб бордим  
Итдан ўтиб олгунимизча...

Гўё ҳеч гап йўқдай бу воқеада  
Эслашга арзигулик,  
Чунки йўл кўп, йўлларда ит кўп,  
Болаликда ит қопганлар кўп...

Бошқа бир гап бордир бу ерда бироқ,  
Муҳим бир гап бор:  
Панангизда —  
Кўз очиб-юмгунча ўтган фурсатда  
Бир ожизлик бор,  
Журъатсизлик бор,  
Ғашга тегадиган даражадаги  
Хавотирдан холилик бор,  
Хавотирдан холиликда  
Кечган аянч лаҳзалар бордир.

Мен ўйлайман  
Ана шу лаҳзалар табиятини,  
Мен ўйлайман  
Ана шу лаҳзалар жиноятини.



Кўпми бундай лаҳзалар, Муҳаммад Юсуф,  
Одамзод ҳаётида?  
Ва кимларнинг ҳаётида кўп?  
Фақат шундай лаҳзалардан иборат бўлса умр  
Қандай кўйга тушади инсон?

Йўлидан ит чиқса нетарлар?  
Бало-қазо чиқса-чи?

Наҳот, дўстларини олға ўтказиб,  
Узлари орқада кетаверишар?  
Дўстларининг панасида кетаверарми,  
Виждонлари қийналмасдан кетаверарми,  
Муҳаммад Юсуф?

Мен сиздан илтимос қилмагандим ҳам  
«Олдда юринг»,— деб,  
Улар-чи? Илтимос қилишадими:  
«Ортда борай» — деб,  
Муҳаммад Юсуф?  
Мен қийналиб кетдим — сиз олдга ўтганда,  
Улар қийналмасми — юриб панада?  
Ўттиз еттинчи йил кўпайиб кетганмиди  
шундайлар,

Эллигинчи йилдар ҳам кўпайиб кетганми эди,  
Ҳозир ҳам кўпайиб кетаётирми  
Шундай одамлар?  
Мен ҳам,  
Агар мен ҳам ўша муддатни,  
Сотқин бир муддатни енгмаганимда  
Болалаб кетармиди улар ногаҳон  
Менинг ҳаётимда ҳам,  
Муҳаммад Юсуф?..

## Кузатиш

...Ва тунги поездда кетасан жўнаб,  
Ҳувиллаган чексиз шаҳар қолади.  
Бир оғир соғинчдан сирқирайди қалб,  
Мунгли бир хотира — заҳар қолади.  
Яна минг йилдан сўнг келасан қайтиб,  
Кучоқ очиб қарши олурман такрор.  
Азизим, ишқ фақат биз учун қаттол,  
Биз учун бағритош, биз учун хунхор.  
Дунёда борлигинг аччиқ бир бахтим,  
Кутарман кузатиб ёна ва ёна.  
Кўзларимга милдай тортилар, ахир,  
Сен кетган темир йўл излари, мана...



# Назми

## Чоршаъм



# Бир чикон бер кетмоққа

## Ожиз Ҳофиз қўшиқлари

### Туркумдан

Унутилиб кетган оҳангда  
Куйлар Ожиз Ҳофизнинг тори.  
Атрофида чўнқайиб тинглар  
Мухлислари — рангсиз баҳори.  
Ҳассага таянган қадди дол чоллар  
Қўшиқ оҳангида тебраниб ўйчан.  
Кўз ёшини артар кампирлар  
Узун, елпи енглари билан.  
Ҳофиз-чи, уларни кўрмайди сира,  
Ҳофиз ўз дардлари билан бўзлайди.  
Туйғулари ёруғликдай бокира,  
Ҳофиз юрагидан ёниб куйлайди.  
Ҳайқириб куйлайди, куйлаганда ҳам,  
Ўксиниб йиғлайди, йиғлаганда ҳам:  
«Бормикан, йўқмикан, менинг Гулюзим?  
Қаён борсам, йўлим қисқа, тор экан,  
Армонларим зиёларга зор экан.  
Қўшиғимни тинглар-ку деб излайман,  
У ҳам менга менинг каби зормикан?  
Бормикан, йўқмикан менинг Гулюзим?»

Турналар осмонда ясаб гулчамбар  
Ларзона-ларзона қўшиқ айтишар.  
Ва тағин тарк этиб дала, қишлоқни  
Жануб томонларга бу тонг қайтишар.

Ортида югурик, айрилиқ кўзлар  
Ҳар бири ўзича нимадир сўзлар.  
Турналар эса, эҳ, қайрилиб боқмас  
Қандай қўл силкишар қишлоқли қизлар.



Севгида ҳақ, ноҳақлар бўлмас,  
 Бордир фақат қотиллар ва қурбонлар.  
 Бу саҳна ҳеч қачон ниҳоя билмас,  
 Ундан ҳайратланар ҳар не замонлар.  
 Мен сенинг қотилингман, севгилим,  
 Сен эса ҳаётни менга раво кўрдинг,  
 Бу билан мени ҳам ўлдирдинг, севгилим.  
 Энди яшаб бўлмас,  
 Севмаганлар ва севгида  
 Бахтиёрлар ҳақда сўрама мендан.  
 Шундай буюк саҳна олдида  
 Керак ахир томошабин ҳам.



Мен сенга сўзлашдан қўрқардим жуда,  
 Мен сени тинглашдан чўчирдим чунон.  
 Ҳайиқиб боқардим теварагимга,  
 Ҳайиқиб боқардинг сен ҳам ногаҳон.

Ҳаммаси тугади деган бир ажал  
 Ҳар ёнда қаҳқаҳа отар бахтиёр.  
 Унга сен, унга мен бўлгандик мўлжал,  
 Унга бас келолмай турарди баҳор.

## Уйғоқ тушлар

Йўллар ёруғ эди, манзиллар оппоқ,  
 Ойдин тўшакларда ухлар эди тун.  
 Юрак талпинарди юракка муштоқ,  
 Хаёл қуршар эди борлиқни секин.

Тўлин оймодан тўшаларди нур,  
 Севинчлар тоғ каби бўртиб борарди.  
 Биз баҳор бағрида елардик масрур,  
 Севгимиз чақмоқдай тунни ёрарди.

Оламда ўзга бир уйғоқ зот йўқдай,  
 Еру кўк бағрида танҳо эдик биз.  
 Юракда ўзга бир ҳиссиёт йўқдай  
 Сукунат сеҳрига шайдо эдик биз.

Гўёки дунёлар қаршимизда лол,  
 Тиз чўкиб ўқирди бизга тасалло.  
 Қадим эртақларда айтилган мисол  
 Муроду мақсадга етардик, аммо...

Севгига дарз кетди, дарз кетди Замин,  
 У излар тафтини гумонлар кўмди.  
 Бошимизга ҳижрон қулаган сайин  
 Қалбда эҳтирос ҳам оҳиста сўнди.

Йиллар шафқат билмай кечди беомон,  
 Қалбда на севинч бор ва на бир ҳайрат.  
 Кимсасиз йўлларда тентийман танҳо,  
 Борлиқни қуршайди яна сукунат.

Тунлар оғушига ҳар баҳор қайта  
 Сенинг нигоҳингни сўрайман такрор.  
 Юракка энг азиз кўшиқлар айта  
 Бир уйғоқ тушларни кўраман ошкор.

Тушларки, оймодо мисоли порлоқ,  
 Унда сен энтикиб борарсан ҳар вақт.  
 Йўллар ёруғ бўлғай, манзиллар оппоқ,  
 Ойдин тўшакларда ухлар муҳаббат.

## Қаршимда яна сен

Ҳайридин Салоҳга

Қаршимда яна сен, яна сен,  
 Кўзларинг пирпирар, куласан.  
 Маҳталинг тагин мен, тагин мен,  
 Бир оппоқ булутдай келасан,  
 Қаршимда яна сен, яна сен.

Кўзларинг пирпирар, куласан,  
 Нигоҳинг муҳрига асирман.  
 Биласан, биласан, биласан  
 Басирман, басирман, басирман,  
 Кўзларинг пирпирар, куласан.

Маҳталинг тагин мен, тагин мен,  
 Бир имкон бер ахир етмоққа.  
 Меҳварим тагин сен, тагин сен,  
 Бир имкон бер ахир кетмоққа,  
 Маҳталинг тагин мен, тагин мен.

Бир оппоқ булутдай келасан,  
 На қор бор, на ёмғир кўксингда.  
 Бир зор бор, бедор бор сезасан,  
 Ҳар баҳор гирёндир кўшкингда,  
 Бир оппоқ булутдай келасан.

Қаршимда яна сен, яна сен...





## Саломат Мухаммад Вафо



Оллох, Оллох, наҳот ўлим дегани шу бўлса, наҳот бир умр — эллик беш йил шу мавҳумот, армонли бир тумандай нарсадан қўрқиб яшаган бўлса! Наҳот, инсонни бу дунёдан: орзу-умидидан, бола-чақасию қора рўзгоридан айри тушуви — бу қадар осон кечса! Наҳот бир мўъжизадай дунёга келадиган инсоннинг тириклигидан ажаралуви, ўлим ваҳшатидан дилдираб, заволни кутиб яшаган юракнинг, армон ва паймонага тўлуви вақти-соати ҳисобланадиган лаҳза — бу қадар кўтилмаган, бу қадар тез, фавқулодда рўй берса! Инсон бу дунёга не учун келди-ю, не учун кетди! Нега ўлим деган даҳшатли ҳодисотнинг рўй берувини, кимнинг қайда қандай ўлишини ёлғиз яратгандан бошқа ҳеч ким билмайди! Таназзулга яқин қолган бу дунё — ғайридину, мусулмон олимлари, наҳот, шундай оддийгина кечадиган ўлимга чора тополмаса!

«Наҳот ўлим деган мавҳумот — шу бўлса!»

Ойсанамнинг кузда эрта совуқ урган қовун палагидай қуруқшаб, ҳаёт асари тарк этган гавдасига табиблар саноксиз ниналар тиқишар, оғзи-бурнига, нажотга илҳақ бўлган ғариб танасига аллақандай совуқ ялтираётган асбобларни қўйишар, улашар, у ҳайкалдай қотиб ётган хонада у ёқдан бу ёққа югуришарди. Сақлаб қолиш учун нина ва дориларни аяшмас, этидан қон чиқмай қолган бўлса ҳам, жонини жабборга бериб, ҳаракат қилишарди. Лекин шўрлик Аёлнинг мангу сукунат салтанати тасарруфига ўта бошлаган совуқ ва кўкарган танасининг бир мўйи силкинмас, томирлари бирор марта имранмас эди. Илгари мушфиққина, соддагина, мулоимгина бўлган бу аёлни қўшни ғийбатчи-хотинлар шу дамда кўрганидами, даҳшатдан ёқасига туфлаган ё ҳушидан кетиб йиқилган бўларди. Чунки Ойсанамнинг ҳаммиша хокисорлик ва мўтелик ифода этадиган юзи, ўзи туғилган юрт Хоразмнинг шўр ерларидай оқарган, оғзи-бурнига ингичка-йўғон, узун-қисқа елим ичаклар тиқилган, мўмиёлангандай боши оқ доқачалар билан танғиб боғланган, хона совуқ бўлишига қарамасдан ўстига ялангқат чойшаб ёпилган, чойшаб остидан кичик, озгин, қуруқшаган қора оёқлари чиқиб турарди.

Ойсанамнинг бир умр гармсел шамолларида қотган, саратонда сарғайган, қаҳратонларда музлаган ғариб вужудини ҳаёт деган тилсимот аллақачон тарк этган, чавандоз қамчисидай чўзилиб кетган гавдаси эса, асрлар давомида хилват ғорларида сақланиб қолган, ибтидоий туркларнинг жангда шаҳид кетган суввора аёлларнинг тошга айланган юзи сингари ваҳимали тарзда мағрур ва ҳадикли буришган кўйи шамдай қотиб ётарди.

Вужудининг, миясининг қай бир қатламларида тиббиёт кўзидан яширинган номаълум шуълалар ўчиш олдидан титраб, алангаланаётган шамдай пириллаб, илиниб турар, атрофида юз бераётган ҳодисаларни асрлар бўйи сақлаб келган туркий аждодларининг қонун-одатларига кўра, жимгина садоқат ва сабр билан «кузатиб ётарди».

Вақтнинг синиқ зарралари бўлмиш — сониялар тиббий занжирлар билан занжирбанд қилинган маҳбуса учун асрларга, дунёга тенг бўлди, омонсиз жангга шайланган тутқуннинг илма-тешик бўлган вужудида етмишинчи бувасининг руҳлари алланеларга чирмашган кўйи бош кўтарди.

Умр тиловчилар, ҳаёт соқчилари югура-югура, урина-урина чарчаб, илқидан қўлган сўнги тадбирни қўллаб ва шу билан умидини ҳам узиб, маслаҳатлаша-масла-



Ҳикоя



ҳатлаша чиқиб кетдилар. Эшик ёпилиши билан Ойсанамнинг руҳи вужудда милтираётган жонини ростлаб, бир дардига ўн дардини суяб, ўнлаб касалликлар болапаган гавдасига таяниб, бир сакраб шифтга ўрнатилган қўша-қўша думалоқ чироқча чиқиб олди. Узининг абжир ва чаққонлигини мағрурланиб, деразага кўз ташлади: кир ва туссиз ташқарида, худди шундай кир увадаларга ўралган, сап-сарик сочли башаралар билан аралашиб кетган оломон ғимирлаб юрар, уларнинг ортида кир тутунлар чиқараётган саноксиз мўрилар, ўлим ва даҳшатни эслатувчи баланд-баланд бинолар кўзини лўқ қилиб қараб туришарди. Узоқ-узоқларда сон-саноксиз қизил туғларнинг устига кўниб олган қарғалар алланарсаларни ғажир, онда-сонда «қағ-қағ» деб қўярди. Бу манзара унинг кўнглига уриб, пастда ўз юртидан минглаб чақирим узоқда, ғариб бир беморхонанинг ғариб бир хонасида, эзгин, қай бир маънода жирканчгина бўлиб, баланд ва тап-тақир картга қапишиб ётган, асл вужудига тикилиб йиғлаб юборди.

Шу Ойсанам деган хотин худонинг қарғаган мардуми, бир умр алланарсаларга муҳтож бўлиб яшади. Ҳозир тинчгина оёқ узатиб ўладиган пайтида ҳам зориқиб ётибди. Қани энди бирданга унинг гўри, ота-боболари қўйилган қишлоқнинг Воёнгон мазорида пайдо бўлиб қолса! Тириклигида у ернинг ёққан қордай оқариб ётган шўрхоқ ерларини, тарвақайлаб кетган йулғунларини қадрламаган экан. Бугун эса, жони бўғзида қилтиллаб турибди-ю, Воёнгон қабристонини орзу қилади!

Наҳот, узоқ умр йилларини, кўнга ўхшамаган кўнларини Воёнгон бува қабристонига ўлиш учун кечирди!

Ойсанам аллақачон яратганини дорулбақосига чорланган бўлса ҳам, негадир ўлолмаётгани, шу озгин, томирлари бўртиб, бир умр ёвгон ош ютган бўғзидан жони чиқиб кетавермаганига, чала сўйилган жонлиқ ҳолига тушганига ўқиниб-ўқиниб йиғлади. Дардини оғирлаштираганида, бир этак болаларидан ортиб қаратганида — бу хўрлик ва бу азоб йўқмиди! Умуман, ман-ман деган бойваччанинг хотини ёки онаси бўлганида, балки бир зумда унинг касаллигини аниқлашарди!

Шу он эшик очилиб, аллатовур ғалати кийимли иккита одам кирди, у гавдасининг устига сакраб оқ чойшабнинг остига кириб улгурмай, ётган аравасини қоронғи йўлак бўйлаб ғилдирата кетишди. Ойсанам сўнгги умид ипининг узилганига ва ҳозир борадиган манзилида буюк фалокат рўй беришини — шу билан ҳаммаси тавом бўлишини англади. Унинг ўликхона деган машъум ва эзилган руҳлар маконига олиб боришса, эшитганидай танасини қийма-қийма қилиб ишга ярайдиган аъзоларини олиб пақирга солса!.. Шундай осон қутулса гўрга эди-я, қизи айтганидай қайнатиб суягини ажратиб, талабалар ўрганиши учун ойнаванд жавонга қўйишса-чи! Худо урибдими, ундайлар ўлмасидан олдин танасини ҳукуматга сотиб ичармиш-ку! Ойсанамнинг йўқлайдигани бор, узоқда бўлса ҳам Ватани, ҳокисоргина бўлса ҳам ўзбек деган миллати бор. Шўрлик қизи булардан беҳабар, ўқишдан чиқиб онамга тансиқроқ егулик олиб борай деб бозорда сарсон кезиб юрган бўлса!.. Эй, шум тақдир, эй қора ажал! Не гуноҳим эди, не кўйларга солдинг мени! Шири жоним олдинг, гуноҳларга қолдинг!..

Шу лаҳза ғилдиловчи карт тўхташи билан ёнгинасидаги йигирма бешлардан ошмаган, келишган юзи таниш, баланд бўйли сурнай кўтариб олган бир йигит пайдо бўлди.

— Бийи,— деди ўша йигит таниш овозда.

— Жоним,— деди Ойсанам ҳам ҳаммага ёқадиган шикастагина товушда.

— Сиза на бўлди!

— Эй, ҳаммамизам гунимиз қурсин болам.

— Унда сизнам...

— Эй, ўлдирворгани, туғилмай ўлганим минг марта авло эди. Шу ёзғит, ўлмай ўлганмиз.

— Узинг кимсан, ахир!!

Ойсанам шундагина йигитни, бундан ўн беш йиллар муқаддам, тўйи кўни ҳалокатига учраб ўлиб кетган, муродига етмаган Бекназар эканлигини билди.

— Ҳов, Бекназаржон улим, санмисан, қорагўзим. Бекназар худди ўша тўй кийимида, пешонасига тўшиб турган сочни уялибгина билар, қўлидаги сурнайни у қўлидан бу қўлига олиб, ҳадеб жилмаярди.

— Қўлингдаги синнайми, қўзим!

— Синнай, синнай.

— Натасан!

— Оқшом бир зиёпат бор эди. Унда биз кетдик Ойсанам бийи.

— Биз деганинг ким!

— Иби-ий, Қадам кассирни танимадингизми!

Ойсанам шундагина бош устида турган, баланд бўйли, норғул, тўлагина Қадамбойни таниди. Уни кеч кузак кўнларининг бирида қийнаб-қийнаб ўлдириб, темир йўлга ташлаб, қотилликни поезд ҳайдовчисига оширмақчи бўлишган экан. Ойсанам қишлоқчилигига бориб гапни пўсткалласини айта қолди.

— Қадамбойжон болам, сани ким ўлдирди!

Ҳалигина кулиб турган йигитнинг боши эгилиб кўзида ёш милтиради, катта-катта қўллари билан ёшини артиб бурнини тортди.

— Қотилни ҳамма билади.

— Ким билади-и!..

— Бир.. шу..— у гапиролмай кўз ёшларини ичига ютиб ғўлдуранди.— Болаларга ачинаман. Не дейин: худодан бўса бир кун кўрсатар.

— Уйингдагиларга нима деб қўяй!

Йигитлар Ойсанамнинг гапига аввал ҳайрон бўлишди, сўнг қаттиқ кулиб юборишди-да, ғойиб бўлишди.

Бу ҳодиса қандай юз берди, тушми, алаҳсирашми, билолмай, ханг-манг қотиб қолди.

Ҳали ўзига келмай туриб, атрофида айланиб учаётган оқ шарпалар, қизини номини тутиб: «Ойжамол, Ойжамол» дея чирқиллайвердилар. Узи ҳам замин у замонни бир қилиб: дарду ҳасратларини, орзу-армонларини айтиб бўзлайверди.

Кўп ўтмай уни қоронғи, қадим зиндонларга монанд ўликхонага киритиб, эшикларни тақа-тақ беркитиб чиқиб кетишди. Бурнига қон ва яна аллақандай ўзга ҳидларнинг иси урилиб акса уриб юборди. Аксанинг аксадоси шу ернинг соҳиб ва маҳкумаларидай жонсиз, ўликлар қўрғонининг моғор ва ис босган деворларига урилиб, парча-парча бўлиб кетди. Уз қонуният ва риоя этиш шарт бўлган қондаларига эга бўлган бу номсиз жой инсонлар заволга юз тутгандагина паноҳ бўладиган сўнгги манзилгоҳ.

Ойсанам ҳали ўзига келиб улгурмасдан, узоқ-узоқлардан, эркак деса эркак, аёл деса аёлники бўлмаган бир овоз эшитилди.

— Ким у!!

Ойсанам ўликлар қўрғонига одатий бўлмаган, тирикликнинг гўзал насимлари уфуриб турган овоздан парзага келди. Улганида ва ҳатто шу чегара ҳисобланмиш номсиз бу мамлакатга келганида ҳам қўрқмаган эди. Қўрқувдан танасини номсиз мамлакатнинг ўлик сукунатига қўшилиб кетганини ҳис қилгандай бўлди.

— Мен қаердаман,— деди яна ҳалиги овоз.

— Уликхонада!

— Уликхонада-а!— ҳайратланган овоз шифтларга урилиб ярадор қушдай ерга қулади.

Овоз эгаси алланени ҳисобга олгандай бир муддат



жим қолиб, сўнг тақдирга тан берди чоғи, яна тилга кирди.

- Нега бу ердасан!
- Улганман.
- Қачон ўлгансан!
- Азонда.

Улим қўрғонига одатий сукунат чўкиб, аллазамондан кейин аёлнинг сўниқ ва файзсиз овози яна қулоққа чалинди.

- Кимсан ўзи!!
- Мусофирман.

Дёлни ортиқча қизиқтирадиган нарса қолмади шекилли, ўлик қўрғоннинг зиндон сукунатига қўшилиб кетди. Машъум жойга ўз номига хос — ўлим сукунати чўкди. Ойсанам умрининг тўфонларида қолган ҳаёт денгизига нигоҳ ташлаб: туб-тубида, от-аравада келин бўлиб келгани ва бўйра солинган уйдаги биринчи оқшомни, орадаги йиллар, шол бўлиб тўғилган икки ўғлини, умрининг оғир уқубатли йилларини кўрди.

Шу мажруҳ гўдаклар учун ҳам яшаши керак эди. Улиб-тирилиб, хонумонини сотса ҳам шуларни оёққа турғазиси керак эди.

Энди уларнинг ҳоли не кечади! Узисиз бўшаб қолган ўйни тасаввур қилиб ўртаниб кетди. Ароқхўр эрини ёмонини яшириб, яхшисини ошириб муомала қилди. Бир вақтлар бинойидек йигит бўлган, эндиликда қийинчилик ва етишмовчиликларга дош беролмай ичкиликка ружу қўйган эрининг муштларига, шу ногирон гўдаклар учун чидади. Қонлар ютди. Оқибат эгасиз итдай мусофир шаҳарда ётибди. Узи ҳам дунёга келиб нени кўрди, шу ерда ҳам деразадан қарашга мадори бўлмади.

«Эй, яратган, не гуноҳим бор эди!»

Шунда ҳалиги аёлнинг:

- Нега келгансан! — деган аҳмоқона саволи қулоғига кирди.
- Умримни касаллик еди.
- Мен эса сиёсий мафиянинг ичига тушиб қолдим.
- Мапиё деганинг неси!
- Бир жойда қирғин уюштириш буюрилганди.
- Миллатинг не ўзи сани!
- Сени тилинг билан айтганда кофир.
- Кофир бўлсанг ҳам яратганнинг бандасисан-да.
- Узинг кимга қарайсан!
- Мен мусулмонман.
- Унда иккаламиз икки қутбдан эканмиз.
- Мунча сансирийсан, бешигимни чайқадингми!
- Биз ҳаммани бешигини чайқаганмиз. Қолаверса, отамни ҳам сен дейман.

Ойсанам ҳангу манг қотиб қолди: аёл киши қотил. Гўдак кўтарадиган қўлига — қурол олган. Ё олло: бу не замонлар бўлди, ҳаёт ато қилувчи аёл — одам ўлдирса! Мапиё деган нарсанинг ичида юрса! «Яхшига юрим, ёмонга ўлим йўқ». Бунинг онаси ким экан, қай юртнинг сувини ичган экан!

Шу он эшик очилиб нурли-нурли тўлқинлар ўйнаб-ўйнаб, иссиқ ҳаволар ирғиб-ирғиб аллақимларнинг шарпасига қўшилиб кириб келди. Остонада турган одамнинг даҳшат ва қўрқинч унларига тўла овози эшитилди:

- Сиз... сиз, ти-рик-ми-си-сиз!!
- К сожаления, тирикман.
- Тирик!!
- Тири-ик!

Очиқ қолган эшик олдида югур-югур бошланиб, ғалағовур бошланиб кетди. Ниҳоят йўлак бўйлаб тарақат-туруқ бўлиб, замбилни филдиратиб келишди.

- Кўтар.
- Уни қара-я, мўъжиза-ку!

- Сенсация!
- Кашфиёт!
- Интрига!
- Ия, нега интрига!
- Тарихий воқеа.

Шунда «мафиячи хотиннинг» бўғриққан, дағал овози эшитилди:

- Тўхтанглар, яна бир хотин тирик.
- Келганлар яна ҳангу манг қотиб:
- Қайси!! — деб ҳайқириб юборишди.
- Ана, чекнада ётган.
- Қаердамиз ўзи!!
- Ҳаммомда.
- Тушунмаётирман, қаердамиз!
- Уликхонада, — деди ҳалиги «мафиячи хотин».
- У нима деди!
- Ким!! — анграйди «мафиячи хотин».
- Тирилган.
- «Умримни касал еди», — деди.
- Подумашь!
- От-аравада келин бўлиб келган экан.
- Ки-им!!
- Тирилган-да!

Шифтга ёпишган чиरोқ ёниб, келганлар бараварига ичкарига ёпирилишди. Биров Ойсанамнинг кўзига кичик чўзинчоқ асбоб тутди, бирови нина тикиб кўрди, яна бирови томирини текширди.

- Улган, — дейишди бараварига.
- Ахир, мен у билан гаплашдим.

Келганлар Ойсанамнинг шўрлик вужудини яна бир қарра илма-тешик қилиб, ўлган, дея сўнгги ҳукми чиқаришди.

- У менга мусофирман, деди.
- Қачон!
- Акса урганимда.
- Шизофрейникми дейман, — деди кимдир аста-гина.

- Ҳа, руҳий касал.
- Касал, касал.
- Узинг шизо, аблаҳ, — деди «мафиячи хотин» куйиб-ёниб.
- Эшитдингми, шизосан.
- Кўп ақиллама, ит!
- Эшшак!

Келганлар тапир-тупур юриб, темир эшикни тарақла-тиб ёпиб чиқиб кетишди. Уликлар қўрғонига одатий, бу ернинг маҳқумалари руҳига мос сукунат чўкди.

Ойсанам келганларга гапиролмагандан сўнг энди ҳақиқатда ўлган бўлсам керак деб ўйлади ва сўнг ҳукм чиқариб улгурмади. Қаерлардадир қизининг келаётганини ҳис қилиб, ичида бир нарса бош кўтарди. Хаёлига пахта терим пайтлари трактор аравасининг темир қаноти бошига тушиб кетгани келди. Ушанда ҳамма нарса тамом бўлганмикан! Табиблар ҳам кўрдан баттар экан, бир ой олиб ўтириб, не бўлганини билмайди. Шу лаҳза эшик тарақлаб очилиб, қизи Ойжамолнинг, энажоним-ей, деган нидоси отилиб кириб, иссиқ ҳаволарга қўшилиб, ўлик дунёнинг ўлик деворларига урилди.

«Болам-эй, — деди Ойсанам юрагида. — Галдингми, қора гўззим, воҳ бўйларингдан энанг айлансин-эй, болам. Кўзим-эй, шу кунларга сени солгон энанг ўлсин, болам. На илож атин-а, болам, бу дунёга сиғмийдигона ўхшайман, инди юрта қайтмийдигона ўхшайман. Воҳ болам-а, етиб-етмаган болам-а, озобларда қолгон болам-а, гул болам-а, бўлбул болам-а».

- Эна, энажоним-эй, етимларни кима ташадинг-эй.

Ойсанам қизининг чексиз дард-ҳасратидан, куйиб-ёнувидан энасига даво топаман деб, ўлим топганини ва



хатто минглаб чақирим узоқликдаги юртга жасадни қандай олиб кетмоғини ўйлаб, нолаю афғон чекди.

Сўнг Ойсанамни филдиракли замбилга солиб аллақайга судраб кетишди. Шўрлик қиз орзулари армон бўлган энасининг атрофида чирқиллаб айланаверди. Ғалағовур, турли товушларга тўлган очиқ майдонда у ётган замбил бир оз туриб қолди...

Аллақанча вақтдан кейин уни машинага солиб йўлга тушишди. Ойжамол энаси гўё совуқ қотаётгандай кўрпа билан ўраб, юзини силаб-силаб силкиниб борарди. Ойсанам, узоқ юртларда жонини олиб, қизини сомондай сарғайтиргани учун — яратганга гиналар қилди.

Катта тезликда кетаётган юк машинасининг ичи қуёш ботиши билан совиб кетган, телба шамол гирдоб-гирдоб бўлиб айланди. Ойжамол кундузги югур-югурдан, бетўхтов йиғидан ҳориган чоғи, машинанинг бир бурчагига қисилиб мудраб-мудраб борарди. У — шум тақдирни, йўқчиликка маҳкум иложсиз дунёни, вафосиз қисматни тушида ҳам қарғаб борарди. У ўйқусида кимларгадир: бахтсизлигини, онасидан айрилганини айтиб, дард-ҳасратларини тўкиб-тўкиб йиғлаб борарди. Ойсанам ҳаволарни, чопқир шамолларни, ғам аламларни ёриб бораётган машина тезлигидан, тақир чўлларнинг қаттиқ аёзидан қизининг совуқ қотиб ғужанак бўлиб қолганини билди. Унга: «Болам-эй, кўрпани олиб ёпа қол», деб, зору нола қилди, қизи эса саодатни унутган қўлдай, шу кунни, энасининг жасадини ҳам эсдан чиқаргандай мулгиб-мулгиб борарди. Агар мўъжиза юз бериб Ойсанам ўрнидан турганида ҳам, у ёқ бу ёққа урилмасин деб, оёқ қўли чандиб боғланган арқонни ечмоғи душвор эди. Агар мўъжиза юз бериб, Ойсанам машинадан тушиб қолганида, кўзини очган қизи бу ҳолатдан телба бўлиб қолмоғи тайин эди.

Нафис қабоқларини очган тип-тиниқ кўкда туғишга яқинлашган Ой, йўловчиларнинг ғариб ва мунглуғ ҳолатидан ҳайрон-ҳайрон учиб, тенгма-тенг елиб келарди. Машина тезлашса тезлашиб, секинлашса секинлашиб, чопишга энди ўрганган кучук боладай эргашарди.

Ойсанам чорловини қизи эшитмаслигини билиб, бу азоблардан бағри кўйиб, поймонаси тўлгандан тўлиб, дардини сойларга айтди, кўкдаги ойларга айтди: «Ойжамолим-ов, шу гўрганларина шукур, билганларина шукур. Худодан ўлли гапирмади: бу кам демади, кўплар тўқ-у, мен оч демади, озига қаноат, кўпига сабр қилди. Каттани опа, кичикни сингил деб, қанор-қанор пахта терди. Уйда тандир тандир нон ёпди. Кичик гапирди, кичик еди. Ҳаммасига шукур деди».

Шамол кучайиб бир вақтлар Ойжамол ўз қўли билан тикиб берган, устидаги кўрпасини кўтариб кетди. Кўрпа шамолда учиб нотаниш тупроқда қолиб кетди. Ойсанамнинг саратонларда сарғайган танасини ёпиб турган кўк қўйлаги, шамолда, музаффар турк шаҳарларига қадалган тўғларидай ҳилпираб ётарди.

Бир маҳал шамолнинг уяси бузилиб, қулоғига итларнинг ёмон нарсалардан дарак берувчи даҳшатли увиллашини ва аллақимларнинг сўнгсиз дод-фарёдларини, кўпириб-кўпириб оқиб келаётган қон денгизининг шовурини олиб келди. Воёнгоннинг у орзуманд бўлган муборак дарвозасининг олдида, муниси — онажони мунглуғ-мунглуғ жилмайиб кучоқ очиб турарди.

Эрталаб машина сомон сувоқдан чиққан, ёмғирдан нураган уйнинг олдида келиб тўхтаганда, Ойсанамнинг бу дунёдан аллақачонлар юз ўгирган юраги орзиқиб-орзиқиб, бир муддат оёқ-қўлини кериб-кериб турди-да, сўнг қийналиб жон берди. Унинг аламларда сарғайиб чексиз изтироб чеккан юзида, йиғи ва табассум орасидаги мискин бир ризолик қотиб қолди.

## Кун кечаётган одам



Сени кўрдим,  
ҳама элли унутдим.

Машраб

«Эй, эналари ўлсин, эй ўзлари ўлсин. Кўриб билиб шу ишларни қилди-е, охирати куйсин, дили куйсин, дунёси куйсин. Уни шу кўйларга солган, йигит бўйинини эгган ҳаловатига ўт тушсин».

У алам ва нафратнинг зўридан гангиб, қинидан чиқай деган кўзларини узоқ-узоқ нуқталарга тикканича, ўзига бўйсунмаётган машина чамбарагини чайир ва қадоқ кўллари билан, ичидан отилиб чиқаётган ҳасрат ва қайғу кучи билан айлантира кетди. У ўзининг қайга кетаётганини унутган, миясида кўпириб авжига чиққан ғазоби қаҳр нуқтасига етган эди.

Машина филдираклари остидан кўлмак сувлар ҳар томонга сачрар, эски Николай замонидан қолган юк машина безгак тутган дардманддай, ёхуд кеч қишда «йўталга чалинган нортуйдай» титрар, силкинар эди. Арткичи ишламаётгани учун, машинанинг олди ойнасини майда ёмғир томчилари қоплаб, йўл яхши кўринмас, Озод эса совуқ шамол уриб ётган ён томондан тез-тез бошини чиқариб олдинга қараб рулни бошқарар, унинг қизиб тобига келган тандирдай мислсиз алангалаётган танасига на эзиб ёғаётган ёмғир, на кўз очирмасдан ураётган изғирин таъсир қилар эди.

«Кўп ичадиган бўлиб қолган эмишман,— деди ўзига ўзи. Хўп ичса нима бўлибди, бировнинг киссасини кесиб, етим-есирнинг ҳақини еб, ичаётгани йўқ-ку. Ичса ўз пулига ичди, ойда бир ичди, жўраси билан ичди, кўнгли тортар дўстлари билан тўйларда ичди. У ичадиган одам бўлгани билан иймони бутун, ё ҳазрати Довуд, ё пирим, деб машинасига ўтиради. Бировнинг молига ола қарамади, ҳаромнинг киссасига кўз тикмади, хотинсирамасди. Ҳай, энасини... ҳаммасини. Танасида дард бўлмаганидан сўнг бир коса заққумига ичса, Озод Озодвой бўлмай қолибдими? Ким ёмон, тўқсон сўм маошига олиб ичадиган Озодвой ёмон. Ким яхши, ичса ҳам чўнтаги кўтаридиган бойвачча яхши. Юмуш бўлса — Озодвой яхши. Эй, гўрган гунлари қурсин, дунёсина ўт тушсин. Ҳаёт шундайда: биров қимор ўйнайди, биров нос чекади, биров жононлар билан ўйнашади».

Шу ўй миясидан ўтгани замоно вужудининг бутун танасига ёйилган минг-минглаган томурларини мудҳиш бир оғриқдан титраб кетди. Ичида заҳарли илондай бир нарса оғир-оғир тўлғониб, қорачиқлари ўпирилиб тушгандай бўлди. Озод ичидан кўтарилиб келаётган хўрлик вулқонларига, қалтироқларига дош беролмай учиб келаётган машинанини дала йўлига солиб юборди. Ғазабдан қорайган юзида ёш томчилари думалади, буни кўз



ёш ёки ёмғир томчиси эканлигини билиб бўлмасди. У худди олдиндан келиб юрадигандай Ойшанинг уйига бурилди. Машина тўхташи билан дераза дарпардаси сурилди ва ундан Ойшанинг ҳайрат ва ҳайронлик акс этган чиройлик юзи кўринди. Йигит машинадан тушиб улгурмасдан ойдай очилиб, кулиб-кулиб қошига чиқди. Йигитнинг кўнгли ёмон нарса егандай алағда бўлар, боши темирчининг босқонидай қизиб, кўз олдида кетмаётган хароб манзаралар бутун вужудини қамраб олди.

— Иби-ий, иби-ий, хуш гўрдик,— марвариддай текис тишларини кўз-кўз қилганича, бир гўзал жилмайишлар билан, соллона-соллона Озодга пешвоз чиқди.

Аёлнинг мафтункор кўз қорачиқларида неларгадир ташналик, нозик меҳмоннинг ташрифидан хушнудлик яширинган эди. Озод ўнғайсиз бир ҳолатда сочидаги ёмғир томчиларини қўли билан сидириб ул аёлга юзланди. Негадир кўнгли бўшашиб, хўрлиги келди, ёмғир томчиларига қўшилиб кўз ёшлари юзларини ювди.

— Уйингда ким бор?— деди мискин ҳолатига терс вазиятда.

— Узим ва худодан бошқа ҳеч ким,— Ойша бу гапни зўр қониқиш ва жонсарак билан айтиб, дикиллаб йўл бошлади.

Озод саранжом-сарийшта, бир ёқимли бўйлар келаётган, нигоҳини беихтиёр ўғирлаб, шу гўзал бекаси ҳақида ўйлатадиган, кенг ва юмшоқ катга ўзини отди. Йигитнинг бу журъатини тантиликка йўйган Ойша, не биландир унинг кўнглини олмоқ ниятида, уй ичида тинмай югурарди.

Бундан икки соат олдин уйга Шермамад деган жўраси келмаганида ё Озод ўзини кўриб кўрмаганликка олмаганида, ҳозир хотинининг илиқ пинжиги тиқилиб, хайрли-хайрли тушлар кўриб ётган бўлармиди? Шундай бўлмади-да, ҳамма нарсани кўрди. Азалдан ёмон Озодвой бўлган учун ҳам ёмон итлигини қилди. Ё олло, қайданам шу бугун Шермамадга дийдорлашувини буюрган экансан. Бир ёруғ Кун кўраман деганида, умримни, Кунимни бўлган экансан, Бир лаҳзада салкам ўттиз йиллик умрини, кунини ифлос, эски бўйрадай юмалқлаб, оловга отган экансан. Ё олло, ўзинг қудратлисан, ўзинг марҳаматлисан.

Ночорлигини, қўл учиди кун кўриб юрганлигини билиб, Шермамад бир тўрхалта харажатини, иккита «обизамзам»ни қўлтиқлаб кириб келди. Жўраси илм-ақл бобиди ноқисроқ бўлиб яралган бўлса ҳам садоқатли, вафоли дўст эди. Вафоси — райком деган жойларга кўтарилиб бўйнига муштдай-муштдай тугилган бўйинбоғлар таққанида ҳам бурнини кўтармади. Садоқати — ароқхўр жўрасидан жирканмади, синфдошлигича қолди. Сўнг... сўнг ҳали айтганидай, бир тўрхалта, Озодвой учун жуда катта инъом ҳисобланган сарфун харажатни кўтариб кириб келди. Келди, келди-ю, жўражониси Озодвойнинг дунёда ёлғизи, боққан кундузи суянган тоғи, ишонган ёғи хотини Ойсултонга, султонлар ойига кўз олайтирди-я.

Ўтиришди, бир замонлар бутун Шовот йигитларини куйдирган, эндиликда хиёл сўлиб қолган Ойсултоннинг мазали-мазали овқатларини бурнидан келгунича ейишди, ичишди. Алҳол, жўрасининг яширин-яширин сузилиб-сузилиб ошхона томонга қараётганини, юмуш билан ўтиб кетаётган Ойсултонга тикилаётганини сезиб қолди. Сезмай ўлдими, камбағал бўлса ҳам одам, ароқхўр бўлса ҳам — эр. Аҳволи ботиниқадар бўлса ҳам беллида белбоғи, бошида папоҳи бор, элатда йигитман деган ори боғи, номуси бор. Ўзи илгарилари ҳам бир-икки маротаба шубҳа қилганди-ю, лекин ул хотин бўлмиш, ичингиз қозонни орти-я, битта-ю битта жўрангиздан ҳам рашиқ қилдингиз-а, деди. Аввал нима менинг хоти-

ним очиқ қолган қозонми, мен эрман, деб ўзини тинчитди. Ушанда иккаловини ҳам тезакхонада занглаб ётган, бувасидан қолган болта билан чопиб ташласа бўлмасмиди-я? Ҳой, уйига ўт тушсина, йигит юрмай боши узилсин-а. Кўнгли айрон зардобидай айниб, ичида шайтоннинг зўри бош кўтарди.

Ўзини мастликка солиб, бир бечора бахтсиз йигитлигини, қўли калталигини, афғон урушида қатнашган бўлса ҳам иши юришмаслигини, ўқишга киролмаганлигини айтиб, хўнгири-хўнгири йўғлади. Ўзини ерга отди, бошига муштлади, хотинининг олдида хор бўлган ўзбекнинг кунни қурсин, деди. Жўраси тасалли берди: қанча кетса кетсин, кўкламда «заочни»сига киргизаман, деди. Чой кўтариб кирган хотини, азмойишли яйраб-яйраб, нозли-нозли қаҳ-қаҳ отди. Бахтдан шодумон аёлларга монанд, бир пас ўтирган бўлди, уялган бўлди, дастурхоннинг попуқларини ўйнаган бўлди. Юзларида ҳали Озод эр бўлиб, гўзал-гўзал оқшомларда ҳам кўрмаган илоҳий гўзалликни, кулгуларни қуюқ киприкларини нозик-нозик пирпиратиб, оҳудай боқишларни, сўқирнинг кўнглига ҳам олов ёқишини кўрди. Шу кўйи ичига шайтоннинг зўри кирган Озодвой ароққа «учиб» ухлаб қолди. Шермамад ҳам худди шунга кутиб тургандай, бойлоқда куч тўплаб турган айғирдай ўзини ошхонага урди. Дунёда ёмонлар, хиёнатлар йўқдай, атрофга мискин бир сукунат чўкди. Вужуди қулоққа айланиб, хиёнат қасри томон учишга шайланиб, не тонгки учмай қолган Озод бутун ер юзига ҳайқирди: агар дунёда муҳаббат деган нарса бор бўлса, инсонни Ватанга боғлангани, одамнинг одамга кераклиги рост бўлса, Ойсултон ҳозир бақирар, мени ёрдамга чақирар деб ўйлади. Лекин у нарсалар рўй бермади, дунёнинг қайнаб ётган бурчакларидан ҳам нидо келмади. Вафо деворлари, муҳаббат қўрғонлари Лайли ва Мажнун замонидан сўнг нурагани, Шоҳсанам ва Фариха жиҳронларидан сўнг қулаб битгани ва бу вайронлар ўрнида бир замонлар денгиз пайдо бўлиб, кунботарларда балиқлар рақс тушган жойлар бугун саҳро бўлиб, туз бўронлари юргани билинди. Ўзини эса, элатини аввало муҳаббатдан, эътиқоддан ажралганини, пок иймонни билан жаҳонни, Турон заминини титратган азизлардан узилиб кетганини аниқ ҳис қилди. Шунда у ичиди шайтонга қўшилиб, бўрондай кўпириб, довулдай ўқириб, йигитлигининг зўр кунларидан ёдгор-девордаги милтиғини ўқлаб, елкалаб ошхонага кириб борди. Узининг уйида дўсту душман билан туз намак бўлган хонадонда, бир малъуннинг қўйнида, жонининг оғриғи — Ойлар султонини, султонлар ойини илондай тўлғанаётганини, оқшомги шамдай эриётганини кўриб, э, фалак, шуларни кўргандан кўра мунглигина энаси ато этган қора кўзлари оқиб тушиб, илонларга ем бўлса бўлмасмиди-я? Бир дафъа аллазамонлардан бери форда музликлар ичра қотиб қолган ибтидий одамдай қотиб қолди, қолаверди. Шунда «ёмон» Озодвой бешотар қўндоғини елкасига қўйиб, йигитлигининг Султонлар ойи билан кечирган зўр кунларни ёдга солиб, унга айтган энг гўзал сўзлардан тониб, қўйнига ғазабдан тошларни олиб, мусибат ва мотам куйига қониб, қаҳри келиб бор кучини билагига йиғиб, вангиллатиб қўйиб юборди. Кичик кўримсиз, қурилгандан бери полсиз ва сувоқсиз ётган ошхона порохнинг ачиқ ва қуюқ тутуни тўлдирган хира туманда Шермамаднинг кўксини чангаллаб йиқилганини, хотинини очилиб қолган кўкрагини, олайган чиройли кўзларини кенгайиб-кенгайиб кетганини кўрди. Сўнг ёлғизи Ойсултонни ҳам бир ўқ билан қулатмоқ ниятида қўндоқни елкасига тиради. Шу он кимдир, ичиди шайтонми, нимадир қўлини оғир ва зўр куч билан пастга — унга жон ато бўладиган ҳаёт нуқтасигача қайириб тушди. Оловда куйган одамдай гарангсираб, юз



йилдан сўнг тилга кирган гунгдай, қалтираб турганида қулоғига хотинининг:

— Вой-дод, ўлдирди. До-од, бу пиёнистанинг дасти-дан. Куним битди,— деган чинқириқ унларига тўла даҳшатли овози атрофга ёйилди.

Қулоғи чиппа битиб, бўғзига муштдай-муштдай нарсалар тиқилди.

«Сендан шуни кутганмидим Ойсултон, эналаринг ўлсин-эй, сени Ойсултон. Очқиқ-тўкин кечаётган Кунингни хиёнатга сотдингни, Ойсултон. Шу умидлар билан бир ёстиққа бош қўйиб эдим-ми, умрингни умримга боғлаб эдимми? Ойшадай сулувлар эргашганида қараб эдимми, Ойсултон. Бу кунингдан ўлганларинг яхши эмасми, Ойсултон. Инди сенсиз бу дунёни, бу ўйларни бошимга ураманми, Ойсултон. Эрингни эгилмаган йигит бошига шу кунларни солгандан, машинам остига тушиб ўлсанг бўлмасмиди, Ойсултон...»

Озод тобора бўғиб келаётган қичқириқ ва қарғишлардан қочмоқ ниятида, ўзини сўнги умид ва нажот йўли деб билган эшикка урди. Остонада уст-боши бир ҳол даладан энди келаётгани биланиб турган онаси билан гўё улкан сайёралар тўқнашиб қетгандай бўлди. Онаси унинг ортидан бир ёруғ Кун кўриш орзусида куну-тун худога илтижо қилиб яшайдиган ҳаётпаноҳи нола чекиб юборди.

— Оғзингдан қонинг галсин-эй, болам...

Сўнг у аллазамонларда хочга парчинланган Исодай, жонсиз ва сукутли шаклга кириб онасининг титраётган озинг иягини ва қарсиллаб бир-бирига урилаётган қўлларини, қадоқ қафтларини минглаб чақирим узоқларда турган художўйдай сукут билан кузатиб турди. Шу лаҳза не тонгки, хиёнатлардан ҳали ҳам кўр бўлиб қолмаган кўзлари билан, тиззасига таяниб, ер узра ёйилиб ётган фаҳш ва разолат ботқоғига ботиб кетган гавдасини кўтараётган Шермамад суратли малъунга кўзи тушиб, жаҳонга сизмай кетди, наҳот, хато қилди? Наҳот, нафрат ва ҳаяжон йўлдан чалғитди? Аламли хўрсиниб, туганмас қайғу билан аста гапирди:

— Жонинг итнинидан ҳам қаттиқ экан, ит!

Ошхона деразасидан мўралаётган кўшнининг ёйбатчи хотини, унинг ҳайрат ва ҳаяжонга тўла кўзларига юзини, баланд-паст, қора-қура болаларини кўргандай бўлди.

Сўнг онасини, ёлғиз Ойсултонини ҳам ташлаб уйдан чиқиб кетди. Шу чиққани билан ўйдим-чўқур йўлларнинг силқувини ҳам билмай, боши пўлатдай қизиб, томирларида қонлар кўпириб, машинани учириб борарди. Хўрлик ва ҳақоратдан кўкраги ачишиб оғир, шу руҳиятга монанд, уйдаги ҳақлиги манзара, оёғини қўлига олиб изидан тинмай югурарди.

— «Наҳот, иблис Шермамаднинг сўлжайишини, сўйкалишини, таъна ва ҳирс гирдобига боғлан нигоҳларини — муҳаббат деб ўйлаган бўлса». Эҳ, манглайи қора Ойсултон! Сен — бир замонлар қишлоқ қизларини тунлар тушларига кириб чиқадиган, кўркам ва мағрур, келажаги порлоқ бўлган, эндиликда ичкилик ва ифлос мойларга булганган бир шофёрнинг хотини, алдов ва макрни яхши кўриш деб билган зиногар банда. Наҳот, эридан-да топмаган мурувват муҳаббатни шу манфур Шермамаддан топган бўлса? Э-воҳ, нега инсон бунчалар хиёнатга мойил. Бари бир гуноҳкорликни тан олмоқ керак, «қозон очиқ қолмаса, ит яқин келмайди».

Негадир шу лаҳза ойнани гардишига солинган турлитуман сувратларни энг каттаси ҳисобланган, ўқишга кириш учун Тошкентга борганида тушган суврати ёдига тушди. Сувратда қора қош қора кўзлигидан Осиёданлиги биланиб турган ўктам ва кўркам йигит, ёғдуланган қорачиқларига ғаройиб воқеанинг сирли хоҳияти яши-

рингандай узоқ-узоқларга, яширин бир имдод билан мағрур боқиб туради. Унинг қоғозга тушган шу шаклини Ойсултон жуда яхши кўрарди. Сувратнинг кирчиккан ва оҳори тўкилганлигидан кўп уринганлиги биланиб турарди. Шу суврат туфайли ул бахтли кунларда турфа хил можаролар бўлган. Жўралари худди шундай суврат, йигитлигида унга мактублар битган, Ойшанинг уйда ҳам борлигини айтишганида, унинг қўлига қандай тушганлигига ҳайрон қолганди. Ул кунларда тақдир йўлларида кутаётган бахтли келажакка ишониб, Ойшадай қизларга бўй бермай, писанд қилмай яшади.

У Ойшага қайрилиб қарамаган Кунларда, унинг суврати қизнинг қўш қабутардай сулув кўкраги остиде жойлашган, севиб севилмаган юрагига муҳрланди, турфа хил рўмолчаларнинг илоҳий қатимларида жилоланди.

...Ҳамма нарсани тахт қилиб, йигитнинг тепасига келганида, Озод қора терга ботиб ухлаб ётарди. Аёл унинг чимирилган қора қоши, сал терлаган қирра бурни, бўғриқиб кетган кемшикли юзига тикилиб кўнгли бузилди. Нега унинг тўшагида ётган йигит уники эмас, хотини Ойсултондан қаери кам?

— Озоджон.

Йигит қабоғини зўрға очиб, сал қизарган кўзи билан, оқ хитойи шойидан халат кийиб, ўсма ҳам қўйишга улгурган Ойшага ҳайрон-ҳайрон тиқилди.

— Ундай қараманг. Уёламан.

Озод жилмайди. Бу йиғи ва кулги орасидаги зўраки кулишдан аёлнинг юрак-бағри ўртанди, унут бўлган ва айни замонда жуда азиз нарсаларни эсга олди. Йигитнинг жилмайиши гапирганида, ухлаганида ноаён ва номалълум бўлган кўнгли қатламларининг туб-тубигача ёришиб юборди. Яна юрагининг, қалбининг аллақаери сим-сим оғриди.

— Уёлма! — деди Озод шикаста овоз билан юрак-юрагидан чиқариб.

— Товуқ қиқонбилни дамлаб қўйдим,— деди ҳалиям ўринда кимирламай ётган ул азизига қаради ва кўмакка қўл чўзди. Уйқудан қолган одамдай юз-кўзи сал кўпчиган йигит бир бурда гўшт еб, «Самарқанд» деган коньякни ўзи ичгандай ичди. Унинг ҳар бир ҳаракатига завқ билан тикилиб ўтирган Ойша, ёш болалардай хурсанд бўлиб тановул қилишини кузатарди. Сўнги тиволани кўтаришга мажболи етмай тушириб юборди. Пиёла илон шаклидаги кулдон устига тушиб чил-чил синди. Ойша синган пиёла товушига монанд бир овозда кулиб юборди.

— Ҳамма бало шунга урсин-эй!

Озод кулишга чоғланиб, бошини кўтарди, лекин бу мушкул ишни эпловмай, кулгуга шайланган лаблари йиғидан титради.

— Ув... Ойшажон мана шу ерим ёнади,— катта мушти билан суякдор кўкрагини тўхтовсиз муштлаб,— кима айтай дардимни? Нима қилиб қўйдим, энди қандай яшайман. Одамларнинг кўзига қандай қарайман, сен айтгин, ахир, кимдан камман, айбим не менинг? Пулдор бўлиб туғилмаганимми? Уф... Ойсултон, нелар қилиб қўйдинг, бошимни нишаб кўтариб юраман. Нега отиб ташламадим сени, қалтирамай қўлларим синса бўлмасмиди. Йигитлигим қайда қолди мени, Ойсултон! Эналаринг ўлсин сени!

Озод кўкламда қони кўпириб, тушовини узишга шайланган нортўдайд чайқалиб-чайқалиб йиғлайверди. Кўз ёшини арта-арта ёш боладай ҳиқиллаб аёлга юзланди.

— Ойша, мен ёмонми?

— Дим яхшисан.

— Мен ароқхўрми?

— Сира ичмайсан.





- Мен камбағалми?
- О, жуда бойсан.
- Мен ўғрими?
- Тўғрисан.
- Мен қиморбозми?
- Сен бир мўминсан.
- Мен гиёҳвандми?
- Сира чекмайсан?
- Мен хотинбозми?

Ойша кутилмаган саволдан гангиб, носвойидан айрилган девонадай, хўнгир-хўнгир йиғлаётган йигитга раҳми келди. Кўнгли бўшашиб, сўнг бизни Ойшахон ҳам қўшилиб айтиб-айтиб йиғлади. Озоднинг ҳатто шу уйда ҳам хотинини эслаши унга қаттиқ ботиб, ўзини ҳеч кимга кераксиз сезиб шўрлик қисматига, гадоё топмас қишлоқнинг чеккасида иссиқ-совуққа кўниб эрсиз ўтаётган умрига ачиниб эзилиб-эзилиб йиғлайверди. Агар эри эрта қазо қилмаганида, бола-чақа орттирганида, бунчалikka бормасмиди, Озодни уйга киритмасмиди...

Кечаси алланеларни кўтиб, чарчаб ухлаб қолган Ойша кўкраги устига қўйилган бақувват ва оғир қўлнинг ҳароратидан танасининг турли томонларига алланеларни чорловчи соқов «элчилар» кетди. Ун саккиз минг олам жо бўлган юрагида, томирларида қонлар кўпириб оқиб, тобора қизиб бораётган танаси вужуд кучларига бўйсунмай оҳанграбога томон тобора яқинроқ сурилди. Танасининг оҳанграбо қўл силаётган жойларида чақмоқдан гуллар униб чиқиб, қаттиқ-қаттиқ ураётган кўкси монанд чайқала бошлади. Ойшанинг бемурад умри давомида эри билан кечган ширин-ширин онлари қайта жонланди. Тасавурида ҳарирдан либослар кийиб, қўл ушлашиб, ҳуруғилмонлар рақсга тушаётган бир жаннатий боғда, балиқлари кўриниб-кўриниб сузиб юрган, биллурдай тиниқ фавворали мармарҳовуз бўйидаги супаларда чордона кўриб, мастона боқиб, момолар тўйларда куйлайдиган қўшиқларни икковлашиб айтаётганмиш.

Соғинч ва ташналик қушларининг қанотига миниб олган Ойша, ортиқча такаллуфни кутмай, ўзини оҳанграбо вулқонлар бағрига отди.

Оҳанграбо бағирнинг ҳароратида эриб йўқ бўлай деган чоғда, даҳшатли бир ўкирикдан осмонлар титраб, ерлар ларзага келди. Озод ғайритабiiий бўғиқ ва шу билан бирга тенгсиз қаҳр-ғазаб ва қайғу унларига тўла овоз билан:

— Ойсултон!— дея ҳайқириб юборди.

Унинг оҳанграбо қўллари бутун тан бўйлаб бир нарса излагандай сирғалиб-сирғалиб келиб, юмшоқ ва илқ бўйинда тўхтаб қолди. Қўллар аввал раҳм қилиб иккилангандай, сўнг аҳдидан қайтган илондай ўралиб кетди.

Ҳали жаннатий боғдан тушиб улгурмаган аёлнинг вужудини ҳур фаришталар боғнинг ичкарасига бизга номаълум, бизга қоронғу бўлган томонларга олиб кетиш учун чоғландилар. Шу қоронғу кечада журъатингиз етиб, эгилиб бу аёлнинг юзига қараганингизда, янги бўшаниб барча азоб-уқубатлар ва қайғу-аламлардан халос бўлган аёлдай, дунёга келтирган гўдаги каби пок, чин ҳақиқатларни инкор этиб бўлмайдиган сирли мамнуниятни унинг чеҳрасида кўриб ҳайратдан донг қотиб қолардингиз. Аёлнинг оҳанграбо қўл қийноғидан роҳатланаётган, лаззатланаётган вужуди ҳали бахт ва фарағат излаб узанган тўшагига жонсиз йиқилди.





ЎЗБЕКИСТОН ЁШИ  
ИЖОПКОРЛАРИ  
VI КЎРИК-КЕНГАШИ

### ОДАМ

Қаршимда ювош тортиб турган, сиз кўрмаётган манави махлуқ — Одам! У ҳайвонниқига ўхшаш қиёфасига хиёнат қилмаслик учун гапирмайди. Аммо унинг тўртта оёғи, думи, бир жуфт шохи ва аёлларниқидан фарқли семиз кўкраги... бўлишига қарамай, ҳайвонлигига тариқча ҳам ишонмайман! Агар у, айтайлик, ит бўлганида, танасини босиб кетган битларни ҳеч бўлмаганда орқа оёқлари билан ҳайдаган, қашинган бўларди. У бундай қилмайди! У — Одам! Қайси куни мен унинг кўз қорачиғини бит сўраётганини кўрдим. У миқ этмайди. Йиғламайди одамга ўхшаб! Бу билан у менга: «Кўряпсанми, мен йиғламайман, мен одамман», демоқчи. Бек-қор гап! Ахир ҳайвонлар ҳам йиғлайди-ку, айниқса, мана шунақа бит босганида.

Тунда миямга туйқусдан келган фикрдан уйғониб кетдим. Мен тушга ишонмайман, бироқ тушдаги фикрлар мени нимагадир ундайди. Ҳозир ташқарига чиқаман... ҳойнаҳой, у охур ичида супадан ўғирланган кўрпачани устига ёпиб, уйқуни ураётгандир. Жинчироқни кўтариб хонадан чиқдим. Оғилга кирсам, одам худди молдай кавш қайтариб ётибди. Менга кўзи тушгач, билқиллаган танаси ва ўзига ярашмаган даражада қўпол хартумини осилтириб, ўрнидан турди. Ҳайвон бўлганида ўрнидан қўзгалмасди.

Эрталаб уйғонганимда ҳовлида қуш патлари паришон хаёлларимдай чирпираб учишарди. Сарик, қизғиш, қора... Мен тол тагига етиб борганимда, бечорани мушук сичқондай эзгилаб,

патларини жолаётганди. У қаршилик қилмас, ё қилган-у, мени кўриб сир бой бериб қўйишдан чўчиганди. Аммо унинг одам эмаслигини исботлаш учун уриниши бу гал ҳам барбод бўлди. Жаҳлим чиқиб, мушукни қувиб юбордим! Қўлимга олиб, у ёқ-бу ёғини пайпаслаб, биқинидан қон оқаётганини кўрдим. Шартта пичоқ келтириб, бўғзига тигсиз томони билан уч-тўрт юргиздим. Миқ этмади, биламан, менинг одамни сўймаслигим унга беш панжасидай аниқ. Уни нари улоқтирдим. Фавқулодда эпчиллик билан ерга тўрт оёқлаб тушган одам менга қараб қонга беланган, пат



Ҳикоялар

ёпишган панжасию тирноқларини мамнун яларди. У — Одам эди! Одам! Тушлик қилаётганимда ҳам у менга тинчлик бермади. Бу сафар у ҳузуримга тош косасини орқалаб, секинлик билан келди. Сабрим чидамай, олдига бордим у косасини силадим. У ёнғоқдай калласини норози қимирлатиб, косаси ичига яширди.

Уйдан чиқаётиб, ҳовлида нимадир увлаётганини эшитдим у юргим орқамга тортиб кетди. Дарвоза олдида одам тишларини фижирлатиб кўзларида ғазаб билан менга тикилиб турарди.



Фалак шамсини йўқотиб бағри қонаганда уйга қайтдим. У ҳовуз четида тангачаларини ялтиратиб ётарди. Олиб ҳовузга улоқтирдим. У мамнун сузиб кетди. Шунда унинг одамлигига яна бир орра ишонч қосил қилдим! У, чамаси, сув остидан нимадир дейишни, ўзининг ҳайвонлигини таъкидлашни истарди, аммо олам-олам бўлибдики, ҳеч ким сув остида калом қилмаган. Буни икковимиз ҳам яхши билардик!

Кийимларимни алмаштиргач, иштаҳа билан овқатландим. Сўнг қолган-қутган нон ва гўшт бўлақларини олиб, унинг олдида бормоқчи бўлдим. Балки... Йўк, «балки» эмас, унинг ҳайвон эмаслигига ишонганимдан нон ва гўшт олдим. У — Одам. Бу икки неъматнинг асл мухлислари ҳам одамлардирлар!

Ташқарида зулмат ҳоким эди. Оёғимга совуқ бир нарса ўрала бошлади. Вишиллаганча бўйнимга чўзилди. Бу — Одам эди!..

«Агар бўғғудай бўлса, унинг ҳайвонлигини тан оламан», деб ўйладим ўзимча, у бўғмади. Қўлимдаги гўштни сассизгина, худди одамдай югач, сирғалиб пастга тушди ва судралиб қаёққадир ғойиб бўлди.

Анчагача уйқум келмади.

Эрталаб мени кимдир туртиб уйғотди. Бу — у эди. Ҳали ўрнидан турмасимдан у менга тавалло қила кетди:

— Мени тинч қўй, мен одам эмасман, ҳайвонман! Эшитяпсанми, ҳайвон! Бошқа мени ҳақоратлама, мен ҳайвонман, ҳайвонман, ҳайвонман, ҳайвонман!



У ёлгон гапираётганди, боз устига — га-пи-ра-ёт-ган-ди! Кўзлари, қулоқлари, бурни, қошлари, юзи... менинг аксим эди. Журъатсизгина пичирладим: «Сен... барибир одамсан!..» У тутақиб, шартта қўлимдан етаклаб кўзгу қошига судради. Кўзгуда мен ва у, аниқроғи, мен ва «мен» турардики! Энди юрагимнинг уришини ўзим ҳам эшитардим.

У овози борича қичқирди:

— Қара! Менга қара! Ахир мен хайвонман, одамзод! Хайвон..

## ҲАҚСАРОБ

Кимдир чўлдан чиганоқ топганида, марказий газеталардан бири узоқ денгиз ортидаги мамлакатда ўттиз тўққиз яшарди эркакнинг қорнини ёриб бола олишгани — бир сўз билан айтганда, эркак одам туққани ҳақида икки саҳифа мақола босганида, боғ айланиб юрган йигитчанинг кўзларига осмон кулранг, дарахтлар қоп-қора рангда кўринди. Бир неча сониягина давом этган ҳолатни у уйқусизликка йўйди ва кўприкка етганида эздан чиқарди. Кўприкдан ўтаётиб, анҳор баландликка қараб... оқаётганини кўрди. Дарҳол ёнида пилдираб кетаётган аёлни тўхтатиб:

— Анҳор... — деди-ю, талмовсираб қолди.

— Нима анҳор?

— У тескари оқяпти, демоқчи-манки, пастдан юқорига...

— Йўғ-э, айтганча, мен бу ерлик эмасман. — Аёл яна пилдираганча йўлга тушди.

Аёл уни алдади. У шаҳар ҳожатхонасининг орқасидаги уйча-

да яшарди. Йигит чорасиз, ўзига ярашмаган беўхшов галстук таққан эркакка мурожаат қилди.

— Бугун, йигитча, фалон мамлакатда эркак одам бола кўрди. Сиз бўлсангиз қаердаги анҳорнинг пастдан баландга оқаётганига одамни ишонтирмоқчи бўласиз-а, — дея энсаси қотгандек бош чайқаб, ўтиб кетди у.

Хонасига кираркан, стол устидаги ҳали тугалланмаган машқига қараб кўнгли озиб кетди. Кийимларини йиғиштирилмаган ўрни устига ташлади. Эздан сўнг китирлаган овоз хонанинг гашига тега бошлади. Хона йигитни ёқтирмасди, айниқса, яланғоч бўлиб, қоғоз қитирлатишини... Йигит кўрқинчли нарсаларни ёзарди, саводхон хона эса кўрқарди. Кулбаи ғарибнинг тунлари жаҳли чиқарди, аввалги эгасини кўмсарди. Собиқ соҳибининг серуфлатлигию ҳар туни биттадан аёлни олиб келиб, тонггача «хониш» қилдиришини эсларди. Дастлабки кунлар йигитнинг нимага аёлларсиз ухлашга кўникканлигига тушунолмай юрди. Собиқ соҳиби даврида эрталаблари қўланса ҳидга туриб бўлмасди. Соҳиб бекани хона тозалашдан бош тортгани учун сўккани-сўккан, уфатларнинг ҳам оғизларидан боди кириб-шоди чиқарди.

— Шундай уйинг, яна шундай меҳмонларинг бўлса-ю, хонани тоза тутмасанг! Ҳе-ээ сени...

Улар ҳақоратли «маърузани» бир овоздан, бақириб-чақириб айтишар, «хе-ээ, сени»дан кейинги сўзлар хонанинг қифтига келиб урилар, унинг қитиғи келиб, ҳиринглагани-ҳиринглагани эди. Манави бўлса биринчи кундан уни ҳақорат қилди. Ҳақорат де-

санг, ҳақоратга ҳам ўхшамайди. Бир оғиз сўз. «РАСВО». Тамом! Уша куниеқ хона ўзининг расволигини тан олгандай бўлди, шубҳага тушди. Йигит нопок кўрпаларни ташқарига отар, уларнинг остидан ўрмалаб чиққан калтакесаклар чириллаб оёқларига ёпишарди. Ушанда хона йигитга ишонди: у албатта калтакесакларни ҳайдаб чиқаради! Йигит эса қасдига олиб кўрпаларни чиқариб ташлади-да, калтакесакларга эътибор бермади. Оқибат, хона тозаланмай қолди...

Хона собиқ соҳибининг пуллари хотинларнинг кўкракларига кириб кетаётганини кўравериб тўйганди. У бирор марта ҳам пул санамасди. Йигит эса оқ-сарик чақаларини кунда икки бор: кетаётганида ва қайтиб келганидан кейин шиқирлатиб санашини қанда қилмасди. У қоғозларга қитирлатиб ҳозиргидай нималарнидир ёзишни хуш кўрар, кейинги пайтлар хатлари ажи-бужи, ўқиб бўлмас ҳолга келган эди. Қаламни қўлидан қўйгач, занг-лаган каравотга ётиб, шифтга тикилганча ўй сурарди. Хиёл ўтмай ўрнидан турар, яна қўлига қалам оларди.

*«... Фаришта билан Атшираф яна ўз баҳсларининг ўчоғига ўт қалашганди. Тангрининг муқаддас китобида ёзилишича, «баҳс боқий» эди. Оппоқ матодан чоксиз, ипсиз кўйлак кийган фаришта бунга боладай беғуборона ишонар, Атшираф эса ҳар суҳбат муқаддимасида уни шу гал хотималашга оғт ичарди.*

*— Ҳидоят қилинг, Атшираф! Инсон олийдур, зеро, олийликда поклик мужассам, покларга эса ҳаромликнинг жамики кўрини-*

## ТАНИШИНГ: ХАЙРУЛЛО

Овози ширали, хонишлари тингловчига хуш келадиган хонандалар кўп, улар яхши бастакордан устоз топса-лар шўх ёки дилгир мусиқа жўрлигида шўхрат топиб кетадилар. Аммо ораларидан чин санъаткор кам чиқади. Чунки ҳамма овозининг ҳам Аллоҳ берган табиий кучи, кўлами бўлади. Ҳофизларимиздан мақоми хушёқиш қилиб айтадиганлари бир талай, аммо қиёмига етказадиган—авжига олиб чиқадиганлари танқис ва тансиқ. Негаки, саъй-ҳаракат, меҳнат, тажриба, ҳатто илҳом ҳам ўзимиздан, ҳақиқий овоз эса, Аллоҳдан: кимга бу қарам иноят бўлган, кимга йўқ...

Адабиётга келсак, бу маънода истевдод деган унвон ҳам нисбий туюлади: шўхрат топган ёзувчи билан ҳақиқий

истевдод ўртасидаги чегара хусусан бизнинг ёлгон замонда билинмай қолган...

Шу йилги ёш адиблар машваратида мен янги уйғонаётган ботиний бир кучни туйдим: бир китобхон сифатида етмишинчи йиллар ўрталаридан тўб янгиланган назмдаги пўртана қонунан ўн йиллардан сўнг насрда янгича силтаниши керак эди, назаримда, шу бошла-наётганга ўхшади. Ёш, мустақил ва ёшидан каттароқ ишончли бир вазминлик билан адабиётга кириб келаётган ўзгача ва шу хислати билан бизнинг унутиб қўйган ўзгалигимизни ўзимизга қайтараётган укаларга рўпара келдим. Шулардан бири Хайрулла бўлади.

— Хайрулла шу ерда яшаб, шу ерда туриб, адабиётга бошқа ёқдан бошқа

эшик очиб кириб келяпти ва, дейлик, китобхон Ҳамидга, йўқ, сиз бошқа—Маҳмудсиз деб тушунтирмоқчи бўляпти. Ҳамид ака бу ғалати фикрга кўникилмай, унинг ўзини тушунишга қийналиброқ турибди. Лекин Хайрулланинг ўзи Ҳамид ва Маҳмуднинг аслда бир негиз сўздан иборатлигига, улар бир-бирига бегона эмаслигига ишонади ва шу боис ўзимизга бегона туюлаётган, унутилаётган янгилигимиз томонидан йўл тортиб келишга журъат қилади. — Шу журъатда мен юқорида айтганим асл-овознинг илк садоларини эшитаётгандай бўлдим ва бу овознинг авжида баралла жаранглашини тиладим.

АҲМАД АЪЗАМ



ши ёт. Улар нопокликдан мосуводирлар!..

...ҳаромлик адашганликдан кейинги ботқоқ ва унга ботмасликнинг чораси бор...

...ҳар қандай қотил ва тошюракнинг гўзаллик олдидаги руҳан ожизлигиёқ Чорага айланиши мумкин!

Фариштанинг узук-юлуқ, пичирлагандай сўзлари Атширафнинг овозини кўкка ўрлатди:

— Фариштаи олам! Мен баҳсимизга чек қўймоқчиман. Матлабим икков иттифоқ тузасак.

— Нималар деяпсиз, Атшираф! Баҳсни охирлаш... ахир... бу...

— Сизга бир нарсани исбот қиламан, исботимнинг ўзиёқ кўп ма-роқ-ли баҳсларга сабаб бўлажак. Ишонинг, бу жуда зарур... Сизни камина маҳбуслариш ётган зиндонга уч кун «банди» этиб қўяман. Кейин кўрасиз ўзингиз...

Фаришта кўзларини очди. Атрофидаги ўнлаб маҳбусларни кўргач, қайта юмиб, тиззасини қучоқлаганча ҳаёлларига ғарқ бўлди. Агар қаршисида Атшираф бўлганида, унинг кўзларига тикилиб, мақсадларини билишга уриниб кўрган, манави бечораларга қараб эзилиб ўтирмасди. Бошини кўтариб атрофига кўз югуртирди. Айланасига тош девор ва тепада милтираётган хиранир... Ён-веридоги бандалар кечқурун тепадан тушадиган қотган нонларни кутиб сукут сақлашарди.

Ярим тунда соч-соқоли ўсиб кетган, дарвешнамо йигит бақиршига тушди:

— Куттираяпсанларми? Куттиравер! Ялинайликми?! Елворайликми?! Сенларга-я? Лаънати шайтонҳарифлар!!!

... Фаришта унинг кўзларига кириб кетди. Йигитнинг қорачиқларида бепоён кул кенглик ястаниб ётарди.

Фаришта ҳаммани сабр-тоқат билан кузатар, очлар исён кўтармасаканлар, деган фикрни миясидан қувишга ҳаракат қиларди. Учинчи кун иўнлаб бандилардай унинг кўзлари ҳам чоҳ лабига келтирилган ўнлаб чўп саватларга қадалганди. Ғира-шира шам нури қуёшнинг саховати олдида билинмай қолди. Чоҳ лабидоги саватлар эгилиб...

Йигит ўзини беҳол сезиб, ёзишдан тўхтади. Назарига деразадаги гулдон ҳозир минг бўлакларга бўлинади-ю, ундан шириллаб тўкилаётган тупроқ хонани кў-

миб қўяди...

Йигит ёзиш жараёнида Атширафни бошлаб мағлубиятга учратишга, ўлдиришга, йўқ қилишга қасам ичди.

Негадир Фариштанинг кўзларидаги маъсумлик қўрқув билан омихта деган фикр миясидан кетмасди. У ўзини ўзи инкор этишни афзал кўрди. «Ким қўрқмаган ўзи?! Қўрқмасдан яшаб бўладими?! Яшашнинг ўзи энг буюк ваҳима! Ваҳимада яшаш эса пастликнинг биринчи поғонаси. Демак, ҳамма паст, ҳамма ифлос! Қўрқоқ! Мен ҳам!!! Чунки мен ва улар Фариштасиз яшай оламиз! Лаънат! Фариштасиз олам — Атшираф салтанати! О, худойим!..»

Йигитнинг додидан хонадаги ягона поклик — гул япроқлари титраб кетди...

Хона оғир ҳўрсинди. Агар тили бўлганида, қандай қилиб манави яланғоч вужуднинг жинни эканлигини бекага тушунтиришини ўйлади.

«... Бирданига минглаб атиргуллар саватлардан Фаришта ва бандилар устига ёғила бошлади. Гуллар Фариштанинг кўзларида кулранг тус олди... Аслида улар қип-қизил қондай, йўқ, сув қўшилган қондай...»

Атиргуллар ҳамон тўкилар, йигит телбавор кулишини қўймасди. Гуллар Фариштанинг оёқлари остида паршон, бандилар ҳайрон... Фаришта атиргулларни йиғиштираётди, уларнинг тикансиз эканлигини пайқаб қолди ва ўша заҳотийёқ қўлига игна санчилгандай ташлаб юборди. Йигит, гуллар, банди деворлар сийратига сингишиб, қаршисида Атшираф пайдо бўлди.

— Фариштаи олам! Ҳидоят қилинг, сабрни кемирманг, ҳали ҳаммаси олдинда...

— Сизга нима бўлган, Атшираф? Сиз уларни банди айлабсиз, балки улар гуноҳкордирлар, мен бунини тушундим, аммо бандилар устидан кулишингизнинг боиси не?! Кўзингизни очинг, Сиз Одам эмассиз! Сиз Оллоҳ қулисиз!

— Биз ҳаммамиз кимнингдир қулимиз! Мен Оллоҳ қулиман. бандалар менинг қулларим, Фариштаи покдомон! Банди-бандалар байроқларига: «Биз атиргуллар қулимиз!», деб ёзиб олишибди. Ахир, одам атиргулга ҳам қул бўладими? Бундай бўлмаган. бўлмайди ва бўлмас! Бугун мен улар сизинган нарсаларини оёқ-

лари остига тўқдим. Сиз менга жавоб қилишдан олдин бориб кўринг, ана, орқангизда сувсиз қудуқ...

Фаришта кўрдики, тубда оч, бе-мажол одамлар очкўзлик билан бир-бирини уриб-суриб, атиргулларнинг тикансизлигини билгандай, оғизларига пайдар-пай тикишар, ўқчишар ва бу даҳшатнинг барисига озгин йигитнинг телбавор кулгиси ваҳима бағишлаб турарди.

Атширафнинг қўллари Фариштанинг елкаларига мингач, у:

— Бу-б...бу... майли-ку, аммо анави йигит емаепти, кўряпсизми, емаепти! У қуляпти! — деди.

— Тинчланинг, у нон емаганди! Эси паст!..

Фаришта англаётганди... англа... англаётганди.

«Мен нимага нон емаганлигини биламан, о, инсон! Сен инсонни Оллоҳ яратган мўъжизалар орасида энг нўноғи, бошловчи хайкалтарош хайкалларидай бесўнақай деб ҳисоблашингни ҳам биламан. Сенга бу дунё ёт! Бу дунё ҳаром сенга! Сен бир пайтлар Оллоҳга нисбатан ўлдирилган эътиқоднинг тиклаганингни, унинг васлига ошиққанлигингни ва шу ўзинг муқаддас ҳисоблаган йўлдан атиргул чайнаётган бадаларни кутқариш учун қайтганлигингни биламан. Айни дамда шунча «билишлар» мен учун нақадар оғир эканлигини сен билсанг эди, о, инсон!.. Сен бир вақтлар тангрига ишонардинг. Ишонардинг-у, бир шаккоқ савол билан ўзингни кийнарднинг: «Нимага биз Оллоҳга эътиқод қилемиз? Бизни шунга ишонтиришга уринадилар, нимага? Нимага Худо бандаларига ишонмайди? Уларга сизинмайди, нимага унга биздаги эътиқод ёт?»

Оллоҳ Қудрат эгаси бўлса, нега одамларини поклатмайди, ахир бу ҚУДРАТ эгаси учун осон-ку! Балки у ҳаммани ПОК ҚИЛИШ ДАН ҚУРҚАР?.. Ахир, ҳамма Оллоҳдаин пок бўлса, оллоҳнинг Оллоҳлиги қайда қолади?..»

Фаришта англаётганди. Бир оздан сўнг у Ҳақсаробнинг қўлларидан тугиб, осмон кўксини ёрганча учиб борарди.

Бу бир кенглик эди. Харобаларга тўла, ёруғ, аммо қуёшсиз... Бунда бир томони тилло, нақшинкор товлару бир томони чўкиб, ерга кириб кетаётган мақбаралар мавжуд ва луқим эдилар... Оёғи



осмондан қурилган қасрлар... Ун-  
ги вайрон, сўли обод қалъалар.  
Бўйи бир қарич миноралар...

Фаришта Ҳақсаробнинг кўзла-  
рига қарамай деди:

Мен сени ташлаб кетаман.  
Бу менинг сенга ЭНГ ОЛИЙ  
ЖАЗОМ ва ЭНГ ОЛИЙ МУРУВ-  
ВАТИМДИР! Сен озодсан... ёки  
бандисан... Билсанг, менинг бах-  
тим ҳам, бахтсизлигим ҳам —  
Фаришталигимда... Мен ўша сен  
юз ўгирган Оллоҳнинг ҳузурига  
кираним билан, бўйнимга тавқи  
лағнатнинг абад юкини осаман!  
Мен катта гуноҳ қилдим, Ҳақса-  
роб! Омон бўл, Ҳақиқат ва Сароб  
фарзанди, ёки чириб кет икки ду-  
нё харобаларида!..

Фаришта учиб кетди. Шу кун  
Ҳақсароб харобаларини ёмғир  
янада хароблаштирди...

Иигитнинг қўллари қалтқар-  
ди. Атишрафни ўлдиролмади —  
у тирик! Фаришта мағлуб... Ҳақ-  
сароб харобалари эмиш! Ургил-  
дим! Энди унинг учун дунёда ик-  
ки хил ранг бор: оқ ва қора! Бир  
умрлик оқ-қора тасвир... Ҳақи-  
қий мағлубият бу ҳам эмас, балки  
Ҳақсаробнинг сароблиги... Кўк,  
яшил, сариқ, мовий ранглардан  
кўра, оқ-қора яхшидир?..

Аммо у хаёллари билан ҳеч  
қайёққа қочиб кетолмайди, қу-  
тулолмайди. У Ҳақсаробни ҳеч  
қачон озод қилолмайди...

Ҳақсароб харобазорлар ораси-  
да мангу изғийди.

«Яна нима қилай, худомидим  
мўжиза қилсам?! Мен Оллоҳ  
эмасманку, ахир!

Оллоҳ эмасман — муруввати  
кенг,  
Мўжиза кутмагин мендан,  
Ҳақсароб.  
Ушал сен қаргаган буюз  
дунёнинг  
Мен ҳам қулидирман, чиндан,  
Ҳақсароб!»

Иигит ёзаётган нарсасини ўзи  
севган шоир мисралари билан  
яқунлаб, умидсиз қиёфада таш-  
қарига чиқди, кулранг осмон,  
қора дарахтлар остидан кўприк-  
ка қараб юрди. Қайтаётиб анҳор-  
га тикилди: кўприкнинг ўнг тара-  
фидан сув ўннга, чап тарафидан  
чапга оқарди. Юрагини қўлтиқ-  
лаганча уйга етди. Остонадан  
пилдираб чиқаётган одамсимон  
калтакесакларни кўргач, хотир-  
жамлик билан улар ХАРОБА-  
ЛАРГА зеб беришдан нарига ўт-  
масликларини ўйлади. Ўзини ўзи  
сўқди...

Хароба! Хароба!

## Мирзаумар Халилов



### Ҳикоялар

## ОМОНАТ

Таффот тун ҳукмронликни қў-  
лига олса-да, хазоний япроқлар-  
нинг яйраб-елиб учуши тинмади.  
Момақалдироқ қиличини ялан-  
ғочлаб, моҳир суворийдек ўйнат-  
ганида эса юракни ваҳима чул-  
гайди...

Мен эсам ўша торгина хонамда  
«ҳибс» даман. Каравотимда китоб  
ўқиб ётарканман, туйқус томоғим  
қичиб, қаттиқ йўтал тутди. Кўз-  
ларимдан ёш тирқиради. Ҳаво  
етишмай ўқчий-ўқчий туриб, хо-  
на деразасини очиб ташладим.  
Юзимга муздек тоза ҳаво урил-  
дию кўнглим ором топгандек  
бўлди. Хаёл билан иягимни уш-  
ладим. Неча кундан бери қиртиш-  
ланмаган соқолим кафтимни тил-  
гандек бўлди... Туйқус умрни бой  
бергандек, кексайиб қолгандек  
ҳис қилдим ўзимни. Ғайрита-  
бийий куч мендаги дадилликни  
ўғирлади. Назаримда, кимдир ме-  
ни чеккадан туриб кузатаётган-  
дек эди. Ким кузатиши мумкин,  
ким, нимага? Эшикни ёпган бўл-  
сам... Ҳа, дарвоқе, дераза очиқ-  
ку, лекин уни ҳозиргина очдим,  
руҳимдаги ўзгаришлар эса илға-  
рироқ бошланганди. Эҳтимол,  
ҳаммаси манави зорманда сига-  
рет туфайлидир, кашандалик  
оқибатидир? Бас, етар шунча  
ўзимни заҳарлаганим, бошқа че-  
киш йўқ!

Тамаки қолдиқлари уюғлик  
кулдонга қўлимдаги сигаретни

# ДЕВОНА ХАЁЛЛАР

эзғиладим. Ҳаш-паш дегунча хо-  
надан тутун ариди. Бироқ кийим-  
лару хонада мавжуд барча буюм-  
ларга тамаки ҳиди ўтириб қол-  
ганди.

Дераза ойнасига нимадир чир-  
силлаб урилгандек бўлди. Қарай-  
ман. Ёмғир. Шаффоф томчилар  
ойнада узун из қолдириб, кўз  
ёшидек оқиб тушяпти... Одамда  
мудроқ кўзгайдиган ҳаво. Балки  
ухлаб бу пинҳона қарашлардан  
қутуларман? Деразадан узоқла-  
шиб, хонага кўз югуртирдим:  
одатдагидек, қоғозлар бетартиб  
ёйилган стол, суянчиқли курси,  
эшиги амиркон маҳсидек ғирчил-  
лаб очилувчи кийим жавони, қа-  
рама-қарши томонда симтўрли  
каравот, бош тарафида эса девор-  
га маҳкамланган кўримсизгина  
тунчироқ, тунчироқдан икки қа-  
рич юқорида «эсдалик» учун ту-  
шилган катта-кичик оқ-қора су-  
ратлар.

Ҳар кеч ётишдан олдин шу су-  
ратларга кўзим тушади. Тўғри,  
кўпинча ўзим билан ўзим овора  
бўлиб, уларга кўпам эътибор бер-  
майман. Ўзим каби ғофил дўст-  
ларим доираси кенг, шу боис ум-  
римнинг асосий қисми ўшалар  
даврасида, ҳилватгоҳларда  
ўтади.

Эшик ортида чақмоқ шамши-  
рини такрор-такрор алтиратиб,  
айюҳаннос солди. Рухим эса зар-  
рача ўзгармади. Суратлар ораси-  
дан уч йил бурун омонатини топ-  
ширган онамнинг айтарли катта  
бўлмаган, саргайган суратини  
илғайман... Қачон унинг суратиға  
боқмай, ўзимни алланечук хоки-  
сордек ҳис қиламан. Унинг жон-



сиз сурати энг тушкун, аянчли дамларда ҳам менга далда бер- аётгандек, оташ меҳри билан йў- лимни ёритаётгандек туюлади.

Хонада эса жисмимни қўрғо- шиндек эзаётган номаълум куч- нинг тазийқи ҳануз давом этмоқ- да. Ҳазимни елкасига залворли юк ортилган ҳаммолдек ҳис қила- ман. Бўғзига ҳам муштдек бир нарса келиб тиқилган... Чироқни ўчириб, жасадимни «тап» этиб каравотга ташладим. У ёнимдан бу ёнимга лапанглаб ағдарила- ман, чалқанча ётиб кўраман. Кимдир кузатаётгандек туюла- веради, хонада мендан бўлак яна биров бордек. Тинчим йўқолган. Уйқу йўқ. Охири «чирқ» эткизиб тунчироқни ёқаман. Хонага саф- сар ранг хира ёғду таралади. Вазмин «чиқ-чиқ»лаётган осма соатга қарайман, чорак кам бир, норозиланиб хўрсинаман... Маст одамдек кўзларим сузилади, ни- ҳоят, даст туриб тунчироқни ўчи- раман-да, тун сукунатига қулоқ тута-тута ухлаб қоламан... Ора- дан бир соат ўтар-ўтмай, ёмон туш кўргандай чўчиб уйғонаман. Ташқарида ёмғир сим-сим қуйиб, тарновлардан сув тўлиб-тошиб оқмоқда. Олачалпоқ ёругликда ҳеч нимани дурустроқ англамай хурпаяман. Ётган жойимда кўз- ларимни аранг очаману ўзимни йўқотаман, гўдак мисол анқая- ман, каравотимнинг симларига ча «ол-ла» деб юборгандек бўлади гўё.

Қай кўз билан боқайки, мен ойнасига қарашга журъат этма- ган кийим жавонининг эшиги очилиб, бир аёл кўз тикарди. Чанг-ғубор босган кўзгуда ҳам шу нигоҳ. Нима қиларимни бил- май, мик этмай тиқилиб ётавер- дим. Аёл ҳам мендан кўзларини олмасди. Епирай! Ким бўлди, чехраси намуноча таниш кўринма- са? Тавба, кийим жавонининг ичиди нима қиляпти? Нега менга ҳадиқсираб тикилади?

Э, воҳ! Тушимми-ўнгимми, ахир онамнинг нигоҳлари-ку бу, ҳа, онажонимнинг кўзлари!..

Сакраб туриб, жавонга яқинроқ бормоқчи бўлдим. Лекин шу за- хоти марҳума онамнинг сийрати қайгадир йўқолди.

Қайтиб ўринга чўзилганимда яна менга термуларди. Хонада анчадан бери мени ғойибона ку- затиб, тинчимни ўғирлаётган нарса онамнинг нигоҳлари экани- ни тушундим.

...Оч қизғиш чизиқли парда ортида ёмғир эзиб ёғар, шамол

шаштидан тушган, мен эсам юзимни ёстиққа босганча ҳануз жавон эшиги ортидан боқишни қўймаётган дардчил нигоҳга ти- қилган кўйи унсиз-унсиз йиғлар- дим.

## ДАРД

У жўраси бу серғалва дунёга келган куни шарафига берган зиёфатдан чиққанида туннинг сиёҳи тўкилиб, шовқин-сурон хийла ариганди.

Аввалига кайфи чоғдек эди. У пича юриб зим-зиё тун чокини сўкиб турган чироқларни, дера- залардан ёғилаётган рангин ёғ- дуларни кузатган бўлди. Ҳаде- ганда бирон тирик жон кўзга ча- линавермагач, зерикиш сизди, айни пайтда таниш лағифа ёдига тушди: кунлардан бир кун оё- гида зўрға турган маст кимса ярим кечаси бутун «дом»ни бо- шига кўтариб, «Одамлар, ҳўв одамлар, соат неча бўлди?», дея қичқираверибди. Одамлар уйғо- ниб унга: «Соат тунги уч», де- йишса, маст: «Нега унда ухла- маяпсизлар?», дермиш.

У дўстининг уйини тарк этга- нида қордан дарак йўқ эди. Мана, аллақачон йўллар, дарахтлар, уйларнинг томлари бари қор оғу- шида. У кимсасиз тойғончоқ кў- чаларда паришон кезади. Бора- диган кулбаси тайин бўлса-да, ёлғизликка гирифтор бўлишдан кўра, қор остида қолишни афзал санайди. Бир пайт қўлини чўнта- гига тиқиб, бармоқлари киссаси- даги калитларга тегиб кетади-ю, эти увишади, калитларни эзиб ташламоқчи бўлади. Бироқ ка- литлар тошдек қаттиқ, муз каби совуқ, тишлари бармоқларига ботиб оғриқ беради...

У маънос хўрсинди. Калитлар- ни эзгилаб ташлаганида ҳам зан- жирдек тизилган хуш-нохуш ўй- лардан халос бўлиши мушкул. Боз устига, оёғи остидаги қор- нинг «ғарч-ғурч, ғарч-ғурч» овоз бериши ҳам совуқдан лоладек қи- зартирган қулоқларига «телба- овсар», «телба-овсар» дегандек эшитилади...

У чорраҳадан ўтиб икки чек- касида ўриндиқлари бор йўлак- ка бурилди. Ҳаётнинг қорни қор босганди. Сал юрмай ҳангу манг бўлиб қотиб қолди: йиғирма қа- дамча нарида туйқус инсон ша- мойилидаги сарғиш туман кўзга

чалинди. У борган сари тиниқ- лашар, унинг инсонлиги аниқ-ти- ник бўла бошлаган эди. Ниҳоят, туман пардаси ситилиб, қошида бошдан-оёқ оппоқ либосдаги ким- са пайдо бўлди. У ҳайратдан донг қотиб қолган. нима деярини ҳам, нима қиларини ҳам билмасди. Баногоҳ у ўзининг эркак зо- тига мансублигини эслади ва иро- дасига қарши равишда кимса томон юрди... Юрди ҳайратдан баттар донг қотиб, довдираб қол- ди: унинг қошида ақиқлаб, гул- гун чехрала... бир нозанин турар- ди!.. Анчадан кейингина у ўзига келиб, кизга мурожаат қилишга журъат этди:

— Кечирасиз, яхши киз... Тў- сатдан... пайдо бўлганингизга... ҳануз гарангман. Мабодо, сеҳр- гар эмасмиш?

— Йўғ-э.— дея кулди киз,— сеҳргарлар эртақда бўлишади-ку.

— Эҳтимол, адашгандирсиз, ёрдамим тегар?

— Асло азият чекманг...

— Уйқудан воз кечиб, қиш со- вуғида кезинишганингизнинг сабаби бордир, ахир?

Киз мийғида кулди-да, ёғаёт- ган қорга ибора қилди:

— Қорнинг ёғишини... Бирам ёқимлики!

— Ҳа, эртақнинг ўзгинаси, фа- қат бу эртақда нима-лар бўлаёт- ганига тушунолмапман. Кимсиз ўзи, бемаҳалла...

— Назлапман.

— А? Қилиш?

— ...

— Нега кимсиз, ё бу сирми?

— Йўқ, нега...

— Унда сукутнинг боиси не?

— Дувёнинг ишлари ғалати экан-да, сизни излаб-излаб тасо- дифан ўзингизга дуч келибман-а.

— Мени? Наҳотки?.. Ахир сизни танимапман-ку?

— Ҳа, сизни, Умид, сизни.

— Қали нисимни ҳам била- сизми? Сиздан кўрқулик...

— Чўчишанг. Мен сизнинг хаёлингизни, қолос...

— Нима? Нима дедингиз? Ме- нинг хаёлим?

— Ҳа.

— Устимдан куляпсиз, чоғи.

— Кулиш нимаси, ишонаве- ринг, хаёлингизман.

— Қандай ишонай, ахир?

— Мана, кўлимдан ушлаб кў- ринг. Кўрқманг. Яқинроқ ке- линг,— деб киз кўлини унга узат- ди.— Агар бармоқларимда бирор ҳаракат экан тавфот сезсангиз, сиз ўйлагандек инсон бўламан. Акси бўлиб қишса, ҳеч вақони сезма-



сангиз, демак, мен сизнинг хаёлингизман. Бор сир — шу...

Умид бош силкиб, қизнинг оппоқ кўлини оҳиста кафтлари орасига олди. Аммо ҳеч нарса ни

ҳис қилмади — кўллари бўм-бўш шалвираб тушди. У худди босинқираётгандек кўзларини юмиб очди: ҳозиргина қошида турган оқ либосли қиз ғойиб бўлган,

қорда ҳам ҳеч қандай из кўринмасди...

Қор эса ҳануз ёғишини қўймас, теваракда боягидек ҳеч зоғ йўқ эди.

# Ҳазон бўлган Ферзулар

Ҳикоя

Ҳар тонг шундай: уйқум қочгач, анча пайтгача ҳавойи, бироқ тотли хаёллар атрофимда парвона бўлишади. Даҳлиз тарафдан енгилгина қадам товушлари эшитилади. «Хизматкорлар ўрнимдан туришимни кутишяпти». Очиқ деразадан қўйилиб кирган эрталабки салқин шабада яланғоч кўлимга урилиб, вужудимни жунжиктиради. Қўлларимни тезгина кўрпа остига оламан. Эринчоқлик билан кўзларимни юмиб, дилни орзиқтирувчи бал хусусида ўйлай бошлайман: ранг-баранг, дабдабали либосларнинг майин шитири, хонимларнинг нозли кулгисию жанобларнинг юзларида кўриниб турган кибр ва манманлик, юракни ўртагавчи самовий мусиқа оҳанглари — буларнинг барча-барчаси таниш эди менга.

Уйғонганимни билдириш учун кўлимни бошим тарафдаги бантики кумуш кўнғироқчага оҳиста чўзаман. Аммо кўлим кўнғироқчага эмас, қалин жилдли китобга тегади. Қарайман: «Анна КАРЕНИНА». Ва қулоғим остида ҳозиргина янграб турган наво ҳам, киборлар даврасига хос шовқин-сурон ҳам йўқ бўлди-қолди. Қия очик эшикдан эса аввал Мурзикнинг беозоргина «миёв» лагани эшитилди, сўнгра остонада мушукнинг ўзи пайдо бўлди. Ўз хаёлимдан ўзим кулиб юбордим. Мушук чўчиб орқага тислан-

ди, сўнгра менга адоват билан қараб қўйгач, хонани тарк этди.

«Қошона»да бир ўзим қолгандим. Қизлар дарсга кетиб бўлишган, шекилли. Тушунарли, одатдагидек, «қулоғим остида замбарак отишган»...

Каравотим қаршисида илиғлик Тверскаянинг суратига киноя билан назар солдим ва «Бон жур, мадам», дея оҳиста шивирладим, сўнгра сакраб ўрнимдан турдим-да, каттакон тошойна қаршисига келдим. Узун кўйлагимни салгина кўтариб, қаддимни тик тутганча кибр билан хонанинг у бошидан-бу бошига бир неча марта бориб келдим. Ниҳоят, Тверскаянинг қаршисида тўхтагач, узун реверанс қилдим:

— Кайфиятингиз хушми, малика!

Унинг гўзал юзи хиёлгина қулимсирашдан янада ёришиб кетди:

— О, саъй-ҳаракатларингиз анчайин дуруст, қизалок.

«Қизалок» сўзидан жаҳлим чиқиб кетди. Қовоқларимни уйиб, лабларимни қимтидим, унга томон қия бурилиб, муштимни дўлайтирдим. Хонимнинг кўзлари мисли кўрилмаган даражада қаҳр билан ёнди: нодон қиз! Каравотим устидан ёстиқни олдим-да, унга қараб отмоқчи бўлдим. Шу пайт кўз ўнгимда юзлари жаҳлдан қизарган Тверскаянинг ўрнида Онамининг таниш

сиймоси намоён бўлди. Бўшашганча ёстиқни бир четга ташладим. «Қизиқ, нега мен бунчалар хаёлпараст бўлиб қолдим, — деб ўйлай бошладим, — Тверская бўлса Тверская-да! Балнинг нима алоқаси бор?.. Йўқ, мен ҳеч қачон Анна бўлмайман. Анна бўлиб Вронскийни учратиб қолишдан қаттиқ, жуда қаттиқ қўрқаман!..»

Бирдан хаёлимга «дарсга бориш керак» деган фикр келди ва ювиниш учун ташқарига отилдим. Кийиниб кўчага чиққачгина дарсга кечикканлигимни ангаддим. Хиёбон сари бурилиб, йўлимда давом этдим. Узоқдан бир гала йигит-қизлар кўринди. Улар гўё менинг устимга танкдек бостириб келишарди. Ана, нишонга ола бошлашди, ҳозир ҳаммаси тамом бўлади. Кўзларимни қаттиқ юмдим. «Ҳа-ҳа-ҳа, хе-хе-хе, хи-хи-хи». Қуршовда қолган солдатдек қимир этмай жойимда туравердим. Афтидан улар танк эмас, қизгин жанглр учун мўлжалланган жанговар оркестр эди, шекилли.

Ий-э, вой уятсизлар-эй, бир четда кетаётган, чувалчангдек найнов йигит енидаги қизни даст кўтариб, чир айлантириб қолса бўладими! Тўлагина қизни ердан узиб олгани кучни қаёқдан топа қолдийкин у? Ҳойнаҳой, севса керак... Севиш. У қандай бўлар экан? Одам одамнинг нимасини

Сабоҳат Раҳмонова





севаркин, бу нарсани, йўғ-э, кимсани қаерига севар экан? Севдим-куйдим дегувчиларнинг кўпини кўрганман. Ишқ йўлига ўзларини қурбон қилишга ҳам тайёр-дек, азаматлар... Қизик, севиб қолган одамнинг қаери оғриркин: бошими, қорними ёки ўзлими? Агар мен севар бўлсам, танлаб, оёқлари узун-узунини севаман. Сабаби ҳанузгача ҳеч кимга ёқмаган хаёлпарастлигимдан қачонки у тўйиб кетса, мендан қочиб қутулиши осонроқ кечади. Аммо мен ҳеч қачон, ҳеч кимни севмасам керак, чунки ўзимни ҳамма-ҳаммадан яхши кўраман: сумкачамдан тортиб туфлигимга, бошимдан оёғимгача. Яна мени машина туртиб кетганда касалхонада — оёғимга катта тош осилган қўйи — торт билан олма ёб ётишни яхши кўраман...

Э, «ўтлаб» кетдим, шекилли. Нима ҳақда гапираётгандим ўзи? Ҳа, севги ҳақида-я. Ҳамма бир-бирини «ўлиб қолгур, илоё» деб қарғаса, мени «севиб қолгур, илоё» деб астойдил юзларига сийпашади. Ўтган куни адашиб ётоқхонага кириб қолган кучукнинг бошига рўмолчамни танғиб, сочимдаги лентани чиройли қилиб унинг думига боғладим-да, сўнг уни доимо коридорда турадиган, қайсидир болақайнинг «шоҳона қасри» бўлмиш аравачага боғлаб итариб юбордим. Аравача тўғри бориб ахлат челака урилди. Кучук ипни узиб, вангиллаганча, рўмолини ҳам ечмасдан ур-ра қочиб қолди. Менинг бу ишимни кузатиб турган фаррош тутатиб кетди:

— Ҳой, ўзи ёшинг нечада?

Айтдим. У анграйиб қолди.

Ўтган йили касалхонада даволанаётганимда мени телба дегани учун қоровул йигитнинг мотоцикли курсисини эшик олдида турган ҳаворанг бўёқ билан «бежаб» ташлаганимда, бундан хабар топган бош врачнинг олайган қизғиш кўзлари рўпарамда турган фаррошнинг кўзларига ўхшаб кетди.

— Илоё, сени ёқтирмайдиган йигитни севиб қолгинки, додингни ўша берсин!... — Ва ҳоказо ва ҳоказо.

«О, иштаҳангиз чаккимас, монсиньор. Билиб қўйинг, бу орзуингиз ҳали гўдак экан. У улғайиб вояга етгунича мен қартайиб бўламан. Йигитларга келсак, каминан эмас, улар ялинсин менга». Хаёлий бу жавобимдан ўзимнинг ҳам кулгим келди ва «авлиём»

нинг олдида қочиб кетдим.

Тўртинчи қаватга чиқиб борсам, тўнига бурканиб олган бир қиз деворга ўгирилиб олганча ҳўнг-ҳўнг йиғлапти. Секин бориб тўнининг енгидан тортидим. Бурним қаршисига йиғидан кипқизариб кетган кўзлар ва шабнамдан ҳўл бўлган атиргул каби жозибадор чеҳра келиб тўхтади. Мен индамай туравердим. Оғиз деб аталмиш, аслида эса ичи тўла гапдан иборат бўлган «сандиқ»дан кимдир ёки нимадир икки сўзчани афтимга қарата иргитди. Қулоғимга тутиб кўрсам, дағдағига тўла «нима керак?» деган «нарса» экан. Ҳар қалай билиш керак. Сўрадим.

— Ҳеч ким, — жавоб қилди у.

— Ё ҳалиги... севиб қолдизми?

У менга «ялт» этиб қаради.

— Хафа бўлманг, бу дардга чалинган ёлғиз сиз эмас. Ундан қутулишнинг ҳам иложи бор. Ўзиям битта қолган.

Қиз қўлларимдан маҳкам тутди. Мен ҳам дарров айта қолмадим. Қўнтагимдан лентамни олдим-да, ҳеч шошмасдан сочимга боғлай бошладим. Кўз қирим билан қизга разм солдим. Унинг ҳаяжони бўғзига келганди.

— Айтсам айта қолай, — дедим ниҳоят, — унга шартта тегволинг, бу бошоғриқ дарддан шу кунийёқ қутуласиз-қўясиз.

У титроқ кирган қўлларини мендан тортиб олди-да, ўкириб йиғлаганча пастга тушиб кетди. Мендан хафа бўлди, шекилли. Э, тавба...

Хонамга кириб кетаётсам, кимдир чақириб қолди. Қарасам, паст бўйли, семиз бир хотин. Қўлида катта сумка. Юзлари мулойим боқади-ю, лекин кўзлари тешиб юборай дейди.

— Жоним қизим, ёрдамлашворгин, қоқиндиқ. Уйимга кетвотудим. Сўмкам бирам оғирлик қивоттики...

Тушунарли. Сумкани унинг қўлидан олдим. Энди — олға! Мактабда ўргатишган: «Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда». Бу мақолни билмасам экан. Холанинг орқасидан эргашдим.

Роппа-роса ярим соатдан сўнг хонам эшиги олдида турардим. Кечга томон ётоқхонанинг тўстўполони чиқиб кетди. Шоҳистани нима гаплигини билиб келишга жўнатдик. Унинг айтишича, ювиб-чайиб илиб қўйилган кийим-кечаклар ўғирланибди. Кимдир бундан бир соатча илга-

ри қандайдир хотиннинг шу атирофда гимирлаб юрганлигини кўрган экан. Юрагим «шув» этди. Демак, мен ўғирланган нарсаларни... Оҳ! Адабимни бериб қўйгим келди. Ўз қўлларим юзимга туширган шапатадан сўнг, кўзларим аччиқ ёшга тўлди...

Қизларни юпатиш учун йўлакка чиқдим...

Ўзимга келганимда атрофда ҳеч ким қолмаган, тўладан келган қизни кўтариб, найнов ҳам қаёққадир ғойиб бўлганди. Йўлимда давом этдим. Шу чоғ чиройли гулзорнинг қаршисига ўрнатилган тахтачадаги «Киришман этилади» деган ёзувга кўзим тушди. Шу лаҳза гулзорни пайҳон қилиб чопгим, овозим борича ҳайқиргим, гулларни узиб одамларга тақдим этгим келди. Аммо бу орзу эди, ушалмайдиган орзу. У менга боғдан чиқиб кетгунимча ҳеч тинчлик бермади. Ортимга қайтиб гулзор қаршисига тўхтатдим. Вечора, ғариб орзуларимни хаёлан мана шу гулзорга кўмдим-у, тез-тез юриб боғдан чиқиб кетдим...

«Қизик, нега энди шундай қилишга менинг ҳаққим йўқ? Бордию ҳар ким ўз хоҳишига кўра яшамас экан, тирикликда нима маъно қолади? Бир-биридан чиройли манави манзаралар кимга керак? Мабодо ҳозир мен ўзим ўйлагандек иш тутсам, эҳ-қэ, кўриб қолинг томошани! Аввало гулларни пайҳон қилганим учун жарима тўлашга мажбур қилишади. Томошаталаб бекорчилар эса сал-бўлмаса мени жиннига чиқариб қўйишади. Билишмайдикки, бу улар ўйлаганчалик жинилик эмас, балки истак, хоҳиш туфайли рўй берадиган ҳодисалигини. Бундайин, ўзгалар назарида тентакона, ушалмайдиган орзулар тез-тез мени йўқлаб туришади-ю, охир-оқибат шўрликлар менинг ҳузуримдан ноумид бўлиб қайтиб кетадилар... Ўзим «шунақароқ» бўлганим учунми, гоҳо катта кўчада бақириб-гапириб, ўзича хоҳолаб кетаётганларни кўрсам, уларнинг устидан сира ҳам кулмайман. Аксинча, ўзларига завқ ва ҳузур бағишлайдиган шу феълларига ҳавасим келади. Гоҳо ўзим ҳам хаёл сура-сура қаерга келиб қолганимни ҳам англамай қоламан. Бир пайт ўзимга келаман-у кулбам сари чошиб кетаман...

Эшик қулфлоглиқ. Ювиниш хонасига ўтдим-да, балкондан ошиб



тушдим. Пастда картошка тоза-  
лаб ўтирган ошпаз бир нима деб  
бақирди. Парво қилмадим. Бал-  
кон эшигини очган заҳотим— бо-  
шини боғлаб ухлаётган Шоҳиста-  
га кўзим тушди. Уни туртдим.  
Эринибгина кўзларини очди.

— Қайда эдингиз?

Қўққисдан кўз олдимга кеча  
телевизорда кўрганам— амери-  
каликлар кашф этган робот-қў-  
ғирчоқ келди. Унинг қаеридир  
Шоҳистага ўхшаб кетарди. Фа-  
кат... эслай олмадим, унинг бур-  
ни бормиди ёки йўқмиди? Қўлим-  
ни секин чўзиб, «робот»нинг бур-  
нини пайпасладим.

— Ий-э, жинни бўлдимми?

Кўзларимни юмиб-очдим.

— Мен ҳалиги... робот, бурни...  
ха, айтгандай, боғдаги гулзорда  
роса югурдим, лекин ҳеч ким ҳеч  
нима демади.

Шоҳиста менинг гапларимга  
ишонмади чоғи, менга ачиниб  
қараганча ташқарига чиқиб кет-  
ди. Китобни қўлимга олдим-да,  
белги қўйилган жойидан ўқий  
бошладим. Бир оздан сўнг Шо-  
ҳиста қайтиб келди. Қарамадим.  
Алланарсаларни шкафига жой-  
лади, кейин тепамга келиб инда-  
май тураверди. Мен ҳам гапир-  
мадим. Ниҳоят унинг ўзи «порт-  
лади»:

— Хосият Янгийўлга кетди,  
қариндошлариникига. Эртага  
қайтармиш.

Елкам оша унга қарадим. Бир  
кўзимни қисиб, лабимни бурдим.  
Кейин қўлим билан бошимни тўғ-  
риладим-да, яна китобга термул-  
дим.

— Уф-ф, сиз билан ўлиб кета-  
ман, шекилли. Бу телба хаёллар-  
дан қачон қутуласиз-а!

«Э, тавба, одамларга нима  
ёмонлик қилдим-а! Хаёлларим  
уларга ҳалақит бермаётган бўл-  
са... Қизиқ!

Шоҳистанинг ҳар нарсага йиғ-  
лайвериши менга жуда ёқарди.  
Ҳозир ҳам иккала қўлим билан  
кўзларимни катта-катта очдим-  
да:

— Шоҳи, бурнингизга бир пар-  
ча пластилин ёпиштираман, жуда-  
ям чиройли бўласиз,— дедим.

Сўнгра қўлларим билан қуло-  
ғимни маҳкам беркитдим. Шо-  
ҳиста бир нималар дея бақир-  
ишга тушди. Лаблари тинимсиз  
қимирлар, қўли ҳавода бир текис-  
да силкинарди. Унинг нималар  
деётганини жуда билгим келди-ю  
аммо қўлларим қулоқларимни  
қўйиб юборишмади. Шоҳиста хо-

надан чиқиб кетди. Тамом! Энди  
у қайтиб келмайди.

Девордаги суратга қарамай-  
ман: у гоҳ Тверская, гоҳ Онам,  
гоҳ Шоҳиста бўлиб кўринадн  
кўзимга. Хаёлимни йиғиб олиш  
учун ўзимни каравотга ташладим  
ва кўзларимни маҳкам юмдим.  
Уйку мени судрай-судрай ўз ма-  
конига олиб кетди. Тушимда эса...


Менинг сочларим жуда узун  
эмиш. Бунинг устига ақлли ҳам  
эмишман. Бошқалар олдида  
ўзимни шу қадар сипо тутиб  
турган эмишманки, шу сабаб  
улар менинг гапларимни эътибор  
билан тинглашар, ора-сира бир-  
биримизга назокат ила табассум  
ҳада қилиб қўярмишмиз. Кунла-  
рим ўйин-кулги билангина ўтар-  
миш. Ётоқхонада ҳеч ким бир-  
бирини гийбат қилмас, теварак-  
атрофда чиройли пуштиранг гул-  
лар очилиб ётганмиш. Ҳеч ким  
уларга озор бермас, гулларни  
ҳидлагачлари сари одамлар бир-  
бирига янада меҳрибон ва янада  
самимий бўлиб боришаётган  
эмиш. Бир вақт қарасам, Шоҳис-  
та менга қараб ҳиринглаяпти.  
Ҳа, десам, бошингиздаги нима  
дермиш. Қўлим билан бошимни  
қўрқа-писа пайпаслабман ва кан-  
дайдир совуқ нарса қўлимга те-  
гиши билан чўчиб кетибман...

Ростдан ҳам Шоҳиста, қўлида  
қошиқ, бошимга уряпти. Кўзла-  
римни ишқаладим.

— Менинг ҳаловатимни бузга-  
нингиз учун сизни дуэлга чакира-  
ман!

Шоҳиста мени эндигина кўра-  
ётгандек, узоқ тикилди, сўнгра  
«хаёлингизни ўзингиздан ҳам ях-  
ши кўрасиз» деганча, қўлидаги  
хатни стол устига қўйиб чиқиб  
кетди. Шоша-пиша очсам, онам-  
дан келган экан. Кўнгим бузил-  
ди. Қўлидан хаёл суришдан бош-  
қа иш келмайдиган— ўзимдан  
биринчи мартаба жаҳлим чиқди.  
Дераза қаршисига келдим, ёмғир  
ёғаяпти. Шамсиямни олиб кўчага  
чиқдим ва бошим оққан томон-  
нинг тескарисига қараб кета бош-  
ладим. «Алвидо энди, менинг  
кадрдон хаёлларим! Сизларни  
ташлаб кетишга мажбурман.  
Бўлди, бас, етар! Эртадан бошлаб  
тушимда кўрган киздек бўламан.  
Қани энди Ҳазрати Хизрга йў-  
лиқсамда, тилакларимни айтсам:  
«Хизр бобо, нега мен олдимдаги  
тўсиқлардан ўта олмайман? Нега  
мен ҳадик-хавотир билан яшай-  
ман? Менга журъат беринг ёки  
ақл!»

Шу пайт ёнгинамдан жуда  
ажойиб кучукча чопиб ўтди.  
Қаердадир менга жуда таниш.  
Ҳа, эсладим, аравачада «сайр»  
этиш бахтига муяссар бўлган ме-  
нинг митти дўстим-ку бу! Қара-  
сам, кучукча аллақачон чегарани  
бузиб, Асфальт мамлакатидан  
Гулзор мамлакатига ўтиб кетиб-  
ди. Кучукнинг қайси томонга  
қараб кетаётганини фақатгина  
«фуқаро»ларнинг қимирлаши-  
дан билиш мумкин эди. Атроф-  
га аланглаб қарадим-да, ўзимни  
Гулзорга урдим. Кучукни топиб  
унга энди қўл узатгандим, аф-  
тидан бу мамлакатда ҳам тартиб  
бизникидек «кучли», шекилли,  
хўштакнинг ваҳимали чурилла-  
гани эшитилди. Мен эса кучук-  
чани бағримга босганча кулбам  
сари югуриб кетдим...





## Ойгул Суюндиқова



Уйлаб-уйлаб ўйинга етолмасанг,  
Куйлаб-куйлаб куйингни битолмасанг,  
Барига қўл силтаб, шарт кетолмасанг,  
Ҳаётни бемаҳал тарк этолмасанг,  
Сирларингни сочгил мовий денгизга...

Нафақат кун, ойлаб, йиллаб кечиксанг,  
Умидларинг кузда гуллаб, кечиксанг,  
Емғирли тунлар дил тиглаб, кечиксанг,  
Кувончдан, қайғудан йиғлаб, кечиксанг,  
Ногоҳ кексайибсан! Хуш кел, де кузга...

Армон сарғайтирса орзу гулини,  
Тошли ғовлар тўсса омад йўлини,  
Сендан узар бўлса дўстлар қўлини,  
Куйдан жудо этма булбул тилини —  
Суянгил яратган берган бардошга.

Шамоллар боғлардан боғларга кўчса,  
Нигоҳлар юлдузлар бағрига учса,  
Туйғулар ой бўлиб оламини кучса,  
Юрагинг қуёшли тонг ҳидин туйса,  
Умрингни боғлагил ўтли курашга.

### Саодатга

Яхши-ёмон кунлар ўтди, сездик-сезмадик,  
Ойсиз, ойдин тунлар ўтди, кездик-кезмадик.  
Шамол каби ёвқур Вақтнинг қанотларида  
Умид билан курашлардан бездик-безмадик...

Кенг даштларнинг ҳаволари хотирда қолди,  
Фурқат куйи фурсат-фурсат хаёлим олди.  
Ёшлиқ қайтмас, лаҳзалари лаҳча чўғ бўлиб,  
Юрагимни ўчмас ҳислар ларзага солди.

Бу ҳаётга азоблардан қайтмоқ бўлмади,  
Хатолардан сўнгра узр айтмоқ бўлмади.  
Йўлларимиз айри тушди, шў қадар ётмиз,  
Нечун, нечун бу дўстликдан кўнгил тўлмади?..

Боғларда булбул бор, билар ўз тилин,  
Қўшиқлари элнинг қалбидаги боғ.  
Боғларда тўти бор, авраб халқ дилин,  
Булбуллар шаънига туширади доғ.

Сўлимлашди тунги Самарқанд,  
Чироқларнинг тиниқ ёғдуси.  
Минорларнинг ўйлари баланд,  
Юлдузларнинг келмас уйқуси.

Юзларингга урилар нафис  
Ёзнинг салқин, хушбўй шамоли.  
Ой шаҳардан узолмайди кўз.  
Кўзларимда юлдуз хаёли...

Кечмишларим саҳифаси — унутилмас куй оқди,  
Қайда ўкинч, қайда видео, қайда ўтли ўй оқди...  
Сирларимни ёритгани йўлларимда ой оқди,  
Хотиротнинг гувоҳидай ой чўмилган сой оқди...

Кўкда булут карвон-карвон кўзимдан сузиб ўтар.  
Узун тунлар кипригимга юлдузлар тизиб ўтар.  
Хаёлларим — қуёш нури, дунёни кезиб ўтар,  
Ҳаёт рангин юрагимга тонгларим чизиб ўтар...

Куз фаслини кутса-да кўнгил,  
Ҳаёт мангу туюлар нечун?  
Умр — қалба илонизи йўл,  
Кўражагинг сўнг бор тонгми, тун?

Қарға, қарға, аёзли кулгунг  
Қанотида қишни элтасан.  
Изғиринми шодлигинг, қайғунг,  
Сирларингни кимга айтасан?

Қор ёғади беозор, бедор,  
Деразамда беун суринар.  
Кўзларингда қаҳри бетакрор  
Қаҳратоннинг рақси кўринар.

Қарға, қарға, нени кутарсан,  
Музлар эрир, қуёш кулмоқда.  
Яна сиринг айтмай кетарсан,  
Армони йўқ баҳор келмоқда...







# ЎШ

## ЎШ ФОЖЕАСИ

### МИНГЛАБ ҚУРБОНЛАР. БУНГА КИМ ЖАВОБГАР?

Чингиз Айтматовга очиқ хат

Хурматли Чингиз Тўрақулович!

Ўзбек халқининг Сизга бўлган хурмат-эҳтиромини жуда яхши биласиз. Сизнинг деярли барча асарларингиз аввало ўзбек тилида, сўнгра қирғиз тилида нашр этилади. Баъзи асарларингиз турк тилига бевосита ўзбек тилидан ағдарилган (масалан «Кунда»). Ўзбек шоирларининг Сизга бағишланган шеърларини тўпласа, улкан жилдга айланади.

Сиз қирғиз зиёлиларининг ичида Ўш воқеаларига тўғри баҳо берган ягона кишисиз. Сиз, ёзувчи ва жамоат арбоби сифатида фақат қирғиз халқи, ҳатто туркий улусларгагина эмас, бутун дунё халқларига мансубсиз. Биз, ўзбеклар Сиз билан фахрланамиз.

Ўш воқеасида қурбон бўлганлар сони ТАСС маълумотига қараганда бир неча баробар кўп. Бундай хунрезлик Сумгаит, Боку ва Фарғонада ҳам бўлмаган эди.

Мен, ўзбек сифатида ёндирилган болалар, аёллар, қариялар, бўйга етмаган қизларнинг зўрланганлиги, одам гўштини нимта-лаб, унга «Сарт этининг kilosи 1 сўм 20 тиин», деб ёзилган лавҳа осилганлиги, уч ойлик гўдак гўшtidан газ плитада

кабоб (лоф эмас) пиширилганлиги, қозикқа ўтирғизилган эркаклар, эгаларидан айри кўмилган кўзлар, қулоқлар, минглаб шаҳидлар учун чуқур мусибатдаман.

Бу кунларда ўзбек зиёлилари яна қон тўкилишининг олдини олиш учун Ўзбекистон ҳудудида яшаётган қирғизларни ҳимоя қилишмоқда. Ҳатто ўша даҳшатли кунларда жумҳурият раҳбарлари халқ иродасига қарши бўлса ҳам андижонликларни Ўш вилоятига қўймаслик учун бор кучи билан ҳаракат қилдилар. Худди шу пайтнинг ўзида Ўзган ва бошқа шаҳарларда ўзбекларни қирғинбарот қилиш давом этди, Ўш вилояти раҳбарлари жиноятчиларнинг биродаркушлик сафарбарлигини қўллаб турди.

Ўзбек ва қирғиз халқларининг дўстлиги ва қондошлиги ҳақида менинг изоҳим шарт бўлмаса керак. «Комсомольская правда» рўзномаси Тўқомбоевнинг қирғиз ёзувининг асосчиси эканини рўқач қилиб, Сизга ҳужум қилганда, ўзбек халқининг зиёлилари Алишер Навоий, Бобур, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Беруний, Фарғоний, Хоразмий, Нодира, Зебунисо ва бошқа улуг салафлар фақат ўзбек халқигагина эмас,



бутун туркий халқларга, шу жумладан қирғизларга ҳам мансублигини қатъий эътироф этдилар.

Ушда бўлган воқеаларда фақат қирғиз халқининг вакиллари айбдор эмас. Владимир Ильич айбдор. Туркистон унинг амри билан парчалаб ташланган. Инқилобга қадар бизнинг ватанимиз ягона бўлиб, Туркистон деб аталган. Деярли бутун сарҳадларда ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик ва бошқа халқлар ёнма-ён яшашган. Ильич васиятига биноан Туркистонни И. В. Сталин амалейлат (клиник операция) қилиб, этни тирноғидан ажратиб, бизни — бир танани пичоқлаб, кесиб, кесиб ташлади. Бу жаллодликдан қадимий тупроқда яшаб келаётган барча халқлар ютқаздилар. Большевиклар ўзларининг буюк давлатчилик (империячи) хуружидан чор Россия мустамлакачиларидан ўзиб кетишди. «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил!» — мана уларнинг асл ниятлари. «Коммунистик идеаллар»га раҳмон, бир тилда сўйлашаётган халқлар инқилобдан сўнг биринчи марта бир-бирларини таржима қилишга мажбур бўлдилар.

Бу аср фожеаси!

Бу жиноят!

Улуғ озарбойжон шоири Фузулий асарларини биз ҳали ҳануз асл нусхада ўқиймиз, замонавий озарбойжон шоирларини эса таржима қиламиз.

Яна ярамизга, фожеаларга, қайтайлик.

Мен Уш вилоятининг Жаны Жол депарасига чегарадош Наманган вилоятининг Чортоқ туманида туғилганман. Менинг илк шеърим дастлаб қирғизча, сўнгра ўзбек тилида босилган.

Менинг опам қирғиз йигитига турмушга чиққан, укам қирғиз қизига уйланган. Бундай қуда-андачилик ҳақида хоҳлаганча мисол келтириш мумкин...

Сизга яхши маълумки, қирғиз мухтор вилояти иттифоқдош жумҳуриятга айлан-тирилганида Уш вилоятини Ўзбекистон жумҳурияти таркибидан айириб Қирғизистонга берилган эди. Ўзбеклар ҳеч қачон Уш вилоятини Ўзбекистонга қайтариш ҳақида оғиз ҳам очмаганлар. Ахир, бу халқлар ҳам-иша елкадош, қўни-қўшни бўлиб яшаб келганлар-да. Ҳозир ҳам Ўзбекистон ҳудудидан юз мингга яқин қирғизлар истиқомат қиладилар. Балки Шарқий Овропадан ҳайдалган Совет Армияси қўшинларини жойлаштириш учун шундай «оқилона» йўл тutilгандир.

Уш вилоятини ҳар тарафдан ўраб олган Фарғона водийсида (Уш ҳам жўғрофик, ҳам тарихан водийнинг бир қисми) беш миллиондан ортиқ ўзбеклар яшайдилар. Ахир армия абадий қирғизларни қўриқлаш билан машғул бўлмайди-ку?!

Мен жигарларим, опам ва укамнинг оила-сида тинчлик бўлишини истайман. Мен бу қадимий тупроқда ортиқ қон тўкилишини истамайман.

Қон тўкилишини олдини олиш учун нима қилиш керак?

Менимча, қатли ом (геноцид) айбдорларининг ҳаммасини топиб қатъий жазолаш

керак. Менинг кўз олдимда куйдирилган оналар, ўққа учганлар ўрнашиб олишган. Икки халқ ўртасида ғанимлиқни ўт олдир-маслик ўзбек халқи қирғизларнинг душ-манига айланмаслик учун, бу дунёда ҳа-қиқат, адолат борлигини билиши ва кўриши керак. Бизнинг давримизда ўрта асрлар ра-зиллиги ва ҳайвоний ваҳшийликка жой қол-маслиги зарур.

Жиноятлар тергови билан Қирғизистон ҳудудида яшаётган қирғиз, ўзбек ва руслар шуғулланмасликлари керак. Тергов олиб бо-риш учун Бирлашган Миллатлар Ташкило-тидан мустақил юристлар, Урта Осиё ва Қир-ғизистон, Озарбойжон, Болтиқбўйи жумҳу-риятларидан ҳуқуқшунослар жалб қили-ниши лозим.

Қотил — фашистларни Уш, Узган, Ара-вон, Андижон, Наманган, Фарғона шаҳар-лари аҳолиси кўз олдида очиқ суд қилиш керак. Барча айбдорлар, фожеавий воқеа-ларда иштирок этган Сиёсий Бюро аъзоси, Қирғизистон КП Марказий Қўмитаси би-ринчи котиби Масалиевгача жазоланиши за-рур.

Мен, Сиз улкан ёзувчи, ватандош, Прези-дент кенгаши аъзоси сифатида икки ога-ини халқни яраштириш учун холис хизмат қиласиз деган умиддаман.

Мен, барча транспорт, қурол-яроғ, спиртли ичимликлар, ҳатто вертолётларни ўзбек-ларни қирғинбарот қилиш учун сафарбар этган Уш вилоят партия қўмитаси бири-ничи котиби Сидиқовни олий жазога торти-лишини таклиф қиламан.

Бу миллий масалаларни мушт ва қамчи ёрдамида ҳал қилмоқчи бўлган айрим ким-саларга аччиқ сабоқ бўлар эди.

ТУРА МИРЗО,

Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси Уш қўмитаси  
аъзоси

«Столица» журналининг  
1990 йил, сентябрь  
2-сонидан олинди.

Таҳририятдан: Шунини айтиш керакки, Қирғизистон ССЖ Олий Советининг 1990 йил октябрь ойида бўлиб ўтган сессияси Ма-салиевни жумҳурият президенти этиб сай-ламади. Қирғизистоннинг норасмий таш-килотлари уни жиноий жавобгарликка тор-тишни талаб қилишди.

Уш воқеаларида жиноий иш қилган бир қатор кишилар устидан суд бошланди. Ушда қонли воқеалар содир бўлишига сабабчи мансабдор шахсларнинг ҳам, қирғинда иш-тирок этган жамаки жиноятчиларнинг ҳам бирдай жавобгарликка тортилишини биз ҳам талаб қиламиз.

Уш фожеаси ҳақидаги ҳақиқат рўй-рост ва баралла айтилиши керак. Бундан шун-дай хулосалар чиқарилиши керакки, бир қориндан талашиб тушган ўзбек ва қир-ғиз қардошлар келажакнинг энг мураккаб дамларида ҳам қайтиб бундай кўргуликка юз тутмасинлар.



Мираббос Бағирзода

## АМИР ТЕМУРНИНГ ФАРАНГИСТОНГА МАКТУБИ

Ҳижрий VIII асрнинг охирлари, мелодий XIV аср ўрталарида Шарқда икки буюк турк ҳукмдори яшар эди. Булар борғон сайин ўз қувват ва мавқеларин оширмоқда, жаҳонгирлик сиёсатларини кўчайтмакда эдилар. Бу икки ҳукмдорликдан бириси Шарқда ва бириси эса Ғарб тарафларида ҳаракат этарди. Ғарб тарафидаги, кичик Осиёда Усмонли подшоси Султон Елдириим Боёзид бўлиб, шарқ тарафидаги эса, Урта Осиёдаги турк амири «Темур Кўрағон» эди.

Амир Темур бутун Туркистон ва Гуржистон ўлкаларин фатҳ этиб, Эрон ўлкаси устига юриш этган чоғи эди. Эрон шоҳлигининг бу замон Ироқ араб тарафида ҳукм сурган Султон Аҳмад Жалойир, Эрон — Озарбойжон ёқларида устунлик кўрсатган Қора қўюли подшоҳларидан Қора Юсуф, Шероз ҳокими Мансур ва бошқалари Амир Темурнинг ҳужумига қарши ожиз қолиб, фақат ўзларинигина сақлаб қолиш учун Султон Боёзиднинг ёнига қочиб бордилар.

Тарихий ёқдан кичик Осиёда ҳужумга бошлаган Султон Елдириим Боёзид эса, Онатолида салтанат этган бутун амир-бекларнинг ерларини бирин-бирин истило этиб, ҳукуматлариға ихтом бермоқда эди. Мана шу муносабат билан Онатолининг Киримпан, Сипнуб, Ойдин, Қараман, Сарухан ва бошқа бекликларининг ҳокимлари ҳам Султон Боёзиддан қочиб, Амир Темур ёнига паноҳ тилаб келганлар.

Султон Боёзиднинг фатҳи шундай зафар топқан эдиким, у Истамбул дарвозалариға қадар яқинлашди. Истамбул шаҳари ҳам Усмонли қўшинлари томонидан муҳосара (қамал)ға олинди. Ҳатто Истамбул императори, Султон Боёзиднинг даҳшати остида янги солинган Истамбул қалъа истеҳкомларини буздирди ва Истамбулда мусулмонлар маҳалласи солинишиға, унда шариат қозилари ташкил этилишиға рози бўлди. Худди шу замонда Оврўпо китъасидан ҳам Булғория ўлкаси Усмонлилар тарафидан забт этилди.

Бу муносабат билан Сербистон Қироли Истидхон, Султон Боёзиднинг илтифотиға эришмак ва мамлакатни, подшоҳликни унинг ҳужумидан сақлаб қолмоқ ниятида энг гўзал бўлган ўз синглиси Улварани жуда кўп инъомлар билан қўшиб Султон Боёзиднинг ҳарамхонасиға юборди ва шу йўл билан у қўшнилик алоқасини тузишға мажбур бўлди.

Ҳукумати ва мамлакати Усмонлилар томонидан исканжа остиға олинган Истамбул императори Эмануэл эса, Оврўпоға, христиан ҳукмдорларининг ёниға кўмак сўраб боришға мажбур бўлди. Мажористон қироли Сегизмунд ҳам Булғористоннинг олиниши муносабати-

ла Усмонлилар қўрқинчи кундан-кун ўз мамлакати устиға яқинлаша қолганини кўрмак билан ташвишға тушиб қолди. Шунинг учун Мажористон қироли Патрихи ва Истамбул императори тарафидан Оврўпо ҳукмдорлариға қилинган муурожаатлар Оврўпода яна солиб муҳорабаси сингари зўр бир ҳаяжон кўзғатди ва Усмонлиларға қарши муҳораба тўйғусини уйғотди.

Усмонлиларға қарши Франция қарамоғидан ёрдам сўрамоқ учун Мажористон Рўҳонийлари бошлиғи ила юборилган ҳайъат Фаранг қироли VI Шарл тарафидан яхши суратда қаршиланиб, қабул қилинди. Султон Боёзидға қарши очиладурғон муҳорабада иштирок қилишдан аввал Олмания, Швецария ва Англия тарафидан қўшин қувватлари юборияғани каби Фаранг қироли VI Шарл тарафидан ҳам 10.000га қадар Фаранг солдати юбориб, Султон Боёзид билан муҳораба ҳолида турган Мажористон қироли Сегизмундға ёрдам кўрсатилди.

Оврўпо ҳукмдорлари, бу вақтда Амир Темурнинг, Султон Боёзид билан муҳораба вазиятида бўлганлиғини кўриш билан бундан истифода этиш сиёсатини юргизишға бошладилар. Шунинг учун Амир Темур ёниға Оврўпонинг бошқа ерларидан ҳар хил элчилар юборилғани каби Фаранг каттасининг қўл остида Амир Темурға бир нома ва бир ҳайъат юборилди. Бизнинг бу ерда баҳс қилладурган номамиз ҳам VI Шарл томонидан Амир Темурға юборилган мана шу номаға Амир Темурнинг ёзган жавобномасидир.

Бу нома эски турк, мўғул ҳукмдорларининг ёрлиқлари бичимида бўлиб, 14 сатрда бир қоғозға ёзилмишдир.

Бу жавобнома Амир Темур тарафидан ҳижрий 805 йилнинг муҳаррам ойи бошида ва мелодий 1402 йилнинг август ойи аввалида ёзилиб, Фаранг қироли VI Шарлға юборилгандир. Бу нома Парижда 1937-сон остида хатланиб, Национал архивида сақланилгандир.

Номанинг фотографа билан олинган нусхасида қуйидагича ёзилган: «Амир Кабир Темур Кўрағон.

Франция подшоси, дўстингиз ортиқ, умрингиз узун бўлсун. Амир Темур Кўрағондан юз мингларча салом ва орзумандликни қабул қилинсин. Дунё қадар кўп орзулар-ла тўла бўлган у амир Кабирға дуолар этишсинким, бу тарафға келди ва шоҳона номани келтирди, ҳам у амир Кабирнинг азаматини ва буюк ном соҳиби бўлганини арз айлади. Бизда катта шодимонлик ҳосил бўлди. Тангри таолонинг кўмаги ила сиз ва бизнинг душманларимизни қаҳр, забун этишдан илгари жуда кўп қўшин юборилганлигини билдирди. Бунга қўшимча қардош — Султон чоби (Жан-мар-Ҳисия)ни ҳузурингизға юборилди. Ҳарна воқе бўлган нарсани у сизга арз этадир.

Ҳозирда у, Амир Кабирдан рижо шудирким, доимо шоҳона номаларини юбориш билан ўз соғлиқларини билдирсин. Токи, кўнглимизда тасали ҳосил бўлсин. Ҳам лозимдирким, сизнинг тожир (савдогар)ларингиз бу тарафға юборилсин. Бу ерда уларни иззат ва ҳурматлар қилинадур. Бизнинг савдогарларимиз ҳам у тарафға борсинларким, уларнида у ерларда иззат

1. Бу нома ҳақидаги маълумот Берлинда форс тилида нашр этилган «Кова» мажмуасининг 1921 йил май ойининг 9нда чиққан 5-сонли нусхасидан олинган. Бу нома лотинча таржимаси ва изоҳоти билан 1892 йилда чиққан Франция академияси мажмуасининг 6-жилдида босилгандир.

Бундан бошқа Мирза Муҳаммадхон номли эронли бир олим ҳам бу маълумотни Париждан Берлинға юбориб, баъзи шарҳ ва изоҳотлар билан «Кова» мажмуасида номанинг фотографи билан бирга босдирган.



ва ҳурмат қилинсин ҳам бирор киши тарафидан уларни ранжитиш ва зўрлик бўлмасин. Чунки дунё тижорат ила ободдир. Сўзи доимо қисса этилсин. Кўп йиллар дўстингиз комрон қолсин. Вассалом.

Ҳижрий 805 йилда муҳаррам ойининг аввалида ёзилган».


Номанинг остида босилган Амир Темур муҳрининг устида иккиси пастда, биттаси уларнинг устида бўлган учта халқанинг шакли бордир. Бундаги ёзув эса «Рости русти» сўзидан иборатдирким, тўғри бўлсанг, нажот кўрасан демакдир.

Бу муҳрдан бошқа бири бошда, бири оёқда бўлган икки муҳр номанинг ўнг тарафига босилгандир. Бу но-

мада диққат этиладиган нарсаси шунки, бошқа ҳукмдорларга ёзилган номаларнинг тескариси ўлароқ бунда Франция қироли ҳақида бир таъриф ва тавсиф ёзилмагандир. Фақат соддагина сўзга бошланилган, ёлғиз Амир Темурнинг оти сатрлар орасидан шу [р] ишорат билан чиқарилиб, номанинг бошига қўйилгандир.

Номани лотинчага таржима этган мусташирик Русалнинг қайдиға кўра, ҳукмдорлар номининг сатрлар орасида ёзилиши лозим бўлган ҳолда ҳурмат ва шараф учун бирор ишорат қўйиб, номанинг бошига ёзилиши мўғул ҳукмдорларининг усуллари эмиш.

«Аланга» журнали, Т., 1929, № 1.



МЕТИН ЭРФУН:

**ТУРКИСТОН**

**БИЗНИНГ**

**ЎЗ УЧОҒИМИЗ**

## Туркиянинг машҳур Қўниё шаҳридаги Салжуқ дорилфунунининг муаллими Метин Эрғун билан муҳбиримиз Усмон Қўчқор суҳбати

Менинг бу диёрдаги энг буюк таассуротим ўз тилимда гаплашганимдир. Бокуда ҳам, Ашхободда ҳам, Тошкентда ҳам, ҳатто учоғу қаторларда ҳам ўз тилимда гаплашдим. Бундан ортиқ ёқимли таассурот бўладими!

— Сизнинг номзодлигингиз, гапингизга қараганда, халқ оғзаки ижоди, аниқроқ қилиб айтганда, ривоятлар билан боғлиқдир. Сиз бу ишда фақат маълум бир музофот, яъни Туркиядаги туркларнинг афсоналари билан чекланиб қолгансизми ёки умумтуркий ривоятларни текшириши мақсад қилиб қўйгансизми?

— Мен умумтуркий афсоналар билан шуғулланаман. Халқ оғзаки ижоди халқнинг уз ҳис-туйғуларини, ўз тушунчаси, тафаккурини ифода этади. Халқ оғзаки ижодининг ўзиға хос хусусияти шундаки, уларда сунъий қўшимчалар, ўйлаб топилган нарсалар йўқ. Уларда халқ тафаккури, урф-одатлари, анъаналари қандай бўлса, шундайлиғича акс этади. Бу борада мен туркий халқлар ўртасидаги алоқаларни, яқинликни фольклордан, халқ оғзаки ижодидан ўтганига ишонаман. «Гўрўғли» бизда ҳам бор, Туркистонда ҳам бор. «Алломиш» мотивлари туркларнинг «Дада Қўрқут» дostonида учрайди. «Бамси Бўйрак» («Дада Қўрқут»нинг бир боби) «Алломиш» билан уйғун келади. Мен 1988 йилда бизнинг Бойбурт шаҳрида бўлиб ўтган конгрессида «Алломиш» билан «Бамси Бўйрак» («Дада Қўрқут») ўртасидаги ўхшаш жиҳатлар ҳақида маъруза қилдим. Кўрдимки, иккиси ҳам қарийб бир нарсаси экан. Сизларнинг «Интизор», «Нурали» дostonларингиз бизнинг «Гўрўғлидан фарқ қиладими, ахир?! Ва ёки озар дostonлари, туркман дostonлари билан ўзбек дostonлари орасидаги фарқ катта эмас-ку! Мен «Интизор» ҳақида ҳам маъруза қилдим.

Мен ўзбек мақоллари ҳақида Туркияда чиқадиган «Турк культури» журналида бир тадқиқот-мақола нашр этдим. Ўзбек мақолларининг ҳаммасини Туркияда ҳам топиш мумкин. Туркияни бир четга қўйиб турайлик, ҳатто Каркўк (Ироқ) турклар орасида ҳам ўзбек мақолларининг айнан ўзини ёхуд унга ўхшашини учратиш мумкин. Демак, бу фактлар туркий халқларнинг айнан бир ўзакдан тарқалганлигини кўрсатади. Бизнинг мақсадимиз (ғоямиз) ана шу халқларни бир-бири билан яқинлаштириш, маданий алоқаларни кучайтириш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдан иборат.

— Сиз барибир меник: саволимга тўлиқ жавоб бермадингиз. Туркий халқларнинг ривоятлари борасида олиб борган тадқиқотларингиздан қандай ҳулосага келяпсиз?

— Туркияда сўнги йилларда афсоналар борасида нашрлар кўпайиб бормоқда. 1986 йилда профессор Соим Соқа ўғлининг «Онадўли турк афсоналарида тошкесилма мотиви ва бу мотивнинг тип каталоги» номли асари, 1986 йилда профессор Билга Саид ўғлининг «Арзум афсоналари», Соим Соқа ўғлининг «101 Онадўли афсонаси», Маҳмад Ундарнинг «Онадўли афсоналари» ва бошқа асарлар нашр этилди. Хусусан, Соим Соқа ўғлининг «Онадўли афсоналарида тошкесилма...» отли асарида



афсона, эртак, ривоят, дoston жанрлари орасидаги фарклар анча кенг кўрсатиб берилган. Муаллифнинг «Кумушона эртаклари» номли асарида ҳам шу жанрлар орасидаги фарк чуқур ёритиб берилган.

Менинг ўзим турк афсоналарида (бутун туркий халқларни назарда тутаяпман) қаҳрамоннинг бир шаклдан бошқа шаклга ўтиши муаммоси билан шуғулланыпман. Ишлаган сари шу хулосага келяпманки, бу афсоналар туркий халқларнинг аёнчалари, урф-одатлари бир эканлигидан далолат беради. Ҳатто воқелидаги нарса ва ашёларга муносабатда ҳам бу халқларнинг яқинлиги яққол сезилиб туради. Масалан, бир турк афсонасида она ўз чақалоғининг тагини нон билан тозалгани учун тошга айланиб қолади. Бунга ўхшаш афсонани мен бошқа баъзи туркий халқларда ҳам учратдим. Масаланин моҳияти шундаки, бу афсоналарнинг ҳаммасида халқнинг нонга бўлган муносабати, эъзози ўз ифодасини топган. Умуман, бу муносабат, нонни, наинки нон, барча неъматларни эъзозлаш туркий халқларнинг барчаси учун хос хусусиятдир. Бошқа нарсаларга нисбатан олганда ҳам бундай мотивлар кўп учрайди. Масалан, бу мотивларда эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва чиркинлик ўртасидаги кураш яққол намоён бўлади. Қаҳрамоннинг бир қиёфадан (шаклдан) бошқа қиёфага (шаклга) ўтиши баъзан ёвуз кучлар таъсирида рўй берса, баъзан эзгулик йўлида рўй беради. Масалан, ўғай она зулмидан қутулиш учун қиз қушга айланиб қолади ва х.к. 1

— Метин афанди, биз туркий халқлар фольклори борасида озми-кўпми гаплашдик. Энди ёзма адабиёт ҳақида гаплашсак.

— Марҳамат.

— Сизда [Туркияда] классик мерос сифатида кимларнинг ижоди чуқур ва кенг ўрганилади!

— Бизда Туркистондан етишиб чиққан буюк олимлар, буюк ижодкорларнинг қарийб ҳаммаси нашр этилган. Масалан, Алишер Навоининг беш жилдли асари (Огаҳ Сирри Лаванд нашри). Бобурнинг «Бобурнома»си ва ғазаллари, Қашқарли Маҳмуд (Маҳмуд Кошғарий)нинг «Девони луғатит-турк» (Басим Оталай таржимаси) 4 жилд асари ва у ҳақида сонсиз-саноксиз тадқиқотлар, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асари, бу асар ҳақида кўплаб тадқиқотлар, Низомий, Насимий, Машраб, Қутб Хоразмий ва бошқа ижодкорларнинг ғазаллари ва улар ижоди ҳақида кўплаб тадқиқотлар қилинган ва қилинмоқда. Менинг ўзим дорилфунунда Чигатоий адабиёти ҳақида алоҳида дарс ўтаман.

— Метин афанди, биз ҳозирга қадар турк замонавий адабиётини асосан Нозим Ҳикмат, Азиз Несин, Яшар Камол, Фақир Бойқурт, Рашид Нури Гунтекин ижоди тимсолида тасаввур қиламиз. Тўғри, бизда бошқа турк шоир ва ёзувчиларининг ҳам асарлари нашр этилган. Бироқ асосан юқоридаги ижодкорларни яхшироқ биламиз. Сиз ўзбек китобхонларига тагин замонавий турк ижодкорларидан кимларни ўқишни тавсия этган бўлардингиз!

— Сиз зикр этган бу ижодкорларнинг номи, шубҳасиз, турк адабиётининг бир қисмидир. Бироқ замонавий турк адабиётини фақат шулардан иборат деб бўлмайди. Мен Туркистоннинг қаерида бўлмай, ким билан гаплашмай, тахминан сиз тилга олган ижодкорларнинг номларини санашади. Мен бунинг сабаби нима эканини билмайман. (Аслида-ку сабабини аңлагандай бўлдим).

Масалан, турк шеъри ва насрининг сардорини ҳисобланмиш Яҳё Камолни танимай бўладими! Еки Ориф Ниҳоят Осив, Нажиб Фозил, Умар Сафиддин, Паёмий Сафо, Тарик Буёра, Маҳмад Окиф Эрсой каби ижодкорларни танимаслик замонавий турк адабиётини билмаслик демекдир. Булар ҳақиқий миллий турк ижодкорларидир. Сизларнинг Ёзувчилар уюшмангиз қошида Таржима марказининг ташкил этилганлиги мени жуда хурсанд қилди. Умид қиламанки, мен юқорида тилга олган ижодкорларнинг ижоди билан ўзбек китобхонларини таништиришда бу Марказнинг хизмати катта бўлади.

— Ўзбек халқига истакларингиз!

— Мен бу халққа бахтиёрлик тилайман. Яна бир тилагим. Тошкент билан Туркия йўллари очилса, учоқлар умса, қаторлар қатнаса, биз бир ўлкан халқнинг тарих тақозоси ила айри-айри тушган, узоқ йилларнинг завворли сарҳадлари ажратиб қўйган фарзандлари тез-тез юз кўришиб турсак...

— Илло, бу бизнинг ҳам буюк ҳасратимиз. Сухбатингиз учун ташаккур.

— Соғ бўлинг.

# Адабий танқид



Хуршид

Дўстмуҳаммад

## АЗОЗИЛГА АЛДАНМАЙДИГАН АВЛОД

1. «Ешлик» ойнамаси ушбу саволлар орқали фикр-мулоҳазаларни ўрганишга киришганини қўллаб-қувватлаган ҳолда жавобни эътироздан бошламоқчиман. Шу қабилида анкета-сўровлар аксарият ҳолларда наср ва назмга тааллуқли бўлади. Ваҳоланки, ҳар қандай даврда ҳам ёшларнинг маънавий савияси, истеъдод миқёси фақат наср ва назм билангина чекланмайди. Ҳайкалтарошлик, расмлик, бастакорлик, қўшиқчилик, кино ва сахна санъати, халқ амалий санъати, бадиий ҳунармандчилик ва ҳоказо-ҳоказо ижод соҳалари борки, ҳамонки, муайян давр ўзбек ёшларининг ижодий салоҳиятини умумлаштирувчи номаи-аъмолни яратиш истагида эканмиз, мазкур (ва яна бошқа) соҳаларни ҳам қамраб олмоғимиз керак. Мисол учун, миниатюра санъатида Шомахмуд Муҳаммаджонов, мусаввирликда Қобил Чигатоий, қўшиқчиликда Ғ. Тошматов раҳбарлигидаги дугорчи қизлар гулдастаси бир авлодга таъгулик ижодий йўналишларни яратган бўлсалар, меъморчилик ёхуд бастакорлик соҳасидаги навқирон авлод вакиллариининг ўзига хосликларидан мутлақо хабарсизмиз.

Бевосита биринчи савол жавобига кучсак, аввало, «янги адабий авлод» тушунчасини ойдинлаштириб олиш зарур. Мазкур иборанин илмий таърифини билмадим-у, менингча, адабий авлод тушунчаси ижодкорларнинг ёш жиҳатдан генгқурлигини эмас, балки шеъриятда, насрда ўзига хос янгиликлар яратган ижодкорлар гуруҳини аңлатади. Тўғри, бадиий кашфиётлар гуруҳлар ҳамкорлигида эмас, ёлғиз ижодкор «дастгоҳи»да туғилади. Ҳар қандай бадиий кашфиёт бошқа қаламкашлар томонидан у ёки бу даражада ўзлаштирилиб янги-янги асарлар яратилишига тўртки бўлади ва шу тариқа кашфиёт аёнана тусини олишидан янги адабий авлод вужудга келади. Шу нуқтаи назардан сўнги 70 йиллик адабиётимиз тарихини сарҳисоб қилиш ҳийла мушкул. Негаки, Қодирий ва Ҳамза ижодидан чала хабардорлигимиз етмаганидай, уларга замондош кўплаб салмоқли адиблар ижоди билан қарийб таниш эмасмиз. Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор қайси ижодий мактаб «талабалари»дир етишиб чиқишгани ҳақидаги тасаввуримиз ҳам жуда хира. Ойбек Қодирийнинг, Ғ. Ғулом Чўлпоннинг ижодий тажрибаларидан баҳрамандлиги, шубҳасиз, лекин бу ҳақида яқин-яқингача гап



бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Гўё Ғ. Ғулломнинг бирдан-бир устози Маяковскийю, А. Қаҳҳорнинг кўз очиб кўрган — Чехов!

Ўзбек насрида катта анъаналар яратгудай ижод соҳиби сифатида Ойбек, Ғ. Ғуллом, А. Қаҳҳор билан елкама-елка турадиган адиблар йўқ ҳисоби. Ижодий салоҳиятига кўра М. Исmoilий, М. Осим, Шўҳратни бир авлод вакиллари десан. Ғ. Файзий, И. Раҳим, Ж. Шарипов ўзларича бир олам, ўзбек насрида бадиий тафаккурни ўз даврига кўра кескин жонлантирганлик борасида О. Ғулубов, С. Аҳмад, А. Мухтор, П. Қодиров бир-бирларига яқин бўлсалар, шу маънода Мирмуҳсин билан Ғ. Ғуллом олоҳида мавқени ташкил этадилар.

Кейинги авлод-чи? 70-йилларнинг ўрталаригача бир авлод вакиллари сифатида саналадиган Ю. Шомансур, У. Умарбеков, У. Назаров, Ф. Мусажонов, Ш. Холмирзаев каби ёзувчилардан авлод дейишга аризулик Ш. Холмирзаев билан У. Назаров қолди. Сўнг — Утқир Қошимов. Утқир ақалнинг асарлари таъсирида бадиий асар яратишга иштиёқманд ҳаваскор қаламкашлар кўпайди.

Шу ҳақиқатни тан олмоқ керакки, санаб ўтилган авлодларга дахлдор адиблар ижодида Олам ва Одамни таққик этиш кўлами кенгайса кенгайдик, чуқурлашиш жуда сует кечди. Чунончи, бир авлод вакиллари эришган маҳорат аломатлари бошқасиникидан тўбдан фарқланмайди: воқеалар турлича, даврлар турлича, зиддиятлар турлича, қаҳрамонларнинг исм-шарифи турлича, лекин моҳият бир: камбағал — яхши, бадавлат — ёмон! Давр мафкурасини эътироф этувчи — яхши, унга заррача шубҳа қилувчи — салбий!

Бундай адабий мафкурабозликка қарши дастлабки исён аломатлари пинҳона бўлса-да Ш. Холмирзаев, У. Назаров, Ғ. Малик, Э. Усмон, Маҳкам Маҳмудов, Мамадали Маҳмудов асарларида кўринди ва бу одат жуда кўплаб қаламкашлар ижодида адабий анъанага — бош маслакка айланди. Ушбу анъана шу даражада урф тусини олдики (хусусан, шеърятда ҳамон сақланиб турибди), мустабиб сийсатга нисбатан киноя, қочирик бадиий асарнинг бош фазилатига айланди. Киноя адабиётимизнинг кредосига айлана бошлади.

Фикр эркинлиги қатогон этилган, танқид бўғилган даврда бундай адабий тажрибалар авж олиши табиий эди. Лекин оддий китобхон бундай табиийликни тўғри ва чуқур англамади, нағижабда унинг бадиий диди алданиб мафкуравий қочириклар яширинган асарларнигина бадиий маҳорат чўққиси сифатида қабул қилишга мослашди. Бундай даража ёзувчи-шоирлар ҳам чалинган, бадиий диднинг ёппасига қашшоқлашиши рўй берди ва ажойиб кунларнинг бирида «Қайдасан, қувонч садоси?» деб номланган ҳикояни ўқиганлар «Шу ҳам ҳикоями?» дегандек таажужбодан елка қисдилар. «Бадиий асарнинг асосий шартларидан бири — миллийлик» деган ақида қулоғимизга кўрғошин мисол эритиб қўйилган эмасми, бу ҳикояни ўқиб «Беховенининг ўзбекка нима қизиғи бор, тагин композитор бўлса?!» деб ёш ёзувчи малажат ёғдиришдан ҳам тоймадик. Яхшики, ёш ёзувчининг ижодий изланишлари ундай маломатлардан устун келди — вақт-соати билан «Бир тойчоқнинг хуни», «Дашту даладарда», «Галатепега қайтиш» асарлари билан насримиз бағрига шамол тегди. Ушбу ҳикоя, қисса, романнинг аҳамиятини бир сўз билан айтадиган бўлсак, улар ҳаётни Бошқача бадиий йўсинда идрок этиш, ўзимиз одатлангандан бошқачароқ ёзиш ҳам мумкинлигини кўрсатди. Шунинг ўзиёқ воқеа эди!

М. М. Дўстнинг мазкур кашфиётлари янги адабий авлодни шакллантириши муқаррар эди — бу биринчи навбатда «Е, Жамшид!», «Нақадар ширинсан, аччиқ ҳаёт», «Езинг ёлғиз ёдгорининг муаллифи Х. Султонов, «Сой бўйи чимзор», «Отонининг туғилган йили», «Аноининг жайдар олмасан»нинг муаллифи Э. Аъзамов ижодида, кейинроқ эса Н. Арслоновнинг айрим ҳикояларида сезилди. Минг афсуски, бу янгилик анъана тусини олиб улгурмади. Бунинг устига ёлғиз от сифатида ҳам донк қозонни қуваватига эга бўлган М. М. Дўст ўзининг илк изланишлари — тажрибаларидан воз кечди (адиб бунга малабуотда ошкора тан олди) ва бундай қайтишнинг самараси улароқ... «Истеъфо», «Лолзор» асарлари юзага келди...

О. Отаҳоннинг ҳикояларидаги дунёнинг бутун сеҳру жо-

зибасини эҳтирослар кўзи билан кузатишга интилиш, Ғ. Ғулломнинг «Кудуқ тепасидаги ой»идаги руҳий таққикнинг «Азал ва абад»да «мураккаб наср» томон шаклланиши, Т. Муроднинг «От кишига оқшом», «Ойдинда юрган одамлар» қиссаларидаги халқ дostonларини миллий эстрада оҳангларига солиб куйлашни эслатувчи йўноқилик, А. Аъзамнинг интеллектуал ва рационал мушоҳадаси жиддий эътиборга лойиқдир. Шунингдек, А. Дилмурод, А. Саид, Н. Отаҳонов, Р. Ота Турк асарлари хусусида ҳам маҳсул тўхталиш мумкин. Бироқ булар «янги адабий авлод» дейишга аризулик янгиликларни намойиш эта бошлашди, холос. Авлод сифатида тўлақонли, пишқиқ-пухта янги йўналиш-анъана ярата оладиларми-йўқми — бунинг уларнинг келгусидаги асарлари кўрсатади. Кейинги бир-икки йил миёнасида адабий нормаларга янгилик киритиш даъвосидаги «Озод қушлар», «Маймун етаклаган одам» (Н. Эшонқулов), «Кесилган дарахт» (Ф. Қорақулова) ҳикоялари эълон қилинди, яна бир янги ижодкорлар тоифаси етилмоқда — улар уч-тўрт йилларда оғизга тушса ажаб эмас...

Янги адабий авлод маъносидан шоирларимизнинг «иши» анча дуруст. Р. Парфи, М. Солиҳ «асос солган» авлод, Э. Воҳидов, А. Орипов, О. Матжон, М. Аъзам, Х. Даврон «очган» мактаб анъаналари ҳозирги замон ўзбек шеърятини мавқени анча юксалтирди. Шеърятга муносабат тўбдан янгиланди.

Шу ўринда бадиий ижод соҳасидаги кашфиётнинг аҳамияти билан бирга зарари ҳам борлиги хусусида тўхталишга тўғри келади. Гап шундаки, фавқулодда яратилган кашфиёт кўплаб издошларни етиштиради, мисол учун А. Орипов ва Р. Парфи издошларини ўнлаб санаш мумкин, бироқ ҳар қандай анъана нечоғли ёқимли бўлмасин у мудом ўзгарисиз сақланавермайдику. Айниқса, энг нозик тўғилардан туғиладиган шеърятдек ўзгарувчан инсон фаолияти ўн йиллар мобайнида шакл-шамойилини янгиламай қолаверши мездага уради. Шундай пайтда юқорида номлари тилга олинган катта шоирлар янада янги анъаналар яратсалар қани эди! Бироқ тақдир жуда камдан-кам ижодкорларгагина ато этадиган бундайин бахтни бизнинг шоирларга раво кўрмади!..

Эҳтимол, янгишарман, назаримда шу орада шеърятимизда муайян турғунлик — депсиниш сезилди. Янгиликни бобидеги уринишлар жузъийдан яхлитликка кўтарила олмади. Оддий шеърхон сифатида нафақат Э. Воҳидов ва А. Ориповнинг, ҳатто Р. Парфи ва М. Солиҳнинг ҳам шеърларида ўхшамаган — бошқачароқ шеърни қўмсаб қоларди кўнги. Ниҳоят, бу кўнги ташналикни А. Қўтбидин, Э. Шўкур, А. Саид, Б. Рўзимухаммад шеърлари бир қадар қондира бошлади...

2. Чин адабиёт макон ва замонга нисбатан умуминсоний бўлса-да, муайян асарнинг яратилишига ижодкор яшаган давр воқеа-ҳодисалари жиддий таъсир кўрсатиши оддий, табиий ҳоҳ. Лекин адабий-услубий ўзига хосликлар жамиятда кечаётган ўзгаришларга дахлдор эмас, аксинча, Худо ижодкорга қандай фезл-атвор, идрок ва зеҳн ато этган бўлса услуб ҳам шунга яраша бўлади. Уққиш-ўрганиш орқали йиғиладиган тажриба, муҳит — воқелик тугма фезл-атвордан, идрок ва зеҳндан келиб чиқадиган адабий-услубий ўзига хосликни у ёки бу даражада ўзгариради, йўналтиради, холос. Демак, адабий-услубий ўзига хослик тугма фезл-атвор билан ҳаётнинг тажриба қоршмасидан ҳосил бўлади. Мазкур хулосани бадиий ижодга татбиқ этсак, ижодкор дунёни ўз фезл-атворидан келиб чиқиб бадиий идрок этмоғи ва бунда унинг ҳаётнинг тажрибаси (билими, маҳорати) кўмакчи вазифасини ўтамоғи керак. Хилма-хил бадиий концепциялар, мутлақо бир-бирига ўхшамаган дунёқарашдаги ижод намуналари ана шу тақдирдагина туғилади, яратилади.

Бизда бундай бўлмади: адибларимиз дунёни Худо берган ақл-идрок, фезл-атвордан эмас — ҳаётнинг тажрибаларидан, соф инсоний қадриятлардан эмас — ясама мафкуравий қадриятлардан келиб чиқиб



бадий идрок этишга одатландилар. Ва шундан бир хил концепциялик (концепциясизлик деса ҳам бўлади) келиб чиқди. Ҳаётий тажрибалар эса нуқул ёлгондан иборат эканлигини, ижодкорлар муттасил алдаб келинганини маъна энди кўриб турибмиз.

Ижодкор учун бундан ортиқ фожиа йўқ!

Бунинг фожиа эканлигини ҳануз ҳамма бирдек англаб етмайпти, фожиа қурбонига айланаётган ёш ижодкорларни истаганча учратиш мумкин.

«Услуб» деймизи ёки бошқача аташ мумкинми, ҳар қалай кўзи билан кўрганини ёзишни реализм деб тушунамиз. Бошқа сезги аъзолари борлигини, дунёни эҳтирослар, туйғулар, сезгилар орқали ҳам идрок этиш мумкинлиги ва лозимлигини, интуицияни, шаклланиб улгурмаган шуур оқимини, хаёлни, тушни — кўйингни, инсонга хос барча-барча майлар воситаси-ла воқеликни бадиий реаликка айлан-тириш имкониятлари нақадар кенглигини, улардан истаганча тажриба йўсинида фойдаланишга уринишимиз мумкинлигини хаёлимизга келтирмаймиз. Услублар ғариблигининг туб сабаблари шундан деб ўйлайман (дунёни англаш воситаси ғариб бўлгач, уни тасвирлаш ҳам шунга яраша бўлади).

Европа авангард адабиётининг авкилларида бўлмиш А. Савинио ижод усулини умумлаштирувчи ноёб мисол келтиради. Унинг ёзишча, гуноҳлариға тавба қилиш ҳаракатиға тушган қадими аҳудийлар кўнгилларида кечган афсус-надомат ва тавба-тазаррулардан хотиржам тортмай уларнинг барини эчкига — ўша эчки Азозил деб аталган — айтиб солганлар-да, жониворни саҳроға ҳайдаб юборганлар. («Козёл отпущения» деган ибора шундан қолган.) Ва шу тариқа энгил торганлар. «Одатда одам соф гоёлар билан иш кўролмайди, бинобарин, у гоёларни амалий тадбирға айлантиради» деб хулоса чиқаради адиб. Яъни, ботиний кечинмалар инъикоси бўлмиш туйғуларни ёзиш, тадқиқ этишдан кўра ўша туйғуларнинг кўркўрона тадбирини — Азозилни саҳроға қувиш ҳодисасини ёзиш санъатда устунлик қила бошлади. Зоҳирий воқеани эмас, ботиний кечинмалар ёзилган асар эса бадиий асар қаториға кўшилмади.

Ўзбек адабиёти, хусусан насри шундай ҳолатға тушди. Бошқача айтганда, бадиий реалик ҳаёт реалигидан бойроқ, қизиқарлироқ, муҳимроқ эканлиги эътибордан четда қолди. Ваҳоланки, классик адабиётимизни яхши ўрганган мутахассисларнинг эътироф этишларича, масалан, Алишер Навоий ижодида XX аср илғор жаҳон адабиётига хос бўлган барча мураккаб бадиий воситалар учрайди. Ундай бадиий воситалар «Утган кунларда», «Кеча ва кундуз»да ҳам кўзга ташланади. Лекин, кейин-чи?.. Ижодкорнинг ҳаётий (яъни, банд томонидан тўпланган) тажрибалари унинг тугма (яъни, худо томонидан берилган) майларидан устун келган жойда услубий қашшоқлашув юз берди. Воқеа кетидан қувмай дунёни туйғулар ва тимсоллар воситасида идрок этишга мойиллик Т. Пўлатов, Ш. Холмирзаев, М. М. Дўст, О. Отахонов, А. Аъзам, Ғ. Ҳотамов, Х. Султонов, Н. Эшонқуловнинг айрим асарларидагина учрайди.

«Бундан чиқди, услубий ўзига хосликларда ҳар қалай ўзгариш кузатилаётган экан-да?» деган савол туғилади. Бўлмаса-чи! Ахир ахборот оқими шиддатли тус олган XX аср ниҳоясида яшмоқдамиз, ҳозиргина санаб ўтилган қаламкашлар тажрибалари мисолида айтиш мумкинки, адабий мактаблар таъсир кўлами бирмунча кенгайди, натижада ёзувчиларнинг интеллектуал дунёси бойиди, бунинг маъсули ўлароқ асарлар интеллектуаллашмоқда. Бир ўқишда тушунилавермайдиган «ҳазми оғир», ақлни, дидни чархлайдиган асарлар бунёд этилмоқда.

Жамиятимизда кечаётган ўзгаришларнинг бевосита бўлмаса-да, адабий услублар шаклланишиға билвосита таъсири бор. Бу — адабий мактаблар миқё-

сининг кенгайишида кўринаётир. Маълумки, адабий услубни шакллантиришнинг, бойиғишнинг, чарх-лашнинг бош омили — мутолаа. Исталган қаламкашнинг дуч келган асарини синчиклаб ўқиб, унинг мутолаа доираси нечоғли кенглигини, бойлигини осонгина аниқлаш мумкин (Албатта, ёзувчи кўп ва хўп ўқиган — ўқимишли бўлиши мумкин, лекин унинг ўша ўқиганларини ўқмаганлиги ҳам асариди сезилади). Шу нарса муқаррарки, бундан кейинги ёзувчилик салоҳиятини жаҳон халқлари адабиётининг мумтоз бойликларидан бебаҳра тасаввур қилиш асло мумкин эмас! Инсоният тараққиёти, ахборот алмашинуви шу даражаға етдики ва турли китоб-аларда яшовчи халқларнинг маънавий муаммоларида шу қадар умумийликлар кузатилмоқдаки, масалан, япон ёки аргентиналик адиб билан ёш ўзбек ёзувчисининг дунёқарашларида, дунёни бадиий идрок этишларида яқинлик, ўхшашлик учрашининг мутлақо ажабланарли жойи йўқ. Бугун бирон ёш ўзбек носир Борхесни Тушуниб, унга тақлид (ҳа, ҳатто тақлид бўлса ҳам!) қилаётган экан, буни фақат қутламоқ керак! Негаки, бундай тақлид эртаға яратилажак янги-янги асарларнинг дебوحаси бўлиб хизмат қилади.


«Миллий адабиёт-чи?» дейдиганларнинг саноғи йўқ. Лекин шундай даъво қиладиган ўртоқлар айтсинлар-чи, қайси ёш ёзувчи ё шоиримиз классик адабиётимиз тажрибаларини бемалол ўқиб-ўргана оладию, нечоғли тушуниб етади? Ахир, руҳимизнинг бир бўлаги бўлмиш Шарҳ сўз санъати меросидан тамомила ёки қарийб маҳрум эдик-ку, ҳозирға қадар. Мутолаа қила олмасак, мутолаа қила олсак-да, чала-ярим тушунсак, улғу сўз даҳояларининг даҳолик манбаларидан бўлмиш Ислои илм-фани борасида гумроҳлигимиз аниқ бўлса, тилимизнинг асл жозибаларидан воз кечган бўлсак, миллий адабиёт, миллий анъана, миллий руҳ қандай ва нималарнинг асосида шаклланади?!

Хуллас, ўзимизнинг миллий меросни чинакамиға ўрганиш арафасидамиз. Бунга жамиятда кечаётган ўзгаришлар сабаб бўлаётганини тан олсак, илоҳим бундай ҳур ўзгаришлар тўхтамаса, адабий-услубий ўзига хосликларда яқин йилларда жиддий янгила-нишлар юз беришиға умид қилса бўлади.

3. Навқирон қаламкаш табиатан ижодкор бўлиб дунёға келган бўлса, бас, буёғи унинг меҳнатига, изланишлариға боғлиқ. Меҳнат ва изланиш — ёзиш малакасини згаллаш ва мутолаа доирасини кенгай-тиришдан иборат. Ҳамонки, ўзбек фарзанди эканмиз, биз учун Қодирийдан яқин адиб йўқ, бироқ ҳамонки, ҳозирги дунёни, замондош инсоннинг муракаб руҳий олами бадиий тадқиқ этиш йўлида уриниб-суришиб юрган эканмиз, биз учун мисол тариқасида айтсам, Л. Толстой ёки Г. Флобернинг яқинлиги Қодирийникидан кам эмас. Бадиий асарнинг бош фазилятларидан бири миллийлик эканини инкор этмайман, аммо лекин санъат дин янгли миллий кадриятлардан устундир. Ижодкор миллиятчиликдан, қурби етса миллийликдан ҳам юқори туради, унинг учун ёт миллат ёки ёт маърифат йўқ. Қодирий, Чўпон, Фитрат анъаналарини давом эттириб, янги-янги гўзал миллий романлар яратиш мумкиндир, лекин ўшандай асарларни умуминсоний кўламларға кўтармоқ учун бу мактаб тажрибалариға жамонавий адабиёт қўлга киритаётган ютуқларни қўшиб ўрганиш шарт. Миллий адабиётининг маъқеани, ўзлигини, ижодини ҳурмат қилган ижодкор эндиликда буни унутмайди. Ф. Кафканинг «Энг ёмон ёзувчилар маҳаллий асарларға тақлид туфайли пайдо бўлади-лар», деган аччиқ таънасини унутмайди, балки оёғини остидан наридаги жавоҳирларға ҳам кўзини очиб қарайди, улардан баҳраманд бўлади. Ҳар бир бадиий асар ўзига қадар ҳукм сурган бадиий кўникмалардан қониқмаслик эканини ёдда сақлайди. Азозилға алданмайдиган адабий авлод шундагина туғилади!..



## Юрагимда ҳислар оташ талашар



1965 йилда Янгиариқ ноҳияси, Таган қишлоғида туғилган. ТошДД V курс толиби. Шеърлар тўплами чоп этилиш арафасида.

Бугун  
Армондир кўкка қўл чўзиб,  
Силамоқ юлдузлар бошини.  
Армондир қасд қилганларнинг  
Тўйиб сипқармоқ кўз ёшини.

Бугун  
Замона зайлининг тиловати  
Юрак сасидир — маҳзун хонишлар.  
Бахт ахтариб, қарғишдан қочиб  
Осмонга ин қуради қушлар.

Бугун  
Ўз уйдан ҳайдалган банда,  
Куртаклар кўксидан топади ватан.  
Қадамимга илҳақ йўлларда  
Гуноҳмас, меҳр кутмоқ дунёдан.

Бугун...

Ахтариб ҳорийсан ҳаётга тимсол,  
Гумонларнинг чеки бўлмайди.  
Бу соҳилсиз уммон ичида  
Суронларнинг чеки бўлмайди.

Чорасиз қолади қартайган тақдир,  
Каромат кутасан бир тоза, маъсум.  
Қутқаради шунда сени биргина  
Мурувват кўрмаган табассум.

Юрасан, йўлларингни гуллар тўсади,  
Бир маъсум, бир тоза, қип-қизил гуллар.

### (Жуманазар оғамга)

Ёмон қасос олди умидлар,  
Борлиққа ошқордир мен гизлаган ғам.  
Кўз олдинда кулиб яшайди энди  
Дунёдаги энг бахтсиз одам.

Майли, сўзла ширин сўзлардан,  
Эртанги кунга мени ишонтир.  
Биз яшаб тўймаган ҳаётда  
Ҳар лаҳза хиёнат,  
Ҳар лаҳза онтир.

Ўкинчли нигоҳим сўнгги илтижо,  
Кетаман гар ҳаёт этмасанг инъом.  
Юрагимда ҳислар оташ талашар,  
Бағринга ол мени, бокира дунём.

Эркам, сен мана шу боғларникисан...  
Матназар Абдулҳаким.

Минг дард оташида қоврилиб жоним,  
Боғот боғларини этмоқдаман ёд.  
Сени излайвериб топмаган, сарсон  
Нигоҳларим кўтарар фарёд.

Новдасидан айро тушган япроқлар,  
Яширар деворлар ортида бир из...  
Йўлинг пойлаб тутган гулларим  
Қўлларимга отмоқда илдиз!

Қуёш чарақлайди шу боғлар узра,  
Тун ошиб киролмас деворларидан.  
Сархил меваларин тўйиб кўраман  
Кўнглимнинг бир гавжум бозорларида.





## Висол

Бу на бахтли кун экан,  
Кучоқладим қуёшни, ушладим нур қўлидан.  
Бу на бахтли тун экан,  
Упдим ойни, оҳиста тушиб сомон йўлидан.

Бу на бахтли дам экан,  
Ҳасад қилди эпчиллар,  
Сийпаладим тонггача — осмон юзида  
Эриб кетди сепкиллар.

## Тоғда

Қирларнинг қафтида сулув манзара,  
Устида сузади ҳайрат тумани.  
Тошлар сийнасини эмган майсалар  
Осмоннинг рост чиққан гумони.

Тоғлар — мўйсафидлар  
Чўғирмасин ушлаб вазмин ўтирган.  
Бирови қаҳрли, бирови кулиб боқар,  
Бирови елкасин ўғирган.

Нимадир дейишар, биз тушунмаймиз,  
Шунда жим қолишар тилларин тишлаб.  
Биз эса бепарво,  
Биз эса лоқайд  
Елкаларига чиқамиз, кафтларимизда  
Тошданда қаттиқ юракни ушлаб.



Гам тиғидан фалак бағри қон,  
Хаёлингга чўкаверар тун.  
Суйган дилинг саҳро, гул унмас,  
Кўшиқлар ҳам топади яқун.

Юрай десанг, топилмас сўқмоқ,  
Осмон босар, кўтариб бўлмас.  
Шунчалар ҳам толеинг забун,  
Кўз ёшингдан кафтларинг тўлмас.

## Тасалли

Муҳаббати хазон бўлди дил боғининг,  
Ўз жаҳони қолиб ўзга жаҳонни нетар.  
Алам елларидан пайҳондир кўкси,  
Айт, энди бу тан жонни нетар.

Дардаш кўпдир, изламоқ даркор эмас,  
Тонгни кутиб шабнам ғунчага етар.  
Дилимни ҳамроз этгин, садоқатни қуёш эт.  
Муҳаббатга кўнгил — Ватан, Ватансиз нетар.

Ҳоқу туроб узра чиқиб гар қуёш,  
Умид уруғи қадалса, тирилик кетар.  
Илдизлари ҳам етгай ёр юрагига,  
Сўнг ёр ўзга баҳорни нетар...

# Назми

## Жумагул Сувонова



## Орзу


Тоғлардек бағри кенг, тоғлардек баланд  
Ушалмас бир орзу йўлим ёритди.  
Кўргани қор бўлди, кийгани қирғо,  
Бу либос на баҳор, на ёзга етди.

Тунлар кийинтириб, тонг йўлга солдим,  
Адашиб, таланиб қайтди бағримга.  
Яланғоч орзун, йўлсиз орзун  
Энди мен уялмай кўрсатай кимга?

## Йўлимиз бошқа

Кўз тикасиз,  
Кўзим оламан,  
Ярашмайди бу бизнинг ёшга.  
Ўз-ўзимга мен гап соламан,  
Тақдиримиз, йўлимиз бошқа.  
Сиз бахтлисиз,  
Мен ёлғизман, йўқ!..  
Сабаб эмас булар кўзёшга.  
Мен танлаган сўқмоқлар ҳам чўғ,  
Чунки бизнинг йўлимиз бошқа.  
Кўп кутасиз,  
Мен алдамайман,  
Итоатлар қилиб бардошга.  
Бир кун ўзим келиб айтаман,  
Ахир бизнинг йўлимиз бошқа.  
Сиз кетасиз,  
Мен тушунаман,  
Бола, рўзғор — тоғдай зил тошга.  
Яна шундай жавоб бераман:  
Кечирасиз, йўлимиз бошқа...







## Эл тақдирин кўлда тутганлар

**Кимларни ёқмадинг эй, сен Осиё!  
Яна дуд буркситиб  
ловулар гулхан...**

Ҳа, ўтган йил дилларда битмас жароҳатлар қолдирди. Уш фожиаси ҳамон юракларни сирқиратиб турибди. Шу билан бирга йилнинг хайрли таассуротлари ҳам йўқ эмас, албатта. Ҳаётимизда, дунёқарашимизда муайян ўзгаришлар содир бўлди. Илк дафъа «Қуръон» она тилимизда ёруғлик кўрди. Амир Темур ҳаётига оид муайян ҳақиқатлар айтилди. Нисбатан демократик асосда жумҳурият Олий Кенгашига депутатлар сайланди...

Хуқуқий давлатга айланиш талаби, табиийки, қатор муаммолар туғдираётир. Бу муаммолар Олий Кенгаш кун тартибига қалқиб чиқмоқда, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

ССЖИ халқ депутатлари Биринчи сьезди бизнинг тафаккур тарзимизда инқилобий бурилиш ясаган, шунинг учунми ва ёки ҳокимият секин-аста Советларнинг қўлига ўтаётганлиги туфайлими, ҳар қалай, кишилар Олий Кенгаш йиғинларига ҳамisha умид кўзи билан қарайди. Умидлар оқланадими, йўқми, табиийки, буни келажак кўрсатади.

Олий Кенгаш, унинг аъзолари, депутатларни нега анъанавий йўсинда ишлашда айблмаяписизлар, демоқчимисиз? Унутманг, кишиларнинг айбини биз тўй ўтиб бўлгач айтишга одатланганмиз. Зеро, ҳар қандай ҳақиқат эҳтиёж даражасида бўлмайди. Эҳтиёж ҳар биримизда адоқсиз: депутатлар улғувор ишлар қилса деймиз. Эҳтимол, шундай бўлар ҳали, деб умид қиламиз.

Суратчи Абдугани Жўмаев







# Оламнинг абвоали Ва оасирин эъомга тайъомбарлар эусусига

*Абул-Ҳасан Кисоий асарининг қўлимиздаги нусхасида баъзи пайғамбарларнинг ҳаёти ҳақидаги боблар қисқартиб берилгани учун мазкур ўринларни Кисоий давридан уч аср кейинроқ ёзилган (ва шу асарнинг туркий тилга таржимаси деб тахмин қилинган) «Қиссаи Рабғузий» ёки «Қисас-ул анбиё» китобидан олиб бермоқдамиз. (Кейин яна Кисоий асарини давом эттираемиз). «Қисас-ул анбиё» асарини нашрга тайёрлашда жиззахлик истеъдодли адабиётшунос Олимжон Жўраев қатнашган.*

Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг бир отлари Яъқуб эрди. Кўб йиғлагани сабабидан Нуҳ атандилар. Кўб йиғламоқликлари уч боисдин эрди. Бири улким, бир куни Шайтонини-лаъини қошларига келиб, бениҳоя ризолик ва миннатдорликлар қилди. Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдилар: — Эй малъун, сен мандин мунча миннатдорлик қилурсан? Шайтон айдик: — Эй Нуҳ, бу оламнинг халқини бир дуонг бирла дўзахга улақтирдинг! Ҳамма дўзахлар тўлди, ман ғуссадин халос бўлдим. Агар сен дуо қилиб мунча халқни йўқ қилмасанг, бу халқдин қанча пайғамбарлар, қанча авлиё, қанча олиму зоҳид, солиҳу фозил, тақводорлар вужудга келур эрди. Мани ҳар кунда минг лаънат қилур эрдилар. Ҳаммаси йўқ бўлди. Ул боисдин бисёр миннатдорлик қилурман, манга сандек хизмат қилгон киши йўқдур, — деди. Шундин (Ҳазрат Нуҳ) пушаймон-надоматлар қилдилар, на учун сабр қилмай бетоқатлик қилибман деб, чандон йиғладилар.

Яна бир ривоят улким, бир куни бир ит қошларига келиб турди: Бисёр бадшакл ва бадҳайбат ит экон, — дедилар. Ул ит: — Эй Нуҳ, нақшни айб қилурмусан, наққошни? Агар наққошни айб қилсанг, наққош Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодур, — деди.

Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом бу сўзларига пушаймон бўлиб, беҳад-беҳисоб йиғладилар.

Яна бир боиси улким: Ҳақ таъолодин нидо келдик: —

Эй Нуҳ, кўза этгил! Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом кўза тайёр қилиб бўлгондин кейин «Ҳаммасини синдиргил!» деб фармон бўлди. Айтдиларким: — Эй бори худоё, «Кўза этгил», дединг, на миқдор машаққатлар била кўза этдим, Ушотгил» дединг, ушоттим! Мани эмгакимни (меҳнатимни) зое қилдинг, боиси на турур?!

Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин нидо келдиким: — Эй Нуҳ, беш-олти кун этган жонсиз кўзани эмгалиб этиб эрдим дерсан! Мағрибдин Маширқинг ораси тўла одам эрди, на миқдор авлиё-анбиёси, муттақий олим, фозил, солиҳ одамлар бор эди. На миқдор рўза, намоз, зикр, тасбеҳлар қилур эрдилар. Сен ҳаммасин йўқ қилгил, деб дуо қилдинг. Ман ижобат қилиб, ҳаммасини йўқ қилдим. Санга шунча халқимни на учун йўқ бўлсин, дединг? — демадим.

Нуҳ алайҳиссалом бу сўзга ҳам хижолат бўлиб, кўб йиғладилар. Анинг учун Нуҳ атандилар.

Алқисса Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломнинг вақтларида бу олам Мағрибдин Маширқкача тўла одам, туташ том эди. Том тепаси бирла бир иқлимдин иккинчи яна бир иқлимга борса бўлур эди. Ер юзида ошлиқ, экони ер йўқлиғидин улоқ бирла тоғларда тош тепасига сув қуйиб, ер қилиб, экин экардилар. Ул вақтдагидек ободлиғ вақт бўлгон эмас.

Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом рисолатларининг (расуллигининг) сабаби ул эрдик, ҳазрат Идрис алайҳиссалом бу оламдан чиқиб, беҳишти анбарсириштга жовидон бўлдилар. Орада чандон (кўп) муддат ўтди, ислом йўқ бўлиб, оламни куфру залолат босди. Фарзанди Одам икки қисм бўлдилар.

Қобилни авлоди шаҳарда эрди. Ҳазрат Шиш алайҳиссаломнинг авлодлари тоғда ва биёбонларда юрди. Буларнинг йигитлари чиройлик эрди. Қобилнинг авлодлари кўрсиз, бад хулқ эрди, хотунлари чиройлик эрди. Буларнинг одати дўмбоқини ноғора чалиб, элни йиғиб ўйнар эдилар.

Бир куни Шайтон алайҳи-л-лаъна келиб, бир дўмбоқни чалиб элни йиғди. Ул куни буларнинг ийди (ҳайити) эрди. Ҳазрат Шиш алайҳиссалом тоифаларидин бир киши келиб, тамошо қилди. Буларнинг хотунлари чиройлик. Бу киши хотун-қизларни кўриб, бисёр завқлар қилиб, бориб бир неча йигитларга айтти. Булар ҳам ғойибона завқлар (олиб), кейинги ийдга тамошо қилғоли келдилар. Бу фоҳиша хотунларни кўриб, айландилар. Бора-бора бани Шишнинг ёш йигитлари мунда келиб, фоҳиш ва қабиҳ ишларга кўнгил бериб, фисқу фасод бисёр бўлди. Ул халқни имонга даъват қилғоли ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломга фармон бўлди.

Ҳазрат Одам Сафийулло васият қилиб эрдиларким: «Мени фарзандларимки борсизлар, Қобилнинг авлодидан хотун олмаглар, хотун ҳам берманглар» деб, таъкид этиб эрдилар. Бир куни бу келгон йигитлар ҳаммаси хотунга айланди. Бу хотунлар ҳам яхши эъзоз бирла пеш келур эрди. Буларни излаб яна нечанд кишилар ҳам келди. Фоҳиша хотунлар тутуб, фирифта қилиб, фосиду-фасод зинову залолатга шуруъ қилдилар. Баъзилари кўнгил тобушиб, эру хотин бўлдилар. Қобилни авлоди ҳадсиз бўлиб қолди.

Алқисса бутпарастларнинг боши улким, вақтики, Ҳазрат Одам алайҳиссалом вафот бўлгондин сўнг Қобилнинг авлоди ота-бобомизни тавоф қилоли деб эрди. Баъзилари қўймас эрди. Қазоро бир кун Шайтон алайҳи-л-лаъна буларга айдик: — Ман йиғочдан бир сурат этиб берай, ҳар қачон тавоф этсанглар, Одам алайҳиссаломни тавоф қилгондек бўлур-сизлар. Булар ҳам маъқул кўрди. Шул замон сурат этиб берди. Булар бутга, бутхонага жаҳдү-жаҳд қилди(лар).

Алқисса, бу замонда халқнинг кўплиги онча бор эдиким, икки ойлиғ ерға борсалар, муттасил кўча бирла юрар эдилар. Шул аснода Ҳазрат ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин Ҳазрат Нуҳ алайҳиссаломга фармон бўлдиким, кофирларни бутдин, ўтдин ёндириб, менинг бирлик ва борлигимга тарғиб қилгил. Ўзунгни пайғамбарлиғинга қойил қилгил. Менга тоат қилсунлар! Аларга беҳишти анбарсиришт берай! Беҳишда тахту бахт узра ўтурғузиб, тожу ҳуллолар, ҳуру қусурлар бирла сарафроз қилай! Алвон турлук ноз-неъматлар, набот, қанду қандолат бирла эъзоз, инъом эҳсон қилай! Қачонки, сенинг даъватинга кирмаса, менинг амри-фармонимни (тингламаса), имон-исломни қабул қилмаса, ман аларни бу оламда турлуг азоблар бирла тутарман. Емакларига заққум, ичмакларига заҳар берурман. Охиратда абадул-абад дўзахдин халос қилмасман.

Ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом айдиларким: — Худоё, худован-



до, дунё кенг ва одам кўп, ман ёлғиз шунча халққа кучкум етмас, менинг айтқонимга унамас, нечук қилурман?! — дедилар.

Хитоб келдики: — Эй Нух, сен нечук (қўрқарсан), халойиққа менинг борлиғимни еткурғил, дедилар.

Алқисса Ҳазрат Нух алайҳиссалом кофирларга насиҳат қилдилар. Кўчаларда ва бозорларда юруб халққа насиҳат қилиб, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг айтғон ҳукмини айтсалар, кофирлар масҳара тутуб, қулишиб, бу одам беҳуда сўзларни айтур деб, тош, хишт бирла уруб, бошларига туфроқлар сочар эрдилар.

Ҳазрат Нух алайҳиссалом айдилар: — Илоҳо, Худовандо, бу кофирларга ҳарчанд насиҳат қилсам таъсир қилмағай, дедилар. Ушбу қисм насиҳат қилсам, кундан-кунга зиёда кулфат қилодур, дедилар. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло «Сабр қилғил!» дер эрди. Аммо кофирлар ўзи бўлса ҳам болабақрасига насиҳат қилур: Айдиким: — Ул жинни бобонг сўзиға кирманлар! Қўлларингдан келса изза қилғайсизлар! — дер эрди. Болабақраси айтур:

— Ман чўнг (катта) бўлғунча бу бобо бор ё йўқ! Ҳоло урсам, — деб тош билан урар эди. Бошлари ёрилиб, қонлар оқар эди. Айтур эдиларки: — Илоҳо, Худовандо бу на ихонадур, эмди тоқатим қолмади. Чўнглари урар, олти ёшар боласи ҳам урар!

Хитоб келдики: — Эй Нух, терак кўчатини тўла эккил! — деб.

Ҳазрати Нух алайҳиссалом терак эдилар. Анғача яна қирқ йил ўтди. Ҳаргиз ёмғур ёғмади. Булоқлар қуриди. Кофирларнинг хотини, йилқи, қорамоли ҳам ҳеч туғмади. Анғача терак камолға етти.

Хитоб келдики:

— Эй Нух, эмди теракларни кесғил, тўфон балосини юборурман. Мағрибдин Машриққача дунё сувға тўлар, ҳар қанча эгиз тоғлардин қирқ қари юқори турур, ҳеч жонивор тирик қолмас! Магар сен кема қилурсан. Ул кемаға кирғон тирик қолур. Андин бўлак ҳамма ҳалок бўлур! — дедилар.

Алқисса Ҳазрат Нух алайҳиссалом теракларни кесиб, тахталарни тайёр қилдилар. Бандиларини маҳкам қилғоли темирларни рост қилдилар. Алқисса, уч қават кемани сарҳисоб қилдилар. Ҳазрат Нух алайҳиссалом айдиларки: — Илоҳо, Худовандо, шер била айиғ, бўри била қўй, қарға била сучқон душман турур. Бири-бирини тутиб еса нима қилурман? — дедилар.

Хитоб келдики: — Эй Нух, бир-бириға ҳаргиз чақилмас. Алқисса, тахталарни йўндилар, (ҳар) бир тахтада бир пайғамбарнинг оти битилиб чиқди. Охири тўрт тахта кам бўлиб қолди. Бу тўрт тахтаға лойиқ йиғоч топилмади. Ҳайрон бўлиб туруб эдилар. Хитоб келдики: — Эй Нух, руди Нилни ўртасида бир чинор бор. Ануш вақтидаги чинор. Шу чинорни олиб келиб ёрса тўрт тахта бўлур.

Ҳазрат Нух алайҳиссалом айдилар: — Илоҳо, Худовандо, ман ёлғуздурманки, ани қандоқ олиб келурман? Анинг ва мунинг ораси уч йиллиқ йўл турур.

Хитоб келдики: — Эй Нух, Ож ибн Ануқни бир тўйғазиб қўймоққа ваъда қилғил! Нух алайҳиссалом айдилар:

— Ул менинг ботмон унимнинг номиға тўймас! Онча таомни қайдин топиб берурман? Нидо келдики: — Эй Нух, ани тўйғазур вақтида ҳаргиз ғам емағил, ўзим тўйғазурман. Валлоҳу аълам!»

Алқисса, Нух алайҳиссалом кемани йўнғунча кофирлар келиб, «Аввал пайғамбар эрдинг, эмди нажжор (дурадгор) бўлдингми?» деб сўрар эди, — дунёға (қачон) сув тўлур? (Нух алайҳиссалом айдикки) («Ҳар ким «Ло илоҳа иллоллох, Нух наби-оллоҳ» деса, худойи таъолонинг бирлик ва борлиғиға қойил бўлса, бу кемаға кирса, сувда ҳалок бўлмаслар!» Кофирлар масҳара тутиб, қулиб кетар эрдилар. Охири кема битгонда бир кеча кофирлар йиғилиб келиб, кеманинг ичинини нажжосатға тўлғазди. Олиб пок қилишнинг иложи йўқ! Нух алайҳиссалом муножот қилдиларки: — Илоҳо, бу кемани кофирлар нажжосатға тўлғозибдур, на илож қилурман деб?

Хитоби илоҳий келдики: — Эй Нух, ғам емағил, ўзлари йиғлаб покиза қилиб берадур! — деди. Неча кундин кейин бу кофирлар жузом оғриғиға дучор бўлди. Каттакич ҳамма қоши, киприғи, сочи, соқоли тушди. Оғриққа чидамай бир кофир бетоқат бўлиб эмди, мундоғ ранж тортғунча ўлғоним яхши, ул ачиб заҳар бўлиб қолғон нажжосатни

ичсам — ўлсам деб! Келиб, тўйғунча еб, соғайди. Ул бориб ўзгасиға айтди. Бири-бирининг англаб келиб егонлари соғайди. Муни талошиб, чандон кофирлар ўлди.

Алқисса Ҳазрат Нух алайҳиссалом гузорма-гузор, маҳаллама-маҳалла, шаҳарма-шаҳар юруб, насиҳат қилур эдилар. Кофирлар таёқ, тўқмоқ, хишлар бирла урар эдилар. Охирул амр муножот қилдиларки: — Илоҳо, Худоё, худовандо, тўфон юбораман деб эдинг?! Ул иш муяссар бўлмади! Хитоб келдики: — Эй Нух, жами ҳайвонлардин бир жуфтдин кемаға солғил! Тонглағача бало юборурман.

Ҳазрат Нух, алайҳиссалом ман ёлғуз, ул миқдор жониворларни қандоқ қилиб топиб олурман?! — дедилар. Ман тонгла ҳаммасини жуфти бирла кемаға юбораман! — деди. Тонгласи ҳамма жониворлардин бир жуфт, бир жуфт ҳозир бўлди, кемаға солдилар. Андин мева-ғиёҳлардин, дарахтларнинг уруғини олдилар. Асли саксон киши мусулмон бўлиб эдилар. Кеманинг юқори табақасида учарлик (паррандалар), ўртасида ўзлари, Ҳазрат Одам алайҳиссаломнинг жасадали бирла ўлтурдилар. Ончаки, боши, боши, оёғи (охири) — чумоли — жами ҳайвонот тубанги табақасиға кирди. Аввалғи ўша жониворларнинг катталарини оёғида ёнчилмасин деб, ўзларини қошларида турғузди.

Алқисса тонгласи кунчиқар вақтида бир хотун танурда нон пишириб туруб эди. Ул танур ичинин сув чиқабошлади. Бир замондин кейин ердин ҳам чиқди, осмондин ҳам ёғди. Ер юзи тўлиб келур (эрди). Кофирлар қочиб баланд тоғларға чиқди. Сув эса ҳар қанча баланд тоғдин қирқ қари юқориға чиқди. Ҳамма кофирлар ҳалок бўлди.

Нух алайҳиссаломнинг катта ўғли Канъон (Соққа) эрди, ўзи кофир эрди. Шишагарликни ҳам билур эрди. Нух алайҳиссаломнинг (мусулмон бўл деган) сўзлариға унамади. Шишадан сандуқ қилиб, ичига бирмунча таом олиб ўлтуруб эрди, ани ҳам сув ҳалок қилди.

Кемаға кирарда ҳаммадан бурун чигиртка кирди. Андин кейин ҳамма жониворлар кирди. Эшакни қуйруғидан Шайтон тортиб, кирғали қўймас эрди. Нух алайҳиссалом «Нимаға турарсан, эй, малъун, кирғил!» дедилар. Эшакдан илғари Шайтон югуриб кирди. Нух алайҳиссалом кўрдиларки, Шайтон кирибдур. «Эй, малъун, сенга мунда ким йўл берди? — деб эрдилар. Шайтон айти: «Мен вақтини тополмай турар эрдим. «Кирғил, малъун!» — дедингиз. Малъун дегани мендурман, эшакни оти Малъун эмасдур, анинг учун мен кирдим» деб эрди. Нух алайҳиссалом ҳеч жавоб тополмадилар.

Ҳикоятда Молик Салмон айтурларки, Ҳазрат Нух алайҳиссалом йилон, чаённи кемаға киргизмадилар, сандин одамларға зарар етар деб. Алар айдиким:

— Ҳар ким сизнинг отингизни ёд қилса, анга зарар қилмасиз, деб аҳд қилдилар. Ҳар ким бу оятни ўқиса, ҳаргиз йилон, чаён чақмағай: «Қавлуҳу таъоло саломун ала Нух фил-оламин иннака золика тажриль маҳсунин инна ман ибано мўъминун». Алқисса, бу кеча сув шарорасидин қоронғулуқ бўлди. Ҳеч нимарса зоҳир бўлмади. Муножот қилдиларки: — Бу қоронғулуқни равшан қилғайсан! деб Ҳазрат Нух алайҳиссалом ўзларининг нурлари ошкор бўлди. Ул нур била ҳамма олам мунаввар бўлди.

Ҳикоятда андоғ келтирибдурларки, Шайтон алайҳилаъна узумнинг уруғини ўғирлади. Ҳеч ваз бирла тобмадилар. Ҳамма ҳайвондин сурадилар, ҳеч қайсиси билмади. Охири Шайтонни тутдилар. Шайтон айдиким: — Узумнинг уруғини топиб берай! Уч марта сўғоришни манга рухсат берсангиз! Бўлмаса бермасман! — деди.

Ҳазрат Нух алайҳиссалом рухсат бердилар. Охир Шайтон алайҳилаъна узумнинг уруғини тикканда, аввал тулкининг қонида сўғорди. Сўнг йўлбарсни қони бирла, андин кейин тўнғузни қони бирла сўғорди. Ул сабабдин узумнинг ачиган суви ҳар нимарсадин ҳаромдир. Чоғир атадилар. Ҳар ким ичса, ул тулкидек ҳаромзода бўлиб, кўрған киши бирла дўст бўлур! Кейин андин маст бўлғонда йўлбарсдек бўлиб, ҳиммати даржўш бўлур, ҳар кимга бир нимарса берур. Андин мастроқ бўлса тўнғуздек бўлиб, ҳеч ишдин кўрқмас. Ҳар қисм ямон ишлар содир бўлур, Шайтон берган сув феълидур. Андин узумни икки марта сўғордилар. Аввал беҳишт занжабилидин эрди. Яна бири — салсабилдин. Андан сирка пайдо бўлди. Анинг хосиятининг ширини (шинни) пайдо бўлди. Бу нимарсалар ҳар уйда бўлса, ул уйдин баракат кам бўлмас! Ҳикоятда андоғ келтирибдурларки, Ҳазрат Нух алайҳиссаломға Ҳазрат



Жаброил алайхиссалом айдиларким:— Ҳеч жондор жуфт бўлмасун! Ҳазрат Нух алайхиссалом ҳамма ҳайвонларга хабар бердилар. Илгари ит жуфтлашди. Мушук кўруб Ҳазрат Нух алайхиссаломга айтди. Келиб боқсалар ажралишибдур. Ит мушукни ёлғончи қилди. Кулфатманд бўлиб юрди. Яна бир кун жуфтлашди.

Мушук шул замон муножот қилдиким: — Худоё худовандо, илгари мани ёлғончи қилиб эди. Санинг пайғамбаринг олдида хижолатга қолдим. Мани ҳам хижолатдин чиқорғил?! — деб. Мушук келиб Ҳазрат Нух алайхиссаломга айтғунча, ит ажрашмади. Ул сабаб ит ажралишиғи мушкулдур. Андин мушук жуфтлашди. Ит кўруб, ул келиб айтғунча ажради. Ул ҳам тонди. Ит ёлғончи бўлди. Ул ҳам айтди: — Худоё, худовандо, ул шарманда қилиб эди, ани бир балога гирифтор қилғил?! Мандин ҳам шармандроқ бўлсин, деб. Дуоси мустажоб бўлиб, мушук мов бўлди. Ани ҳам халқ билди. Андин ҳам эру хотин жуфтлашдилар. Ани ҳам халқ билди. Ул ҳам осий бўлди. Ҳом ул вақтда ўн саккиз ёшар эрди. Ул боисдин ёш ўғлонларга бул ҳаваслиқ қилмоқлик андин қолди. Андин сўнг кеманинг ичи бу халқнинг қандасиға сассиглиқдин пур бўлди. Ҳазрат Нух алайхиссалом муножот қилдиларким: — Илоҳо, бу сассиглиқдин санга тоат ва ибодат қилолмасман!

Хитоб келдики: — Эй Нух, филнинг учасини силағил! — деб. Силаб эрдилар, тумшугиндин тўнғиз тушди. Ул кемадағи нажасларни еб охирлади. Ул мутлақ нажас бўлди. Ул боис тўнғуздин ҳаром нимарса йўқдур.

Шайтон келиб тўнғузнинг пешонасини силаб эди, сичқон тушди. Қочиб юриб, кемани тешди. Сув чиқа бошлади. Кема тўлиб келур эрди, ҳамма кишидин хуш-ҳаракат кетди. Нух алайхиссалом муножот қилдиларким: — Худоё, худовандо, на илж қилурман деб?! Хитоб келдики: — Ул сичқоннинг ишидур! Йўлбарснинг пешонасини силағил! — деб, силаб эрдилар, икки бурнидин икки мушук тушди. Сичқонларни тутуб еди.

Нух алайхиссалом айдиларким: — Ҳеч нимарса бормукин, кеманинг тешигини топуб беркитгай? Йилон айтдики: — Бу ишни ман қилсам нима берурлар?! Ҳазрат Нух алайхиссалом айдиларким: — Нима десанг берай! Йилон айтдики: — Манга егулик лозим! — Нимани гўшти тотлуғ бўлса, ани берай! — дедилар. Кириб излаб, тешукни топиб, халқа бўлиб уруб ётти. Кирғон сувни сочуб ташладилар. Андин сўнг тешукни мум бирла беркитдилар, хотиржам бўлдилар. Вақтики, кемага кирдилар, кема юрмади. Охирул-амр чор ёри бо сафоларнинг номларини битиб, кеманинг тўрт бурчиға беркитдилар. Андин кейин кема равон бўлди.

Ойнинг учинчи) куни кемага кириб эдилар. Маккатуллоға бориб, етти марта тавоф қилиб, Мағрибдин Машриқ тарафиға юрдилар. Муддате олти ой кемада юрдилар. Кемадагидан бўлак ҳеч жондор тирик қолмади. Аммо Ож ибн Анук кемага кирмаб эди. Тўфон суви тизиға келди. Тўфон вақтида ҳар ерда кема тўхтаганида Ож бориб, юрғизар эди. Ҳазрат Нух алайхиссаломга пайғамбарлик ваҳий келганда Ож юз яшар эди.

Вақтики, кемадин чиқдилар. Йилон даъво қилди: — Ё Нух, манга айтғон ваъдангизни беринг! — Нух алайхиссалом ару (ари)ни буюрдилар: — Ширин нимарсани топиб келғил! деб. Ари жама намарсаларни топиб кўриб, одамнинг гўштининг тотлуғ гўшт йўқ экан! — деб ёниб келиб эди. (Йўлда) Қалдирғоч учради: — Айтдики: — Ниманинг гўшти тотлуғ экан? — деб сўради. Ари айтдики: — Одамнинг гўшти тотлуғ экан! — деди. — Андоғ бўлса тилингни топиб боқай?! — деб тилиннинг учини узаб олди. Ари гунг бўлиб ёнгишиб учиб келди. Орқадан қалдирғоч келди. Чандон сўз сўрасалар, ари ёнгишиб сўзлай олмади. Қалдирғочга боқдилар. Қалдирғоч айтдики: — Ҳоло манго йўлиқиб эди. Бақанинг гўшти тотлуғ! — деб эди. Ҳоло кўрқиб, сўзлай олмайдур. Қалдирғоч сўзи бирла йилонга бақани буюрдилар. Ул замондин бу замонга-ча Йилоннинг хўраги бақа бўлди. Аммо йилон билдики, қалдирғоч ишидур, у одам фарзандиға яхшилиқ қилди. Йилон ул сабабдин қалдирғочга душман бўлди.

Алқисса, муддате олти ой оламини сув босди. Андин кейин Ҳақ субҳона ва таъолонинг фармони бирла сув камайди. Кемани бир тоғнинг тепасида турғузди. Ер юзининг суви туганди. «Борму бир кимарса бориб, хабар олсун! — дедилар.

Қарға ман борай деб, рухсат олиб кетди. Боруб сувда ҳалок бўлгон ўликларни йиғиб, тез келмади. Нух алайхиссалом Қарғани дуои-бад қилдилар. Худои таъоло сенга қаттиғлик бирла кўрқинча умр берсун! — деб дуо қилдилар. Ондин кейин хурус (хўрооз) юбордилар. Ул ҳам бир ерга тушуб эрди, оёғи лойға бориб, нари бора олмади, ёниб келди. Анинг учун оёғи тулук бўлди. Андин думдор кабутарни буюрдилар. Ул ҳам бориб, зайтун ёпқурмоғини тишлаб келди. Фармони илохий бўлдики, «Одам фарзанди ўйдин ватан берсун» — деб. Анга бир тавқ бердилар, анга зийнат бўлди.

Алқисса, Ҳазрат нух алайхиссалом ўғлонлари, хотунлари бирла саксон етти киши эрди. Кемадин чиқиб, бир шаҳар қилдилар. Ул шаҳарда туриб, бу саксон киши ҳам тарқаб кетдилар.

Алқисса Ҳазрат Нух алайхиссалом ухлаб эдилар, этаклари очилиб қолди. Хом келиб, масҳара қилиб кулди. Сом келиб, ёлиб қўйди. Ҳазрат Нух алайхиссалом ўйғондилар. Сом бу воқеани баён қилди. Хомға аччиқлаб: «сани авлодинг кишиға бандалиқдин халос бўлмасун», деб дуои-баъд қилдилар.

Хикоят, Ҳазрат Нух алайхиссаломнинг бир қизлари бор эди. Анга тўрт куёв чиқди. Ҳаммасиға айдиларким «Насиб бўлса берали!» Бир кунда тўрт кишидан тўй келди. Бир қиз тўрт қўлдош бўлди. Боксалар, бир итлари кучуқлабдур, бир эшаклари туғибдур, иккиси урғочи. Буларни олиб кириб, қизларининг қошида қўйиб дуо қилдилар. Бир кўппак, бир хўтик қизлариға ўхшаш қиз бўлди. Ҳаргиз ажрата олмадилар. Андин худойи таъоло бир хур юборди. Анинг бирла тўрт бўлди. Бир кунда тўрт куёвға бердилар. Билмадиларки, ўзларининг қизлари қайси экан, эшак, ит қайсиға тушубдур?

Неча кунлардин кейин бир куёвларидин сўрадиким: — Кўчингизни хўйи-феъли нечук деб?! — «Ёмон эмас, яхши, аммо баъзи маҳалда жоҳиллиқ қилур! Билдиларким, эшакнинг боласи экан. Яна биридин сўрадилар. «Хўп яхши, аммо баъзи маҳалда хўйлик, қилур» деди. Билдиларким, итнинг боласи экан. Яна биридин сўрадилар. Хўп яхши, ниҳоят фармонбардор, ҳаёлик, яхшлиқдин асло ками йўқ! — деди. Билдиларким, ўзларининг қизи шул экан. Яна бирларидан сўрадилар: — Кўчингизни феъли-хўйи нечук? — Ниҳоят хушхўй ва хушбўй ва хушмуомала! — дедилар. Билдиларким, Худойи таъоло юборган хур шул турур.

Хикоят қилибдурларким, яъжуж ва маъжужни баъзилар Канъоннинг, баъзилар Ожнинг авлоди дебдилар. Ҳазрат, Нух алайхиссалом умрларини «Сийратул анбиё»да тўққиз юз эллиқ дебдурлар. «Қисас-ут-Тайфур»тада минг икки юз деб-турлар. Замонеки, Ҳазрат Қобизу-л-арвоҳ — Азроил) сўрдиларким: — Эй Нух, шунча умр кўрдингиз, бу умрингизни латофатини қанча билдингиз? — дедилар. — Дунё деган икки эшиқлик бир уй экан. Бу эшик бирла кириб, ул эшиқдин чиққондек бўлдим! — дедилар. Умрлари тамом бўлиб, муғри руҳлари бадан қафасидин ломанокға тайрон қилди. У ўғулларининг авлоди оламға ёйилди. Валлоҳу аълам биссавоб.

Тўққизинчи қисса. Ҳазрати Ҳуд алайхиссаломнинг воқеаларидур.

Ҳазрати Ҳуд алайхиссалом ибн Риёҳ бин Маҳлуд ибн Авс бин Арам бин Сом ибн-Ҳазрат Нух алайхиссалом — беш пайғамбари арабдин эдилар. Аввал — Ҳуд алайхиссалом, иккинчи Шуъайб алайхиссалом, учинчи — Ҳазрати Солиҳ алайхиссалом, тўртинчи — Ҳазрати Исмоил алайхиссалом, бешинчи Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллолоҳу алайҳи вассаллам. Ҳазрат Ҳуд алайхиссаломнинг оталарининг оти Риёҳ эрди. Тўққиз ёшларида Ҳазрат Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг фармони бирла Одийларни даъват қилдилар. Ҳазрат Нух алайхиссалом(нинг) фарзандлари тўла (кўб) бўлиб, ҳаммаси шаҳарлар бунёд қилдилар. Иблис алайҳилаъна ул халқларни йўлдан чиқариб, ҳаммаси бутпараст бўлди. Арабистонда Одлар пайдо бўлди. Подшоҳлари аҳмоқ эрди. (Ҳуд алайхиссалом) Ани даъват қилғоли бордилар. Кофирлар масҳара тутуб, бизнинг тангримиздин ёндурадурғон сенмисан? — деб сўзларини ҳаргиз қабул қилмас эди.

Одларнинг қадди юз беш газ эди. Ҳар қайсиси олтин, қумушдин БУТ қилиб топинур эрди. Қавлуҳу таъоло (Қола



ё қавму-ъбу-ду-л-лоҳа лакум мин илоҳин ғайриҳи). «Эй қавм, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг бирлик ва борлиғига тобунинглар! Менинг пайғамбарлигимга қойил бўлинглар. Худойи таъолонинг фармони бирла юрунлар! Қаттиғ азоб юборур! Тоқат қилолмассизлар!» — дедилар. Кофирлар «Бизга нечук қилурсан?», деб эдилар. «Азоб юборурни Худойи таъоло билур! Ман сизларга фармони илоҳийни айтурман! Эй кофирлар; ўзларингни қад-қоматингга ишонманглар! Емон хўйларингга тавба қилинлар! Утғон умрларингга пушаймон бўлиб, тавба қилинлар! — деб анҳома жадал қилиб айтдилар. Кофирлар «Сан бизни кўрқутиб, ота-бобомизни диндин ёндурурсан деб», ҳаргиз қабул қилмади. Бу кофирлар одати — қаттиғ иш бўлса, Маккайи муъаззамага уч киши юбориб, анбиёлардин мадади истиноат тилаб, қурбон қилур бўлса, ишлари кифоят топар эрди. Ҳоло ҳам Маккайи муъаззамага уч киши юборди. Бирининг оти — Марсид, бирининг оти — Луқмон, бирининг оти — ибн Од эрди. Марсид бирла Луқмон муслмон эрдилар. Аларни Маккада жамоати бор эрди. Равази раҳматлик киши эрдилар. Аммо Ҳазрат Худ алайҳиссалом муножот қилдиларким: — Бу кофирлар насиҳат бирла Каломни қабул қилмайду. Менинг тоқатим қолмади! — деб,

Хитоб келдиким: — Эй Худ, сабр қилғил! Бало юборур вақти бўлди! — деб. Андин кейин неча вақт ёмғур ёғмади. Сув жонбидин ўзлари ва моллари забун бўлди. Марсид билан Луқмон келди. Бу кофирлар эмди ёмғур тилаб Маккайи муъаззамага яна киши йўборди. Бориб қурбонлик қилиб, ёмғур тилаб эрди. Худойи таъоло уч бурчак булут юборди. Бироқ, бири — қора, бири — қизил. «Булутларнинг қайсисини ҳоқлайдурсиз?» — деган фармон бўлди. Булар ҳаммаси азоб булути эрди. Кофирлар, кўброқ қизил булутдин ёмғур деб ихтиёр қилди. Бўронга муаққил фаришталар юзукни кўзича бўронни очиб қўйдилар. «Одларнинг қавмидин бўлак кишига зарар еткурмағил» деб фармон бўлди. Ул аснода бир совуқ шамол бўлди. Кофирлар хўб бўрон бўлди деб тутур эди. Ҳазрат Худ алайҳиссалом айдилар: — «Эй кофирлар, Худойи таъолонинг балоси турур, эмди муслмон бўлинглар!» — дедилар. Кофирлар қабул қилмади. Ҳамма тоғларнинг ўнгирлариға қочиб кирди. Баъзи кофирлар бир-бирининг қўлини тутуб, қучоқлашиб турур эди. Шул маҳалда насиҳат қилдилар, ҳаргиз қабул қилмади, (бўрон) ўнгирга кирган кофирларни қувлаб, ҳаммасини осмонга чиқарди.

ЕТТИ КЕЧА-КУНДУЗ БЎРОН БЎЛДИ. Саккизинчи куни учириб чиққан халқ тушиб устихонлари реза-реза бўлди. Буларнинг орасида Соҳира кофир бор эди, ўзини улуг тошга беркитиб, саҳрога муққайид бўлуб эрди. Шамол у тош бирла олиб чиқиб ерга урди. Тош остида қолди. Ҳазрат Худ алайҳиссалом бир неча муслмонлар билан ўнгирга кириб ўтириб эрдилар, чиқсалар ҳамма кофирлар ўлибтур.

Хикоят қилибдурларким, икки Одий бор эди. Бирининг оти — Шадид, бирининг оти — Шаддод. Бу иккиси бир туққон (туғишган) эди. Буларнинг отаси Од етти юз йил подшоҳлиғ қилиб эди, лекин Шаддодни бир шаҳарга юбориб эди, тирик қолди. Ул подшоҳ бўлди. Ҳазрат Худ алайҳиссаломга фармон бўлди. Бориб Шаддодга айтғил: — Анга минг йил умр бердим, минг ҳазина жавоҳир бердим. Ҳамма шаҳарларни хароб қилишга қувват бердим. Ҳаммаси менинг неъматларим эди. Менинг бирлик ва борлигимни билсун!

Худ алайҳиссалом Шаддодга бориб айтиб эдилар, ул жавоб берди: — Сани Худойингга ҳеч ҳожати йўқ! Ҳамма нимарсаларни ўзум топқонман. Анинг Беҳиштиға кирмасман! Узум ҳамма Беҳиштни битғунча қудратим бор, — деб. Шаддод вазирини буюриб, бир яхши хушҳаво саҳн (топғил) бунёд қилди. Беҳишт этурман! — деди. Вазирлар бир ерни танладилар. Гирди-атрофини қирқ фарсанг қилди. Жами донишманд усталарни йиғди. Ерни тарҳлик қилиб, ҳазиналарни оғзини очиб, ҳамма олтун-кумушдин ишт этиб, томларга бир ишт олтун, бир ишт кумушдин қўйди. Девор баланглиғи уч юз газ. Ҳамма дуру жавоҳирларни тепасиға гўнгура қилди. Анга «Боғи Эрам» от қўйди. Ҳазрат (Муҳаммад) пайғамбар саллолоҳу алайҳи

вассалам айтибдурларким: — Анинг этган боғин тавсифи дарахтларининг софи олтинди, шохлари кумуш, барглари зумураддин, мевалари ёқуттин, ариғларида — сут, ёғ, асални шарбат қилиб оқузур эрди. Тупроқнинг ўрниға минг анбар, заъфар қўйғон. Ариғлариға тош ўрниға маржон феруза қўйғон эрди. Минг курси қўйдирди. Ҳаммаси лаъл-жавоҳирот бирла мурасса қилинғон. Шаддодни ул иморатга ҳар куни қирқ улоқ жавоҳироти харж бўлур эди. Шу қисм ишлаб, уч юз йилда тамом бўлди. Ҳеч кимда олтун-кумуш қолмади. Бир тул момонинг ярим мисқол кумуши бор эди. Шунитоптириб олди. Ҳар ерда чиройлик ўғул-қизни олиб келиб, ясантириб, ҳур-ғилмон ўрнида қўйди. Жами шаҳарларга фалон куни келиб мани Беҳиштимни тамошо қилсун! — деб юборди! Халойиқлар ҳар тарафдин келиб, сайру тамошо қилур эрди. Атроф-ҳаддиға улғу матолардин ёйуқ аламлар (байроқлар) қилди. Мунга нечанд улғулардин посбон қилди. Бу вақтгача Шаддод ул бинони келиб кўрмади. Кўрмағ ихтиёриға ҳам келмади. На учунки, кофирларга Беҳишт кўрмоғ насиб бўлмас! Охир ул-амр «Иморат тайёр бўлди» деб хабар бердилар.

Шаддод гуруҳ-гуруҳ халқ бирла дарвозани олдиға келса, бир ҳайбатли, бир салобатли кимарса турубдур. Шаддод кўриб ҳамма аъзосиға ларза тушди. Сўрдиким: — На кишисан? — Ман Маликулмавт турурман! Амонатни олғали келдим! — дедилар. — Амонатинг кимдадур?! — деди. — Санга Худойи таъоло жонни амонат берғон! — дедилар. Шаддоддин хуш кетти. Ҳеч илож топмай, охир айдики: — Соат муҳлат бергин?! Қилғон боғимни бир кўрай? — деди. — Кофирга Беҳиштни кўрмоқ ҳаром! — дедилар. — Андоғ бўлса оттин тушай?! — деди. Бир оёғи узангида, бир оёғи ерда жонини қабза қилдилар. Беҳишт кўраман деб, Дўзаҳқа кетди.

Андин Ҳазрати Жабрыйил бонгни баҳайбат қилдилар. Ҳамма лашкари ҳалок бўлди. Ул замон ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ул боғни эл кўзидин ғойиб қилди. Бир ривоятда ул боғни Беҳиштга қўшғон. Шунинг учун бирла саккиз бўлғон дебдурлар. Яна бир ривоятда ул боғни Кўҳи қофға элтиб қўйди, дебдурлар.

Нақл қилибдурларким, Хожа Муовия замонида Абдуллоҳ отлиғ бир киши теваси йўқолиб, биёбонларни истаб юрур эрди. Ногоҳ кўзига бир иморат зоҳир бўлди. Рўйи оламда ҳеч кимарса мундоғ иморат кўрғон эмас. Ажаб ораста, атроф жонибидда ҳовузлар, бўстонлар, оқин сув бўйида мевали дарахтлар, ҳаммаси олтин кумушдин, шохлари мевалари жавоҳиротдин мурасса қилинғон; бу нимарса, бу иморатларни кўриб, ҳайрон бўлиб тушуммуқун деб, онҳама сарҳисоб берди. Ҳеч киши йўқ; Бу жавоҳиротлардин бирмунча олиб, ҳам тевасини топиб, юклаб чиқиб эрди. Ул боғ кўздин ғойиб бўлиб эрди. Ул киши келиб Хожа Муовияға айтди. — Мундоғ нимарсалар Беҳиштининг нишонасидур. Бу оламда мундоғ иморатлар бўлмас, ёлғон айтурсан! — дедилар. Ул боғдин келғон нишоналарни кўрсатди. Кўрдиларким, марваридларнинг ранги сарғайибдур. Бу воқеани ҳеч ким билмади. Ул турғон халойиқ айдики: — Бу замонда Каъб ул-Ахбордин олимроқ киши йўқ, — деб. (Каъб-ул-Ахборни) олиб келиб сўраб эдилар: — Ҳазрат Худ алайҳиссаломнинг воқеасини баён қилдилар. Хожа Муовия Каъб-ул-Ахбор розияллоҳу анҳуға подшоҳона сарполар бериб айдиларким: — Бу кимарсаға кофир молини худойи таъоло ўз хазинасидин берибдур. Ҳеч ким доҳил қилмасун! — дедилар.

Алқисса Ҳазрат Худ алайҳиссалом тўрт юз йил умр кўрдилар. Аммо Шаддод отаси Од етти юз йил подшоҳлик қилди. Шаддод минг йил умр кўрди. Бу минг етти юз йилда топилган ҳазиналарни бу боғқа харж қилди. Вақти-ки, Ҳазрат Худ алайҳиссаломнинг умрлари тамом бўлди. Оламдин риҳлат қилдилар. Неча йилдин кейин (бу) қавмларга Шайтон айдики: — Эй халойиқ, Худомиз бор дейсизлар, асло кўрдингизларму?! Улар: «Кўрмадук» дедилар. Шайтон айдики: — Ман сизларга Худойларингизни суратини қилиб берай, анга бош чалинлар! — деб БУТ қилиб берди. Ҳамма халойиқ Шайтондин бошлаб, бош чалиб, бутпараст бўлиб кетди. Ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бир фариштаға фармон қилди. Ҳаммасини кўтариб ҳавоға ташлади. Барча кофирларнинг бути осмондин тушиб, ўзини босиб ҳалок қилди. Ва-ли-л-лоҳил-исмату ва-т-тавфиқ.





Раҳмон Ҳожимурод



тўғри-да, фақат байрамлар муносабати билангина, икки-та гул чизилиб, кейин ушбу байрам-шодиёна билан ҳаммани қутлаймиз ва сиҳат-саломатлик, ижодий парвозлар тилаймиз, деб тугатиладиган бош мақолаю яна қайсидир хонаки шоирнинг шу байрамга бағишланган шеъри билан тўлғизилган, эълонлар ёзиладиган варақадан хийла каттароқ рангли қоғоз кимга керак. Кимнинг кўзи учиб турибди шунга. Бу кимнинг мушкулни осон қиларди. Бундай деворий газеталар баъзан деворларда ойлаб осилиб турганини ҳамма кўрган. Кўпинча бундай газеталар деворнинг кўчиб кетган ёки миҳ-пихлар қоқилиб, кейин шафқатсизларча суғуриб олинган тешикларни яшириш учун атайлаб чиқарилгандай таассурот қолдиради. Бу деворий газетани ўқийдиган бирорта инсофли газетхон топилиши маҳол бўлгандай, уни суриштирадиган зот ҳам ҳозирча анқонинг уруғи. Ёлгон бўлмасин, комсомолнинг йиллик ҳисобот йиғилишида қатнашадиган партком вакилининг тилига тушмаса, бечора деворий газетани бошқа эслайдиган хеш-ақрабоси йўқ. Мен буларни шунчаки олифталик учун айтаётганим йўқ. Ичимда дардим борки, бисмилломни узоқдан бошладим.

Талабаликнинг сўнги йили эди. Танбалликнинг роҳат-фароғатининг кўпам пойҳавосини олганмиз. Оламини сув босса, ҳа нима бўпти, босса босибди, бу диалектик қонуният ахир, деб тушунтириш олиб боришимиз ҳеч гапмас. Яна расм-русумга кўра қайтадан ўзимизга курсбоши, комсомол сардори ва деворий газета муҳаррири сайлашимиз керак. Бу амалларнинг қисирлигини кўп курсдошлар тушуниб етган. Шундай бўлса ҳам биз сайлашимиз, кимдир сайланиши керак. Ахир, қоида бор. Хуллас, факультет раҳбарлари томонидан олдиндан белгилаб қўйилганларни гўё ўзимиз сайладик. Деворий газетача муҳаррирликка эса шунча алдаб-сулдаганимиз билан ҳеч ким унамади. Кимдир ичимиздан доим ўзини бировларнинг ғамига шерик бўлишни ёқтирадиган, ўзича муҳтож ва ожиз деб билганларига ёрдам беришни ўзининг аллақандай бурчи деб ҳисоблайдиган инсонпарвар курсдошимизнинг номзодини таклиф қилиб қолди. Ҳалиги номзод шарт ўрнидан туриб дангалига: «Мени кечирингла, ҳурматли ҳамкурслар, нима, мени масхара қиляпсизларми? Деворий газета, унга муҳаррир бўлиш. Саломат бўлсинлар, ўзларингга сийлов»,— деди. Бирдан ғалағовур турди. Ҳар ким ўз билганини айтди. Кимдир уни айблади, бошқамиз тарафини олди. Мажлиснинг чўзилишига ҳеч ким тоқат қилолмасди. Охири, актив комсомол саналгучи, келажаги порлоқ бир курсдошимизни зўрлаб, «сенга комсомол топшириги», деб сайладик-да ура қочдик. Унинг: «Менга бошқа масъулиятли топшириқ берингла, бу менга қизиқмас, қўлимдан келмайди»,— деб додлашига ҳеч ким қулоқ солмади. Рост-да, биров унга фаол бўл деганмиди? Ўзи бўлган. Биров ўзингни кўрсат деганмиди? Ўзи кўрсатган. Энди бўласан, тамом-вассалом.



## Қисса

Бу қиссанинг номиёқ кўпларнинг ҳафсаласини пир қилса, эҳтимол.

Деворий газета, яна қанақа денг, катта-катта ҳарфлар билан ёзилган комсомол деворий газетаси. Ола, топибсан дўппи кийган соддани, одамлар ҳозир унчамунча газетни ўқимади-ю, сенинг деворий газетанга мунтазир турганлар бор эканми, дейдиганлар топилса, уларгаям қўшиламан. Чунки бир пайтлар каминанинг ўзи ҳам деворий газета деса тўрт ҳовли наридан ҳаққалама олиб қочишини бугун яширмоқчи эмас. Ахир,



Эсимда бор, ўша фаол бошқа «масъулиятли топириқларни» бажариб юрди-ю, лекин газета бирор мартаям чиқмади. Оқиб ўтдими, чопиб ўтдими, олти ой ҳам шув этиб ўтди-кетди. Яна бир бало қилиб чала мажлис чақирдик. Ўйлаб ўтирмасдан ичимизда ҳали ҳамон сал шоирроқлигича қолган болани газетага муҳаррир қилиб сайладик. Комсомолбоши унга ёлвориб: «Бутун газета шевр бўлсаям майли, бюрода менга сўз берса нима дейишимни билмайман, зора бир номер чиқариб беринг»,— деди. Комсомолбошини тушунса бўларди, у бир илож қилиб дипломни қизил қилмоқчи-да, кейин ўзини аспирантурага урмоқчи. Бунинг учун унга комсомолдан яхши тавсифнома керак. Яхши тавсифнома олиш учун эса фақат бадал йиғишдан ташқари, яна нимадир қилиш лозим. Масалан, деворий газета чиқарса, албатта яхши бўларди. Нима бўлсаям комсомолбоши. У тиришиб ҳаракат қилиши, бошқалар ундан ўрнак олиши зарур. «Ана, палончи ҳам дарсларга улгуради, ҳам жамоат ишида фаол, ундан ўрнак олинлар. Ана шундайлар бизнинг келажакимиз», дейдиганлар учун у нима бўлсаям комсомол ишини кўзга кўринтириши шарт. Шундай қилмаса у қанақа комсомол бўлсин. Олға, комсомол! Олға! Ватан сендан кўп нарсани кутади. Айниқса, сен керак бўласан Ватанга.

Эсимда бор. Бу орада қишки синов бошланганди. Ҳамма жумлаи жаҳонни унутиб ўзини синовга ташлади. Кимлардир синовдан омон-эсон ўтиб олди. Кимлар зир югуриб юрибди. Синов тугаши биланоқ кўзимиз ўрганиб қолгандан каттароқ бинойидай газетанинг биринчи сони факультетнинг эълонлар осиладиган бурчагида пайдо бўлди. Узимча «қурмағур шоир-да, ичидан чиқариб ёзиб ташлайвериб шунча қоғозни тўлдирибди. Энди комсомолбошининг ҳам юзи ёруғ, тили узун. Энг асосийси қизил диплом ва яхши тавсифнома нақд», деб қўйдим. Бир кунми, икки кунми ўтиб, бошим айланиб факультетга бориб қолдим (Охирги йили ўзи шунақа бўлади. Қиладиган ишинг йўқ, лекин факультетга бир келиб кетмасанг кўнглинг тўлмайди. Худди жаҳондаги барча халқлар ва миллатлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим ишинг қолиб кетаётгандай бўлаверади). Комсомолбоши янги муҳаррирга:

— Газетага нимани чиқардингиз? Партком мени чақариб роса таъзиримни берди. Ҳозир олиб келингиз газетани,— деб йиғлагудай бўлиб турган экан. Демак, алвидо қизил диплом, алвидо яхши тавсифнома, алвидо порлоқ, сочлари жамалак келажак!.. Янги муҳаррир янгилиги билан бирга, шунча йил битта курсда ўқиб билмаган эканман, ўжар ҳам экан:— Газета ўқиш учун чиқарилган, олиб ташлаш учун эмас,— деб туриб олди. Бор-йўғи шу икковининг жанжаллашаётганидан хабарим бор. Буёғининг ҳам қизиқ бўлиши турган гап. Чунки бундай зерикарли ва бир хил кийим-бошлик ҳаётда қизиқарли нарсани топиш ёки гувоҳ бўлиш сал бўлмаса биз учун бирдан бойиб кетиш билан баробар эди. Қани нима бўларкан, деб мен ҳам туриб олдим. Қаёққаям кетаман. Ҳеч ким кутмаётган бўлса, устига-устак вақт миллиардери бўлсам.

Комсомолбоши менга қаради. Мен ҳам ачиниб унга қарадим. Алвидолар барига дегандай мунғайди. Мунғайма, дейин десам, комсомолбоши бўлса: иродали, фаол, қони қайноқ, ташкилотчи, ҳаммага ўрнак; шанбаликларга чиққаннимизда рўйхатгир, пахтага борсак — тарозибон, сабзавоткорларга ёрдамга борсак — ҳисобчи, ҳатто кечаси ҳам комсомол нишони тақиб ётадиган. Шундай комсомол-а. Янги муҳаррирни гапига

киргазолмагандан кейин газетани олиб ташлагани ноилож ўзимиз бордик. Мен ҳам бу янги муҳаррир не янгиликлар қилганки, комсомолбоши шунча қақшадим, бир ўқий, деб қизиқиб қолгандим. Борсак деворий газета жойида йўқ. Фақат икки учта тикилган кнопкалар деворий газетадан бир парчагина эсдалик олиб қолган. Ҳайрон бўлиб, энди бир-биримизга қараган ҳам эдикки:

— Иштаев!

Комсомолбошининг фамилияси узун талор бўйлаб жаранглади. Гўё менинг ҳам исми шарифим «Иштаев»дек ялт этиб овоз келган томонга қарадим. Бу факультет парткоми Фидоев эди. (Фамилияларни қаранг Иштаев — ишта, Фидоев — фидо, бири комсомолбоши, бири партком; бири ўринбосар, бири ўринбанд). Комсомолбошининг ранги қув ўчди, «энди ўлдимов» дегандай менга қаради-да, «Сиз ҳам юринг», деди. Ҳам қизиқсиниб, ҳам хавотирли эргашдим. Партком комсомолбошини кўравериб кўзига сингишиб кетгани учунми ёки одати шуми, унга бир қараб қўйди-да, кейин менга синчиклаб, энди ўқишни ўрганган одам сўзларни ҳижжалаб ўқиётгандай юзимга узоқ тикилди. Нимадир (балки нимадир) маъқул келмади шекилли ё мақсади шуми, амирно:

— Комсомолларни йиғларинг, мен ҳозир бораман,— деб иккаламизга бир-бир қаради-да, яна шу сўзни қўшимча қилди,— уқдиларингми?! Бу сўз унинг оғиз қолипидан тўғри бизнинг қўлоғимизга шиддат билан қўйилдики, ҳозир шуларни ёзаётиб, у ўшанда айтган сўз ҳали ҳам қўлоғимнинг ичида қотиб ётганини ҳис қилдим. Назаримда, бу сўзни ҳеч ким унчалик маҳорат билан, баайни ҳукмона айта олмас керак. Ўшанда у бу сўзни, мен шу сўзнинг хўжайини бўлман, агар билгинг келса, дегандай хирси кўпириб, кўпчиб, ачиб, бижғиб турган ифлос бир ишонч билан айтган эдики, бу сўзни унинг оғзидан эшитган одам унинг кимлигини, қандайлигини, нималарга ўчлигини, яшадан муддаосини ва одамлардан талабини бемалол билиб оларди. Сизда у фақат шу сўзни айтиш учунгина дунёга келмаганмикин деган шилимшиқ, ўзингизнинг ҳам кўнглингизни айнитадиган фикрни уйғотарди.

Биз бир амаллаб ўзимга ўхшаб боши айланиб юрган болаларни баъзиларини қизиқтириб, баъзиларини кўрқитиб, баъзиларига ялиниб ёлвориб йиғдик. Анчадан кейин қўлида най қилиб ўралган қоғоз билан партком кириб келди. Одатга кўра яна бизларга диққат билан тикилгандан сўнг комсомолбошига юз бурди ва муҳаррир ким, деб сўради. Комсомолбоши янги муҳаррирни ўрнидан турғазди. Партком унга ҳам юзларини бир умр эсда сақлаб қолиши керакдай узоқ тикилди. Сўнг партком овозига ўзгача тўлқин бериб, «менинг иштирокимда газетани муҳокама қилларинг», деди. Болалар лом-мим дея олмади. Чунки деворий газетани ҳеч ким ўқимаган эди. Партком буни билгач, бизни «сиёсий хўшёрсизликда» айблади ва сиёсий хўшёрлик ҳақида оташин сўзлар айтди. Сўнг деворий газетани очиб, қишки синовга бағишланган бош мақолани ўқиб берди. Мақолани ўқиётиб баъзи жойларига шуям гапми, арзийдими, дегандай бурнини жиййириб қўярди-да, секин кўзойнагини олиб бизга обдон қараб олар ва нописандлик билан ўқишда давом этарди. Мақолада номлари аниқ айтилмас-да, таниш-билишига юқори баҳо қўйган домлалару ноҳақ юқори баҳо олган баъзи талабалар ҳақида гап борар эди. Партком мақолани ўқиб бергач, янги муҳаррирга юзланди ва ўша домлалар билан талабаларнинг фамилиясини айтасан, партбюрода масаласини кўриб, агар сен ҳақ бўлсанг уларга партиявий жазо берамиз деди.



— Буни мен айтмасам ҳам ҳамма билади-ку,— янги муҳаррир парткомга тик қараб гапирди.

— Сен бола тухматчи ҳам экансан. Совет талабасига мутлақо номуносиб равишда сенга билим берган ус-тозларингга ва ўз курсдошларингга тухмат қилаётибсан. Сен бу ҳақоратларинг учун жавоб берасан, уқдингни? Сенлар бўлса ичларингга тухматчи борлигидан беҳабар юрибсанлар.

Кимсан факультет парткоми, фан кандидати, доцент, устози муҳтарам ҳақ бўлмай, манави келажаги сўроқ белгисидан иборат, яна бориб-бориб деворий газетанинг янги муҳаррири ҳақ бўлсинми? Парткомга бажонидил қўшилиб, ҳатто унинг гапидан жўшиб биз ҳам унинг пўстагини роса қоқдик. Ахир у бизга ҳам тухмат қилган-да. Яхшиямки илгари замон эмас, илгари замон бўлганда сазойи қилармидик ёки кўзини ўйиб, қўлларини (албатта деворий газета чиқарган) чопармидик. Замонга балли. Замонга раҳмат де. Сенинг, сендай ношуднинг ғамини ҳам егани учун. Деворий газетага сиёсий хушёр, партком айтмоқчи совет талабаси деган шарафли номга лойиқ одам бўлиш керак дедик биз ҳам. Ва янги муҳаррирни бу «олий» вазифадан четлаштирдик. Комсомолбошининг ўзини парткомнинг таклифи билан сайладик. (Салом қизил диплом! Салом аспирантура! Салом порлоқ келажак! Салом! Салом!)

Эсимда қолганлари шу. Шундан кейин диплом ёзиш баҳона ҳеч ким факультетда қорасини кўрсатмади. Кейин газета чиққанми, чиқмаганми билмайман. Ҳаммамиз омон-эсон бошимиз кўкка етиб, биттадан сарғайиброқ кетган кўк дипломнинг шаърий эгаси бўлганимизга шукроналар айта факультетни бу яқин ўн йилликларда эсламасак керак, дея битириб ҳам кетдик. Факультет биздан, биз факультетдан қутулганимизга шод эдик.

Орадан икки-уч йил ўтиб ҳаётимизда улкан ўзгаришлар содир бўлаётган бир замонда, ўша курсдошим — собиқ янги муҳаррирни учратиб қолдим. Уни жумҳуриятимизнинг идеология буйича номигагина нуфузли ташкилотда ишлаётганини эшитгандим. Кўча-кўйда, чойхонау ошхонада — ҳамма жойда қайта қуришни ўзидан бошлайдиган, ҳамма сиёсатга, ҳаётга фаол ара-лашмаса бўлмайдиган қайноқ давр. Ҳадемай комсомолнинг съезди бўлади. Собиқ янги муҳаррир билан суҳбатимиз худди шу мавзуларда кетди. Табиийки, суҳбатимизнинг бири талабалikka ва ўша охириги мажлисга ҳам тақалиб ўтди. Унинг ўша пайтда ҳақ бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турарди. Бугун замон ва сиёсат унинг томонида эди. Мен ўшанда уни ҳимоя қилиш эмас, бу қўлимдан келмасди, индамаган бўлганимда ҳам, унинг олдида ҳозир бу қадар ўсал қолмаган бўлардим. Унинг қўлтиги тўла китоб. Юзларидаги, ботиб кетаётгандай таассурот қолдирадиган кўзларидаги ҳорғинликни сўзларидаги, овозидаги аллақандай бардамлик яшириб турарди. Унинг бир сўзли одам эканлиги тароққа бўйинсунмайдиган ғайр сочидан ҳам билинарди. Ғайр сочли одам бир сўзли бўлади. Ғайр сочли одам бир нарсани тишласа ё узиб олади, ё тиши синади.

Шу кунни у менга кейинги ҳаётида яна деворий газета билан боғлиқ бўлган воқеаларни гапириб берганди. Кейинчалик унинг бошидан ўтган ажиб воқеалар менга туриб-туриб жуда қаттиқ таъсир қилганди. Мен даставвал у ва деворий газета ҳақида муаммо мақола ёзмақчи бўлдим. Ҳатто бир-икки қоғоз қораладим. Лекин барибир кўнглим тўлмади. Ва ўша кунлари «Деворий газета» деган қисса ёзиш нияти туғилди.

Келинг бу ёғини унинг ўзи гапирсин.

Менга ҳали ҳануз бир воқеа азоб беради. Биз факультетнинг хўжайинлари хоҳлаган ишни қилардик. Хоҳласак лекцияга бормасдик. Хоҳласак, қайси домла бўлмасин, лекциясидан, билимидан, дунёқарашидан, юриш-туришидан, жуда бўлмаса таққан бўйинбоғидан камчилик топа олардик. Хоҳласак ётоқхонадан пастки курсларга палон домла саводсиз, дарсига борма, деб ташвиқот қилардик. Иккитамиз йўғилсак, бутун дунёнинг кўрпа-тўшагидан тортиб, сиёсату пиёсатигача авра-астарини чиқариб ташлардик. Гап навбати охири-оқибат гир-гир айланиб ўзимизга, факультет ва домларга келарди. Ҳаммамиз битта гапни оғзимизни тўлдириб, ҳузур қилиб, иззат-нафсимизни ваҳшийларча қондириб тақоррлашни яхши кўрардик. Қанча тақоррласак, шунча мазаси чиқарди.

— Филфакнинг домллари, бизнинг факультетнинг болалари зўр.

Бу гапни қанча худбинона бўлмасин, бизни овутади-ган, захримизни оладиган ва бошқалардан ажратиб турадиган, ҳатто норасмий обрўйимизни кўтариб юрадиган бирдан-бир ҳақиқат эди. Бу зўр болалар рўйхатининг бошида, албатта ўтакетган камтарлик ва чидаб бўлмайдиган ҳалоллик билан ўзимиз турардик. Бу рўйхат аҳамияти жиҳатдан қарийб жаннатга навбатсиз (безочеред) тушадиганларнинг рўйхати билан баравар эди. Бу рўйхат қиймати ва ўхшаши жиҳатидан эса тенги йўқ, етти иқлимдаям топилмайдиган лаззатнинг худди ўзи эди. Бу рўйхатнинг сўзсиз тарихий аҳамияти ҳам бор эди. Биз бу рўйхатдан бошқаларни юқоридаги гаплар билан заҳарлашдан ҳам ўн, юз минг чандон кўпроқ лаззатланар эдик. Иннайкейин биз бу худбин хулосага, ахборотлари учун, ҳамирдан қил суғургандек оппа-осон бир сакраб етганимиз йўқ. Кимки бизнинг факультетда ўқи-ган бўлса, уни битираётини шу хулосага эга бўлиб ва фақатгина шу хулосани мерос қилиб ортидан кўзини юмиб кетаётганларга қолдиради.

Бизнинг факультет аслида жумҳуриятда якка ягона ижодий факультет эди. Унинг яккаю ягоналиги мутлақо тасодифий, қобилиятсиз, ҳеч нарсага қизиқмайдиган болаларнинг кўплиги билан ҳам ажралиб турарди. Унинг ижодийлиги эса ўша «ижодкор» болаларнинг чайқов бозорларида, аэропорт ва вокзаллардаги ижоди, ижодкорлиги билан белгиланар, ўлчанар эди. Во ажабки, бунга ҳеч ким ҳайрон бўлмас, фақат бунга ҳайрон бўлганларга ҳайрон бўлганлар бўларди, холос. Бу ердан озроқ лаёқати бор бола майиб бўлиб, бир амаллаб дипломли бўлиб кетарди. Бошқа факультетларда ўқишини эплолмаган болалар бизнинг факультетга ахлат каби ташлаб кетиларди. Сал-пал ўзлигини англаб қолган болалар бирор домлага зор қилишди:

— Бизга лекцияларингиз ҳеч нарса бермаяпти-ку,— деб қолишса, уларга олдиндан йиллар давомида ўзидан тайёрланиб қолган энг лойиқ жавоб бор:

— Бу ижодий факультет. Шунинг учун биз фақат йўналиш берамиз.

Нимага? Нега? Қаёққа йўналиш? Қанақа йўналиш? Бу билан қизиқадиган ҳеч ким йўқ эди.

Қандайдир ҳали ўзимиз англаб етмаган норозилик ҳомиласи онгимизда пайдо бўла бошлаганди. Лекин ҳали бирор марта бўлсин бу норозиликни на факультет раҳбарларига, на бирор одамга айтгандик. Яна ҳам тўғриси, айтиш кераклигини ҳали тушунмаган, тушуниб етмаган эдик. Бизнинг ҳақгўйлигимиз бегона қулоқларга ҳали етиб бормаганди. Нимаики бўлса ўз ичимизда эди, ичимизда, онгимизда юз бераётган эди.

Эсласам ҳамон этларим жимирлашиб, юрагим шошади. Мардликни билим билан, ақл билан ўргатиб бўл-



маслигини, аввало одам мард, виждонли бўлиб туғилиши кераклигини, шу оддий ҳикматнинг қудратини мана энди англагандайман. Ушанда тўртни тугатган эдим. Ётоқхонада ўзимиз хон, кўланкамиз майдон. Гўё бу бевафо дунёсида яшаб қўйганмизу галдаги вазифамиз соққаям-носоққаям яшашни, қандай яшашни ўргатиш. Бир кун бизга ўхшаганларга ҳавасланиб қарашидан фойда йўқлигини билиб, ниҳоят, чарчай бошлаган битта биринчи курсни «тутиб» олиб, устозлардан қолган қимматли тажрибаларни ишга солиб, эладим.

— Ҳадемай бу факультетга кирганинга пушаймон бўлишдан қўрқмайсанми?

— Сиз-чи?

— Мен адашиб кирганман.

— Нега адашиб ахир...

— Ахир-пахир йўқ. Фақат фақир бор. Фақирлик бор. Сен ҳам бир кун адашганингни биласан. Умринг-да рост гап эшитганмисан?

— Ҳа.

— Қачон?

— Кеча.

— Кимдан?

— Сиз уни танимайсиз, Саидбурҳон деган боладан.

— Нима деди?

— Кеча декан билан биринчи курс болалари суҳбатлашувди. Декан: «Сизлар бизнинг келажагимиз, сизларга кўпроқ ишонамиз»,— дедди. Саидбурҳон ўрнидан туриб шарт-шурт ҳаммасини айтиб ташлади.

— Нимани айтди?

— Иккита боланинг пул билан кирганини айтиб юборди.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин декан роса гапирди. Уттиз йилдан бери деканман, лекин бунақа воқеа бўлмаган. Текширамиз. Аниқлаймиз. Ҳали яна гаплашамиз, деб Саидбурҳоннинг фамилиясини ёзиб олди. Уни, ростгўй бола экансан, деб мақтади. Мажлис тугади. Декан Саидбурҳонни олиб қолди...

Кейин декан Саидбурҳонни олиб қолган. Мен Саидбурҳонни шу можародан уч ойлар ўтгандан кейин учратдим. У:

— Мен бу факультетда энди ўқимайман. Ташлаб кетаман. Шу ердаки ҳақиқат йўқ экан, бошқа жойда қайдан бўлсин,— деганди.

Саидбурҳон сўзининг устидан чиқиб, факультетни ташлаб кетди.

Мен бунинг асл сабабини бешинчи курсда охириги марта пахтага борганимизда билгандим. Биз ўшанда Саидбурҳон ташлаб кетган курс билан битта баракка тушган эдик. Менга буни бир бола худди муҳим давлат сирини айтаётгандай шивирлаб сўзлаб берганди. Воқеа бундай бўлган экан: декан қишки синовдан сўнг биринчи курслар билан суҳбатлашишга мажбур бўлган. Чунки деканимизнинг бутун курс билан суҳбатлашадиган одати йўқ эди. Сабаби, биринчи курсдан бир-икки бола, бизга домлалар ноҳақ баҳо қўйишди, деб деканга арз қилиб кирган. Уларнинг орасида Саидбурҳон ҳам бўлган. Арзчиларнинг айтишига қараганда, домлалар жуда бўш ўқиган баъзи болаларга сўрамай-нетмай аъло баҳо қўйган ва булардан эзиб сўраса ҳам паст баҳо қўйган. Декан бу хунук арз юқоридаги катта қулоқларга чалинмасин, деб бости-бости қилмоқчи бўлган. Биринчи курслар билан суҳбатда ҳақиқат, адолат, совет талабасининг бурчи, виждон ҳақида хўп гапирган. Нима арзларинг бўлса, марҳамат, менга айтинглар, деган. Бу самимиятдан ҳаяжонланган Саидбурҳон шарт ўрнидан туриб, иккита «уч» баҳодан

кейин отаси келиб «беш» баҳо қўйдиртирган ва ўзига бир гал «сен қанча бериб кирдинг, мен бунча берганман» деган болаларнинг отини, фамилиясини айтиб юборган. Ҳамма бирдан Саидбурҳонга ва у айтган болаларга қараб тош қотган. Қош қўяман деб кўз чиқарган декан энди гапни олисдан, факультетни битириб кетган, ҳозирда жумҳуриятимизнинг фахри бўлган номлардан бошлаган. Бу факультетда ўқиш шаарафлигини, бунга ҳамма ҳам муяссар бўлавермаслигини, биринчи курсларга бахтли талабалар эканликларини айтиб, айлантириб, такрорлаб, пов этиб ёнган оловга сув сепса бошлаган. Декан фақат ўзи ҳозир шу дақиқада бу оловга қанча сув сепса ҳам ўчирилмаслигини фаҳмлаган ва тезда мажлисни тарқатиб, Саидбурҳонни олиб қолган. Унга нималар дегани менга ҳалигача қоронғи.

Эртасигаёқ декан Саидбурҳон айтган болаларни бир-бир чакириб ўз хонасида суҳбатлашган. Сўнг обдон тайёрланиб яна мажлис қилган. Бу галги мажлис бошқача ўтган. Мажлисда Саидбурҳонни ўша курсдошлари тўхматчига чиқарган ва декандан бундай тўхматчи болани бу ердан ҳайдаб юборишини йиғлаб талаб қилишган. Саидбурҳон:

— Буни ҳаммаларингиз биласизлар-ку?! Сизларгаям айтган экан-ку?! Агар билмайман десангизлар ўзим ҳам ташлаб кетаман бу факультетни,— деган.

Худди шу ерда декан ўртага тушган. Янглишишлар, ноаниқликлар бўлишини ва ҳаётнинг мураккаб эканини айтган ва шаппа мажлисни ёпган. У мажлис билан бирга қора қозонни ҳам ёпишга муваффақ бўлган. Саидбурҳонни яна олиб қолган ва у билан анча гаплашгандан сўнг: «Ҳамма айтганларим ёлғон эди»,— деб тушунтириш хати ёзиб берасан, «кўрдинг-ку, ҳамма курсдошларинг сенга қарши. Агар, ёлғон гапирдим, деб тушунтириш хати ёзиб бермасанг аҳвол чатоқ. Талабаларнинг онгини заҳарлаганинг учун сени ўзим судга бераман. Ҳам ўқишдан ҳайдаласан, ҳам қамаласан»,— деган. Декан айтиб турган, Саидбурҳон ёзган...

Гапимни Саидбурҳоннинг можаросидан бошлаганимнинг сабаби бор. У биринчи курс эди. Биз — бешинчи. Биз факультетнинг аҳволини, домлаларнинг савиясини, кимлар қайси йўл билан қандай қилиб киргани ва қандай битириб кетаётганини Саидбурҳондан кўра ўн, юз карра яхшироқ ва кўпроқ билардик. Нега ўз-ўзимиз билан қолганда гариллаб юрадиган биз — факультетнинг хўжайинбаччалари эмас, айнан Саидбурҳон ҳақиқатни очиқ айтди. Бизга ўхшаб жуда узоқ тайёрланиб, тайёрланавериб, охири тайёр бўлиб қолиб, тинчгина, юввошгина, мулойимгина, мўмингина бўлиб битириб кетишни маъқул кўрмади. Нега у ўзининг орзу-ниятларини бир қучоқ гул каби факультетнинг остонасига итқитди-ю, кейин ҳаёҳу деб кетди. Нима бўлса ҳам жуда кўпларнинг, ҳозирда шу ерни битириб кетган машҳурларнинг ҳам ақлига келмаган, мობодо фалокат босиб келиб қолсаям қилишга журъат этолмаган ишни Саидбурҳоннинг бир ўзи қилди. Кўпларнинг, айниқса менга ўхшаганларнинг очиқ кўзларидаги қалин «ўзингни бил, ўзгани қўй», деган пардани йиртиб кетди.

Худди шу пайтлар менга, факультетда умрини яшаб, ошини ошаб бўлаётган «мўйсафид»га деворий газетани топширишди. Мен ҳам ҳеч бўлмаса охирида нимадир қурбонлик қилишни қаттиқ хоҳлардим.

Деворий газета... оддийгина деворий газета, деворда бир неча кунгина осилиб турадиган оддий қоғоз у бугун менга муҳаббатдан, висолдан ҳам азизроқ ва яқинроқ.



Мен Сизга жуда қисқа вақт ичида деворий газета билан боғлиқ ҳаётим ҳақида, деворий газета деб (бир офатижонни деб эмас) бошимдан ўтган воқеаларнинг ҳаммасини очиқ-ойдин айтиб бермоқчиман. Бундан ягона мақсадим: Сизга бўлган воқеаларни айтиб бераётиб ўз-ўзимни яна ҳам чуқурроқ англаш, ўз-ўзимга холисанилло қарай олишга ҳаракат қилиш. Шу йўлга кириб тўғри қилдимми ёки нотўғри шу ҳам ажрим қилишдан иборат. Менинг бошимдан кечган воқеалар ким учундир озгина сабоқ бўлар, деган илинжим ҳам, афсуски, йўқ эмас. Бордию бахтга қарши ёзаётганларим ҳеч кимнинг кори ҳолига андаккина асқотмас экан, бунга ўқиниб ўтирмайман. Чунки у кунлар фақат ўзим учун мактаб бўлса, шунинг ўзиям катта гап.

Ҳурматли китобхон, шу ерда бир андишамни айтиб кетай. Сизга ёзаётганларим маъқул келмаётган бўлса, марҳамат, ўқишни келган жойидан тўхтатишингиз мумкин. Бор изму ихтиёр Сизда. Очиғини айтадиган бўлсам, бу қиссани Сиз учун ёзаётганим йўқ. Сиз яримдан зерикиб «бор-э» деб ўқимай отиб юборишингиз ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин бу дунёда бир ўқувчи бор. У албатта чидам ва сабот билан, бутун алам ва қайғуларини унутиб бу қиссани охиригача ўқиб чиқади. У бу қиссадан ўзида жуда кўп куч-қувват олади. Худди ўша ўқувчи учун бу қиссани не азоблар ичида ёзаяман. Унинг садоқатига шубҳам йўқ. Ҳурматли китобхон. Сиз ўша ўқувчининг кимлигини билишни жуда истаяпсиз. Миянгизда минглаб саволлар чарх ураётгандир: Ким? Ким экан? Уша ўқувчи менинг ўзим. Ҳа, шундай, менинг ўзим. Мен бунини изоҳлаб ўтирмайман. Сабр-бардошингиз Сизга вафо қилиб охиригача ўқий олсангиз, балки ҳаммасига ўзингиз тушуниб оларсиз. Хоҳишу ирода Сиздан, қиссанавислик биздан.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Шу замонда, айна шу кунларда нуфузли ташкилотда ишлаётган турли ёшдаги одамларнинг қарашлари, тушунчалари, интилиш ва манфаатлари мана шу арзимас деворий газета туфайли битта нуқтада чинакамига тўқнашганини тасаввур қила оласизми? Бу тўқнашув дарё устидаги тор кўприкдаги шохдор жониворларнинг йўл таллашиб тўқнашувидан тубдан фарқ қилади. Ҳар жиҳатдан чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз ҳам ҳеч ақлингиз бовар қилмаслиги табиий. Эҳтимол кулгили ҳамдир. Деворий газета деб одамлар туни билан азоб чекиб ўйласалар, бош қотирсалар, китоблар титиб ўзига ўнғай гапларни кўчириб олсалар, кейин мажлислар чақириб муҳокамалр қилсалар. Шуларнинг бари деворий газета учун, деворий газетани йўқ қилиш учун бўлса. Ана сизга кураш. Ана сизга жумбоқ.

Ҳар қандай эзгуликни, ҳар қандан ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун, унга қандайлигидан қатъи назар, майдон керак. Комсомол деворий газетаси очиқ майдон бўлди. Мен бу очиқ майдонда аввало ўзимнинг, ундан кейин бошқаларнинг ҳам кучли, ҳам ожиз томонлари билан юзма-юз келдим. Бу очиқ майдонда кураш қуроли сўз, фикр ва амал эди. Ҳақиқат нима? Кураш-чи? Қандай курашиш керак? Комсомол ким? Унинг вазифаси нима? Комсомолга ким ишонади? Ким уни чинакамига қўллаб-қувватлайди? Бизнинг замонда, айнан ҳозир, шу дақиқаларда: бугун, эртага фақат мажлислар ўтказиш, шанбаликларга чиқиш, аъзолик бадалини йиғиш билан ёш замондошимиз инсонлик бурчини бажарган бўладими? Бунга кимдан жавоб олиш керак? Ҳақиқатни, бор ҳақиқатни ким айтади? Ҳақиқат эса айтилса ҳам, айтилмаса ҳам барибир ҳақиқатлигича қолаверади. Бугун ўзимизга тўғри, ҳаққо-

ний савол бераётган бўлсак, шунинг ўзи ҳам бизнинг интилишимизни белгилайди, мақсадимизни ойдинлаштиради.

Бу ерда масала ҳар бир йигит-қизнинг, ҳар бир комсомолнинг юрагида ҳақиқатга, адолатга ўрин қолганми, йўқми — шунга бориб тақалади. Биз бошқалар кўриб кўрмасликка олаётган ҳақиқатнинг уруғини ўз юрагимизга қайдан оламизми? Гап мана шунда. Биз юрагимизнинг очиқ ерига ҳақиқат уруғини эртароқ эмас эканмиз, кимдир унга манфаатпарастликни, шароит эса тобеликни, муҳит бўлса мутеликни экиши муқаррар.

Юрагимизга ҳақиқат уруғини экишни, унинг униб-ўсиши учун кураш илмини қунт билан ўрганишимиз керак.

Ишламаётганимга етти ой бўлди. Яна бир қанча вақтдан сўнг аъзолик муддатим тугаб, комсомол сафидан чиқаман. Лекин деворий газета деб чеккан ранжу аламларимнинг сафидан ҳали бери чиқолмайман, ҳали бери унинг оғриқ-азоб муддати тугамайди.

Ҳаммасини чалкаштирмай, келинг, ҳаммасини бир бошдан гапириб берай.

\* \* \*

Янги йил байрамидан кейин мени биринчи бўлиб дараклаган одам Партком бўлди. Телефонда, зудлик билан ҳузуримга комсорг иккаланг келинлар, деди. Нари-бери сўрашгандан сўнг, асосий мақсадга кўчди:

— Хўш, сизларни чақиршдан мақсад, мана, комсомол иши анча кўриниб қолди. Яхши ишлар қилаяпсизлар. Хусусан, деворий газетанинг муттасил чиқиб туриши бу ҳам комсомолларнинг борлигини билдиради. Сизлар ҳақингизда ҳамма яхши гаплар айтмоқда. Лекин газетанинг янги йил сонигаги бош мақола ўрнидаги мақоласи анча эътирозларга сабаб бўлди. Мақолада, асосан, бизнинг шундай ҳамжиҳат, аҳил коллективимиз иккига бўлинган: ёшлар ва қариялар. Булар бир-бирига қарши қўйилган. Ёшлар ниманидир излашга ҳаракат қилаётган, изланаётган экан. Савол сизга, ўртоқ муҳаррир, хусусан, нимага интилмоқда? Худди мана шундай саволлар билан ҳурматли ветеранларимиз олдимга кирди. Газетадан қаттиқ норози бўлди. Ўзингиз ўйланг, янги йил арафасида бундай мақола ёзиш катталарга ҳурматсизлик эмасми? Уларнинг кўп йиллик меҳнатларига ва бой ижодий ҳамда ажойиб тажрибаларига нописандлик эмасми? Катталарни меҳнат ветеранларини ҳурмат қилмаслик ва уларга ёшларнинг бутун бир авлодини қарши қўйиш бу капитализмга хос. Образний қилиб айтсам, гўё сиз бу бош мақола билан қоронғи ўрмон ичида кўзингизни чирт юмиб автоматдан тириллатиб тўрт томонга ўқ узгансиз, атропофга, ёнверга, ўзимизникилар бордир, деб қараш эса хаёлингизга келмаган. Ҳозир аниқ ёдимда йўқ. Масалан, сиз ўша мақолада, сиз фақат сўраш ва савол беришни, талаб қилишни биласизлар, дейилган. Шундайми? Бунини қандай тушунса бўлади?

Партком шу ерга келганда чарчаб кетдими ёки гапи тугадими, ҳар қалай тўхтади ва менга тикилди. Унинг бу тикилишида, не ажабки, бир пайтлар ўқиган факультетимнинг парткомининг тикилишига ўхшаш нимадир бор эди. Мен ҳам саволга савол босдим:

— Айтинг-чи? Сизнинг бизда бўлаётган ўзгаришлардан, қайта қуришдан кўнглингиз қониқадими?

— Перестройка ҳақида ёзсангиз, аниқ, конкрет адрес, фамилиялар билан ёзинг. Қандайдир: «Сизлар, бизлар» демасдан.



— У ерда «Сизлар, бизлар» шартли келтирилган,— дедим унинг образли деган сўзини такрорламаслик учун.

— Бош мақолада шартлилик кетмайди. Бош мақолада ҳамма нарса аниқ-равшан, принципиал ва партиявий бўлиши керак, ўртоқ муҳаррир, билсангиз. Агар перестройкага ким тўғаноқ бўлаётганини кўрган бўлсангиз, бизга айтинг фамилияларини. Уларни партбюрода муҳокама қилиб, партиявий жазо берамиз,— деб қатъийлашди партком.

— Бундан чиқди, бизда камчилик йўқ. Ҳамма ишлар жойида, қайта қуришга ҳожат йўқ экан-да.

— Хўш, сизнингча, нимани қайта қуриш керак?— деди партком.

— Ҳамма нарсани қайта қуриш керак.

— Буни биламиз.

— Бизнинг мақсадимиз қайта қуришга фаол аралаш. Агар, жуда яхши бўларди, худди шу фикрларингизни газетамизнинг келгуси сонига мунозара тарзида ёзиб берсангиз,— дедим.

Бошқа гап кутган эканми, бирдан ҳам таажжубли, ҳам норози оҳангда «шуларни ёзиб беришим шартми?» деди. «Шарт!» дедим. Бироз ўйланиб турди-да, ўша бош мақолани менга олиб келинг, деди. Мен эртаси куни Парткомга ўша бош мақолани олиб боришдан олдин ўзим бир ўқиб чиқдим.

Орадан анча вақт ўтгандан сўнг, айниқса, ёзганларимни оққа кўчираётганда ҳам бу бош мақоладаги иддаонинг кучлилиги ўзимга ҳам равшан бўлди. Бу иддаонинг, аламзадалиқнинг ўзига яраша сабаби бор эди. Янги йилга бағишлаб газетани ранг-баранг қилиб чиқариш мақсадида роса бир ой олдин: «Янги йил Сизнинг ҳаётингизда қандай из қолдирган?», «Янги йилга тилақларингиз?», «Ҳали ҳеч кимга айтилмаган янги йил орзуйингиз?», «Янги йил Сизга нималар олиб келсин?» деган саволларнинг ҳар бирини ўнтадан ёзиб ташилотимиздаги турли ёшдаги одамларга тарқатмоқчи бўлдим. Саволларни кўплаг ўқиб кўриб олдин энсаси қотди. Кейин, деворий газета учун, деганимда очиқдан-очиқ устимдан кулишди. Баъзилар этика юзасидан мени ранжитмаслик учун саволларни олишди-ю, лекин жавобини ютиб юборишди. 30 декабрь куни баъзиларини учратиб сўрасам, юмшоқкина қилиб:

— Кўйсангиз-чи, ука,— дейишди.

31 декабрь куни икки киши газетани кеч соат 8 гача қолиб зўрға тайёрладик ва илиб қўйдик. Ушанда, очигини айтсам, менга ҳаддан зиёд алам қилганди ва ўша бош мақолани ёзгандим.

Уша бош мақолага қарши ёзилган Парткомнинг мулоҳазаларини ҳам ҳозир келтириб ўтирмайман. Шунинг ҳам парткомнинг нима дейиши ҳаммага маълум. Яхшиси келган жойидан давом этаман.

Комсомол йиллик ҳисобот мажлисида янги сайланган комсорг:

— Комсомолларнинг борлигини бу ерда биринчи галда деворий газетанинг мунтазам чиқиб туриши ва унинг савияси белгилайди,— деганда, кўпчилик:

— Ранг-баранг бўлсин.

— Ҳамма ўқийдиган, ўқиб тортишадиган бўлсин.

— Комитетимизнинг ҳаётига фаол аралаша олсин.

— Газетанинг ҳар бир сони ҳеч кимни лоқайд қолдирмасин.

— Раҳбарлар ҳам сал зътиборини қаратадиган мавзуга эга бўлиши керак. Уларни ҳам ўйлашга мажбур қила олсин.

— Қизиқ-қизиқ, оригинал мавзулар топиш керак.

— Газета ҳаётимизнинг, ташилотимизнинг ойнаси бўлсин. Ҳамма ўзини унда кўрсин.

— Фақат соч тарайдиган, лаб бўяйдиган ойна бўлмасин. Ҳақиқат ойнаси бўлсин.

Бу таклифлар Сизнинг қулоғингизга ҳам жуда таниш бўлса керак. Буларни эшитиб ҳамма нарса рисоладагидек бўлишига ўша сонияда лаққа ишониб кетасан. Аслида эса мажлис бошқа, ҳаёт бошқа, газетани чиқариш эса ундан ҳам бошқачароқ. Кимга бориб бирор нарса ёзиб бер десанг, ўша мажлисни эслатсанг, кеча кўрган тушини эслолмагандай ҳеч нарса ёдида бўлмайди. Мабодо ёдида бўлсаям вақт деган жонивори бўлмайди. Ҳамиша шундай. Ҳамиша. Ундан кейин газета чиқарасанми, чиқармайсанми, ҳеч кимнинг зиғирчаём иши йўқ. Унга деса йўқ бўлиб кетмайдими бари. Комсомол ҳисобот мажлисларида айтилган энг яхши таклифлар ҳам ҳаёт оқиб кетаётган кўчанинг бир четига бепарволик билан улоқтирилади. Кейин бундай мажлисларга кимнинг қатнашгиси келади? Ҳаммаси бошидан тирноғигача расмий бўлса. Бир-бирига ўхшаган маърузалар, олдиндан белгилаб қўйилган мажлис плани сал мустақил фикрга эга бўлган болани ўз-ўзидан комсомол ишидан бездиради. Ва мустақил бола комсомол ишига кўр-кўрона дастёр бўлишдан онгли тарзда бош тортади. Оқибат нима бўлади. Бошқа гапга кирадиган эси борлар, расмиятчилик гирдобиди чиниққанлар ва ҳар қандай расмиятчиликка матонат билан чидайдиганлар топилади. Булар айтганини қилади. Буюрилгани бажаради. Комсомолнинг қўйи ва юқори органларининг орасидаги тортилган пўлат ип бўйлаб у ёқдан бу ёққа югургани югурган. Бир кун қарасанг ким яхши — ўша яхши. Ким ўрناк — ўша ўрناк. Ким делегат — ўша делегат. Ким оловқалб — яна ўша. Уша оловқалбнинг қалбини тинглаб кўрсангиз у қафасдаги, расмиятчилик қафасидаги тутқун. Шунда комсомолнинг баъзилар учун олиғ мартабага кўтарилиш, юксакка учиш майдони эканлигини англаб қоласан. Қаердан чиққан — комсомолдан. Қаерда чиниққан, комсомолда чиниққан. Натижада комсомол комитети шундай лаёқатсиз болаларнинг мустаҳкам девори билан ўраб олинади. У ерга шундай маззахўрак болалар ўя қуриб оладиларки, уларда на билим бор, на дурустроқ фикр, на бирор ишнинг уддасидан чиқади. Бундайлар учун комсомол комитети жон сақлайдиган қалъа вазифасини бажаради. Айниқса, мен ўқиган факультетда худди шундай эди. Агар бирорта ўз фикрига эга бола уларнинг мажлисига тасодифан кириб қолса ва ўз фикрини билдирса борми, ана шунда кўрсасиз ҳангомани; «олдин комсомолга бирон иш билан кўрининг, кейин гапиринг» дейишади. Чунки улар худди шу мезон ва муҳитда тарбия топган. Улар комсомол дегани фақат бажарувчи деб тушунадилар. Улар учун мустақил фикр айтиш шаккоклик билан баробар.

Лекин бугун талаб бор. Бугун қайта қуриш, ошкора-лик даври. Шунинг учун бугун ҳақиқий фаолият бўлади, деб ўйлардим.

Ҳурматли китобхон, сен ҳам ўзимга ўхшасанг керак-а? Менинг ҳам сенинг каби бундай расмиятчиликка, сохталикларга, кўз учун қилинадиган ишларга тобим йўқ эди. Лекин бундай ўйлаб қарасам, нима, қайта қуришни ўша комсомолнинг ичига кириб олганлар қилармиди, деган тўхтамга келдим. Ва белимни маҳкам боғладим. Ахир замон биздан бугун ҳаётга дадилроқ аралашимизни талаб қияпти. Замон бугун бизга мунтазир, биродар. Шунинг учун мен деворий газета чиқариш билан ишни бошлашга қарор қилдим. Шунинг учун ҳам барча оғирликларга чидашга, қийинчиликларни энгиб ўтишга ҳаракат қилдим. Комсомол деворий газетасининг мунтазам чиқишини таъминлаш лозим



эди. Бироқ бунга бошқаларнинг вақти йўқ. Ҳеч қачон бўлмайди ҳам.

Деворий газета ташкилотимиз ҳаётининг барча жабҳаларига аралашуш учун аввало унга кирадиган «дарвоза»нинг калитини топиш керак эди. Бу калит ролини КОС, яъни «Комсомол ойнаси суҳбати» бажаришини кўзда тутиб, газетада шундай саҳифа ташкил қилдик. Бу ташкилотимизда ишлайдиган ҳар қандай одам билан суҳбатлашиш имконини берарди. Биринчи суҳбатни катталардан комитетнинг раис УРИНБОСАРИ билан қилмоқчи бўлдик. УРИНБОСАРга қайта қуриш, унда комсомолнинг роли, комитетнинг ҳаёти ҳақида саволлар билан муурожаат қилдик. Газетанинг навбатдаги сони тайёр бўлса ҳамки жавобдан дарак йўқ. Охири муҳаррир сифатида ҳузурларига кирдим. Уринбосар вақти йўқлигини важ қилганди, мен, бўлмаса шуни ёзиб беринг, дедим.

— Шунинг вақтим йўқлигини чиқарасизми?— деди УРИНБОСАР «эсинг жойидами ўзи» деган оҳангда, лекин ҳушёр тортиб.— Уч кундан кейин жавобини котиба қиздан олмасиз.

Ва уч кундан кейин насиҳатнома, ярим бетдан иборат жавоб билан газетани илдик. Газетамизнинг дастлабки сонларини дезарли ҳеч ким ўқимади.

Нима бўлса ҳам газетанинг «КОС»и комитетнинг дарду ҳасратларини очадиган калит эди-ю, лекин қулфни, калит тушадиган қулфни тополмаётгандик. Сирасини айтганда, бу ерда анчадан буён ишлайдиганларнинг қарийб ҳаммасининг ўзига яраша ҳасрат сандиғи бор эди. Фақат бу ҳасрат сандиғи «КОС»га ҳеч қачон очилмас, бунга очилишнинг фойдаси йўқ деб билишарди, назаримда. Газетанинг навбатдаги сони учун суҳбатлашишга шундай катта ташкилотдан одам чиқмаётган эди. Мен хуноб эдим. Ҳамма жойда қайта қуриш, ошкоралик, демократия деса-ю, лекин бизда буни ҳеч ким пайқамаетгандай, ҳамма ўзининг кунлик ишлари билан овора бўлса. Шу орада комитетнинг раиси кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг потенциал имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадида ёш мутахассислар билан махсус суҳбат ўтказди. Суҳбат демократия, ошкоралик руҳида роса 4 ярим соат давом этди. (Ана, бор экан-ку ҳақиқат! Ана, бор экан-ку демократия! Яшасин ошкоралик!) Бу улкан нуфузли ташкилотда не-не орзу-хаёллар билан эндигина иш бошлаган ёшларнинг ҳаммаси тўлиб-тошиб гапиришди. Мен ўзим ишлаётган «янги музикали ёзувлар» бўлими ҳақида, унинг бўлим бошлиғининг на музикага, на адабиётга алоқаси борлиги, лекин кўп йиллардан буён ишлаётгани ҳақида гапирдим. Агар ўша бўлим бошлиғи бундан кейин ҳам ишлайдиган бўлса, у ерда ҳеч қачон қайта қуриш бўлмайди, дедим...

... борар жойим, ўйлар ўйим, уйим, белимга боғланган белбоғим, қўлимни тикадиган чўнтагим, суянадиган суянчим, сиғинадиган оллом — Ёлғизлик. Тошдай ўйларимга бошимни уриб ёки фақатгина ижарадан қорин ғами судраб чиққанда, ёки, умуман, мақсадсиз кўчаларда санжиб юрганимда ўзимча мулоҳаза қиламан: мен ўша куни гапирганимда, ё учрашувга борганимда, ё бўлмаса учрашув қолдирилганда мен ўзим ишлаётган бўлим, унинг бошлиғи ва қўшиқ ёзарлари ҳусусида, ёзиб олинаётган юзлаб бачкана, суюқ, янги қўшиқлар ҳақида гапирмаган бўлармидим, гапирмасмидим. Қўшиқ ёзар Исроил Борон ҳақида-чи. Унинг «Дўстлик» деган қўшиғи ҳақида-чи, ломим демасмидим, деб ўзимдан минг-минг марта сўраб кўраман. Бу сўроқнинг қиздирилган қагирини ўша куннинг кўксига алам билан босаман. Алам билан

босаману ўзимнинг кўксим куяди. Ёки энг яқин дўстларим ҳозирлари ҳам айтадиган тактика менда йўқми?! Ҳақ гапни айтиш учун тактика керакмиди? Менда тактика йўқ бўлса, нега ҳақ сўзни айтдим. Уларда тактика бўлса, нега ҳақиқатни айтишмайди. Нега ўзлари айтишмайди-ю, лекин айтганини, тактиканг йўқ, деб айблашади. Исроил Борон «Дўстлик» қўшиғида дўст излайди-ю, тополмайди. Агар яхши одам топилса дўст бўларди, дейди. Бу қўшиқнинг бадий жиҳатдан бўшлиғини, қўшиқ қилишга арзимаслигини олдин бадий кенгашларда, кейин катта летучкада айтдим. Бадий кенгаш раиси УРИНБОСАРга:

— Бу қўшиқни олтин фонддан ўчириб ташлаш керак. Халқ артисти айтган бўлса ҳам шеъри бачкана, агар шоир дўст излаб 5 миллиард одамнинг ичидан дўст тополмаган бўлса тингловчи айбдорми?— дегандим.

Бор-йўқ айтган гапим шу эди. Бу ўзи ҳақиқатмиди, ҳақиқат учун курашмиди?! Уша куни летучкадан чиққанимдан кейин бир семизроқ киши олдимга кулимсираб келди ва секин атрофга қараб олди-да:

— Балли. Так держат!— деб елкамни қоқиб қўйди-ю, тезлик билан олдимдан узоқлашди. Ундан кейин эртасига, индинига мени кўрганда, атрофига яхшилаб қараб олгандан сўнг «маладес, доим шундай бўлинг», дейдиганлар кўпайди. Ҳатто биттаси секин телефон қилиб, ишдан кетаётганда палон жойнинг палон бурчагида Сизни кутаман, фақат ўзингиз келинг, деб тайинлаган, борсам, қўлимни узоқ вақт маҳкам қисиб, юзимга жилмайиб қараган ҳолда худди туғилган куним билан кутлаётгандай:

— Табриклайман. Аммо лекин бопладингиз. Боплаш керак уларни. Ҳамма жойни расво қилишди. Агар сизнинг бундай чиқишингизни олдиндан билганимда фактнинг энг зўрини ўзим берардим, табриклайман,— деганди. Шуми тактика? Шулар тактиками? Мени табриклаган, менга «балли» деганларнинг кўплари мен ишдан бўшатилаганимдан кейин раҳми келибми, ёки тактикаси шунақами:

— Бу ифлосларга тегинмаслик керак эди. Тегиндигизми, кейин бу ерда қўйишмайди. Қуритишади. Шунақа, мафия бор буларда. Буларни мен ўзим бир боплашим керак,— дейишардилар.

Шунақа, шунга ўхшаган турли хил тактик гапларни кўп эшитдим. Лекин ўша кунга қайтиб, яна давом этай. Уша куни раис менинг гапларимни маъқуллаган эди ва бир неча кундан кейин бўлим бошлиғимиз бошқа ишга ўтказилди. Деворий газетанинг эса навбатдаги сони чиқди.

Бўлим бошлиғим ишдан олиниб, деворий газетанинг навбатдаги сони чиққандан кейин ҳақиқий можаролар асабийлик ва шиддат билан бошланди.

Газета девордан бир неча бор олиб ташланди. Комсоргга партбюро, газетани муҳокама қилинлар, деб тайинлаган экан, комсомоллар газетани муҳокама қилишдан бош тортишди. Ҳамма бир овоздан:

— Ҳамма ўқияпти, демак муҳокамасиям ичиди,— дейишди.

Газетанинг ўша сонини жуда кўпчилик ўқиди. Кимнингдир ёқимли ҳазилига қараганда ҳатто чет элдан одамлар келиб ўқишганмиш. Ҳар қадамда газета ҳақида гап. Ҳатто сиёсий ўқиш кунлари деворий газета ҳақида баҳслар бўларди. Бу баҳсларда кўпчилик оддий ходимлар газетани маъқуллар, камчиликларини айтарди. Гўё ҳаётимга янгича мазмун кирган эди. Яна янги режалар билан миям банд. Ҳар гал газета осилиб турган жойдан ўтаётганимда одамлар уни ўқишаётган бўларди. Баҳслар, тортишувлар бўлса давом этарди.



Газета бирдан йўқолиб қолди. Сўраб-суриштириб ҳеч қаердан тополмай охири директор опанинг олдига кирдим.

— Газетани албатта топиш керак. Кимки олиб ташлаган бўлса, бу сиёсий кўрлик. Олиб ташлаганларга партиявий жазо бериш керак. Ахир ошкоралик, демократия,— деди опа.

Кейин опанинг мулоимлик ёғилиб турган юз-кўзларига ҳар қандай одамни ўзига яқин олувчи алланечук кучли ифода югурди. Бу ифода кўзларининг қоп-қоронғи қаърида гўёки пистирмада турган сараланган қўшиндай фақатгина энг зарур онларда пайдо бўларди ва юз-кўзини эгаллаб, муомала кўприги орқали сизни маъв этиш учун юмшоқлик билан ҳужумга ўтарди. Ва энг олдин ақлу ҳушингизни таслим қилишга киришарди.

— Газетани ўқидим. Биласизми? Сизга қараб туриб бирдан катта ўғлимни кўргандай бўлдим. Қаранг, ўхшаб кетар экансиз. Ёшингиз? Ана, тенгдош экансизлар. Энди ўзингизга бир-икки гапим бор. Газетани ўқидим. Ҳамма гапиряпти. Бу яхши, Ёшларнинг ўзига хос йўли бўлиши керак. Биз уларни қўллаб-қувватлашимиз шарт. Мана сиз ёшсиз. Меъ ўзим ёшларни, айниқса, сизга ўхшаганларни яхши кўраман. Куч-ғайратлисиз, ҳали сиз давлатимизга кўп фойда келтирасиз. Бир нарса сўрамоқчиман. Газеталарингга қатнашган Олимжонни ўзим ишга олганман. Ҳатто олдинги раис идеология соҳасига грушкани (ҳаммол) олганман, деб қарши бўлган. Мен барибир, бола-чақасини ўйладим, принципаал туриб олдим. Мен унинг камчиликларини беш қўлдай биламан. А, фазилатлариям бор. Ҳеч ким уни менчалик билмайди. Унинг шу мақоласи, биласизми, одамлар ўртасида, коллективимизда анархияни, турли мишмишларни, ишончсизликни уйғотиш мумкин. Лекин мен Сизга Олимжон билан суҳбат қилиб нотўғри қилибсиз, демоқчи эмасман. Комитетимизда ҳар томонлама муносиб, комсомол-ёшларга ўрнатилган бўла оладиган ёш коммунистлар кўп эди-ку?

— Тўғри,— дедим унинг юз-кўзидаги ифодага дош бериб қарарканман, — лекин ҳеч ким суҳбатлашишни истамади. Сиз айтётган одамларга мен бир неча бор мурожаат қилувдим. Улар рози бўлишмади. Олим аканинг камчиликларига келсак, ундай қусурлар ҳаммадаям бор. Айтинг-чи, Олим аканинг камчиликлари қайси эзгуликка тўғаноқ бўляпти?

Менинг саволидан кейин унинг юз-кўзидаги ифода ноилоҳ юз-кўзининг азалий жойига талафотсиз бекинди.

— Биз газетамизга ҳаммани жалб этяпмиз. Сиз ҳам шу даргоҳнинг ҳам раҳбари, ҳам тажрибали вакилисиз, шу мулоҳазаларингизни ёзиб берсангиз яхши бўларди.

— Жоним билан ёзиб берардимиз ҳали мажлис, ҳали партбюро, ҳали ҳисобот, ҳали муҳокама билан қўлим бўшамайди.

— Ҳамма шунақа дейди,— дедим.

Опа «ёзиб бермайман»ни «майли, агар вақтим бўлиб қолса, ўйлаб кўраман, аммо буни ваъда, деб тушунманг» деган сўзлар билан айтди. Хўп, айтинг-чи, бу ҳам тактиками? Мен шу тактикани ўзлаштиришим керакми-ди?!

О, деворий газета! Менинг фиғоним фалакка ўрламай, кимники ўрласин?! Агар сенинг тилинг бўлганида менга нималар дердинг? Овора бўлма, ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди, дермидинг? Ёки мен томонда турармидинг? Ёки мени муҳокама қилиша-қилиша охири йўлини топиб ишдан бўшатиб юборгандан сўнг:

— Сиз уже давно юттиргансиз. Сизнинг ўрнингизда бўлсам мардона туриб барини ташлаб кетардим,— деган КАТТА ШОИРнинг сўзларини тасдиқлармидинг?

— Мен бу ердагилар билан курашмайман. Сабаби, улар курашга арзимади. Улардан нимани талаб қилиш мумкин, ўзлари талабга жавоб беролмаса,— дейишни хуш кўрадиган КАТТА ШОИРга:

— Лекин шулар-ку халқнинг онгини, тафаккурини эфирдан туриб қотираётганлар,— десанг, КАТТА ШОИР бунга осон жавоб топади.

— Қайси бири бир-биридан яхши? Ҳаммаси ҳеч нарсага арзимади. Шунинг учун булар билан курашиб, вақтимни беҳуда ўтказиб, кейин шеър ёзолмай юраман. Ижод қилишни учун менга икки жойда тинчлик керак: уйда ва ишхонада. Уйда хотин билан, бу ерда булар билан уришмасликнинг йўлини қиламан. Бўлмаса ҳеч нарса ёзилмайди.

— Демак сиз курашдан четда экансиз-да?

— Нега энди. Мен бошқалар билан курашаман ва албатта энгиб чиқаман. Енгишим шарт. Буларингиз эса ҳатто курашишга лойиқ эмас. Менга энгилиш ярашмайди.

— Сизнинг енгишингиздан кўра балки айнан енгилишингиз кўпроқ ғалаба келтирса-чи?..

О, деворий газета, КАТТА ШОИР бошқа гапни чўзмайди. Ахир у катта-да! Катталик қилади. Унга энгилиш эмас, катталик ярашади. Сенга жимгина деворда осилиб туришни, менга эса мардона туриб барига «тфу» деб ташлаб кетишни маслаҳат беради. Ёки шуми тактика? Шуми курашнинг энг тўғри йўли?

Эҳ, КАТТА ШОИР!

КАТТА ШОИРнинг хабари йўқ эди-да. Менга куни кеча у курашга арзимади деган одамларнинг бири ачинади, ғамхўрлик билан:

— Бошқа жойдан иш топинг. Бу ерда яхши одам ишламайди. Ҳаммаси ифлос,— деб маслаҳат берганди. Ажаб, улар ҳеч қачон бир-бирини тан олмайди. У буни, бу уни ҳеч нарсага арзитмайди. Лекин улар ҳам ўзларининг адолат ва ҳақиқат тарафдорлари эканлигини, менинг тўғри қилганиму бунақа деворий газетани ҳали ҳеч қачон ўқимаганликларини айтишади, эътироф қилишади-ю, нега айни чоғда бу ердан менинг кетишимни илтимос қилгандай, ялиниб-ёлвориб сўраётгандай маслаҳат беришади. Нега улар комитетдаги ачинарли аҳволнинг сабабларини миридан сиригача билишади-ю, ҳаммасини тушунишади-ю, бирор марта овозларини чиқариб айтишни ўзларига эп кўришмайди. Ёки улар бор ҳақиқатни айтётган, ўз овозларини ўзлари эшитиб бевақт бостириб келаётган ажалнинг даҳшатли овозларини ўзлари эшитаётгандай юраклари тарс ёрилиб кетишдан қўрқадиларми? Ёки шуми тактика? Ҳақиқатни билиш, тан олиш, лекин айтмаслик, ичида сақлаш фазилатми?

Ҳар куни оромкурсида соатлаб қотиб ўтириш ва ойлаб кутиш, чиқ-чиқ деб ўтаётган дақиқаларда фақат чиқмаётган бир нарсани ўйлаш, одамларнинг лоқайдликка ўраган усти истилган муздай илтифотли муомаласи, ҳар куни кўрганларнинг гўё бутун ўю фикри менинг шу ерда қолиб ишлашимдан иборатдек, «нима бўлди, нима бўляпти» дейишлари, онасининг қорнидан бошида дўпписи билан туғилган, бурнининг ҳаво кириб чиқадиган тешиклари ўртасидаги жойи митти ариқчани эслатадиган аканинг нолишларининг оромбахш тўлқинида тебранган ҳаёт ва ишдан мамнунлик тиниқ сувнинг тагидаги харсангдай яққол ақс этган оҳ-воҳлари, кўзойнакли ва кўзойнагидан иборат ходимнинг у ёқдан бу ёққа юриши, КАТТА ШОИРнинг кундан-кунга менга маълум бўлаётган ожиз, кучсиз томонларини ёниқ шеърлари билан беркитиши қийинлашиб бораётганидан талвасага тушишлари — ҳаммаси мени бўғайтган



дай бўлади, бирдан кўчага — озодликка отиламан. Ойдин кечалар!

Бу азим шаҳарнинг эй, мунаввар оқшомлари, Сизнинг қўйнингизда тўйиб-тўйиб шоду хуррам юрганман. Сизни қизни севгандай севганман. Эй гўзал оқшомлар, мени кечиринг. Сиз ҳақингизда тўлиб-тўлиб ёзолмаганим учун. Эй, юрагимга ҳамашу ҳурлиқолар. Сизга севги, муҳаббат ҳақида тусмоллар тўла ваъз айтгани менинг бугун вақтим йўқ. Деворий газета десам Сиз нафис бурунчаларингизга жийриш билан озор берасиз. Шунинг учун вақтинча хайр!

Яна бир зум бўлса-да, ҳамма нарсадан қутулгандай, ҳамма нарсани тўғри, теран тушунгандай бўламан. Яна ёдимга мени қандай муҳокама қилганлари, қилаётганлари тушади.

Азиз китобхон. Сенинг ихлосингни қайтариб қўймаслик учун, айт, нима қилай. Сенга қандай сўзлар айтмайди, дилинга хуш келсин. Сен менинг илк китобхонимдирсанки, бу мен учун катта давлат. Чунки сени мен ўзимни азоб билан излаётганимда топдим. Энди мен ўзимни топишимда якяю ягона гувоҳ сен бўласан...

— У жуда талантли. Сўзни, адабиётни яхши тушунадди. У билан бадий кенгашда кўп бор мунозара қилганмиз, баҳслашганмиз. Бу соф ижодий жараён. Лекин бир нарса борки: у ҳақ бўлсаям, ноҳақ бўлсаям ўз айтганида маҳкам туриб олади. Шундай туриб олади...

Ахир бу яхши-ку.

— Тўғри, яхшилиқка яхши,— давом этди Бош муҳарриримиз,— лекин ноҳақ бўлсаям катталарга қулоқ солмайди. Агар у мабодо шу ерда қолиб ишлайдиган бўлса, катталар билан мулоқотда бўлсин. Ургатайлик, йўл-йўриқ кўрсатайлик, охирида шуни айтмоқчиманки, ёшларимиз катталарни ҳурмат қилишни билмайди. Шунга ўргатишимиз керак.

Бош муҳаррир сўзининг охирига бутун куч қуввати-ни, ақл заковатини хасислик қилмай сарфлади. Унинг гап оҳангидан ўзининг ҳақ эканлигига ва бошқалар уни қўллаб-қувватлашига ишончи ошқора жаранглаб турар, у бундай мажлисларда, йиғинларда гапирариб устаси фаранг бўлиб кетганлигини афтидан яна бир марта намоёниш қилишдан хурсанд эди. Гапини тугатиши билан ўтирганларнинг қайси бири қайси фикрини сўзма-сўз такрорлаб, тўғри айтдилар, деб қувватлашини олдиндан билгани учун ҳам ўзини жуда хотиржам кўрсатишга тиришарди.

— Тўғри айтдилар ҳурматли Бош муҳаррир, биз ёшларимизни катталарни ҳурмат қилишга ўргатишимиз керак,— деб гап бошлаган Партком кейин ўзининг муддаосига кўчди.— Газета, бу ўртоқ муҳаррир бўлган газета. Комсомол деворий газетаси анча ўқимишли, шов-шувларга...

— Сенцацияга,— деб қўшимча қилди кимдир.

— Ҳа, ҳа,— деб давом этди керакли сўзни узатиб юборган одамдан миннатдор бўлиб Партком,— сенцацияга сабаб бўлмоқда. Газета комсомол газетаси бўлгандан кейин комсомол ҳаёти ёритилиши керак. А, газетада эса партиясиз одамнинг субъектив қарашлари нотўғри берилган. Мен ўша одам билан кўп бор гаплашганман. У ўзининг хато-камчиликларини тан олишни истамайди, ҳатто тушунмайди ҳам. Шундай одам билан Комсомол газетаси суҳбат қилиб ўтирибди. Ўзининг хатосини тушунмайдиган одамнинг ташки-

лотимиз ҳақида, унинг коллективи ҳақида фикри қандай бўлиши мумкин. Албатта салбий. Ундан комсомоллар қанақа ўрناق олиши мумкин?! Бу суҳбатга нима дейиш мумкин?! Бу комсомол ишининг кўринмаётганидан дарак беради. Мана, масалан, коммунистлар ишлашпти, тез-тез мажлислар...

— Очиқ партия мажлислари,— деб бояги қўшимча қилган овоз яна қўшимча қилди.

— Ҳа,— яна давом этишга ҳаракат қилди Партком,— мана очиқ... очиқ партия мажлисларига ҳамма кириши мумкин. Киришлар, ўз фикрларингизни айтишлар. Биздан ўрганишлар...

— Кечирасизу,— деди Вера Павловна,— бир эътирозим бор. Биз 25 йиллик иш тажрибамиз... билмадим, ёшлар мени тўғри тушунадими йўқми, ўтирган ўрни-миздан қўрқиб ҳар нарсага шубҳа билан қарашга, ҳар нарсадан ҳадиксирашга ўрганиб қолганмиз. Тан олиб шуни айтмоқчиманки, ёшлар биздан ўрганадиган ҳеч нарсамиз йўқ. Улар мустақил иш қилишлари учун эркинлик берайлик. Биздан ўрганиш, ўрناق олинг, деб уларни ҳам ўзимизнинг аҳолимизга солиб қўймайлик. Бизнинг тажрибамиз, иш методимиз ёшларга тўғри келмайди. Чунки биз ҳақиқатни нафасимизни ичимизга ютгандай ютиб ўрганиб кетганмиз. Уларни шунга ўргатамизми? «Биздан ўрганишлар» дейиш уларни ҳам эскичасига ишлашга ва ўйлашга чақириб деб тушунаман мен. Агар бу ўртоқ бизга керак бўлса, гапни ҳар томонга чўзмасдан, келинлар, унга овоз берайлик.

— Овозга қўйишдан олдин билишимиз керак.

— Ҳа, тўғри.

— Ҳа, олдин билайлик, чунки газета билан у бошқача фикрлар уйғотди.

— Комсомол газетасига муносиб комсомол бўлиши керак.

Булар партбюро овозлари эди.

— Мен бюро аъзоси эмасман, гапирсам бўлаверадими? Биз комсомоллар, биринчи ўринда шахсан мен, кўпчилигимиз газетадан ҳақиқатни гапиришни ўргандик. Шу газета бизни ўзимизга эътибор беришга, атрофимизга тўғри қарашга ўргатмоқда. Шунинг учун мен газета муҳаррирининг шу ерда қолиб ишлаши тарафдориман,— деди комбюро аъзоси бўлмаган овоз.

— Агар мен сентябрдан буён янги сайланган комбюро фаолияти ҳақида гапирсам, фақат унинг ҳисоби-га ишляпмиз. Ҳали биз ўзимизни тўла англаб, бир йўлга тушиб олганимиз йўқ,— деб гап бошлади комсорг.

— Нега энди,— деди партбюродан бир овоз.

— Чунки бунинг учун вақт йўқ.

— Шунча вақт етмаяптими,— деди яна бояги овоз.

— Бундан чиқди етмабди-да,— чўрт кесди комсорг.

— Конкретроқ қилиб гапиринг,— деди партбюро.

— Мен комбюрода фақат угина ишлади, деб айтмоқчиман,— деди комсорг.

— Қолганлар-чи?— партбюродан овозлар бирдан портлади.

— Қолганлар ҳали ишга киришолгани йўқ.

Саволларга жавоблар ёқмади.

— Фақат деворий газета чиқаришни фақат у ишлади, деб баҳоляпсизми?

— Ҳа!

— Хўш, айтиш-чи, газетанинг қайси сони сизнинг ёдингизда қолди?

Саволга конкрет жавоб кутди партбюро. Жавоб анча кечикди.

— Ҳар қалай, ҳар бир сонини одамлар қизиқиб ўқиди-ку,— деди комсорг каловланиб.



— Тўғри, ўқимоқда. Лекин ундаги материаллар миш-мишларга, ғийбатларга, яхши одамларнинг обрўсини тўқишга сабаб бўлмоқда,— дейишди партбюродагилар.

— Хўп. Бўлмаса қанақа бўлиши керак? Бу субъектив, ғийбат, миш-миш бўлса. Ўзи газета қанақа бўлиши керак? Ҳеч қандай фикрсиз, сўзсиз, сип-силлиқ бўлса яхшими? Нима, бизда қайта қуриш шарт эмасми? Раҳбарлар ҳақида ёзиб бўлмайдами?— деб зарда аралаш сўради комсорг партбюродан.

— Ҳар қалай, одамни танқид қилиш мумкин. Ҳақиқатни айтиш керак. Ҳозир ошкоралик, демократия, лекин...

Ўртага ўша лекинни қўйиб қолганини яна эски йўлдан ҳайдаб кетишди. Муҳокама ўз-ўзидан чўзилиб борарди. Бундан фойдаланган баъзилар фақатгина ўзини қизиқтирадиган ва дилини қитиқлаган саволларни юзлари гул-гул яйраб ҳузур қилиб берарди. Кўнглининг чигали ечилгунча муҳокамага мутлақо алоқаси бўлмаган масалалар хусусида қизишиб, кўзининг пахта-си чиқиб ўз фикрини айтганлар ва ўртада асосий масала қолиб, бир-бири билан баҳслашиб, жиққамушт бўлиб, ғижиниб, бир-бирига тишларини қайраб, юзлари қизариб, пешонаси терчиллаганлар ҳам бўлди. Қадрдон китобхон, улар ўзларининг учлари қоп-қорайиб кетган азиз косовларини ўзга тандиру ўчоқларга тиқиб кул титаётганда ва ундан бениҳоя роҳат олаётганида мен сени ўйладим. Ва кўп нарсани ташлаб кетдим. Шунингсиз ҳам Сенинг юрагингни сиқиб юбордим. Ичинг торлик қилаётган ва миянғ ҳали бундай савдоларга ўрганмаган бўлса, бир неча саҳифаларни ташлаб ўт. Чунки мен сенинг азият чекмаслигинга мослаб ҳикоя қилишга ҳали ўқувим йўқроқ. Шунинг учун сенга тезтез мурожаат қилмоқдам.

Хуллас, ўша куни муҳокама алламаҳалгача чўзилди ва шу ерда қолиб ишласин, деб қарор қилинди. Қарор қилинишига қарор қилинди-ю, вақт кунлар арғумоғини қамчилаб забт билан ўтиб борарди. Ушанда мен содда, ишим ҳал бўлди, деб қаттиқ ишонган эканман. Яна ҳафта ва ойлар ўтди. Ишламаётганимга етти ой бўлган олис масофадан туриб ўша кунларга қарайман. Ростдан ҳам одамлар деворий газетанинг чиқишини кутишганмиди? Ёки бир зайлда ўтаётган зерикарди кунларини амал-тақал қилиб ўтказиш, ёки бир хонада юзма-юзи ўтирган ҳамкасби билан ниманинғидир хусусида ғўнғиллаб ўтириш учун бирон сабаб тополмаганидан, ёхуд шу бола пақирнинг (албатта нодон) бир кўнглининг синган шоҳларига ҳақча тираб кўтариб қўйяй, мендан нима кетди, деб ўйлагани учунми? Ё газетада, ҳатто деворий газета бўлсаям, ёқтирмаган одамим палончи ҳақида бирор гап чиқиб қолармикан, деган илинжи борлигиданми? Ё улар деворий газета ўқиб, ҳайратланиб, бир пайтлар шунчаки беиз ўтиб кетган комсомоллик йилларини ростданам афсус билан эслаганлари учун газетанинг кейинги сонини мўъжизани кутгандай кутармиди? Оддий деворий газетадан ҳам шу даражада фойдаланиш мумкин экан-ку, деган ўй балки уларни қувонтирган, балки оғринтиргандир, бизларга ҳаваси келгандир-а, деб ўз-ўзимдан сўрайман.

Комитетда нечта бюро, нечта жамоат уюшмаси ва тўғараги бўлса бари навбатма-навбат менинг шу ерда қолиб ишлаш-ишламаслигимни муҳокама қилиб чиқишди. Комсомол бюроси аъзолари РАИСнинг қабулига кириб менга яхши, фаол комсомол, деб қафилликка ўтишди. РАИС Парткомга «бу йигит билан гаплашиб кўринг, ишга жойлаштиринглар», деди. Шундан кейин ҳам муҳокама ва менинг ишсизлигим давом этаверди. Менинг ишдан олинишим жуда оддий бўлганди. Ишга тўғишга кетган аёлнинг ўрнига вақтинчалик кирган

эдим. Мени ишга олаётганларида эса доимий ишлайсан, деб оғзаки ваъда берган эдилар. Раис билан учрашувда бўлим бошлиғимни танқид қилгандан кейин у ишдан кетгунча ўша мен ўрнида ишлаётган аёлни муддатидан олдин чақиртириб олди. Мен эса қонунга биноан ишдан автоматик бўшатиладим. Буни ҳамма яхши биларди. Охири Парткомнинг олдига бордим.

— Мени тўғри тушунинг, сизни ишга олишга УРИНБОСАР мутлақо қарши. Жуда ёмон бола, ҳар нимага тумшуғини тикади, ҳар нимадан камчилик ахтаради, ҳар кимни танқид қилиб обрў олмоқчи бўлади,— деди. Ва ёрдам беролмаслигини айтди. Бундай ишларни фақат УРИНБОСАРнинг ўзи ҳал қилар эмиш. Шунда УРИНБОСАР билан бўлиб ўтган тортишув ёдимга тушди. Исроил Бороннинг шеърини танқид қилганимда у бадий кенгашда ҳимоя қилганди. Кейин ўйлаб кўрсам, мен буни катта летучкада ҳам айтганим, устига-устак газетанинг охириги сонларида раҳбарларга нисбатан танқидий мулоҳазалар борлиги бари бир бўлиб менинг йўлимга ғов бўлаётган экан. Мен буни Парткомнинг гапидан сўнг нега мени муҳокамадан муҳокамага судраётганининг асл сабабини билгандай бўлдим. Шу куни кадрлар бўлимнинг бошлиғи Федорович билан учрашиб қолдим. У мени Раис билан суҳбатда таниб қолган эди. Шунинг учун бўлса керак, мени хонасига бошлади.

— Сенга бир нарсани айтмай, йигитча. Ҳақиқатни ҳеч ким севмайди, дейди руслар. А, ўзбекларга бу зап мос келади. Шу юртда яшаётганимга 40 йилча бўлди. Ҳамон бою камбағаллар психологияси бор бу ерда. Сен — камбағал, анов амалдор бўлса — бой. Қўлингни кўксингга қўйиб хўп, хўп бўлади, десанг сенга нон бор. Кўнмасанг, мана бундай сарсон қилишади. Энди сен бу йўлдан қайтма. Энди қайтмаслигинг керак,— деганди ўшанда у. Таажжуб, у ҳалигача ҳақ бўлиб келмоқда.

Хуллас, бешинчи марта Бош муҳаррирлар йиғилиб муҳокама қилишди. Энг охирида мен ҳамма Бош муҳаррирлар чиқиб кетгандан кейин кириб бордим. Партком, Профком, Местком ўтирган экан. Уларнинг айтишича, Бош муҳаррирлар мени шу ерда ишда қолишимга қаршилиқ қилибди. Гўёки мен газетам ва ўзимнинг юриш-туришим билан уларда ёмон таассурот қолдирган эмишман.

— Сиз қайсарсиз,— деди Партком,— шунинг учун ҳам улар сиздан ва сизнинг газетангиздан бомбадан қўрққандай қўрқишмоқда.

— Бомбадай?

— Ҳа, настоящий бомбадай,— деб аниқлик киритди Местком.

Бу топилма менга ўшанда жуда ёмон таъсир қилган эди. Бу топилма менинг сабр-бардошимни тағ-томири билан суғуриб олганди. Кўз олдимда бомба портлагандан қолган вайроналар, бомбардимон қилинаётган шаҳарлар ва жон ҳолатда қочаётган мингларча одамлар, қоп-қора тутун ўрлаган осмон, қулаётган бинолар, унинг тагида уввос солиб йиғлаётганлар, ярадорлар — ҳаммаси кино лентасидай пала-партиш, бир зумда кўзимнинг олдидан ўтди. Бомба портлаган вайроналарнинг ичида мана булар ҳам кўзимга чалингандай бўлганди. Бирдан бошимдаям бомба бордай туюлди. Доим менга қийин, фақат менга оғир, деб ўйлайдиган мен мана буларга ва ана уларгаям нақадар қийинлигини тушуниб қолдим. Уша куни алламаҳалгача қолиб кетдим. Мен керагидан ортиқ асабийлашаётган эдим. Парткомга энди росткамига ташландим. Партком ҳам шу маҳал УРИНБОСАРга кўнғироқ қилди. УРИНБОСАР айна кунларда расм бўлган одат бўйи-



ча ўрнидан туриб қўл олишиб илиқ кутиб олди. Ҳамма билан сўрашди. Кейин менга махсус ўгирилиб:

— Сиз мендан хафа эмишсиз... (ҳа, нимадан хафасан. Сен нотовону ожиз, қани айт, мақсадинг нима, тила тилагингни, нима қилай, бир қошиқ қонингдан кечиб, бошингни силайми, дегандай сукут билан менга тикилди) Устимдан юқорига арз қилар эмишмисиз... (ўв, бу дунёи кабирда мендан юқорисиям бормикан-а, борми-а, девонаи мардон) Майли ишондим (ҳай, бир қошиқ қонингдан кечдим). Бу ерда ишлаш ниятингиз бор экан нега ўзимга келиб айтмадингиз. Ўзим Сиз билан бир гаплашсам, девдим. Кеча раис чақириб қолди (Ана кўрдинг, бу азим замоннинг иши ҳеч вақт мансиз битармиди? Ҳеч шундай бўлганми? Шундай бўлиши мумкинми? Асло!!! Сен бўлсанг) Комсомолларни уюштириб РАИСнинг олдига олиб кирибсизми? Нега тўғри менга келмадингиз комсомоллар билан (ўв, ўша чурвақалар сенга нима қилиб берарди, агар мен истамасам). Уша заҳотиёқ ҳал қилардим, Сизнинг масалангизни. Мен шунча ойдан буён ишламай юрганингиздан беҳабарман.

Шу ерга келганда Парткомга рўзланди:

— Хўш, Бош муҳаррирлар нима деди?

— Улар кўрқишяпти,— деди Партком.

Местком, Профком бош қимирлатдилар.

— Улар кўрқишаётган бўлса, мен буни қандай ишга оламан (қани ялин, ялинмайсанми?),— деди УРИНБОСАР.

— Ахир сиз раҳбарсиз. Ҳаммаси қўлингизда. Ҳам партбюро аъзосисиз. Сиз бир оғиз айтсангиз, улар қаёққаям борарди. (Ялининг, ахир ялинсангиз-чи, илтижо қилиб).

— Бўлмаса уларни эртага бир чақириб гаплашиб кўраман (қаранглар буни, ялинишнисям билмайди. Ялин, чўкка туш десанглар-чи, ўзи тушунмаяпти шекилли),— деди виқор билан УРИНБОСАР.

— Шундай қилинг, шу болага бир ёрдам беринг (ялин, ялинсанг-чи, бориб чопонинг барини ўпсанг-чи),— дейишди ҳаммасилар.

— Эртага кўрамизда (нима, бунга қондасини ўргатмадингларми? Ялинишни билмаса қандай ишга оламан, ахир).

— Ҳа, энди ўзингиз эртага (бизам ҳайронмиз, ялинишни... тавба).

Бирдан менинг овозим портлади.

— Эртага келмайман. Мен халқимни сотганим, ватанимга хиёнат қилганим йўқ. Ватан хоинини ҳам бир марта муҳокама қилиб, айбини айтиб, бўйнига қўйиб, кейин шарт отиб ташлашган. Мени қачонгача эртага, эртага, деб овора қиласизлар.

— Менга қара,— деди УРИНБОСАР.— Нима деганинг бу, келмайман эмиш. Сени 100 комсомол қувватлаганда ҳам билдан иш сўрашга юридический ҳақинг йўқ. Ҳал қизамиз деяпмиз-ку. Менинг ҳатто сен билан гаплашмасликкаям ҳаққим бор.

— Ҳа, ҳаққингиз бор. Майли, мен кетдим...

О, менинг одамлар кўрққан қайсарлигим. Ахир сен эгнимни бут, қорнимни тўқ қилармидинг?! Ахир озгина ялинганимда улар бошимни силаб, эгнимга зар чопон ёпар эди-ку, бир парча қора ноним нақд бўларди-ку? Нега? Дунёда энг яхши УРИНБОСАР сизсиз, шафқат қилинг, билмабман, тавба қилдим, деёлмадим. Шу тавбам ҳар қандай муҳокамаю партбюро-комбюро қарорларидан кучли эмасмиди? Нега шундай қилмадим? Нега, қодир олам, мени қайсар, дўнг бўйин қилиб яратдинг..

— Ҳа, Сизнинг ҳаққингиз бор. Лекин менинг ҳеч нарсага, ҳатто тиланчи бўлишгаям ҳаққим йўқ.

Билмадим, бу сўзларни хаёлимда айтдимми, ё уларга қарабми? Ҳозир аниқ эсимда йўқ — Ортимдан ҳай-ҳайлаганча қолишди. Эшик «оҳ» деб ёпилганича уларнинг илондай буралиб бўйнимга ёпишган ҳай-ҳайларини ичкарида олиб қолди.

Ташқарига чиқишим билан чап кўкрагимдаги олов бутун танамга ёйилди. Мен учиб кетаётган эдим. Агар ўша хонада яна бир лаҳза ўтирганимда бир умр зиндон ичра қолиб кетишимни аниқ ҳис этиб учардим.

Салом, халойиқ! Салом, халққа лойиқ! Ҳозиргина мен эшикни оҳиста ёпиб чиқдим. Агар бир лаҳза кечикганимда Сизлар билан бир умр кўришмаган бўлардим. Бир зум тўхтанглар! Сизларга ҳали ҳеч ким билмаган, ҳали ҳеч ким эшитмаган буюк сирни айтаман.

Тўхтанглар!

Эшитинглар!

Дунёда ҳақиқат бор!

Одамлар, севиб, севилиб, қувониб, йиғлаб яшайлик дунёда, дунёда муҳаббат борлиги учун.

Мен ҳозир Сизларнинг ўрнингизга ҳам ўша манфур эшикни ёпиб келдим.

— Ҳей оппоқ кўйлакли нозиккина синглим! Ҳали ҳеч кимни севмадингизми? Ахир, севиш керак. Севиб, ўртаниб яшанг бу ёруғ оламда. Ишонинг, ўзингизга қаттиқроқ ишонинг! Балки сени ҳам кимлардир қайсидир жойда бўйингача шилтага ботиб муҳокама қилишаётгандир. Майли, қўявер уларни.

— Сиз-чи, кўзойнак таққан ўрис амаки. Айтинг, кўксингиздаги нишонларни ҳозир мени муҳокама қилаётганларнинг ҳаётини сақлаб қолганингиз учун олганмисиз? Агар ановиларнинг кимлигини билганингизда, балки ўша қонли жангларда омон қайтганингизга пушаймон бўлардингиз...

— Сиз-чи, холажон! Нега маъюссиз. Ахир одамнинг бир куни ўтади-ку. Ёки сизнинг юрагингиздаги нишонларнинг сон-саногии йўқми? Сизнинг юрагингизни ҳануз муҳокама қиладиларми улар?

— Сен-чи, бир жуфт пиво кўтариб, сархуш кўзларингни атрофнинг очиқ кўксига ханжардай қадаган тенгдошим. Ҳа, сен ҳозир ҳаммасини чиққан жойига қайтариб тиқишга қодирсан, лекин...

Шунда кимнингдир:

— Кечирасиз 65 шу ерга келадими? — деган саволи кирди қулоғимга.

Ўйларимдан бош кўтардим.

— Ҳа, шу ерга келади, — дедим ва ўзим ўз овозимни биринчи марта эшитган эдим. Ўзимни ўзим ҳозир биринчи марта эшитаётган бўлсам, демак олдин ҳеч эшитмаган эканман-да, дейман. Худди шундай, олдин кўп гапирганман, лекин бировларнинг гапини, бировларнинг фикрини, бировларнинг ҳасратини; Шунинг учун ўз ОВОЗИМ йўқ эди. Унинг борлигини эса дафъатан бугун, ҳозир пайқаб қолдим... Овозим бир оз асабий бўлса-да, лекин мулойим, жуда ҳам хотиржам ва шу қадар қатъий эдики, ўз овозимни эшитиб кўксимдаги, миямдаги, онгимдаги ғафлатнинг ялтироқ, совуқ, анчадан буён қурилаётган қасрининг тагига бирдан зил кетди.

Эшикни оҳиста ёпиб чиқиб кетган куни ярим тунда уйғониб кетдим. Ғойибдан бир қадимий мунг келарди: «Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш»...

Ва ҳамма нарсани қайтадан ўйлаб кўра бошладим. Энди ўзимни ўзим муҳокама қила бошладим. Энди муҳокама онгимга, тафаккуримга, бутун шууримга кўчганди. Саволлардан саволлар туғилаверди. Оқибат мен ўзим сўзлашадиган, ўзим билан ўзим курашадиган бўлдим. Даставвал иккига бўлидим.



БИРИНЧИ-ҲАҚҒҮЙ — уларнинг эшигини ёпиб келган- дим.

ИККИНЧИ-КЕЛИШУВЧАН-уларнинг эшигига яна бош эгиб боришни истардим.

Утган воқеаларни муҳокама қилар эканман, ҲАҚҒҮЙ асло пушаймон бўлишимга қўймасди. КЕЛИШУВЧАН бўлса ҲАҚҒҮЙга мутлақо қарама-қарши томонда ҳар лаҳза мени «кечиринглар, билмабман, менга иш бе-ринглар, қийналиб кетдим. Бундан кейин сизлар ис-таган одам бўламан» дейишга ундар эди. КЕЛИШУВ-ЧАНнинг ҳақлигини кўпчилик исботлар, КАТТА ШОИР, КИЧИК ШОИРлар бунга яққол мисол эди: «Тинчгина, беозоргина, келишиб ишлашга нима етсин. Ҳалиям бориб узрхоҳлик қилиш керак. Ётиб ялиниш керак. Қолганлари бир пул-комсомол иши-ю қайта қуриш. Деворий газета деб қуруқ ғавғони ўзингга сотиб олдинг. Мана энди ҳеч ким сени демайди», — дерди КЕЛИШУВЧАН. Айниқса, узун тунларда энди сабабини билаётган азобларнинг гирдобиди тўлғониб ётганимда КЕЛИШУВЧАНнинг қўли баланд келиб, тили эшилиб ке-тарди, шунда негадир ҲАҚҒҮЙдан садо чиқмас ва мен бирдан КЕЛИШУВЧАНнинг таъсирига берилар, ҳамма нарса қандай ҳодиса, ҳар қандай ҳаракатнинг, ҳар қан-дай катта ақлнинг бўйнида мутелик ва тобелик зан-жирлари бор эканлигини англардим. Назаримда бу ни-ҳоясиз занжирнинг кўринмас ҳалқалари ҳамманинг онгидан, юрагидан ўтгандек эди.

Тунлар билан кунларнинг энди мен учун деярли фарқи қолмаганди. Кўзларим ҳам тун билан куннинг рангини ажрата олиш салоҳиятини йўқотиб бормоқ-дайди. Ёстигимни бошимга қўйсам бошимга, ёнимга қўйсам ёнимга, тирсагимни боссам тирсагимга тошдай ботарди. Айниқса, бошимга шундай ботардики, тош бўлса керак, деган фикрдан сира қутулолмас эдим. Охири бир гал чиқолмай ёстиқни йиртдим ва ичига қўлимни текиб тош излаб ҳам кўрдим. Қўлларимга то-вуқнинг майин патлари тегса ҳам ишонмай анчагача тош излаганман. Ҳеч нарса йўқ эди. Уйқум келмас, мут-лақо тинчим йўқолган, маслагим, ишим-уззукун мукка тушиб ўйлаш; ўйларим додлар, йиғлар, нималаргадир, кимларгадир лаънатлар ўқир, дунёнинг ҳид била-диган ғўжала тумшугига алам билан мушт ўқталар, жамики ўйлаб чиқарилган ғояларнинг юмшоқлиги қат-тиқликдан баттар юзларини нафратимнинг оёқлари би-лан босиб, янчиб, парча-парча қилиб, озгина бўлса-да ғазабим босилар, озгина бўлса-да совир эдим. Яна озгинадан кейин бу таскинларнинг пучлигини, энг асосийси эса, бу таскинларнинг ўзимга ановилардан ҳам хавфли душман эканлигини сезардим ва шунда, худди ўша нуқтадан бошлаб ўзимга қайтиб кела бош-лардим. Дастлаб «мени бу аҳволга ким солди?» деб ўзимдан сўраган бўлсам, кейин-кейин «мени бу аҳволга кимлар ва нималар солди? Кимлар ва нималар нималар-га асосланиб, кимларга суяниб солди?» деб ўзимдан сў-раб-сўраб охири «менинг бу аҳволга тушишимнинг са-баблари нима? Мен бу аҳволга бирдан туддимми ёки секин-секин. Олдин ҳам аҳволим шу эдию билмай юриб бирдан билиб қолдиммикин, деб сўрайдиган эмас, ўйлайдиган бўла бошладим. Бу саволлар хаёлим осмонида қушлар галасига ўхшаб гоҳ минг хил томон-дан ёйилиб, минг хил турланиб, эшилиб, бир-бирига уланиб келар, гоҳ бир қаторга тизилиб, фақат бир то-мондан ёпирилар эди, мен, минг хил инжа рангларда товланадиган қимматбаҳо жавоҳирини қуёшга солиб ҳар хил ҳолатда кўзлари ёниб, қувониб, юраги ҳапқи-риб кузатишдан асло тўймаган, тўймаётган кекса устага ўхшаб бу саволларни гоҳ оёғидан, гоҳ қанотидан, гоҳ қулоғидан ушлаб ўтган кунларимнинг тарозисига солиб

кўришдан ўзга чорам ва иложим йўқлигидан, фақат шу билан машғул эдим. Бу ҳолат мени аста-секин ўзига бу-тунлай банд қилиб олди. Оқибатда мен бу машғуллик-дан ҳунар ҳосил қила бордим. Мен бу ҳунарда энг ба-ланд чўққиларни забт эта бошладим. Моҳир овчи қаер-да ови юриши, қандай қилса ови бароридан келишини, қандай жойда қандай овлар бўлишини қандай зукколик билан билса, мен энди бу саволларнинг қанақалигини, уларни келтириб чиқарган сабабларни ажратадиган да-ражага етаётгандим. Уйқум келмас, аксинча, энди шу мени кўпроқ банд қилар, олдингига ўхшаб энди уйқу-сизлик касалига дучор бўлдим, деб қўрқмасдим. Ак-синча, бу уйқусизлик эмас, бедорлик-уйғониш эди. Шу тариқа ҳаётимда, борлигимда ҲАҚҒҮЙ ва КЕЛИШУВ-ЧАНнинг ўртасида учинчи ўзи уйғониб, энди мени уйғо-таётган ўйчан ва камгап БЕДОРЛИК пайдо бўлди. Мен бунинг нималигини ҳали англаб ололмаган бўлсам-да, аммо унинг пайдо бўлиши бежиз эмаслигини ҳис қилар-дим.

БЕДОРЛИК бошқалар билан тортишмас, гапларга аралашмас, ҲАҚҒҮЙ ва КЕЛИШУВЧАН бахслашиб-бахс-лашиб охири жим бўлиб қолганида, бутун олам ором олиб, донг қотиб ухлаётганида БЕДОРЛИК мени шам ёқиб китоб ўқишга ва алланарсаларни шошганча дафтаримга ёзишга мажбур қиларди. Кундузлари ўзимда бўлаётган ўзгаришлардан гоҳ ҳайратланиб, гоҳ мажнунланиб кўча кезардим. Қоронғи тушганда ҳориб-толиб қайтиб келардим. Яна КЕЛИШУВЧАН дийдиёсини бошларди: «Атрофга қара, ҳаётни кузат, унинг қонун-лари ва одатларига ким бўйсунса омад, бахт ўшаники». Яна ҲАҚҒҮЙ билан КЕЛИШУВЧАН бахслашар ва охир яна ҳолдан тойиб қотиб қолардилар.

БЕДОРЛИК бўлса ҳамон сукут қиларди. Ҳамма танини фароғат ва роҳат парқулари билан ўраганда БЕДОРЛИК мени яна шамни ёқишга, бутун ўтган, ўтаётган кунларимни сарҳисоб қилишга, муталаага бе-рилишга, ҳеч кимнинг инояту назирларига кўз тикмас-ликка, уйқунинг чоҳларида кишандбанд бўлиб ётган-ларга қиё боқмасликка ва анчадан буён ёзаётган кунда-лик дафтаримни олдин бир сидра ўқиб кўришга, сўнг қитир-қитир қилиб шиддат билан ёзишга, ёзишдан то-лиққан чоғларим эса ўқиётган китобимни давом этти-ришга мени мажбур қиларди. Торгина ижарамдаги қоп-қора тунда милтираётган шамнинг заиф, лекин ёруғ нури кундалик ва яшашнинг арзимас кўҳна таш-вишлари лапанг оёқлари билан босавериб умрнинг қати-га сингдириб юборган азиз хотираларнинг изини ёри-тиш учун менга етар эди. БЕДОРЛИК ярим тунда мени шам олдига келтириб ўзи беқиёс, қудратли, аллақандай халосқор бир кучга айланар ва у менинг бутун шуурим-ни эгаллаб, сўнг хотирамга тил ва жон ата қилар эди. Шунда болалигим кечган қишлоқнинг одамлари, кўча-лари, далалари, дов-дарахтлари, ёдимга тушар, нега-дир бу менга олис ўтмиш бўлиб туюлмас, балки бугун-ги ҳаётимнинг кечаги соддароқ кўриниши, ҳаётимнинг бугуни эса кечагисига нисбатан салгина кенгроқ чуқур-роқ ва мураккаброқ эди, холос. Мен энди ҳаётим-нинг, ҳаётнинг охири ва бошланиши бўлмагандек, яшаш-нинг, умрнинг кеча ва эртаси йўқлигини; аксинча ҳаёт фақат БУГУНдан иборат эканлигини; кеча ҳам, эрта ҳам бугунлигини, буларнинг ўртасидаги озгина фарқи, бу бугун кечага қараганда каттароқ бугунлигини яши-роқ ва мукамалроқ тушуниб бораётганим учун ҳам ҳамма нарсага ишончим ортомқда эди. Бу ишонч икки садоқатли дўст орасидаги ишончдаги ишончдан ҳам мустаҳкам ва қадрли эди. Ишончим ортган сари ўтмиш менга яқинлашарди.

Мақтабда ўқиб юрганимда ҳам деворий газета чиқа-



рар эдим. Ушанда ҳам бу газета атрофида тушимга кирмаган ҳангомалар бўларди. Гўёки мен газета билан ўқитувчилар ва ўқувчилар орасига нифоқ солар эмишман. Мени ҳамisha назорат қилишар газетадан четлаштирай десалар бошқа ҳеч ким газета чиқаришнинг уддасидан чиқолмаслиги менинг газетага муҳим муҳаррирлигимни таъмирларди. Бир гал ўқувчилар кучи билан ташкил этилган қуёнчилик фермасыда қуёнлар камайиб кетавергани учун деворий газетага «Қуёнларни тулки еб кетмоқда. Тулкини пойлайлик. Қуёнларни тулкидан асранг, қўрқмас пионерлар!» деб мақола ёздим. Директор ўринбосари чақириб олиб:

— Ким тулки? — деди дабдурустан.

— Қуёнларни еб кетаётган тулкида.

— Сенга буни ким ўргатди. Ростини айт, — деганди Директор ўринбосари дарғазаб бўлиб ўшанда. Кейин билсам ўринбосарнинг хотини бетоб бўлиб қолса, дўхтирлар унга қуён гўшти есанг тузаласан, дегани учун дирекция ўринбосарнинг хотини тузалиши учун касал қуёнлардан ажратган экан. Бу бутун қишлоққа овоза бўлиб кетиб, ҳамма болалар ўринбосарнинг ўғлига «Ҳа, қуёнхўр, қуённинг гўшти ширин эканми?» десак уям «тоза ёпишқо бўлайкан, энағар» дерди.

Бу воқеа менинг ёдимдан буткул кўтарилиб кетган эди. Ҳозир яна у менинг мулкимга айланди.

Мен ҳаётимни ўзимча сарҳисоб қилар эканман: на яхши, на ёмон кунларим бўлганини билдим. Мен чинакам бутун борлиғим билан яшамаётганимни менда шодлик ҳам, қайғу ҳам, орзу-ўй ҳам тугал эмаслигини, чала эканлигини тушундим. Айниқса, нимага эътиқод қилиб яшашни ҳали ўйлаб кўрмаган эканман.

Фақат бир нарсани аниқ эслайман: ярим тунда, ҳали уйғонмасимдан олдинроқ, ёдим уйғонди-ю, ташқарида дунёнинг, яшашнинг дилларга завқ-шавқ бағишлаб одамзод дунёга келгандан бери ҳаёлан интиладиган бахтнинг сирини пичирлаб ёмғир ёғаётганини идрок этдим ва пичирлаб ёғаётган ёмғирга ҳали бутун борлиғим уйғонмай туриб илтижо қилдим: «Ёмғир менга шу оҳанглариңни, мана шу армонлариңни, мана шу сирлариңни бергил, токи мен ҳам пичирлаб ёғишни ўрганай. Мен ёққан заминда юракларда гуркираб ҳаёт унсин». Аниқ эслайман. Тун — қоп-қора малак, шу пичир-пичир ёмғирда сочларини ёйиб роҳат қилиб ўзини буткул унутиб чўмилаётгандир, деган ўйга борганимда ҳам ҳали кўзларимни чирт юмиб ухлаб ётардим. Шу пичир-пичир ёмғир айна чоғда ВАҚТ эканлигини, менинг гўдаклигим болалигим ва йигитлигим эканини, ҳаммаси шу онда бир-бирига қўшилиб, бир-бирига айланиб ёғаётганини ҳис этаётганимда кўзларимни очимга ҳали анча бор эди.

Айни шу пичирлаб ёғаётган ёмғир ҳаётимдаги, мен шу ёшимгача эришган аралаш-қуралаш ва чалкаш чинидай ялтироқ ҳамда мўрт ёмғир тегса ювилиб кетадиган тушунчаларимнинг қаердан олиниб менга қандай сингдирилганини, чанг босган, ғубор қўнган бокира туйғуларимнинг омон эканлигини, шу пайтгача томиримдан туғён солиб оқаётган боболаримнинг бўйсунмас улўғ ғурурининг тириклигини яхши билмаганимни, яшашнинг, ҳаётнинг, инсон матрабининг, хуллас, умуман, ҳамма нарсанинг қандайлигини, асли қандай бўлганлигини қўшилган ва ажралган чегарасини яққол кўрсата оладиган ва менга хомийли, йўлбошчилик қиладиган донишманд, оқил хулосага айланаётган эди.

Бу пичирлаб ёғаётган ёмғирда руҳим ва тасаввурим ювилиб, тозаланиб, покланиб нур каби ёлқинланаётганини, жилоланаётганини тобора яхшироқ сезаётгандим. Бутун борлиғим уйғонар бўлса, ҳамма нарса ойдинла-

шишини, нима қилиш ва нимага интилмоқ, эътиқод қўймоқликни, қандай яшашим кераклигини ва ниҳоят қай тарзда кураш йўлини тутмоқликни равшан билишимга тобора инониб етардим. Шунинг учун ҳам мен ВАҚТни ўзимга нисбатан ташқарида ёғаётган ёмғир, деб қандай тушунсам, ўзимни ҳам ташқаридаги ҳали бутун вужуди уйғонмаган, лекин руҳи, ёди уйғониб ҳамма нарсани идрок этаётган ВАҚТга нисбатан ичкарида пичирлаб ёғаётган ёмғир эканлигимга беихтиёр ишонгандим. Ташқарида ҳали тамомила уйғонмаган, лекин ёди уйғонган ВАҚТ ичкарида пичирлаб ёғаётган менга қараб илтижо қиларди: «Менга шу оҳанглариңни, шу армонлариңни, шу азоблариңни бергил, мен ҳам сендай яшашни ўрганай».

Бу пайтда мен бутунлай уйғонмаган эдим. Миям тип-тиниқ, беғубор. Бу тиниқликда ҳамма нарса тиниқ кўринарди. Менинг идрокимда ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини бутунича кўра оладиган содда, ҳаётнинг жилваларига алданмайдиган НИГОҲ пайдо бўлганди. Ва худди шу ерда ўтмиш билан бугун менинг тасаввуримда бир-бирига қўшилиб кетди. (Кейинчалик эса мен улар ҳеч қачон ажралмаганини, фақат менинг нодонлигим уларни шу пайтгача ажратиб келганлигини англаб етдим). Ўқиётган китобимни қўлга олиб, келган саҳифани очган эдим. Менга жилмайиб қараб турган, анчадан буён таниш одамни кўрдим. Бу профессор Волланд эди. Волланд китобнинг саҳифасидан чиқиб, мен билан саломлашгач:

— Тонгги сайрга майлингиз қалай? — деб сўради.

Биз ташқарига чиқдик.

Бутун борлиқ маъсум уйқу оғушида. Бизга биринчи бўлиб фаррош кампир дуч келди. Қора халат кийган фаррош кампир боши билан йўлқаларни супураб эди. Бизга супургидан иборат бошини кўтариб қаради-да, йўл берди. Ундан сал нарида бир қизча дилдирабгина бошчаси билан уюлган хазон ва кўқимларни шолчага қараб итарарди. Биз кўрган иккинчи одам магазин қоровули: елкасида милтиқ, боши ўрнида каттакон қулф, оғзи эса оқ латта билан ўралган ҳолда тик қотиб турарди. Йўлимизда учраган учинчи одамнинг ўнг қўли ва узун боши эса елкасидан қайрилиб бориб чап чўнтакнинг ичига кирган ҳолда шошилиб бормоқда эди.

— Менинг дўстларим билан пойтахтда бўлаётган саргузаштларга ишонасизми? — деб сўраб қолди шу пайтгача жим келаётган Волланд.

— Сиз-чи жаноб Волланд иккаламизнинг суҳбатлашиб турганимизга-чи? — дедим мен саволга савол билан.

— О, маъқул, маъқул, — деб Волланд боши билан ҳам менинг саволимни маъқуллади ва кейин ўйчан оҳангда деди, — Деворий газетани ўқиб чиқдик.

— Қайси сонини? — ҳайратланиб сўрадим.

—Йўқолган сонини? — деди хотиржам Волланд.

— Демак Сизлар?

— Ҳа, биз дўстларим билан Сизга ёрдам беришга қарор қилдик.

— Жаноб Волланд мен ёрдамга эмас, кўпроқ ўзимга бўлган ишончга муҳтожман. Наҳот фақат ўзимдан.

— Тушуаман, — деди Волланд, — энди қайтайлик.

Волланд кетиш олдидан менга албатта ёрдами керак бўлса унутмасликни қайта-қайта тайинлади.

— Миннатдорман. Лекин сизлар уёқларга кўпроқ кераксизлар, — дедим хайрлашаётиб.

Волланд кетгач кундалик дафтаримни варақладим: «Гоголнинг асарлари бечора ва келажаги мудҳиш саволдан иборат, парча-парча бўлиб кетган машъум Россиянинг қонли бўлаклари эди. Татарлар бу бўлакларни сиртдан оғир занжирлар билан бириктириб, ич-



дан ўзларининг қонлари билан бир-бирига пайванд қилиб ўзларига бўйсиндирган бўлса, Гоголь бу бўлакларни энг аввал ўз юрагида бирлаштирди, қуриб, қақшаб, чириб бораётган томирларига ўзининг қонини қўйди ва армон аламларига қоришган ҳис-туйғулари, орномуси билан жон бағишлади. Гоголь бу халқни чексиз муҳаббат билан севди, сева олди. Унинг муҳаббати бу халқнинг ярамас иллатларидан нафратланишга ҳам тўла ҳуқуқ берди. Гоголнинг нафрати уни бу халқнинг ғаройиб урф одатлари, ўтмиши, тарихи ва дини билан фахр этишга, ифтихор қилишга ўргатди. Гоголь ўз халқининг чиркин ҳаётини ёзувчи сифатида алам ва ғазаб билан тасвирлаётганда ҳам халқига ҳурмат бажо келтиришни унутмади. Унинг бачкана қилиқлари ва жирканч одатларидан хулоса ҳам, лекин уни буткул масҳаралаб, топтаб балчиққа кўмиб ташлашни сира хаёлига келтирмади, аксинча, уни қадрлаш ва аяшни ўзининг муқаддас фарзандлик бурчи, деб билди. Гоголь онгсиз, баҳсиз, саводсиз, деб бошқалар томонидан қораланаётган халқнинг ор-номуси, шаъни, шавкатини, номини ҳимоя қилиш учун, унинг барча халқлар каби чинакам, қудратли, улуғ халқ эканлигини кўрсатиш учун замон саҳнасида унинг ҳам муносиб, ўз ўрни ва мустақкам мавқеи борлигини ҳаммага, ўтганларга, қараб туриб кўрмаётганларга, бундан кейинги келадиганларга наинки «бор-ку», деб балки, баралла овоз билан қаттиқ уқтириб, алоҳида таъкидлаб қўйиш учун яна минглаб Тарасларни қурбон қилишга, минглаб Остапларни душман қўлига топширишга, минглаб сотқин Андрейларни ўз оталарига оттиришга, муштипар ва мушфей мингларча оналарни фарзанд доғида куйдиришга миллион марта тайёр ва рози эди.

Бу халқнинг онгини уриш ва сўкиш билан, жисмоний азоблар билан мажбурлаб уйғотиб бўлмаслигини, сиёсий ва маънавий савиясини эса қуруқ ҳайқириғу даъватлар, турли кўрсатмаю пуч насиҳатлар билан кўтариб бўлмаслигини Гоголь бошқалардан кўра минг чандон яхшироқ ва чуқурроқ тушунар эди. Чунки у халққа бўлган муҳаббатини одам бугун аюҳаннос солиб, ҳансираб айтмасдан, миннат-иллат қилмасдан, нописандлик билан эмас, балки бошқача меҳр ва фарёд билан ифодалаши кераклигини англади. Шунинг учун ҳам Гоголь бу халққа яқинлашишнинг, таъсир қилишнинг, унга ўз-ўзига қарашнинг, ўз-ўзини танишнинг бутунлай бошқача, янгича энг тўғри ва оддий йўлини тутди. Унинг ачиғини чиқармасдан (урушлар кўравериб, бегона туёқлар тагида тупроқдек босилавериб, ўзга ҳокимлар ва ўз хўжайинларининг дағдағаси ва қамчинларининг ноҳақ зарбаларидан ва шуларда қолиб кетган ўч ва қасосларининг жазаваидан асабий ва зикна бўлиб қолганди), жиғига тегмасдан, ҳайвонларча ишлаш ва яшашдан ҳозир қилмасдан (узлуксиз вайронгарчилик, талон-талашлар, бузиш, ёқиш, ур-йиқитлардан безор, зада бўлган халқ бир кун бўлса ҳам тинчгина ўзи билганича яшаб қолсам дерди, бўлмаса яна бир фалокат бошланиши мумкин), ўзини билмаганга солиб, уларни, бу ҳаётни, бу қадим писмиқ дунёнинг турфа, ёлғончи ўйинларини биринчи марта кўраётгандай, гўё уларнинг назарида, кўз олдида катта ҳайрат билан қойил қолгандай, яшаш ва умргузаронлик, инсонлик, бир-бирига муносабат-муомала шундай эканлигини, бундан ортиқ бўлиши ақлга сиғмаслигини энди тушунаётган одамдай, лекин жуда эҳтиёткорлик ва одоб билан уларнинг ачиган қарам ва ўткир вино иси уфуриб турган даврасига бориб қўшилди. Ва ҳеч иккиланмасдан, жирканмасдан, ўзини кибор тутмасдан, энг муҳими жон-жон деб уларнинг калта-култа ўй-фикрлари, озғин-тирриқ орзу-умидларига, нон тузи-га, ҳаётига шерик бўлди. Шерик бўлиб тирик бўлди. Ти-

рик қололди. Сўнг ўша халқнинг ўй-фикрларини, орзу-умидларини, ташвиш ва ғамларини ўзининг алам ва армонларига, афсус ва надоматларига ғурур ва ориятга никоҳлаб, бу келин-куёвга ўз юрагидан уй берди.

Гоголь ўзининг асарлари билан ўз халқини уйғотишга, ўз ўзини таниши ва англашига орзу қилганидан ҳам кучлироқ таъсир қилди».

Дафтардан бошимни кўтардим ва кейинги пайтда доимо очик ҳолда ётадиган китобларнинг ичида Гогольга кўзим тушди. Кўпдан буён шунга одатланиб бормоқда эдим. Кундалигимга нималарнидир қоралаётганимда шарт тўхтаб китобларни титаман. Уқишдан тўхтаб яна ёзаман. Кейин ҳаммасининг битта жойга келиб боғланган томирлари ҳақида ўйлайман. Ухлаш, дам олиш ташқарига чиқиб азалий ноғорасини бир маромда кибор билан кўпларнинг оҳ-воҳларига қулоқ тутмасдан чалаётган ҳаётнинг метин йўриқларига тушиш, темирдай кўрсатмаларига қулоқ қоқмай риоя қилиши хаёлимга келмайди. Гоҳ Гоголь, гоҳ Белинскийнинг уни қўйиб Добролюбовнинг кейин Булгаковнинг, сўнг Чингиз оғанин, гоҳ узоқ юртлар оша келган Маркеснинг, гоҳ Лермонтов, гоҳ Пушкиннинг ҳузурига бош уриб бораман. Ҳар қуни улар билан юзма-юз ўлтириб дардлашаман. Улардан ҳаёт дарсини оламан. Ҳар қуни ўқигим, ёзгим келди. Мен ўзимнинг ҳамфикрларимни, дўстларимни топган, учратган эдим, БЕДОРЛИК менга садоқатли дўст эканлигини шунда билдим.

Бир кун ярим тунда эндигина ётган ҳам эдимки, яна чарсиллаб ўйғониб кетдим. Шарт ўрнимдан туриб шоша-пиша, ҳансираб мана шу сўзларни: «Мен ўз юрагимдан бир хазина топдим», дея кундалигимга ёзиб қўйдим. Сўнг шу сўзларнинг устига жуда ҳам шаффоф ва жуда ҳам қайноқ нимадир, нималардир худди келишиб олгандек навбатма навбат жуда аҳиллик билан гулдирол солиб тўкила бошлади. Бу ўша хазинанинги илк инжулари эди.

БЕДОРЛИК бу хазина ҳақида сенга биринчи бор Белинский айтган Гоголь уни тасдиқлаган, деб айтганди. Бу хазинани азобли, машаққатли меҳнат билан юзага чиқаришим кераклигини ўзим энди билардим. Зотан бу бебаҳо хазина туганмас руҳий қурбонлар, маънавий тўнтариллар, ҳиссий таназзуллар, такрор-такрор алданишларнинг фақат ўзимга насиб этган тотли ва аччиқ ўкинчлари, шўрпешона, жони қаттиқ, хотирамнинг қоқ ўртасида сағирдай саргайиб қолиб кетган адоқсиз армонларидан, бир-бирига қайта-қайта боғланса ҳам яна қайта-қайта узилган ғўр умиднинг хом нимкола, ножа-рам ипларининг зилдай тугунларидан чил-чил бўлгану, лекин бутунлай йўқ бўлиб кетмаган, дийдаси тошу, лекин касби кори шу бўлган мушфей ҳаёт иссиқ ва шўртам кўз ёшларини қўшиб янги орзулар билан пишиқ-пухта чандиб-чандиб қадоқланган кўнгил жомидидаги яшаш ва курашнинг беомон довуллари кўтарган ютоққан тўфонлари, оч ва баҳайбат бўронлари ҳирс билан ютиб кетган, маҳв этган соф туйғуларнинг ва мурғак тасаввурларимнинг жувонмарг жонидан, увол бўлган тоза қонларидан яралган эди.

БЕДОРЛИК ҳали мен ҲАҚҒҮЙ ва КЕЛИШУВЧАНга бўлимасимдан аввал вақтимни аямасдан ўзим худо деб билганларнинг ортидан қанчалар эргашганимниям ёдимга соларди. Улар билан бирга юришни ва қандайлигидан қатъи назар суҳбатлашишни, лабларига қистирилган сигаретага ўзларидан ҳам олдин чаққонлик билан гугурт чақишни; улар ёмон кўрган кимсаларни ва нарсаларни ўйлаб ўтирмасдан садоқат билан ёмон кўришни; улар билан кўришиб сўрашадиганларнинг ҳаммасини дўст, деб қабул қилишни; уларга ўхшаб ҳеч нарсага аралашмасдан яшашни, қишлоқда соғинган онага



мактуб ёзмасликни, хилватгоҳларнинг бурчак-бурчаклариди ўргимчакдек ўз фалсафий тўрининг ичида ўлтириб нималарнидир кутишни, бизсиз ҳам бева аёл каби хўрланган, таҳқирланаётган ЗАМОНнинг юзига ифлоссан, деб тупуришни ва кейин инсоф юзасидан жиндай раҳм айланиши, сиёсатдан хатолар топиб жамиятни асоссиз қоралашни; минг-миллион эгилиб бизлар тугул бешикдаги боласигаям қарашга бир сония вақт тополмаган меҳнаткаш халқни: онгсиз, оломон, деб тухмат ёғдиришни, «халқни уйғотиш керак», деб мияни беҳуда чарчатиб, асабларни толиктириб мириқиб сафсата сотишни, гўзаллар ичра гўзали фақат ўлим, «инсон ўлим-ла гўзалдир» дейишни; аёлларнинг ҳеч қачон ҳеч нарсага ақли етмайди, шунинг учун ҳам уларнинг икки томониям... деб сўкишни; яшайдан эмас, аслида мана шундай бадбўй суҳбатлардан ва совуқ муомаладан тўйиб кетиб ўзини осиб қўйган дўстимизнинг аҳмоқ бўлиб туғилгани-ю, аҳмоқлигича ўлиб кетганини; севиб қолган, изтироб чекаётган даврадошимизнинг устидан масхараомуз кулишни, дунёда адолат ва ҳақиқат йўқ, деб такрорлашни, кураш, курашиш керак, деб бўшаган ва яримланган шишаларга тўла дастурхон атрофидаги ҳаракатсиз фаолиятни маъқул кўришни: ростгўй ва мард бўлайлик, деб секин-секин, лекин, зинҳор ҳалоллик ва оққунгиллик билан даврада йўқ биродаримизни ғийбат қилишни; газетада ўқиганимиз, телевизорда кўрганимиз, радиода эшитганимиз билан бир-биримизни шунчаки хабардор этишни; ер юзидеа бемаъни ҳодисаларнинг кўплиги ҳақида бир-бирларимизнинг сизова фикрларимизни қувватлашни, ҳаммасидан ҳам энг муҳими ва асосийси эса камсуқумлик ва холислик билан бир-биримизни мақташни, ёзганларимизни аршу аълога олиб чиқишни: «ҳамма ўзгариларни мана биз қиламиз, бизни ҳозир эмас 100—200 йилдан кейин тушунишадир», деб ўзимизга, нафсимизга тасалли беришни; шу турмушнинг нақадар тўғрилигини, курашга чора излашдан кўра чора изламаслик яхши, беғалва эканлигини ва мана шунинг ҳаммасини ижодий мулоқот, ижодий ўсиш деб ҳисоблашни қанчалар фойдали деб билардик. Бир неча бор уйланган, норасида болаларни тирик етим қилиб ўзи дарвешона кун кўраётган шоирнинг ўша етим болалари катта бўлганда «Отангиз билан фахрланинг, уни тушунинг, ҳамма айб онангизда» дейишни дилимнинг бир чеккасига катта қилиб тугардим.

Аслида мана шундай давралар ботқоғига қанчадан-қанча истеъдодлар боши билан ботиб кетиб ҳалок бўлдилар. Шундай бетайин суҳбатлар жуда кўпларимизнинг (меник ҳам) қалбимизни янчиб ҳали ҳеч нарса унмаган тушунчамизни ҳеч нарса унмайдиган қилиб захарлаб ташлаган экан.

БЕДОРЛИК туфайли ўзимни бўлак-бўлакларга ажралиб кетганимиз сабабларни билганимга анча бўлганди. Биринчи марта мени ўзимга жиддий қарашга Терсоталик мулла Соли Боймирнинг тўнғич ўғли Назар ўргатган эди. Менга ҳар гал «У сени тарбиялади», дерди БЕДОРЛИК. Олим ака билан Деворий газета эса мени жаҳолатдан қутқариб қолганди. «Наинки қутқариб қолди, — дерди БЕДОРЛИК, — балки мингларча одамлар мазза қилиб яшаётган, тортишиб, талашиб ишлаётган бир-бирларининг пўкак миясини, қовоқдай ичи ҳилвираб қолган юрагини кемиришдек кўнгилли машғулот билан банд бўлган қабоҳат ва хурофотнинг ботқоғидан олиб чиқди».

Кунлар эса умрнинг кўчасида пода-пода ўтаверди. — Менинг енгиб чиқишим шарт, — деб КЕЛИШУВ-ЧАНнинг гапини чўрт кесадиған ХАҚГУЙнинг кундан кунга силласи қуриб, илиги пучайиб борарди. Шаҳан-

шоҳ ВАҚТ ўзининг синовидан ҳаммани ўтказар, эрка қизлардай шип-шип ўтаётган кунлар давр оша гул отгандай бепарволик уруғларини ҳамманинг онгига ташлаб кетарди. Бу уруғлари куч олиб ўсиши учун ХАҚГУЙнинг ичида жой топилди, холос. У энди умидсизликнинг тубсиз жарига очикдан-очиқ қулаб кетаётган эди. Келишувчан эса ўчай-ўчай деб қолган дийдиёсини ҳаётнинг тўғри келган қозонига бир ботириб олса бўлди, лоп этиб аланга олар ва унинг оромижон муваққат тафтига исиниб ҳамон жон сақламоқда эди.

ХАҚГУЙ умидсизлик жарига қулаб кетди. КЕЛИШУВ-чан охири иложсиз қолиб ўзга кишилардан паноҳ излаб мени тарк этди. Энди вақт етилган: Қайта бирлашиш учун ажралиб бўлгандик. Мен яна БЕДОРЛИК билан қайта энди минг чандон мустаҳкам бўлиб бирлашдим. Ва шу куни Терсоталик мулла Соли Боймирнинг тўнғич ўғли Назарга хат ёздим.

«Назар!

Сиз Добролюбовни ўқиётганингизда мана бу парчага эътибор берганмисиз: «Шундай одамлар бўладики улар бошқалар айтган нарсаларни бошдан оёқ такрор айтиб бера олади, бирон нарса буюрилса уни ўрнига қўйиб бажо келтиради, эшитган нарсаларини ҳамма вақт эса сақлайди ва билади, аммо улар ўз-ўзларича мустақил бирор ишнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Бундай одамлар ҳаммаша ўзгаларнинг иродасини бажарувчи кишиларгина бўлиб қоладилар, улар ҳеч қачон бошқаларнинг қаторидан ажралиб тура олмайдилар, бирон янги гап айта олмайдилар». Ҳозир бундай одамлар кўп. Улар ҳамма жойни босиб кетганки, ҳатто борлиги билинмайди. Бошлиқ, бажарувчи, сўзловчи, эшитувчи, маъқулловчи, чапак чалувчи ҳам шуларнинг ўзлари. Уларнинг ҳаммаси бир бўлиб Улкан Ишләш Тегирмонини ташкил қилади. Агар уларга зид бўлса ҳар қандай нарсани ном нишонсиз йуқота олишади.

Агар бошлиғи шулардан бирортасига: «Эрталаб салқинда шамоллаб қолибман. Сиз эҳтиёт бўлинг» деса бўлди. Шу лаҳзадаёқ бутун ташкилот бир-бирига эрталаблари эҳтиёт бўлишни шахсан бошлиқнинг номидан тайинлайди. Ва шу ташкилотдагиларнинг ҳар бири худди юқоридан махсус буйруқ олгандай бошқа ташкилотдаги уруғ аймоғи, таниш-билиши, дўстларига сим қоқиб эрталабки салқиндан ҳушёр бўлишни, тағин шамоллаб қолмаслигини қаттиқ уқтиради. Тушликда учраган танишлар, нотанишлар ҳам огоҳ этилади. Қарабсизки, бу оммавий байрамга айланиб кетади. Кечқурун уйига борса хотинлари ўзлари тарқатган гапни ўзларига айтади. Ана байрам, ана тартиб, ана интизом. Ана садоқат, бу хотиннинг эрга садоқати. Хизматчининг бошлиққа садоқати-чи? Албатта давом этади. Онадан эшитган бўлса ҳам отадан ҳам эшитиши бошқача. Навбат болаларга! Буни жонажон оталик бурчи дейдилар. Кейин қўшнилари бир-бирларига бу янгиликни яна такрорлайдилар. Бу эса тушунган маданиятли қўшнининг тушунган маданиятли қўшнига садоқати. Шуларнинг бири 100 йил умр кўради, суюкли эварасига ўша насиҳатини такрорлайди. Энди бу авлодларга авлодлар садоқати, дейилади.

Уша гапнинг давоми ёдингизга келгандир: «Аксинча шундай одамлар ҳам бўладики, улар ҳеч қачон бошқаларнинг орқасидан кўр-кўрона ва онгсиз равишда эргашилар истамайдилар, ҳеч қачон ўзлари ўйлашга, мулоҳаза юритишга ва ҳаракат қилишга эринмайдилар, балки танлаб олган соҳаларида ҳамма вақт кучларини синая кўришга ҳаракат қиладилар. Бундай одамлардан ҳаммаша ажойиб ишлар кутиш мумкин».

Бизда шундай одамлар борми? Қолганми ўзи? Бутунлай ер ютиб кетмаганми ё?

Мана бу тоифадагилар-чи: «Шундай одамлар бўла-



дики, кунини яшаб, ошини ошаб юраверадилар, бирон нарса билан астойдил қизиқмайдилар, бирор нарсадан ҳайратга тушмайдилар, бирон нарса устида узоқ бош қотирмайдилар ва ҳеч қандай юксак ниятларга ва чуқур эътиқодларга эга бўлмайдилар. Ҳамма ҳам бунақа одамларни ўз ҳаёти давомида кўп учратган, албатта. Бундай одамлар билан олижаноб масалалар тўғрисида баҳслашиб бўлмайди, улар ўзларининг ҳаёти учун моддий фойда бермайдиган ҳар қандай нарсани тушунишдан тўпослик билан бош тартадилар. Уларнинг олдида гўзал нарсалардан завқланиб, таъсирланиб бўлмайди: уларнинг қалби тош бўлиб кетган, ҳислари ўлиб ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган бўлиб қолган, уларнинг туриш-турмуши ҳар қандай жўшқин одамга ҳам совуқ нафас уфургандай бўлади; энг жўшқин ҳаракатларни ҳам сусайтиради. Уларнинг олдида ҳатто эзгуликка ҳам кўнгил беролмайсиз...»

Охири сўзлар Сизнинг ҳам қалбингизни қўрғошиндай ўйиб ҳамон азоб бераётгандир. Мана бизнинг маънавий ҳалокатимизнинг сири ва бош сабаби.

Назар, ёдингиздадир. Ахир наинки эзуликка кўнгил бериш, лоақал ўзингча тўғри яшагга йўл йўқ эди-ку. Мабодо худо ёрлақаб икки калима тўғри сўзингни айтиб юборсанг, дарров тушунтириш хати ёзиб бер, нега жамиятни, системани айбляяпсан, дейишмасмиди? Энди ўйласам биз ўқиган факультет атрофи ботқоқликлар билан ўралган ўзига хос кўлмак экан. Биз унга осмондан тасодиф билан ёққанмиз-у беш йилдан кейин фақат буғларимиз битириб кетган. Менинг бу хулосам қанчалик шаккоклик бўлса-да, ҳар қандай ҳақиқатга соя ташламайди. Биз у ерда умримизни ношудларча исроф қилдик. Яхши одам бўлиш, яхшилик тарафида туриш ўрнига, яхшилик ва эзгуликни дафн қиладиган дипломли гўрковлар учун ёнган, эзгуликка интилган одамларнинг юрагида, онгида, тушунчасида ўзларига усталик билан чоҳ қаздириб, шу чоҳга кўмдирдик. Бу энг манфур қабристон. Бундан ҳар ким ўзича хабардор-ку, лекин ҳамма мутлақо беҳабар. Мана шу қабристоннинг метин сукути бизнинг тилимизни боғлаб, онгимизни қўл, журъатимизни кул қилганлигини, бутун вужудимиз заҳардан иборатлигини қайси биримиз айта оламиз.

Эртага жуда кўп вақтдан буён биринчи марта ташқарига — ер юзига чиқаман. Охири муҳокамага бораман. Мен билан бирга дўстларим Тарас Бульба, Волланд, полковник Хосе Аурелиано, Акбара, Авдийлар ҳам бормоқчи...»

**Давоми журналнинг келгуси сонида**

# Назар

## Нурилла Остон



1959 йил Самарқанд шаҳрида туғилган. ТошДДнинг журналистика факультетини тамомлаган. Айни пайтда Самарқанд вилоят партия кўмитасида хизмат қилади.

Асов отим ҳориб боради,  
Мени ғамга қориб боради,  
Кўпни кўрган, йўлчи ёронлар,  
Бу йўл қайга олиб боради?

Бу не тўда, ҳасрати йўқдир,  
Борар манзил, мақсади йўқдир,  
Айтар сўзи, дастхати йўқдир,  
Бу йўл қайга олиб боради?

Бу бош бўлди тошларга мўлжал,  
Неча қалам қошларга мўлжал,  
Худбину авбошларга мўлжал,  
Бу йўл қайга олиб боради?

Сўраб кўрдим малакдан, ҳурдан,  
Сўраб кўрдим манглайи шўрдан,  
Биров жавоб бермади бирдай:  
Бу йўл қайга олиб боради?

Юрагимда авжлаган куйдан  
Юлдузларми гардунда куйган...  
Нега хабар келмади уйдан,  
Бу йўл қайга олиб боради?

## Ёлғизлатма, дил

Умр йўл, бешикдан бошлаб чопаман,  
Кунларнинг мағзини бир-бир чақаман,  
Баъзида ўзимдан-ўзим хафаман,  
Мени бу дунёда ёлғизлатма, дил.



Тириклик киприкка илинган нурдир,  
Кўрдимки, бир карвон, бариси қулдир,  
Кийим шоҳона, ўйлови жулдур —  
Мени бу дунёда ёлғизлатма, дил.

Нокасга нокассан десанг балодир,  
Бошингга минг турлик кулфат соладир,  
Яхшиси, бир ҳўтик боқсанг аълодир —  
Мени бу дунёда ёлғизлатма, дил.

Битиктош, миҳхатлар умрим тамали,  
Юракда ёнгани ҳақнинг амали,  
Йўлимни тўсма, қоч, шайтон нағмали,  
Мени бу дунёда ёлғизлатма, дил.

## Арғумоқлар кўкка интилар...

В. Висоцкий хотирасига

Арғумоқлар кўкка интилар,  
Ғурч ёслари оловлангардир.  
Арғумоқлар кўкка интилар  
Арғумоқлар... жиловлангандир.

Титратади томирларимни  
Оҳангларнинг шиддаткор кучи.  
Нигоҳимнинг тўлқинларида  
Арғумоқлар бормоқда учиб.

Бу шиддатнинг алангасига  
Асабларинг чидаса, отил!  
Сўнги дамда чекинсанг кўрқиб,  
Сўнги дамда бўларсан қотил!

Пистирмада, майли, қолсинлар,  
Чиқ, элингнинг ўғлони бўлсанг.  
Не гапинг бор тирикликда айт,  
Кўзинг очик кетмасин, ўлсанг.

Бир кун чечак унса қабрингда,  
Тиниқлашса росту ёлғонлар.  
Минбарлардан эслашар сени  
Пистирмада омон қолганлар.

Сен ишонма, эй халқ, уларга  
Сўзлаётир дея ботирлар.  
Бу минбарда тириклар йўқдир,  
Бу минбарда фақат қотиллар!

...Арғумоқлар учади кўкка,  
Шиддатига тўлар бўшлиқлар.  
Учар оёқлари миҳланган,  
Қанотлари осмон қўшиқлар.

Йўловчи дўст, шу йўлдан ўтсанг,  
Бир лаҳзага эсла қуёшни.  
Учаётган арғумоқларнинг  
Кўзларидан артиб ўт ёшни...

## Кунлар

Бир қиздай қўйнимга киради кунлар,  
Бир қиздай кетади юракни ғашлаб.  
Тириклик даштида адашганларимиз,  
Бу ғариб очунда кетмагин ташлаб

Минг йилки яшасам будун хайлида,  
Сийратим комрону ғамнок ўтарман.  
Минг йилдан кейин ҳам гул каби унсанг,  
Мен сени шаббода бўлиб ўпарман.

Дашт бўлсанг, бағрингда дарё бўлурман,  
Ой бўлсанг, меҳварим, бўлурман қуёш.  
Бир куни эсласанг, бир кун эсласанг,  
Мен сенинг кўзингда бўлурман кўзёш.

Қутблар туташмас, йўллар туташмас,  
Жуфтламоқ кўккламу кузни бефойда.  
Ва лекин, албатта, биз учрашамиз  
Тўрт фасл, тўрт қутб кесишган жойда.

Шунда сен камалак бўлиб ёнарсан,  
Мен балки бўлурман баҳорнинг байти.  
Ошиқлар учрашган дамда бизлар ҳам  
Бу ёруғ дунёга келармиз қайтиб...

## Ўттиз еттинчи йил

Эшикни очасан берухсат,  
Берухсат хонада юрасан.  
Қўлларим елкамда исёнсиз,  
Бошимда қузғундай турасан.

Юзингда даҳшатли табассум,  
Лабингда тулкилик излари.  
Қўлларинг жаллоднинг табари,  
Кўзларинг сотқиннинг кўзлари.

Бошимнинг чаноғи гулкоса,  
Қонимни ичасан пишқириб.  
Кўзимнинг соққаси — заминдир —  
Эзасан ҳузурдан қичқириб.

Қисирлаб кетади суягим,  
Қисирлаб-қисирлаб синади.  
Ё фалак, қайда бор ҳақиқат,  
Бу валад жонимни қийнади.

Этимни нимтала, розиман,  
Барибир ошириб сотасан.  
Сенгадир сувратим, сийратим,  
Изласанг, барини топасан!

Чидарман ҳар қандай қийноққа,  
Мен шундай қудратга эгаман.  
Тилимга мингта қулф осилган,  
Мен сени индамай енгаман.







кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Ҳар нечук, полиз— колхознинг мулки, кўпчиликнинг рисқи.

Қоқ тушда қишлоқдан чиққан боланинг қораси Исмон бобони сергаклантирди. Сизганидек, пайкал ёнидан ўтаётиб бир шўнғиди-да, кўздан ғойиб бўлди бола. Сал ўтиб калладай бир қовунни қучоқлаганча ғўзанинг ичига кириб кетди. Исмон бобо ҳам таёғини судраб, унинг изидан юрди. Етиб келганида бола қовунни кесакка уриб ёриб, энди еб бошлаган экан. Исмон бобо таёғини ҳаволаб, боланинг елкасини мўлжалга олди. Лекин уролмади. Болакайнинг иштаҳа билан қовун ейишига ҳаваси келиб, таёғини секин пастга туширди.

Одам сув ичаётганида илон ҳам чақмас эмиш уни. Майли, бола боёқиш бир маза қилиб қовунга тўйсин-чи. Кейин бир гап бўлар.

Бола қовунни еб бўлгач «Овмин!» деб қўлини фотиҳага ёзди. Чўчиб тушди Исмон бобо, таёғини шоша-пиша қўлтиғига қистириб, икки кафтини фотиҳага тутди.

— Эккан-тикканга раҳмат, пайғамбар-худога саловат! Овмин-овлокибар! — деб юзига фотиҳа тортди бола. Сўнг эгилиб, еган қовунининг пўчоғи билан уруғини бир жойга тўплай бошлади.

Болакайга қўшилиб юзига фотиҳа тортгунича Исмон бобонинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Сўнг оёқ учида секин бола ўтирган жойдан узоқлашди. Чайласига етиб келгачгина бироз енгил тортди: хайрият, сезмади... «Ҳа, яратганнинг ўзи бир асради. Иймонимдан айрилишимга сал қолди-я. Қўлбошдай қовун учун муштдай боланинг бошига таёқ кўтариб бориб... «Эккан-тикканга раҳмат!» дедими? Қара-я!»

Исмон бобо қишлоқ томон пилдираб кетиб бораётган болакай кўздан йўқолгунча ундан нигоҳ узмасди.

## ФАРОСАТ

Ҳазил яхши-ку, лекин барча нарсанинг ҳам меъёрида бўлгани маъқул экан-да. Келиб-келиб мендай бир чўлда ўсган тўпорини «Нутқ маданияти» бўлимига ишга тайинлашадими?

«Нутқ маданияти нима?» ҳам-

да «Туя қайси тилда гаплашадими?» деб сўраб, бу икки саволнинг биттасига жавоб беришни талаб қилсалар, мен иккинчисини танлаган бўлардим.

Келсам, бўлимда тўртта опа эшикка орқа ўгириб ишлаб ўтиришган экан. Салом бергандим, ўгирилиб бепарвогина қараб қўйишди-да, ишлайверишди. Саломимга алик олишдими, йўқми, аниқ эслаёлмайман. «Энг маданий нутқ— сукут», дедим-да, мен ҳам ишга тушиб кетдим.

Мендан бир ойча кейин бўлимимизга Офтобхон деган янги ходим олишди. Рус мактабиди ўқигани боис у ўзбекчани унча яхши тушунмас экан. Бирор нотаниш сўз учраса, дарров унинг русча таржимасини мендан сўрайди, саволига жавоб олгач, «Катта раҳмат сизга» деб қўяди.

Хонамиз жуда осойишта. Офтобхоннинг саволлари ҳаммага эшитилиб туради. Аста-секин бунга опалар ҳам эътибор берадиган бўлишди.

Бир кун:

— «Фаросат» нима? — деб сўраб қолди Офтобхон.

Бундай ўйлаб қарасам, галатиноқ савол экан. Опаларимни кулдириб, бир кўнглини ёзиш ниятида:

— Менда йўқ у нарса. Кимда бўлса — айтсин, — деб юбордим.

Офтобхон опалар томонга ўгирилди. Саволига жавоб бўлавермагач, «Фаросат» дегани бирор камёб буюмдир-да, ҳеч кимда йўқ экан», деб ўйладими, индамай ишини давом эттираверди.

Опалар-чи? Нега улар индашмади?.. Ё ҳазилни тушунишмадими?..

Эртасига ишга келсам, опаларим мени худди эски қадрдонлардек, бошқача кутиб олишди. Қайфият, ҳол-аҳвол сўрашди. Ҳатто, ҳазиллашиб ҳам қўйишди.

Ё товба! Тушимми бу, ўнгимми?.. Наҳот бир кечада шунчалик ўзгариш мумкин бўлса?.. Бу зиёли одамларнинг феълига ҳеч тушунмадим-тушунмадим-да.

## ЙЎЛДА

У теваракни томоша қилиб кетиш ниятида автобуснинг дераза томонига ўтирди. Автобус бирпасда одамга тўлди. Нафас олиш оғирлашди.



Ҳикоялар

## ИСМОН БОБО

Уруш тугаган йили Исмон бобо Қорасувнинг қибла бетига деҳқончилик қилди. Қовуни роса бўлди: пуштанинг усти бир кесак, бир сапча. Саратоннинг ўртасида қовуни ғарқ пишди. Аркани ва ҳандалакларнинг ҳиди поллиз ёнидан ўтганларнинг димоғини қитиқлайдиган бўлди.

Олажарра ва кўкчаларнинг шираси ичига сиғмай, тарс-тарс ёрилгани кечалари қўшни хонадонларга ҳам эшитилиб турди.

Ҳайхотдек пайкалда пишиб ётган нарсанинг овчиси ҳам кўп бўлади. Исмон бобо буни яхши билади. Кеча-кундуз қовунларга



Автобус ўрнидан қўзғалиши билан ҳайдовчининг дўриллаган овози йўловчиларни оғоҳлантирди:

— Тушадиганлар олдинга ўтсин! Орқа эшик очилмайди!

Тўрда келаётган икки-уч киши олдинги эшик томон сурила бошлашди. Олма тушишига жой йўқку, одамларнинг жипс сафини ёриб ўтиб кетиб бўларканми? Кимдир войлади, кимдир бўралаб сўкинди. Тушишга ҳозирлик кўраётганларнинг парвосига ҳам келмади бу. Тезроқ олдинга ўтишлари керак, йўқса тушадиган бекатларидан ўтиб кетишадиган — ишга кечикишади.

Ана, олдинги эшикка етиб ҳам олишди. Автобус тўхтагач, ҳайдовчининг кафтига ўн тийиндан ташлаб тушиб кетишди. Энди унинг диққатини ҳайдовчининг кафтидаги тангалар жалб этди. А-ҳа! Ҳамма гап шуларда бўлмасин тагин? Орқа эшикка ҳам шу тангалар қулф осган бўлсачи? Якка ҳолда одамларнинг назарига унча илинмайдиган тангаларнинг юзтаси йиғилганда ҳайдовчининг чангали юмилса, қандай даҳшатли муштга айланишини бир кўз олдингизга келтиринг-а, Мингтаси бирлашсачи? Ун мингтаси бирлашсачи? Ҳай-ҳай-ҳай!..

Йўғ-э, жуда унчаликмасдир. Бир захматкаш ҳайдовчи ҳақида бундай ҳаёлларга бориш... Унинг ҳам бола-чақаси бордир, ахир?

Шу орада ўзидан ақлли кишилар ўйлаши лозим бўлган ишга

бурун суқаётганини сезиб қолди. Сўнг чўнтагидан битта ялтироқ ўн тийинликни олиб, ҳайдовчининг кафтига ташлади-да, алланечук енгил тортиб, автобусдан тушди. Зум ўтмай, орқа-олдига қарамай ишига шошилаётган одамлар оқими уни ҳам ўз комига тортиди.

## ЖАСОРАТ

Китобчаси босилиб чиқиб, севинчдан ўзини кўярга жой тополмай қолди. Китобидан бир дона совға қилиб, бошлигини ҳам хурсанд қилмоқчи бўлди.

Бошлиқ китобчани қўлига олиб салмоқлаб кўрди. Нарҳини қаради. Сўнг очиб, эсдалик ёзувни ўқиди: «Устозим Санжар акага!»

— Ҳмм. Китоб ёзибсиз-да. Яхши, яхши. Табриклаймиз. Адашмасам, дастхатлар «ҳурматли» деган сўз билан бошланар эди. Битта китобча чиқардим деб, ҳурматни ҳам йиғиштирибсиз-да, а?

— Йўғ-э,— дея каловланди у.— Мен фақат ҳурмат билдирадиган учта сўз бирикса, беҳурматлик ҳосил бўлишини ҳеч ўйламабман...

Шогирдининг кинояси бошлиққа унча ёқмади. Лекин, киноя тагидаги мантиққа ичида тан берди. Обрўсининг зиёнига бўлса ҳам, суҳбатни давом эттиришга қарор қилди.

— «Ҳурматли» сўзи жуда кўп синонимиздан ўтган, биламиз уни. Нега сизга бу сўз ёқмай қолди?

— Авваламбор, «ҳурматли» сўзида зигирча ҳурмат йўқ, якка ҳолда ҳеч қандай маънога эга эмас у. «Ҳурматли устоз» десак — бошқа гап. Лекин, шунда ҳам барча юк «ҳурматли» сўзига эмас, «устоз» сўзига тушади. «Устоз» сўзидаги ҳурмат жуда салмоқли. Бунини «устоз» сўзининг, умуман, устоз тушунчасининг кенглигидан деб тушуниш керак, менимча.

— Ҳа-а, маъқул, маъқул... Хў-ў-п, унда «ҳурмат» деганда нимани тушунишимиз керак?

— Инсоний фазилатларга самимий муносабатни ҳурмат деб аташади. Ҳурмат мақтовни ҳам, камситишни ҳам ёқтирмайди.

— Мақтов-чи, мақтов ҳурмат эмасми?

— Мақтовда ҳам озроқ ҳурмат бор. Лекин ёлғон кўпроқ. Пашшадек фазилатни филдек қилиб кўрсатишни мақтов дейдилар. Одамда эса фазилат биз истагандан кам. Шу боис, мақташ лозим бўлса кўпиртирамиз пашшадек фазилатни ҳам, ҳеч ерда йўқ фазилатлар ўйлаб топамиз.

Бошлиқ шундай оддий нарсаларни илгари пайқамаганига ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ҳақиқатан ҳам, жуда галати. «Тап тортмай, «ҳурматли» сўзида зигирча ҳурмат «йўқ» деди-я! Қойил-э! Ана-жасорат!» Лекин шогирди билдирган фикрни ичида тан олаётганининг ўзиёқ маълум ва машҳур олим учун бир жасорат эканлигини ҳаёлига ҳам келтирмади...





Халим Сайид



## ТУҒИЛДИНГМИ, БУ ДУНЕДА ТОЛИБСАН

Ҳозирги талаба қандай шароитларда ўқиши керак? Аввало олий ўқув даргоҳларининг талабаси бўлганларига қадар ўрта мактабни қандай билим даражасида туғалламоқлари лозим? Олий ўқув юртларини қай савиядаги мутахассис сифатида яқунлашлари даркор? Яқунлаш деганда касб учун беш йиллик бошланғич маълумотни назарда тутяпман. Зеро, ҳақиқий доно бўламан деган инсон бир умр толиб бўлиб ўтади.

Лекин, Олий билимгоҳлар маълум бир илм меъёрини, йўналишини белгилаши керак экан, юқорида зикр этилган саволларга жавоб излашга ҳаракат қиламиз. Мулоҳазаларимиз умумий бўлиб қолмаслиги учун бир толибнинг оилавий аҳволи, ўқиши, ўйлари, орзулари мисолида ўрганамиз. У ТошДДнинг журналистика куллийетида таҳсил олади. Исм шарифи бирмунча ўзгартирилиб берилсада, бу ҳол бизни мақсадимиздан чалғита олмайди.

Салим ўқишга кирганида айримлар ота-онасидан тўғридан-тўғри: «Қанча билан киритдингиз?» дея сўрашарди. Ҳатто айримлари шу ночор ҳолларига тагин фалон минг сўм кетганлиги учун ҳамдардлик билдиришга тайёрланар, лекин отасининг «ўғлим ўз билими билан ўқишга кирди» деган жавобидан юз-кўзларидан ишончсизлик аломатлари пайдо бўлар, «бўлиши мумкин эмас» дея эътироз билдиришарди. Тасодифми ёки омаднинг келиши шундаймикин, ҳар қалай, Салим ҳарбий хизматни тугатгач, қисм қўмондонлиги берган тавсиянома туфайли «ўрта» ва «яхши» баҳолар олган ҳолда толибликка қабул қилинди. Албатта, турли миш-мишлар билан қўлогини қичитганлар кўп бўлди. Журналистика куллийети шундай даргоҳки, тез орада ким сохта йўллар билан, ким ўз билими билан ўқишга кирганлиги аён бўлади-қолади. Бунда талабанинги ўқиши, билими, фикрлаши, дунёқарашининг кенг ё торлиги, энг асосийси, ёзиш қобилияти унинг қандай толиб эканлигини очиб беради.

Бугунги кун ёшларининг ҳаётга бўлган қарashi, ижтимоий воқеа-ҳодисаларга муносабати ҳар қачонгидан бошқача. Ёшлар ҳар хил алғов-далғов ҳаёлларга берилмай улкамизда кечаётган покланиш, янгиланиш жараёнига тетик назар билан қарashi кишини қувонтиради. Уларнинг бой тарихимиз, тилимиз равнақи жумҳуриятимиз иқтисодий мустақиллиги ва бошқа кўплаб, бугун ҳаммамизни йўлантираётган муаммолар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар битилган мактублари бизнинг таҳририятимизга ҳам мунтазам равишда келиб турибди. Биз бундай мактублар билан батафсил танишиб чиқиш, уларни 1991 йилда ойномамиз саҳифаларида узлуксиз ёритиб боришга қарор қилдик.

Қуйида, ана шундай фаол ёшлардан, Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллийети толиби Халим Сайиднинг Олийгоҳларимиздаги мавжуд таълим-тарбия ишлари хусусида фикр юртган мақоласини эътиборингизга ҳавола этаймиз. Бундан кейин шундай истеъдодли ёшлар билан таништиришда давом этамиз.

Мақола навислик бўлими

Чунки отасининг курсиси ёки чўнтаги орқали ўқишга жойлашган эркатой журналист-толибнинг ҳадеганда чин дилдан ўқигиси келавермайди.

Мана, Салим таълимнинг уч йиллини ўтказди. Баҳоли қудрат ёзишни ўрганапти. Албатта, мақола ўз-ўзидан ёзилавермас экан. Қалла бўм-бўш бўлса-ку, журналистликни орзу қилиш — «олма пиш, оғзимга туш» деган гапнинг ўзгинаси. Билимли бўлган тақдирда ҳам ёзиш иштиёқи бўлмаса билимнинг ўзи билан ҳеч иш қила олмайди. Демак, журналистнинг дунё фанларидан, хабардор бўлиши, билими, янгилликка интилиши ва шуларнинг марказида ёзишга иштиёқ бўлиши керак.

Унинг ўқишга кириши «қайта қуриш» сўзининг одамлар меъдасига тега бошлаган, куллийетда ҳам, шаҳарда ҳам, жумҳуриятда ҳам нотинч бир вақтнинг бошланишига тўғри келди. Пوراхўрликлар, тил масаласи, норасмий ташкилотлар, пахта яккахокимлиги, Орол...

У доим ўз-ўзи, дўстлари билан мулоқотда бўлар, тортишар, фикр алмашишар, ҳаётни, яшашни ўрганади. Қандай яшамок керак деган саволга жавоб топиш учун китобларга мурожаат қилар, домлаларнинг оғзини пойлар, лекин улар айтганчалик яшаб бўлмаслигини, замона ёмонлашиб бораётганлигини эшитиб, кўриб, билиб, яшамокдан совиб кетарди... Жамиятда у денгиздан томчидек эрса-да, жамиятни, одамларни шу даражага етказган сабабини, шунингдек, ботқоқликда қолган ўзию одамларни қутқариш йўлларини изларди. Ана шу муаммолар билан шуғулланиб юрган пайтлари унда бехосдан савол туғилади: «Ким учун, нима учун жон куйдирысан?» Сўнг яна бошқа саволлар қаторлашиб келади, келаверади. Кўнгли «халким учун» деб юборганида толиққан руҳида аллақандай ҳузурбахш шабада эсиб, дилини орзиқтириб юборади. Бўлажак касбнинг унга, ўзининг эса касбига муҳаббатидан лаззат олади. Гўё умрбод ана шу лаззат учун яралгандек...

Унинг синфга етгунча тоғасидай уста дурадгор бўлман, кўп пул ишлайман деб юрар, лекин, ўзинчи синфда кўзи очилдими ёки у ўқитган китоблар таъсиримикин, пул топиш шаштидан қайтди. Китоблар қаҳрамонлари — журналистларнинг ҳаётдаги ноҳақлигу зўравонликларга, қаллобликларга нисбатан қатъий кураши Салимни мафтун этгандир. Қарангки, бундай иллатлар унинг туғилиб ўсган қишлоғида ҳам мавжуд эди. Уларга бўлган нафратданми ёки бу касбнинг китобий руҳи уни ром этдими, ҳойнаҳой, шу кундан бошлаб журналист бўлиш ҳаракатига тушди. Осон эмас экан... Салим тўрт йилдан сўнг биринчи курсга қабул қилинди. У ўқишга кирди эмас, муаммолар мамлакатига кириб қолди. Кундан кун янги-янги масалалар кўтарилар ва уларнинг долзарблиги



қишлоғидаги камчиликлардан минг чандон ошиб тушарди. Жамиятнинг инқирозга юз туггани яққол сезилиб қолди. Инқироздан чиқиш учун нималар қилиш керак? Бу касални тuzатиш учун қанақа малҳам лозим? У дори нимадан тайёрланади? Надоматлар бўлсинки, касаллик қондан бошлаб у орқали суяк-суягигача ўтибди, бутун жасад касалланибди. Руҳ уни тарк этибди. Уни даволаш учун аввало кўп миқдорда шифобахш дори, яна қанчалардир вақт ҳам талаб қилинади. Шифобахш дорини тайёрлаш учун эса илм ва ақл керак. Ақл билан яшаш дошимандилардан оталарга, оталардан эса болаларга ўтади. Демак, илми ўрганиш керак. Аммо илм олиш учун шароит Бор бўлса нега ундан фойдалана олмаяпмиз? Йўқ бўлса, нега шароит яратмаяпмиз?

Ўқитиш услуги бизда қандаю бошқа давлатларда қандай? Японияда ундай, Америкада бундай каби гапларни эшитиб аввал ҳайратланиб, кейинчалик меъдангизга тегиб жаҳлингиз чиқиб кетса ҳам гапирётган одамга қараб «жим бўл» дея бақирмайсиз ёки ойна жаҳонни жаҳл билан ўчириб қўймайсиз. Эшитгасиз, кўрасиз... Ўзга чорангиз йўқ. Ваҳоланки қўшинингизнинг иморати сизникига нисбатан чиройли ва мустақкам қурилганини кўриб бефарқ кета олмайсиз. Унга ҳасад билан боқманг. Ҳасад бор жойда ҳар қандай ривожланишнинг эшиги беркилади. Уйни кузатиб қурилиш жараёни, сирларю усталар маҳоратини ўрганиб ва ўзингизда бундан-да гўзал уй қура олиш туйғусини туйсангиз бунда ривожланиш беқиёс бўлади.

Келинг, энди диққатимизни ўшундай иморат қурган инсонлар ва улар яшаётган жамиятнинг маънавиятига қаратамиз. Уларнинг маънавий олами қандай? Ўқитиш услубларида бирор янгилик бормикин?

Психолог олим Алишер Файзуллаев Амиқода бўлиб, Шей исмли оддий талабанинг ҳаёти билан танишди. Талабаларимизга сабоқ бўладиган, кўпгина фактлар келтирилган «Амиқодаги талабанинг бир куни» номи мақоласига муурожаат қиламиз.

*«Амиқода ҳар бир дорилфунун ўзининг сиймосига, тилсолига, ўзига яраша маданият ва спорт ҳаётига, ўзига хос талабаларнинг хулқ-атворида, домлар билан талабалар ўртасидаги муомалага, алоҳида ўқув дастурларига ва ўқитиш ҳақида эга. Яъни Амиқодаги ҳар бир дорилфунун ўзига яраша алоҳида маданий марка!»*

Бизда-чи? Бизда ҳамма дорилфунунларнинг дастури бир бичимда. Бичиш корхонаси Москвадан. Иттифоқимиздаги жами Олий ўқув юртлари Московнинг (маданий марказнинг) «запод»лари. Бу «запод»лар бир-бирига ўхшаш, билим доираси ҳам унча фарқ қилмайдиган, бирдан-бир маданий марказни қўллайдиган, унга сиғинадиган мутахассислар ишлаб чиқаради. Бир мисол: жумҳуриятдаги ҳамма дорилфунун, институт талабалари «КПСС тарихи» (340 соат), «Марксизм-ленинизм фалсафаси» (280 соат), «Илмий коммунизм» (160 соат) фанларини мияларига жойлашлари шарт. «МАРКАЗ»дан шундай белгиланган, эътирозга ўрин йўқ. Тошкентда фақатгина диний институтгина шарқона бўлмай, дорилфунун ҳам ўзига хос шарқ маданий марказига айлантирилса осмон узлиб ерга тушмас?

Оқорида келтирилган мажбурий фанларнинг соатлари қахрамонимиз ўқийдиган журналистика ихтисосини ўқитишга ажратилган соатларнинг қарийб ярмини эгаллаган. Ахир кулбейт ҳам, ўша маданий марказнинг шахобчаси, ўқув режаси ҳам, домлар ҳам (хоҳлашса, хоҳлашмаса) ўша «МАРКАЗ» тарғиботчилари! Дунёни бир ёқлама ўрганиш... Маънавий чекланишлар... Ақлли нодонликлар...

Жамият инқирозга юз тутди. Унинг гўзаллигини куйлаб юрган машҳур ёзувчи журналистлар ер билан яксон бўлди. Бугунги талаба эса уларнинг ҳолига тушмай дея ташвишга туша бошлади. Ўзига юпанч янгича машғулот излади. Шу жамият иллатларини оз бўлса-да тахлил ва танқид қилган ёзувчи-журналистлардан ўзига сабоқ ола бошлади. Худди шу тузумда ўқиб катта бўлган ва айни кунда талабалик даражасига кўтарилган ўғлонда бундан ортигини кутиш ҳам маҳол эди.

Ҳамон эски услубда, яъни ҳамма томонини гулга бур-

каб, айтаётган сўзларини тушуниб бўлмайдиган домларарни талабалар таъқибга ола бошладилар. Очиқдан-очиқ дарсларига киришдан бош тортишди. Бир-икки домла ишдан кетди ёки шу домлар кундузги бўлимдан кечки ва сиртқиларни ўқитиш учун ажратилди. (Ажаб йўл!) «Еш куч» журналининг 1989 йил 1-сонида ўша домлар танқидга учради. Талабалар эса барибир нимадандир қониқишмасди. Худди шу пайтлари хориждаги ўқув услуби, улардаги ютуқлар, жамият кишиларининг яшаши бизга нисбатан гўзаллашаётгани рўзнамаларда, ойна жаҳонда айтила бошланди. Талабалар дарров таққослашга ўтишди. Сифат даражаси уларда устун эди чоғи, «Еш ленинчи» рўзнамасининг 1990 йил 3 август сонидаги «Жилга» хабарномасида «Сиздан аниқ жавоб кутамиз» номи талабаларнинг Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. О. Алимовга очиқ хати эълон қилинди. Унда ҳозирги ўқув услубининг ўта қониқарсиз эканлиги очиб ташланди.

*«Чет элларда ўқитиш системасини биздан кўра яхшироқ биласиз: талабаларга мустақиллик бериш лозим, токи қайси фан зарур, қайсиниси иккинчи даражали эканини ўзи танласин! Бизга ҳозирги замон талабига жавоб берадиган дастур зарур. Хўп, қўшимча фанлар у ёқда турсин, ихтисослик фанларининг номукаммаллигига нима дейсиз? Биз фақат ўз дардимизни айтаётганимиз йўқ, керак бўлса талабаларнинг 90 фоизи шу гапларга қўшилади».* Энди талабалар домларарни якка-якка танқид қилгандан фойда йўқлигини, бу кураш фақатгина муваққат кураш эканлигини тушуниб қолишди. Домларарда не айб, агар уларни жамият шу аҳволга солиб қўйган бўлса. Энди талабалар бутун ўқитиш услуги, жараёнига, ўтиладиган фанларнинг қўпчилигига ишонсизлик билан қарай бошладди. Чунки айрим фанлар юзига никоб олишга улгурди. Масалан, «КПСС тарихи» «Сиёсий тарих»га айланди. Лекин партияни қўлаб-қувватлаган, уни кўкларга кўтарган, вақтида унинг чизигидан чиқа олмаган ўша-ўша домларар энди «Сиёсий тарих»дан дарс берапти. Улардан бири Б. Ельциннинг инқилобнинг 70 йиллиги мажлисида қилган маърузаси учун балчиққа булаб, ҳарбий либос кийдириб Пиночетга ўхшатган, Россиянинг бошлғи бўлиб сайланганидан сўнг эса кўкларга кўтарган эди. Борис Ельцин фирқа паттасини топширгандан кейин яна қандай гап қилдйкин, буниси Салимга қоронғи, лекин унга номи ўзгартирилган эски дастурнинг кераги йўқ.

*«Олий ўқув юртидан чаласавод бўлиб чиқиб кетиш, тагин «олий маълумотлиман» дейиш, уят. Дорилфунунни тузатаётганларнинг тенг ярми иш жойига келгач, ўз мутахассислигини қайта алифдан бошлаётганлиги шармандаликдан бошқа ҳеч нарса эмас! Токи жумҳуриятимизга малакали мутахассислар керак экан, ургун ихтисос фанларига, амалиётга бериш лозим. Лекин қани ўша бекам кўст дастур?!» («Еш ленинчи», 3 август, 1990 йил. «Сиздан аниқ жавоб кутамиз»).*

Хуллас, домларардан бир иш чиқмаслигини сезган талаба ақли ташаббус ҳайъати орқали ташкилий қўмита тузди. Қўмитага таниқли журналистларни таклиф этди. Ўзбекистоннинг жонкуяр журналистларига сўров варақаси тарқатди. Сўров варақасига ким қандай жавоб беради, бу унинг виждонига ҳавола. Талабалар домлараримиздан ақллироқмиз деган ўйда эмас, балки улар қурган иморат бизга манзур бўлмапти, унда яшай олмаямиз деган фикрни олға суришяпти.

Хўш, журналистика кулбейтининг талабалари нимани хоҳлашади? Ўқитиш дастурида қандай янгиликлар қўмита исташади? Салим-чи? У қандай шароитларда ўқи-моқчи? Нима етишмаяпти унга?

*Энг аввало, ўқув дастури замонавий бўлмоғи шарт. Асосий эътибор ихтисослашган дарслар соатининг кўпайиши ва ўзлигини таниш учун лозим бўлган фанларни киритиш, домларарда, дарс ўтишда сифат ўзгариши зарур. Масалан, Салим ўз юрти тарихи ва адабиётини ўқиганда ундаги ёлғон қайдлару сохталиклар таъбини хомуш қилади. Чунки адабиёт инсоният тарихининг ҳар бир қиррасига мансуб бўлмиш — Диндан ажратиб ўтилади, тушунтирилади. Сўфийлар таълимоти, унинг моҳиятига*



келганда асло яхши гап айтилмайди. «Навоий ўз замонасининг шоири эди» дея унинг динга бўлган муносабатини «чекланганлик» деб билишади. Яқиндагина (70 йил аввал) ижод қилиб, халқ савиясини оширанан деб курашган эл фарзандлари — жадидларни «босмачилар тўдасига кириб кетишди» дея қоралашади. Қолганлари қирғин йилларининг қурбони бўлишди. Қолаверса, қатоғон ва турғунлик йилларида рўзномаю журналларни «яшнатиб» турган «қизил» мақолаларни ўқишдан кўра жадидларнинг халқ келажагини ўйлаб ёзган мақолаларини ўқиган, ўрганган афзал.

Мутахассисликка оид фанларни ўтишда бир талай муаммо бор. Агар талаба рўзнома ё ойнамада, ҳаво тўлқинлари ва ойнаи жаҳонда чиқиш қилса айрим курсдошлари самимий табриги, йўқса, домлаларнинг кўчадаги таҳсинидан бошқа ҳеч нарса эшитмайди. У нимани ёзди? Ёзиб тўғри иш қилдимиз? Яхши ёздими ё камчиликлари борми? Қандай ёса мақола яхшироқ чиқарди? Булар ҳақида ҳеч гап йўқ! Толиб ўз меҳнат маҳсули — қандай ёзганлигини билгиси келади. Ҳар бир курсда уюштирилиб, талабалар меҳнатига фикр билдирилса, баҳслар бўлса, шунда нафақат мақола ёзган талабанинг, балки, курсдошларининг ҳам савияси ошади, янги ёзилажак мақолаларга замин ҳосил бўлади. Ҳозирча бундай тадбир фақатгина 3-курсда, профессор Очил Тоғаев дарсида бўлади. Тортишувлар, баҳслар, фикрлар талабалар томонидан билдирилади. Фикрларнинг тахлилий йиғиндисини домла айтади. Салим домланинг гапларини иштиёқ билан эшитади, ҳаёлида эса хонасида чала қолган мақоласини қандай тугаллаш ҳақида ўйлайди. Фикри тиниқлашади, рўзнома тили билан айтганда «қалами чархланади». Шунданмикин, Салим ўзини етук журналистдек мустақил сеза бошлайди. Лекин афсуски, бундай тадбир барча курсларда бўлмайди. 1-2-курсларда ҳам шу тартибда баҳс уюштирса бўлади-ку?

Салим ҳуқуқни, сиёсатни, динни, қишлоқ хўжалигини, саноат муаммоларини, иқтисодни, жамиятдаги ҳар бир тармоқни билгиси келади. Фан-техника ривожланган бир пайтда уларнинг ҳаммасини билишга, чуқур ўрганишга унинг қурби етармикин? 2-курсдан сўнг талабалар ҳаво тўлқинлари, ойнаи жаҳон ва рўзнома-ойнома журналисти бўлимларига бўлинади. Лекин бу қишлоқ хўжалиги бўйича ёки иқтисодчи журналист дегани эмас. Салим иқтисослаштиришни янада чуқурроқ соҳалаштириш тарафдори. У ҳамма нарсани оз-оз билгандан кўра бир масалани чуқур ўрганишни истади. Яъни кўпгина дарахтларнинг ердан юқори қисмини ўрганиш билан бирга улардан бирини ернинг остида жойлашган илдиз қисмини, ердан оладиган озукасини, қандай шароитда ўсиши қандай пайтда қуриб қолиш сирларини билиб, унинг олдини олишни билса бу бошқа гап.

Салимга куллийёт учун анъана бўлиб қолган ёзувчи ва журналистларни тақлиф қилиш ҳам қандайдир самарасиздек туюлади. Чунки учрашувда журналист ҳаёти, ижодига хос бўлган умумий саволлар берилди. Зеро, бошқа йўли ҳам бор. Таниқли журналист қақирилиб бир масала ўртага қўйилса, уни ечиш йўлларини журналист ўз тажрибасига таяниб тушунтириб берса, ўргатса... масалан, журналист Дадахон Нурийдан экология муаммоларини газетада ёритиш маҳоратини ўргатиши учун тўрт марта дарс ўтиб беришини илтимос қилишса, у йўқ демас, албатта. Қолаверса, ўғилажак дарслар учун ҳақ тўлаш чорасини куллийёт раҳбарияти ҳал қилиб қўйса. Ҳойна-ҳой, бунда асосий нуқта пул эмаслигини, балки, бўлажак ўринбосар журналистлар егиштириб чиқиш эканлигини Дадахон аканинг ўзи минг чандон яхши тушунади. Муаммонинг ечилиши (дарс давомида) ёки ёзиш тартиби қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ишни нимадан бошлаш, нимага эътибор бериш, факт тўплаш;
2. Жойидаги ички шароит билан танишув, ишчилар ичига кириш;
3. Расмий ходимлар билан муомала санъати ва ҳужжатлар билан ишлаш;
4. Экологик мақола ёзиш маҳорати;
5. Мақола чиққач, кейинги ишлар ва ҳ. к... шу тартибда иқтисодий, ҳарбий, маданият, қишлоқ хўжалигини

рўзнома, ойнома ва ойнаи жаҳонларда ёритиш маҳорати талабаларга чуқур ўргатилса, аминманки, талабаларнинг ижоди ҳам, дунёқараши ҳам юксалади. Шу зайдда дарс ўтган журналистларнинг услубларини чуқур ўрганади ва ундан ўзининг табиатига хос жойларини олиб, ўз ёзиш услубига эга бўлади.

Одатда, талабанинг қарашларию ўйлари, билими биринчи курсдаёқ бир қолипга солиниб, бурнидан ҳалқа ўтказилади. У қолип партиявийлик, социалистик реализм ва материализм мезонидан иборатки, юқори курслардаги фанлар ҳам уларнинг давоми...

Куллийёт талабаларини, жумладан, Салимни ҳам руҳият чечакларидан баҳраманд этган, нафақат руҳият, балки дунё адабиёти, оқимлар, ўша ёзувчиларнинг ўй-ташвишлари билан таништирган ва уни хориж адабиётига бўлган қизиқишини уйғотган ҳурматли домла Талъат ака Солиҳов саналади. Салим илк бор социалистик реализм адабиётидан ҳам юксак адабиётлар борлигига иқдор бўлди. В. И. Ленин ўзининг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласида кенг ҳажмдаги адабиётни эмас, айнан партиянинг адабиётини назорат остига олиш ҳақида гапирганлигини ҳам Талъат аканинг суҳбатида эшитди. Салим домланинг дунё фалсафаси ҳақидаги фикрларига маҳлиё, айна пайтда борлиги қулоқ бўлиб ўтиради. Аллақандай гаройиб руҳият сарҳадларида парвоз қилади, яйрайди.

Салимни ларзага солган яна бир фан, фан эмас, дарс жадвалининг (шанба 4-соат) бир бурчида камтаргина қилиб ёзиб қўйилган, махсус курс номи билан рус филологиясининг таржима кафедрасига берилган таржима таълимоти дарси. Бор-йўғи уч марта сабоқ (3-соат) олибди-ю, фанга нисбатан унда меҳр уйғонибди. Балки профессор Нажмиддин Комилонинг билимдонлиги, боболар адабиётини яхши билганидан, сабоқнинг Салим учун янгилик томонлари кўплигидан, натижада унда боболарига нисбатан муҳаббат ҳисси пайдо бўлганидандир. Бир дарсда Алишер Навоий газалининг икки хил маъносини таҳлил қилишди. Бир газалда икки хил, олам-олам маъно. Ажаб!

Афсуски, бу дарс бор-йўғи 4 соатгина давом этди. Сўфийлар таълимотию адабиётини лаҳзадек қисқа муддатда ўрганиб бўлармикин? Ахир бу таълимот шаклангунча неча-неча асрлар ўтиб кетган? Нажмиддин ака нафақат таржима таълимотидан сабоқ берди, балки қақраган лабга катта дарё сувидан томчи томизгандай, ўлаётган ўзлик руҳини тирилтиргандек бўлди. Дарёнинг суви бисёр бўлса ҳам ундан қониб ичишга имкон йўқ. Ўзбек филологияси куллийётдан келиб лекция ўқийдиган домлаларга нисбатан сержило, пурмаъно қилиб бобокалонлар адабиётининг моҳияти, тарихини авайлаб, varaқлаб ҳикоя қилиб беради. Бунда шоир ва файласуфлар атеизм чиғирғидан ўтмайди, социалистик реализм пойтеҳаси остига олинмайди. Боболар қандай ёзиб қолдирган бўлсалар, худди шундай тушунтирилади. Салим бир нарсга аминки, журналистика куллийёти талабаларига «Ўзбек адабиёти тарихи»дан Нажмиддин Комилов сабоқ берсалар, айна муддао бўларди.

«Шундай ажойиб дарслар, домлалар бор экан-у, матбуотнинг турли нашрларига куллийетимиз ундок, куллийетимиз мана бундоқ деб дод солишингиз нимаси?» дея кўп савол беришади. Салим ҳам ўша гапларидан тонмайди. Чунки мутахассислик бўйича ўтиладиган курсларнинг сифати ҳақиқатан ҳам жуда паст. Уч-тўрт домладан бўлак устозлар келиб-кейтиб юришади, ҳолос.

Беш йил ўқиш жараёнида 45 га яқин фан ўтилади. Бу фаннинг 16 таси мутахассисликка оид экан. 16 курснинг 4-5 тасигина сифатли ўтилади. Улардан талаба ўзига зарур сабоқ олгагина қониқарли ҳисобланади. Қолганлари фақат эскирган қуруқ сўзлар...

Салим биринчи курсда ўқиб юрган кезларини эсласа, аллақандай сиқик оламга кириб қолгандай бўлади. Илк курсда тинмай ўқиш керак дейишди ва толиб ўқийди ҳам. Лекин нимани ўқийди? Мутахассисликка оид илк курс «Совет журналистикаси таълимоти ва амалиёти» дарслари давомида партиявийлик ҳақида, Маркс, Энгельс, Лениннинг фикрларига кон таълимот ўтилади. Бир пайтлар бу курс энг яхшиси ҳисобланар, лекин бугунги кун учун у эскирди. Талаба ҳам доҳийларнинг мақолаларидан кўчирма кўчиришига эмас, балки мустақил фикрлашга,



ёзишга ўргатилмоғи керак. Биринчи курс давомида 1836 соат дарс ўтилса, унинг 200 соати — КПСС тарихи, социалистик реализмни миянгизга синдирадиган фан — Адабиёт таълимоти 68 соат, юқориди айтилган, фақатгина партиявийликка суянган мутахассисликнинг биринчи курси — 238 соат ўтади.

Талаба синов ва имтиҳонлардан ўтиш, уларни синайдиган домлаларнинг инжиқликларини ўрганиш ўйи билан яшайдики, ўзи нималарни ўқиб, қандай холатга тушиб қолганини сезмай халқини ўйлайдиган журналист бўлиб эмас, партиянинг, бюрократиянинг содиқ тарғиботчиси бўлиб қолади. Лекин Салим яшаётган даврдаги фирқа аъзоларининг ички интизомсизлиги, порахўрлиги ҳаммага аён бўлиб қолди. Шунинг учун мазкур фанларни фақат баҳо учун ўқиди. Вақт ўтади. Ана шу вақт эса талаба-журналистни лоқайд ва бефарқ қилиб қўяди. Лоқайдлик касалига чалинган талабаларнинг ҳаммаси ҳам тузалавермайди.

Журналистика куллиётининг бутун илмий режаси эскирган ва аксарияти кераксиз. Уни янгилаш лозим. Ўқиш-ўқитиш ўзгаргач, ўқитувчилар ҳам ўтиладиган фанлар сифатига қараб танланиши керак. Журналист-талаба:

1. Биринчи курсданок ёзиб туриш «дардига гирифтор» этилса;

2. Ойнаи жаҳон, ҳаво тўлқинлари ёки рўзнома ва ойномаларнинг бугун сиру асроридан воқиф бўлса; машинкада ёзиш, суратга тушириш, репортер билан ишлаш, телекамерада суратга олиш ва янги кириб келаётган (чет элларда аллақачон мавжуд бўлган) ҳисоблаш машиналарида ишлашни билса;

3. Журналистнинг ҳуқуқи ва ҳуқуқшуносликка оид фан ўтилса, натижада журналист ҳар қандай суд ишларини текшира олса;

4. Миллий маданиятини яхши тушунса, тарихини билса;

5. Сиёсий жиҳатдан етук бўлса (фақатгина бир фирқа сиёсати ва тарихини ўрганиш, унга сизиниш шарт эмас);

6. Халқи учун доим қайғурса, халқ савиясини оширишни ўйласа;

Шу билан бирга:

— дунё фалсафасини ўрганса;

хориж адабиёти билан танишса;

чет тилларидан камида иккитасини билса;

— таржимачилик қўлидан келса (редакцияларда жуда иш беради).

Куллиётга талабаларни қабул қилишга келсак, Салим 2 йиллик иш жамғармасига, амалий тажрибага эга бўлган ёшлар қабул қилинса; сийқаси чиқиб кетган одатий имтиҳонлар тугатилиб, ижодий конкурс орқали лаёқати, ёзиш маҳорати (ўзига хос) ва дунёқарашига қараб танланса, деб орзу қилади.

Юқоридаги гапларнинг ҳаммаси Салимнинг истаклари, холос. Истаклар истаклигича қолиб кетаётган бир замонда унинг гаплари инобатга ҳам олинмас. Лекин куллиётнинг илмий дастури қайта тузилмоғи шарт. Акс ҳолда янги журналист кадрларига кун йўқ, миллатга тараққиёт!

Янги ўқув дастурида ўқиш учун талаба ўрта мактабда ҳам янги таълим олмоғи лозим. Лекин ҳозир мактаблар қай аҳволда? Битирувчилари-чи? Хаёли қишлоқда, ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаги даврга парвоз қилди. Болаликни нақадар ширин хаёллар билан эсламасин, илм ўлчовига олгач, бекор ўтган умри учун афсус чекади. Ҳар йили учинчи сентябрдаёқ улар далага, ота-оналари ёнига ёрдамга чиқишади. Узум узини, лавлаги тозалаш, помидор териш ва ниҳоят, пахта терими... Совуқ ҳаво этни жунжитирса-да, начора, ватан учун маҳсулот йиғиларди. Шоирнинг шеъри қўшиққа айланарди:

Э-э, менга деса тош ёғмайдими,

Барибир пахтани терамиз.

Мисқолини ерга қоздирмай,

Ҳуқуматга тўплаб берамиз.

Шу зайлда декабрнинг охирларида биринчи қўнғироқ чалинади. Ушанинг таъсиримикин, Салим дорилфунунда ўқияпти-ю, истасин-истамасин, сентябрь-октябрь ойларида

ўқигиси келмайди, ланж бўлиб юради. Ўйлаб қараса, ҳар йили шу пайт ўрта мактабда ўқиш ўрнига ишлаган экан. «Уша вақтларни қовлаштириб нима қиласан, ўтмишда қолиб кетди-ку», демоқчимисиз? Афсуски, ундай эмас. Ҳозир ўқувчиларни ишга олиб чиқиш бошқача тус олди. Уни мактаб партасидан пахтага қувиб чиқишмайди. Оилавий пудрат тузилди, энди отасининг ўзи уни далага ҳайдайди. Яқинда бир колхоз раиси ойнаи жаҳон орқали: «Пахтанинг нархи ошди, деҳқонлар бола-чақаси билан далага чиқишди», деганди. Одамларга пул керак, унинг қаршисига ўқиш бир тийинлик нарса. Бу ерда айб пулга ташна отадагина эмас, катта ота бўлиш — жамиятдадир. Салим болалар меҳнатининг уларнинг тарбиясига фойдалилигини инкор этмайпти, балки ўқиш ўрнига ишлётган болаларга ичи ачишяпти. Дейлик, ўқувчи бир ой ўқимади. Ўқув дастури бўйича ишлаган кунлардаги ўқиш соатлари кейинчалик қўшимча тарзда ўтилади. Ўқувчи эса кўпайиб кетган информацияларни қабул қила олмай қолади. Чалаярим билим олишлар ҳар йили тақдорланаверади. Натижада ўрта мактабни «5» билан тугатган ўқувчи олий ўқув юрғларига кириш имтиҳонларида фақат «3» баҳо олади. Ҳеч бир домла неча кило пахта тердинг деб сўрамайди. Бир ой ўқиш ўрнига ишлаш оқибати. Энди бўлмагур дарсликлар, бефарқ ўқитувчилару ота-оналар тарбиясидаги ўқувчиларнинг қандай аҳволга тушишини ўзингиз билиб олаверинг.

Талабанинг қандай ўқишию билим олишига, қорни тўқлиги ё очлиги, устининг юпунлиги ё қалинлиги ҳам таъсир қилмай қолмайди. Талабанинг усти бутми? Яшашга маблағи етадими? Бунинг учун у қанча пул сарфлаши керак? Келинг, Салим мисолида ҳисоблашга ҳаракат қиламиз. Бир ойда ўртача:

— овқатига — 50 сўм;

— китоб, дафтар, қоғоз учун — 10 сўм;

— уйига бориб-келиш (ойида бир марта) — 20 сўм;

— кинога тушади (ёнида суйган қизи ҳам бўлиши мумкин, тақси, музқаймоқ ва ҳ.к...) — 20 сўм;

— чекади — 15 сўм.

Жаъми — 115 сўм. Бунда қимматлашиб кетган кийим-кечакларга кетадиган маблағ, қолаверса, ҳар замонда ичиб туриладиган сабил қолгур ароқ мустасно. Бозор иқтисодиётига ўтгач, нима бўлишини худо билади. Салимнинг нафақаси 50 сўм, уйдан эса 60 сўм олиб туради. Бу ҳолатда унинг тузук яшаш мумкин эмаслигини сезган бўлсангиз керак. Тўғри топдингиз, унинг 110 сўм пули кийимсиз яшаган пайтидагина етиши мумкин. Ваҳоланки, чўнтагидаги пулга тузукроқ туфли топиш амри маҳол. Модалар авж олиб кетган замонда, кўпчилик талабалар ўқишига, овқатига кетадиган маблағдан чегириб кийим-кечакка, радио, турли жиҳозларга сарфлайди. Билим олиш сусаяди, кам овқатдан касаллик орттиради. Қизлар эса асосан кийим учун анча пул сарфлашади. Айримлари латта-путта учун ифратини сотишдан ҳам қайтмайдиган бўлиб қолади. Юқоридаги ҳисобимизга ётоқхонада яшамайдиганларга кетадиган ортиқча 25 сўм (ижара ҳақи учун) кирмайди. Ётоқхонада жой етмайди. Ректоратнинг қарорида айтилишича ҳар бир куллиёт талабаларининг 62 фоизи жой билан таъминланади. Демак, 200 талабадан 78 нафари жойсиз қолади. Жойсиз қолганлар ойига 20-25 сўм тўлаб ижарага туришга, ётоқхона учун бир йилга 18,5 сўм тўлашади. (Ижарага турувчилар учун дорилфунун 10 сўмдан ёрдам беради, албатта). Қўриниб турибдики, талаба учун ётоқхона қулай. Иш юритишнинг ажиблигини қарангки, 38 фоиз талаба кўчада қолади. Наҳотки тўлиқ жой билан таъминланишнинг иложи бўлмаса?

Ётоқхонадан жой олган тақдирда ҳам талаба нимадандир нолишни бас қилмайди. Арим ётоқларда шароитнинг ёмонлиги етишмасликдандир, тартибсизликдандир балки. Тўғри, тартибсизликда у ўзини беғуноҳ ҳисобламайди, албатта. Умумийда яшаш маданияти етишмайдими-ей? Ҳар жойда қоғоз парчалари, газ ёниқ, сув очиқ қолиб кетади, фаррошлар яхши тозалашмайди. Келинг, Салимга ҳам озроқ ором бериб, Амриқодаги дорилфунун ётоқхонасининг қандайлигини А. Файзуллаевнинг мақоласи орқали билшига ҳаракат қиламиз.



«Блокда иккита хона, иккита чўмиладиган ва ҳожатхона, битта умумий хона ва ошхона бор экан. Икки хонанинг ҳар бирида иккитадан талаба яшайди. Умумий хонада телевизор, тўртта велосипед, магнитофон турибди...»

...Амриқода мустақиллик, ёшларнинг ишлаб пул топиши ҳар қанақасига қўллаб-қувватланади. Чунки ёшлар ҳаётда ўзлари яшаб, муваффақиятларга эришишлари керак деб ҳисобланади. Бу ердаги дорилфунунларда қоровул ёки тозаловчи, сотувчи ёки боғбон сифатида сиз чол-кампируларни кўрмайсиз. Ҳамма ишда асосан талабаларнинг ўзи машғул. Кутубхоналарда ҳам, кампютерларга хизмат кўрсатишда ҳам, тартиб сақлашда ҳам талабалар ишлаб пул топишди...»

Яна ҳисобимиз — талабанинг яшашига кетадиган маблағга қайтсак, ҳеч бўлмаганда кийим-кечаги учун ўзи пул топишга ҳаракат қилишига тўғри келади. Варибир, дардан сўнг то кечаси 23 ларгача ётоқхонанинг шов-шуви, кирди-чиқдисида дарс тайёрлай олмайди. Кўпчилик ишга жойлашса, айни муддао бўлади. Ота-оналарнинг маошига кўз тикиб ўтириш асосан йигит кишига уятдек туюлади. Бизнинг Салим ҳам шунақа.

Салимлар оиласида савкиз нафар жон. Отаси ўқитувчи, онаси ҳамшира. Оладиган жами маошлари 400 сўмга ё етади, ё етмайди. Укаси ва синглиси ҳам талаба, уч синглиси ўрта мактабда таҳсил олишяпти. Оилада уч нафар талабани боқилиши, ўзи бўлмайди. Бозорга чиқариб сотадиган маҳсулотлари бўлмаса. Қолаверса ота-оналар фарзандларининг тўйи ташвишида юришади. Тўйга кетадиган харажатлар ҳаммага аён, қолаверса, кишлоқ жойларида кўпчилик оилалар ўзлари уй қуришади. Уй қуриш учун ҳам бир олам маблағ керак. Жамият камбағал бўлгандан кейин унинг аъзолари ҳам камбағалликдан қутулиб қаерга боришади.

Талабалар шаҳарчасида ҳозир аҳвол жуда танг. Кўпчилик талабаларга жой етишмай қолди. Уқишга кўпчилик пора билан кирди деган шов-шув. Бозорда нарх кўтарилиб кетди. Жамиятнинг аҳволи бу, раҳбарлар аросатида. Домлалар ҳам нимани ўргатишни билмай қолишди. Эски таълимотни ўргатишга уларнинг ҳаммаси ҳам рози бўлавермайди. Домланинг озгидан жўяли маслаҳат ололмагач, талабанинг ҳам боши гангиган. Уқий деса китобдаги гапларнинг кўпчилиги сохта. Хонада сиқиладию кўчага отилади. Тасаввур қилинг: кўча тўла асабий ёшлар, биров сал туртичи кетса ҳам фиғони фалакка кўтарилади, қизлар аралашган бўлмагур гапдардан ҳам катта-катта жанжаллар чиқади. Жаҳл чиққанда ақл қочади. Тарафкашлиқдан маҳаллийчилик келиб чиқади. Қон тўкилади ёки маҳсулот қимматлигини рўқач қилиб талаба сотувчи билан тортишиб қолади. Энг асабий юрган талабалар бозордаги бор маҳсулотни текислиб кетишади (бундай ҳол талабалар шаҳарчаси бозорида бир неча марта такрорланган), митингга ўра чиқишади. Ёниб гапирган нотиқнинг гапидан сўнг ўз аҳволидан огоҳ бўлиб томирида қони кўпиради, митинг ўтказиш маданиятига ҳам қараб ўтирмайди. У ҳар қандай тўсиқни ағдариб ўтишга қодир. Кўпчилик ҳолларда бу тўсиқ — милиционерлар бўлиб қолади. Яна асаблари таранг ҳолда ётоққа қайтишади. Овунадиган бирор нарса топа олмай сарсони чиқади.

Салим ҳеч қачон жанжал кўтарган, муштлашган талаба дўстларини оқлай олмайди. Лекин бундай сиқик ҳолатдан чиқишга йўл борми? Талабани асабий қилиб қўйган нарса нима? Келажакка ишончсизлик эмасми? Талабанинг кўнглига шу ишонч туйғусини шакллантириш керак. Бунинг учун раҳбарлар ҳам, талабанинг ўзи ҳам тинмай изланишлари катталар ёшларга йўл очиб беришлари керак. Кўпчилик раҳбарлар бирор ташаббус кўтариб чиққан талабаларга қаршилиқ қилишга ҳаракат қилиб кўришади... Ҳозирча эса шаҳарчада муҳит асабий. Асаблар шундай тортилганки, бўлмагур сабабдан тор узилиб кетиши мумкин.

Анчагина тушкунликка тушган эрса-да, Салимни овунтирадиган, ўйлантирадиган, изланишга мажбур қиладиган саволлар борки, бу саволлар уни айрим икир-чикирлардан холос этиб туради. Бу саволларга бобокалонларимиз жавоб излашган. 7—8 аср бурун яшаб ижод этган файласуф ва шоир Низомий Арузий Самарқандий ўзларининг «Нодир ҳикматлар» деб номланган

асарларида инсон ақл билан кўп нарсага эришганлигини ва эришиши мумкинлигини айтадилар...»...Инсон ақл воситаси билан Тангрини таниди. Тангрини нима учун таниди? Ўз-ўзини таниш учун. Чунки ким ўзини таниса, демак у Парвардигорни танибди.

Шундан сўнг бу олам уч қисмга бўлинди. Биринчи қисм шундайки, бу қисмдагилар ҳайвонот оламига яқин бўлади, чунончи, дашту саҳро ва тоғда кун кечирувчилар. Уларнинг интилиши бирор фойдага етишу зарарни даф этиш орқали қорин тўйдиршидан нари ўтмайди.

Иккинчи қисми шундай кишиларки, улар юрт ва шаҳарларнинг аҳолиси бўлиб, уларда маданият, ўзаро ёрдам, касб ва ҳунар самараси бўлади. Бироқ бундаги турли гуруҳларнинг яшаш учун қиладиган ўзаро ҳамкорликлари натижасида билим даражалари чегараланган бўлади.


Сўнги қисми шундай кишилардан иборатки, кеча ва кундуз, яширин ёки ошқора юқорида айтилган нарсаларнинг ҳаммасидан қўл ювган бўладилар. Уларнинг иши — БИЗ КИМ, НИМАДАН ВУЖУДГА КЕЛГАНМИЗ, БИЗНИ ПАЙДО ҚИЛУВЧИ КИМ деб фикрлаш, нарсаларнинг асл моҳияти ҳақида фикр юритиш, қандай қилиб келдик ва қаерга кетамиз деб, ўзларининг дунёга келишлари ҳақида ўйлаш ва тафаккур қилишдан иборат.

Бу қисм яна иккига бўлинади. Биринчи хили шундай кишиларки, улар устоз ёрдами билан, илмга ташналик, оғир заҳмат ва ўқушу ёзиш билан излаган нарсаларининг ҳақиқатига етадилар. Бу тоифадаги кишиларни ҳакимлар (олимлар) деб аташади.

Иккинчи хили шундай кишиларки, улар устозсиз ва ўқушу ёзишсиз ўйлаган нарсаларининг охирига ета оладилар. Бу хилдаги кишиларни авлиёлар деб атайдилар».

Салим ҳам қўлидан келадими, йўқми, ўзини танишга ҳаракат қиляпти. Ҳаётнинг моҳияти нимадалиги билан қизиқяпти. Самарқандий оламини уч қисмга бўлган бўлсалар, у ҳозир ўзини иккинчи қисмига мансубман дейди. Чунки унинг билим даражаси шу кунгача чегараланган эди-да. Учтинчисига ўта оладими, йўқми — бу ёғи Худонинг ўзигагина аён.

Салимнинг гапларини қоғозга тушираверсам тугамайди шекилли. Унинг мақсади шу — дунё тинч бўлса, ҳар бир зот ўзлигини таниса. Талаба дўстларига илм билан чуқур шуғулланишларини, ақлни чарқлашларини тилайди. Одамларда илм-маърифатга қизиқиш кучайса, онги юксалса турмуш ҳам ўз ўзидан яхшиланаверади. Маърифатгина жамиятни инқироздан олиб чиқа олади.



Ҳалим Сайид 1966 йили Самарқанд ноҳиясининг Шоҳпўлат қишлоғида туғилган. Совет Армияси сафида хизматда бўлиб қайтган. Бугунги кунда у Тошкент Давлат Дорилфунунининг журналистика шўбаси тўртинчи босқичи толиби. Мақолалари жумҳурият матбуотида кўплаб ёриқилган.



Нусратулло Жумаев

## МАНФААТ ИСКАНЖАСИДАГИ «МИР»

Янгиланиш даврининг дастлабки беш йиллиги ҳам шитоб билан ўтиб бормоқда. Турғунлик даврининг китобсозлик қорхонаси бунёд этган «темир оқим» эса ҳануз тўхтамаётир. Ҳар йили танқид ва адабиётшунослик хазинасига бадиий адабиёт илмини сохталаштирувчи ўнлаб китоблар қўшилмоқда.

Алишер Навоийдай улкан «Тарихий шахс талқини»га (Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1989) киришган Нурулла Аҳмедов китобининг дастлабки саҳифаларида «ҳар қандай шоирнинг ўз шеърларида яшамоғи — тан олинган ҳақиқат» деб ёзади. Бироқ Навоий шахсиятини иккинчи, учинчи даражали омиллардан излайди. Муаллиф Мирали ҳақидаги ривоят ва афсоналарга асосланиб, Алишер Навоий шахсияти тўғрисида бемалол хулоса чиқараверади. Ҳолбуки, халқ ўз ривоятларида Миралини айнан Алишер Навоийнинг сиймоси сифатида тақдим этмаган. Бу тўқима образ Алишер Навоийни тарихий шахс сифатида мутлақо акс эттира олмайди ҳам. Муаллиф талқин жараёнида маълум нарсани, яъни Навоийнинг ёлғиз яшаб ўтганини исботлашга, ҳатто унинг мизожи нозик бўлган деган хулоса-

ни асослашга зўр беради. Мазкур қарашларни исботлаш учун турли ривоят, афсоналар асос қилиб олинади.

Яна бир асос сифатида Бобурнинг Навоий ҳақидаги қуйидаги сўзларидан фойдаланади: «Алишербекнинг мизожи нозук била машқурдур. Эл назокатини давлатининг ғуруридан тасаввур қилур эрдулар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анча жибиллий экандур. Самарқандда эканда ҳам ушмундоқ нозукмизож экандур». («Бобурнома», Тошкент, 1960 йил, 233-бет. Ушбу китобда 19-бет). Шу тарихқа, «мизожи нозук», «нозукмизож» сифатлари жинсий қувват заифлигига йўйилади. Ваҳоланки, Бобур Навоийнинг ўзига хос нозик табиати ҳақида гапирган, холос. Зеро, Навоий ва Бобур даври ҳамда ҳозирги изоҳли луғатларда «мизож» сўзи жинсий қувватга эмас, балки инсоннинг табиати, хулқ-атвориға тегишли сўз сифатида изоҳланади.

Бобурнинг «оламини тавре фард ва жариди ўткарди», деган жумласи ҳам «дунёни ғалати ёлғизликда ўткарди» шаклида ҳозирги тилга ўгирилади ва Бобур номидан саҳифалар ораллиғида ўнлаб марта такрорланади. «Тавр» сўзи «ғалати» деган маънони билдирмайди. Бобур жумласига бу сўзнинг «ҳол», «аҳвол» маънолари мос келади. Бундан Навоий умрини ёлғиз ва бўйдоқ кечирганини англаш мумкин, вассалом.

Табиики, далилларнинг тўғри тушунилмаслиги ёки суистеъмол қилиниши ғайримантиқий ва ғайриилмий хулосаларга олиб келади: «Бир томондан, кенг халқ оммаси Алишер Навоийнинг «дунёни ғалати ёлғизликда ўткарганлигининг» (Бобур) туб моҳиятини, унинг объектив ва субъектив сабабларини у вақтда атрофлича ҳамда теран тушуниб етмаган. Бобур таъкидлаган «мизожи нозуклик»ка буришга эса шоирга бўлган катта эътиқод ва меҳр-муҳаббат йўл қўймаган» (21-бет). Демак, «катта эътиқод ва меҳр-муҳаббат», муаллиф наздида, халққа бор-у, Бобурда йўқ экан-да?!

Китобда Навоий шахсига нисбатан «наслсизлик дардига дучор қилади», «наслсизликка маҳқум этади» каби жумлалар бемалол қўлланаверадики, бу улуғ шоирга ихлос ва эътиқоддан эмас. Бундай талқинлардан улуғ Навоий руҳигина эмас, унга ихлосманд кўнгиллар ҳам озор тортади. Аслида, Навоийнинг мана бу васиятига амал қилишимиз, ёлғиз яшаб ўтганини таъна этмаслигимиз лозим:

**Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди  
Менда ҳам бир нозанин, чобуксувор, эй дўстлар!**

Алишер Навоийнинг «оламини тавре фард ва жариди ўткарганлиги» сабабини, аввало, мутафаккирнинг ўз ижодиёти, фалсафий дунёқарашидан излаган маъқул эди. Зотан, Навоийнинг ўзи қалб дафтариининг кўп саҳифаларида фардлик-танҳолик моҳиятини аниқ шарҳлаб кетган. Жумладан, «Фавоид ул-кибар» девонидаги 8-қитъасини тўлиғича шу муаммога бағишланган. Фардлик моҳияти изоҳи қитъанинг муайян қисмини ташкил этувчи сарлавҳаданоқ бошланади: «Фардлик бобидаким, «фард»нинг агарчи ҳарфи завждур, аммо бориси фарддуру бу маънини билган аҳли дард». Гарчи «фард» сўзи тўрт ҳарф, яъни жуфтликдан иборат бўлса ҳам, моҳияти буткул танҳоликдирки, бунга фақат дард аҳлигина англай олади.

«Тарихий шахс талқини» китобининг «Лирик ва эпик шеърятда Навоий образи» деб номланган бобда турли назмий асарларда Навоий образи ёритилиб-ёритилмаслигидан қатъи назар зўрма-зўраки таҳлил авж олаверган. Э. Воҳидовнинг машҳур:

**Истадим сайр айламоқни мен ғазал бўстонида,  
Кулмангиз, не бор сенга, деб Мир Алишер ёнида,**

матлаъли ғазали тўлиқ келтиришиб, қуйидаги тезиснамо фикр илгари сурилади: «Ғазални тўлиқ келтиришимизнинг боиси, бизнингча, унинг ҳар бир сатри, бандидаги мазмун бевосита ғазал мулкнинг султони образини яратиш борасида ўта эҳтиёткорлик ва меҳр билан тортилган нозик чизгилардир».

Шундан сўнг, байтма-байт таҳлилга киришилади ва айрим байтлар тўғрисида саҳифалаб ёзилади, бироқ байтнинг асосий моҳияти очилмай қолаверади. Чунки мақсад



асарни таҳлил этиш эмас, балки қандай бўлмасин, Навоий образи талқинига доир гаплар топиб ёзиш.

Тўғри, ғазалда Алишер Навоийга эҳтиром, эътироф тўғулари балқиб турибди. Лекин уни шоир зинҳор Навоий образини яратиш мақсадида ёзган эмас. Бу — Э. Воҳидовнинг адабий-назарий нуқтаи назарини ифодаловчи программ руҳдаги ғазал.

Шу тариқа, муаллиф ўз мақсадига мувофиқ қуйидагича хулосалар чиқаради: «...Навоий даҳоси ва унга бўлган турфа хил муносабатларнинг моҳияти мазкур ғазалдаги ҳар бир банд, ҳар бир поэтик сўз бирикмасининг борлигини таъминловчи асосга айлантирилган». Хўш, Навоий образи талқинини йўқ жойдан бу қадар сунъий йўл билан ахтариб топишга нима зарурат бор? Наҳотки, Э. Воҳидов ижодиётдан Навоий образининг гўзал ва табиий талқини топилмаса?!

Ҳа, тадқиқотчи Навоий образи талқинини Жамол Камол ижодидан ҳам излайди, аммо тополмайди. Унинг эътиборини мана бу байтлар тортади:

Мен замона ўғлидирман, мен — ғазалхон  
наслиман,  
Менга ҳам гулбонги булбулдан келур  
дунё ғазал...  
Мир Алишер хоки пойин кўзга  
суртарман, Жамол,  
То ёзай деб кўз нурум бирлан гули  
раъно ғазал.

Қизиғи шундаки, муаллиф наздида, ғазалда Мир Алишер номи бўлса бас, унда Навоий образи яратилавераркан, чамаси. Бундан-да қизиғи шуки, айни мезондан келиб чиқиб, Э. Воҳидов ғазали кўкка кўтариб тавсифланган бўлса, Ж. Камол ғазалига танқид тиғи қадаб қўя қолинади.

Бу — таъбир жоиз бўлса, «Чўли ироқ» куйини чалган созандани «муножот»ни ижро этолмаганликда айблашдек бир ҳол. Негаки, Э. Воҳидов ғазалидагидек, Ж. Камол ғазалининг ҳам мақсад-моҳияти Навоийни куйлаш ёхуд унинг образини яратиш эмас, асло. Э. Воҳидов ғазали ҳақидаги мақтовлар қанчалик ўйлаб чиқарилган бўлса, Ж. Камол ғазалига оид танқид ҳам шунчалик тўқилганлигига қойил қолмай илож йўқ.

Китобнинг сўнгигача бир қанча шойрлар шеъри тадқиқот доирасига тортилган. Улар орасида Навоий образи ёритилган асарлар ҳам бор. Лекин таҳлил ва талқин ҳаминчалар. Рисолада матний хатолар, такрор-такрор келтирилган бадий парчалар, қайтариқ жумлалар, кераксиз, мавзуга боғланмайдиган тафсилотлар мавжудки, афтидан, муҳаррир ё таҳрир этишга ожизлик қилган ёки китобни таҳрир йўли билан ёпақча келтириш қийин, деган хулоса билан иш тутган.

Мутулаа поёнига етаркансиз, муаллифнинг адабиётшунос мутахассис сифатида ўзига хос, муқим ва мустақил нуқтаи назари (концепцияси) йўқлиги юрагингизни ўртади. Китоб юзага келишида тайинли бир мақсад омил бўлмагани ҳам ачинарли. Албатта, муаллифнинг ушбуни ёзиб, диссертация ёклаш, китоб чиқариш каби хусусий мақсадлари бўлиши мумкин. Лекин бунинг учун ҳазрат Навоийнинг беназир шахсияти, Эркин Воҳидов ва Жамол Камолдек мумтоз истеъодларнинг шеърияти қурбон қилинмаслиги керак эди.

«Мажозий-дидактик талқинлар» (Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1989) рисоласида Олимжон Жўраев ўқувчиларни «Алишер Навоийнинг фалсафий-дидактик дostonчиликдаги хизматлари билан таништиришни асосий мақсад қилиб қўйган». Китобнинг «Билим ва кашфиёт» деб номланган қисмида Навоийнинг «Хайратул-аброр» дostonи, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат ул-ҳақойиқ», Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан ул-асрор» асарлари билан муқояса қилинган. Лекин кутулган даражадаги чуқур илмий-қиёсий таҳлил юзага чикмаган.

Чунки бу муаллифда ҳам мустақил ва янгича нуқтаи назар етишмайди. У турғунлик даврининг ярқисиз андоза

ва аслаҳалари билан қуролланиб олган. Муаллифда В. Зоҳидов, Н. Маллаев сингари олимларнинг фикрларига қаттиқ таяниш, уларнинг хулосаларини шарҳлаш тамойили кучли. Албатта, йирик олимларнинг ютуқларидан фойдаланиш, ўрганиш лозим. Лекин уларга танқидий ёндашиб, янгича нуқтаи назар билан мушоҳада этиш қайта қуриш талаби. Чунки улар, замона ва сиебат зайли билан, адабий мерос, айниқса, Навоий дунёқараши ҳақида бирёқлама хулоса чиқарганлар. Шундай хулосалардан О. Жўраев дастак ўрнида фойдаланади. Масалан, В. Зоҳидовнинг қуйидаги хулосаси: «Адабий нафосат, маҳорат, матонат билан ёзилган кўп сўфиёна зўр асарлар ёш Алишернинг ҳали тажрибасиз қалбига таъсир этган эдилар. Алишер улар билан қизиққан эди. Лекин бу ҳол узокқа чўзилмади. Навоийнинг кейин кириб келган ҳаёт йўли, аччиқ ҳаёт тажрибалари унинг кўзини очади, тасаввуф уни, унинг севгилиси бўлган инсонни қаерга олиб боришлиги, нималарга эга қилишлиги унга ойдин бўлади, тасаввуфнинг ғайриҳаётлиги фoш бўлади. Навоий ундан узоклашади...» Тасаввуфдай пок, илоҳий эътиқодни таҳқирлаб, ҳақиқатни эл кўзидан яшириб, аслиятдан узок китобхонларни шунча лақиллатиб келгани етар бу хулосаларнинг!..

Навоий дунёқараши ва ижодидан келиб чиқсак, аввало, эътироф этиш керакки, Навоийнинг тасаввуф билан қизиқиши умрбоқ давом этди, ҳатто у мутафаккирнинг маслагига айланди. Навоий қариллик даврида ҳам тасаввуф ҳақида махсус асар ёзган-ку, уни тасаввуфдан узоклашди ёки воз кечди, дейишимизга қандай асос бор?!

Китобда муаллифнинг ўзи ҳам баён этган ғайриилмий хулосалар мавжуд. Унинг фикрича, Навоий «ортодоксал сўфизм таълимотчилари Мансур Ҳаллоқ, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий ва шунга ўхшашлар билан объектив борлик ва илоҳиёт муаммосида мутлақо келиши олмас эди». Бундай хулоса сўфийликка қоқоқ ва эскича қараш оқавасидир. Умуман, адабиётшуносларимиз олдида ислом эътиқоди билан сўфийлик дунёқарашини узил-кесил фарқлаб олиш муаммоси турибди. Шу пайтгача ислом ва сўфийлик чалкаштириб келинди. О. Жўраев уларни янада чалкаштириб юборган. У Навоий дунёқарашини сўфийликка зид, дея шарҳлай туриб ёзади: «Мутафаккир шоир ўз қаҳрамони тилидан, биринчидан — биргина ҳақиқий ҳаёт борки, у ҳам бўлса, шу дунёдаги ҳаётдир; иккинчидан — Фарҳод на у дунёнинг азобидан қўрқади ва на унинг лаззатларидан умидвор бўлади. Натижа: одам ўлиб тупроққа қоришгандан кейин, унинг қанақа нариги дунёси бўлсин?!» Сўфийлик дунёқарашида «одам ўлиб тупроққа қоришгандан кейин»ги масала исломдан бошқача — «ваҳдати вужуд»га — висолга эришмоқ, асл мояга сингиб кетмоқ тарзида ҳал қилинади. Уни исломдаги «у дунё»га тақаш ҳам, ҳозирги дунёвийликка тортқилаш ҳам тўғри эмас.

Яна бир ўринда сўфийликдаги етти водий «реакцион тасаввуф таълимотининг ифодаси, таркидунёчи шайх ва зоҳидларнинг тариқати эди», дея талқин этилади. Очиғи, китобхон бундай изоҳсиз, исботсиз қораловдан чарчаган, уларга ишонмай қўйган. Бундан кўра, шу етти водийнинг моҳияти ёритиб берилса, уларнинг қанчалик реакционлигини ўқувчининг ўзи билиб оларди. Шайх, зоҳидларнинг исломгами ёки сўфийликка дахлдорлигини ва Навоийнинг уларга муносабатини ҳам қайта аниқлаш керак. Биз нуқул «Навоий шайх-зоҳидларни қоралаган», деган гапдан нарига ўтолмаймиз.

Фаридиддин Аттор «Мантиқ ут-тайр» дostonининг мундарижаси, ғоявий-бадий моҳияти ҳали ўзбек китобхонига етказилмаган. Шу боис О. Жўраевнинг асар ҳақидаги мана бу исботсиз фикрлари ўқувчини ишонтиролмайдди: «Йигитлик йилларида ноқ тўғри изга тушиб олган Навоий умр бўйи «Мантиқ ут-тайр» таъсирига зид иш(!) олиб борди. Ҳаётининг сўнгги йилларида ушбу асарнинг салбий(!) таъсирига қарши эҳтиёткорлик билан, ғоятда усталик билан зарба бериш режаларини (!) кўнглига тугиб юрди. Ниҳоят олтимиш ёшга қадам қўйганда бу масъулиятли ишни бажаришга киришди. «Мантиқ ут-тайр»даги заҳарли ғояларни (!) бартараф этувчи «Лишон ут-тайр»ни яратиб, бу асарни «Мантиқ ут-тайр»нинг



таржимаси деб атади. «Мантӣқ ут-тайр»нинг муқаддимасидаги ўз эстетик идеалига тўғри келмаган (!) ўринлардан воз кечади, инсонга руҳий тушқунлик ва таркидунёчилик оғуларини (!) юқтирадиган парчаларини ташлаб ўтади» (Таъкидлар бизники — Н. Ж.)

Муаллиф услубида йиллар мобайнида қораланиб келинаётган социологик таҳлилга мойиллик, ўтмишни лаънатлаш руҳи сезилиб туради.

О. Жўраев китоби ҳақида истеъдодли адабиётшунос Ваҳоб Раҳмоновнинг «Навоий ва Аттор» мақоласида билдирилган «тироз ўринли». Ҳақиқатан, О. Жўраев «Аттор ва Навоий муносабатларини аввалгидан ҳам кескинлаштиришга уринади». Фаридидин Аттотдай мутафаккирни «инсонларни хароб қилувчи» дея ҳақоратлайди, Навоийни «Аттор ғояларининг ашаддий душмани» сифатида талқин этади. Навоийни Аттотга, «Лисон ут-тайр»ни «Мантӣқ ут-тайр»га, пантеизмни мистицизмга қарши қўйиш илмдаги сохтарчиликдан бошқа нарса эмас.

Бухор Мамедовнинг «Муҳаббат ва садоқат достони» («Фан», 1989) деб аталган китобида «Сайфулмулк» қиссасининг фольклордаги, қозоқ, туркман, форс-тожик адабиётидаги, Мажлисий талқинидаги беш вариант мазмуни баён этилган. Гапнинг очиги, бундай «қиссагўлик»дан кўра, қиссанинг ўзини, вариантлар ҳолида бўлса ҳам, нашр этган маъқул эди. Чунки бунда беш вариантни бир киши баён этган. Аслида эса, вариантнинг бешаласи беш хил, ранг-баранг. Китобнинг яққохон ва жўн услубдаги баёни ўқувчини зериктиради.

Китобга илмий шакл бериш, уни (ички муқовада) «Қисса Сайфулмулк»нинг қиссий таҳлили» дея номлашдан бошланган. Лекин китобни ўқиб кўриб, у қандай номланса тўғри бўларди, деб ўйлаб кўрсангиз, дастлаб «Қисса Сайфулмулк»нинг қиссий баёни» деган тўхтама келасиз. Чунки китобда илмий таҳлил йўқ. Сўнг унда баён қиссий эъмаслигини ҳам англаб етасиз. Негаки, қисса, изчил муқояса йўли билан эмас, ҳар бир вариант алоҳида баён этилган. Кейин... Кейин китобни қандай тўғри номлашга ақлингиз етмай қолади.

Ҳеч бўлмаса, ички қисмлардаги баёнларни ҳузур қилиб ўқишга умид боғларсиз? Ҳа, эҳтимолки, сюжет силсиласига илммонанд жумлалар аралашмаганида, бу умидингиз ушаларди.

Баёнда турфа ноаниқликлар учрайди. Бир мисол: «У дарёдан ўтган эдики, соҳилда етти девни кўради. Шаҳзода бирини ўқ билан йиқитади, иккиси қочади, орқасидан қувиб етиб ҳар иккаласини ушлаб бир-бирига уриб ўлдиради». Асли, дев еттиамиди ё учтаамиди?

Муаллиф яна ёзади: «Бинобарин, «Сайфулмулк» сюжети ҳам, бизнинг назаримизда, дастлаб форс-тожик тилида насрий вариантда бўлганлиги ҳақида айрим маълумотлар бор» (23-бет). Ажабланасиз, айрим маълумотлар ҳақиқатан ҳам борми ёки муаллиф назаридагина мавжудми? Қиссанинг дастлаб форсий тилдаги насрий варианты бўлгани ҳақидаги «айрим маълумотлар»гагина суяниб, ундан ўзбек, қозоқ, туркман, татар вариантлари юзага келди, дейиш илмийликка қанчалик тўғри келаркин?

Ифодадаги мажҳулликнинг мана бундай кўринишини бошқа китобларда учратмагандирсиз: «Достондаги айрим насрий байтлар ахлоқий, таълимий характерга эга:

Сад қалъаи Қофро бо ҳомун судан,  
Нўҳ токи фалак ба хуни дил андудан,  
Сад сол асири банду зиндон будан  
Беҳ з-он, ки даме ҳамдама нодон будан.

...Қиссада келтирилган бу шеърий мисралардаги ғоявий мазмун Шарқ шеъриятининг улуғ алломалари Умар Хайём, Ибн Сино, Паҳлавон Маҳмуд шеъриятини эслатади». Шеърнинг оҳанги айтиб турибдики, бу — рубоий. Муаллиф эса уни, аввал, «насрий байтлар», кейин, «шеърий мисралар» деб атайди. «Насрий байт» ҳам бўладими? Олим адабий жанрларнинг, назм билан наср-

нинг фарқини билмасмикин? деган шубҳаларга борманг, муҳтарам ўқувчи. Билади. Фақат хато қилиб қўйишдан эҳтиётланиб, ҳар эҳтимолга қарши ҳам «насрий байт», ҳам «шеърий мисралар» деб атаган. Тўғриси қайсилигини ўзингиз ажратиб ола қолинг.

Қиссанинг беш варианты баёни тугагач, «Ўхшаш мотивлар ва уларнинг трансформацияси», «Традиция ва новаторлик», «Достоннинг бадиий қиммати ва тил хусусиятлари» каби назарийнамо боғлар бошланади. Бунда муаллиф схемали ўрганиш йўлини тутаяди. Достон сюжети тўққимасини шартли равишда, тўғривоғи, сунъий равишда «Воқеанинг тугуни», «Кульминацияси», «Воқеанинг ечими» каби қисмларга ажратади: «Воқеанинг ечими. Барча вариантда эзгулик ёвузлик устидан ғалаб қилади. Сайфулмулк ва Саидмурод — мақсадларига етадилар». Қизиқ, дуч келган асарни танлаган қолипимизга солаверамизми? Ахир, қаҳрамон номлари ўзгартирилса, бу ечимни минглаб асарларга татбиқ этавериш мумкин-ку?! «Қисса Сайфулмулк»нинг ўзига хос бадиий ечими йўқми?!

Хуллас, китобни Н. Маллаев ва А. Иброҳимовнинг «Қисса Сайфулмулк» ҳақидаги кўп йиллар аввал ёзилган тадқиқотларидан илгарилар кетган иш сифатида ҳақолаш қийин. Аксинча, навқирон ниқобдаги бу рисола ҳозирги замон адабиётшунослиги даражасидан нақ ярим аср орқанда қолган, десам муболаға бўлмас.

Ўтган йили Мурзоқ Жуманазаровнинг ўзбек халқ тарихий қўшиқларига бағишланган иккита китоби — рус тилида «Ўзбек халқ тарихий қўшиқлари» — «Ўзбекские народные исторические песни» («Фан» нашриёти) ва ўзбек тилида «Жасорат ва садоқат талқини» (Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти) нашр этилган. Китоблар, тузилишига кўра, айрим тафовутларга эга, аммо моҳиятан икки тилдаги бир тадқиқотдир.

Тадқиқот қамрови жуда кенг олинган, энг қадимги туркий қўшиқлардан Улуғ Ватан уруши йилларидаги қўшиқларга ҳам таҳлил қилинган. Аммо китобни ўқиган сари, тадқиқот услубидаги қамров-қанча кенг олинса, илмий таҳлил шунча саёз, янгиликлар оз, такрорлар кўп бўлиши каби қонуний ҳол кўзга ташланиб боради. Бу дарслик ёки қўлланма эмаски, мавжуд тадқиқотлар умумлаштирилган, дея тасалли топсангиз. Масалан, ватанпарварликнинг бадиий-тарихий талқини учун ўрта мактаб таълимида ноқ ҳаммага маълум «Тўмарис» афсонаси ипидан игнасигача қайта баён этилади. Назаримизда, бу айни ўринда шарт эмасди. Машҳур афсонани эслатиб, у ҳақидаги илмий мушоҳадаларга ўтавериш мумкин эди. Шу афсонанинг бошқа вариантларини ҳам мазкур матн билан қислаш зарурати бор эди. Бироқ изчил илмий муқояса ўрнига мана бундай фикр-хулосага дуч келасиз: «Ўзбек халқ бахшиши Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган «Ойсулув» ҳамда «Қирқ қиз» сюжети «Тўмарис» афсонасининг турли даврларда, турли тарихий воқеаларга жавоб тариқасида ўзгаришларга учраб шартланган вариантларидан иборат». Шугина фикр «Ойсулув» ва «Қирқ қиз» афсоналари «Тўмарис»нинг вариантлари эканлигини исботлай олмайди. Ватанпарварлик руҳидаги афсоналарнинг қаҳрамони хотин-қизлардан бўлса, демак, у «Тўмарис»га вариант бўлаверадими?

Китобда ўзбек халқининг босқинчиларга қарши курашининг бадиий ифодаси янглиг туғилган халқ қўшиқлари баҳоли қудрат ўрганилган. Аммо ўтмишимизнинг энг мудҳиш ва қаро кунлари — Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши даҳшатлари ҳақида яратилган халқ қўшиқлари назардан соқит қилинади. Мазкур халқ қўшиқларини четлаб ўтиш ўша машҳур босқинчи яшириш билан баробарки, бу муаллифнинг китоби номидаёқ ифодаланган «жасорат ва садоқат» маслагига зиддир. Бугунги кунда долларб саналаётган шундай улкан тарихий фожиа четлаб ўтилар экан, мазкур тадқиқот чала, ягона ва қатъий нуқтаи назарсиз, ечимсиз қолаверади.

Ўзбек халқининг инқилобий кўтарилиши, албатта, рус инқилобчилари таъсирида содир бўлди, деган фикрнинг зўр бериб илгари суриш, ўзбек мардикорлари онгининг ўсганлигини русларга боғлаб қўйиш турғунлик мафкурасидаги миллий ўз-ўзини инкор этиш, қадрламаслик, менсимаслик (нигилизм)нинг бир кўринишидир.

Бир сафар таассуротлари асосида «Мардикор» достони-

<sup>1</sup>. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 9 февраль.



ни яратган Пўлкан шоирга мана бундай камчилик тақаш турғунлик даврида урф бўлган зўраки танқид услубини эслатади: «...Айниқса, шоир февраль буржуа ва Октябрь революцияси билан боғлиқ тарихий фактларни яхши ўрганмагани, доҳий Лениннинг бетакрор шахс сифатидаги серқирра фаолиятини теран билиб олмагани сабабли революцион воқеалар тасвирида ва айниқса, доҳий образини беришда оқсаб қолади...» Мунаққид истаган нарсаларни халқ бахшисидан ёки халқ достони жанридан талаб қилиб бўладими? Бу адабиётдан ўта ижтимоийлик (социология) излаш, бадий матнни шу нуқтаи назардан тафтиш этиш услуби аломати. Ахир, «Февраль буржуа ва Октябрь революцияси билан боғлиқ тарихий фактларни яхши ўганиш», «доҳий Лениннинг бетакрор шахс сифатидаги серқирра фаолиятини теран билиб олиш» — бахши эмас, балки жамиятшунос олимга, дoston эмас, аксинча илмий-ижтимоий асарга қўйиладиган талаб эмасми?

Муаллиф жамият тарихидаги воқеа-ҳодисаларнинг халқ оғзаки ижодиётидаги талқинини ўрганишга ҳаракат қилиб, кўпроқ ўша воқеа-ҳодисаларнинг таъриф-тавсифига, тафсилотлари баёнига берилган. Натижада, тадқиқот бадий таҳлиладан четланиб, социологик таҳлил асоратига тушиб қолган. Муаллиф бадий асар қолиб, жамият ҳақида узил-кесил хулоса чиқараверадики, бундай хулосаларни ўтмиш ҳаётий тажриба тасдиқлаёлмайди: «Халқимиз тарихидаги узоқ асрлардан буён давом этиб келган озодлик йўлидаги курашларга Октябрь революцияси хотима асади». Ётмиш йиллик кечмиш кўрсатмоқдаки, Октябрь инқилоби халқимизни чинакам эрк ва озодлик, мустақиллик билан таъминлаёлмади. Хўш, озодлик йўлидаги курашнинг қанақа хотимаси ҳақида гап кетяпти? Балки, озодлик йўлидаги курашларга нуқта қўйилгани назарда тутилаётгандир?!

«Жанговар йиллар халқ поэзияси» бўлими халқимиз тарихининг мураккаб бир даври шеъриятига бағишланган. Бироқ У. Жуманазаров китобларида ушбу мураккаб замона турғун ва ўткинчи дунёқараш нуқтаи назаридан, бирёқлама, чин билан ёлғонни фарқлашга ҳаракат қилинмай баҳоланган: «Ўзбекистон комсомоллари ҳам коммунистлар билан бир сафда туриб, ички ва ташқи душманларга, инглиз — америка малайлари — босмачиларга қарши жонбозлик билан кураш олиб бордилар, жанговар, сиёсий-тарбиявий, ташвиқот ва тарғибот ишларида фаол қатнашдилар. Босмачиликка қарши кураш Фарғона водийсида, айниқса авж олиб кетди». Энди тарихга хушёрроқ эҳти солайлик. Ўша босмачиларга қиргин келтирган йигит-қизлар асл моҳиятдан чалғитилган, алданган жигаргўшаларимиз эмасмикин? Босмачиларга қарши кураш ниқоби остида, баъзи чинакам зolimлар билан бирга, миллатнинг илғорлари, сарварлари, гуллари қиргинбарот қилинмаганмикин?!

Ўрта Осиё халқлари манглайига шафқатсиз муҳрланган тамғалардан бири «босмачи» сўзидир. Уни таг-томири билан сидириб ташламагунча маломатдан қутулиш қийин. Ўзбек фарзандлари шаънига ағёр томонидан айтилаётган: «Сен босмачи, босмачисан! Сенинг отанг, бобон босмачи ўтган», қабилидаги ҳақоратлар ҳамон тинмаётир. Нега? Босмачиларни У. Жуманазаровнинг китобидагидай баралла лаънатлаб, ўзимиз таҳқирларга йўл очмаяпмизми? «Босмачи» деганларимиз ким бўлган ўзи? Улар чиндан «инглиз-америка малайлариими»? Унда, биродарларини қириб ташлаган, умрида босмачилик қилмаган одамларнинг ёстигини қуритган, тинч фуқародан босмачини айириб ололмай, «аҳолининг ҳаммаси босмачи, деган собит фикр»ни шакллантириб, шу фикр таъсирида қишлоқ ва овулларни ер билан яқсон қилганлар кимнинг малайлари? Ахир, «босмачи»лар бировнинг юртига бостириб бормаган-ку! Улар ўз юрти, халқи, бойликларини ҳар қандай ташқи босқинчилардан ҳимоя, муҳофаза этган. Наҳотки, булар хоин-у, буларга қарши курашганлар ва-танпарвар бўлсалар?!

Афсуски, бу нотўғри ёндашув У. Жуманазаров китобларида анча устивор. Уни юқоридаги савол ва муаммолар асло ўйлантормаган. Китобнинг бутун бошли бир фасли босмачиларни лаънатлаш руҳи билан йўғирилган.

У Жуманазаровнинг «Ўзбек халқ тарихий қўшиқлари» ҳамда «Жасорат ва садоқат талқини» китобларини ўқиб,

уларни филологик тадқиқот дейишга ҳам шубҳаланасан киши. Чунки мазкур китобларда бошдан-оёқ социологик талқин ҳукмронлик қилади. Кўп ҳолларда сиёсий жараён тафсилотлари шарҳига берилиб кетилган.

Бундай китоблар таҳлили ва танқидини яна давом эттирaverиш мумкин. Аммо шундоқ ҳам аҳвол аён. Кўриб турибмизки, танқид ва адабиётшунослигимиз ҳамон турғунлик даври асоратида. Халтуранинг қўли баланд. Бугунги адабиётшунослик савиясидан 40—50 йил орқада қолган китоблар навқиронлик либосига бурканган. Хўш, адабиётшунослигимиз шу кўйи давом этаверадими? Уни қандай янги изга солиш мумкин? Нималардан воз кечиш ва қай йўсинда янгиланиш лозим? Назаримда, танқид ва адабиётшуносликда қайта қуришга эришиш, биринчи навбатда, адабиётни назарий ўрганиш, даврлаштириш, баҳолашда янгича барқарор нуқтаи назарни шакллантириш, истеъдодларга кенг йўл очиб, кўзбўямачилик ва ўрта-миёначиликка қарши мurosасиз курашиш, китоб нашрига талаб ва назоратни кучайтиришни тақозо этади. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий сабоқларидан ўрганадиган бўлсак, на молу дунё, на мансабу мартаба, на илмий даражаю маърифий лавозим — илм йўлида восита ва сунистеъ-мол қилинмаслиги лозим. Олим «илм — халқ учун» масла-гича иш тутса яхши. Акс ҳолда:

Олим агар жоҳ учун ўлса залил,  
Илми анинг жаҳлига бўлғай далил.



Шомирза Турдимов

## ОҚ, ҚИЗИЛ, ҚОРА...

Ранглар оқ ва қорадан иборат эмас.

Синчков киши оқни оқлардан, қорани қоралардан ажрата олади.

Оқ деб уқтирилган нарса ҳамма вақт оқ, қора деб англатилган нарса умрбод қора бўлиб қолмайди. Бир авлод алданса, иккинчиси тийрак кўз билан қарай билади. Аввал шубҳаланади. Шубҳадан инкор, инкордан ҳақиқат туғилади.

Бизда тарихимизни «оқ» ва «қора» тамғалар билан муҳрлаб ўрганиш, «оқ» дейилганни «қора» деганга зидлаб талқин қилиш яқин-яқингача урф эди. Ҳар қандай ҳодиса қатъий ўлчамлар, тайёр назариялар сузгичидан ўтказилиб осонгина ҳал қилиб қўйиларди. Афсуски, бу қарахтликдан ҳали-ҳануз қутула олмаёпмиз.

Кўп эмас, бор-йўғи икки-уч авлод нарида рўй бериб, «босмачи»лик деб аталган ва расмий тарихда чалкаштириб юборилган ҳаракат даврида тўқилган қўшиқларни бирма-бир кўриб чиқсак, тарихимиз рангларининг қанчалик хилма-хил эканлигига гувоҳ бўламиз.

«Босмачи» бизга уқтириб келинган энг улкан «қора» ранг. Бироқ «Оқ» деб англатилганга, «Қора» деб уқтирилганга бугунги авлод шубҳа билан қараяпти. Шубҳани тарихга тийрак кўз билан қараш, бу даврда айтилган қўшиқларнинг барчасига бирдай қулоқ тутиш, воқеликни борича идрок этиш туғдирмоқда.

Машҳур қўрбоши Иброҳимбек ҳақида тўқилган ушбу қўшиққа диққат қилайлик:

**Қарши тови товимиз,  
Урис бўлди жовимиз,  
Иброҳимбек орқамиз,  
Энди кимдан қўрқамиз.**

Қўшиқ аскарлар тилидан айтилмоқда. Унинг дастлабки мисрасида Қаршитоғнинг «товимиз» деб уқтирилишини оддий таъкид ва биргина қофия талаби билан изоҳлаш қўшиқни жўнлаштириб қўяди. «Қаршитов» — она юрт, Ватан тимсоли. Чунки «тоғ» рамзининг халқ қўшиқларидаги

анъанавий ўзак маъноси — «ота юрт», «ҳомий», «суянчиқ». Мисра кенгроқ талқин этилса, Қаршитовлар бирикиб Туркистон тимсолини беради.

Қўшиқдаги «ўрис» образи Туркистонни босиб олган Русия мустамлакачиларининг рамзи бўлиб гавдаланади. Мустамлака халқнинг босқинчига бўлган нафрати, озодлик сари интилиши то эркака эришмагунча ўлмайдди. Бу ҳаракат вазиётга қараб алангаланиши ёки пасайиб, ботиний тус олиши мумкин, лекин ҳеч қачон тўхтамайди.

1917 йилги инқилоб ва тўнтаришлар Туркистон халқи учун биринчи галда мустамлакачилик исканжасидан чиқиш имкониятини яратган эди. Мустамлакачиликдан қутулиш мақсади Туркистондаги, деярли, барча тоифадаги кучларни бириктира олувчи ягона ғоя эди. Оммани, қўшиқда куйланганидек, ҳеч кимдан қўрқмаслик ишончига эга қилган ҳам ана шу интилиннинг кучи эди.

**Иброҳимбек отамиз,  
Соёсида ётамиз.  
Қўлимизда беш отар,  
Душманларни отамиз<sup>1</sup>.**

Натижада Иброҳимбек топинчи (культи) пайдо бўлди. Бу омил кейинчалик шу типдаги тўртликларнинг турли вариантларининг юзага келишига жиддий тўртки берди. Бошқачароқ айтганда, омманинг ўзи топинч психологиясига асрлар давомида шу даражада ўрганиб қолгандики, ушбу тўртликдаги «Иброҳимбек» номини бошқа ҳар қандай топинч билан, жумладан Ленин, Сталин, Большевик топинчлари билан алмаштириш унчалик кўп ташвиқот талаб қилмади.

Ушбу:

**Душанбанинг қаласи,  
Чақабойнинг боласи.  
Ҳар ким салом бермаса  
Учиб кетар калласи<sup>2</sup>**

деб айтилган тўртлик Иброҳимбек топинчини аниқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Иброҳимбеклар омманинг асосий қисмини ўз мақсади билан атрофига жамлай олди. Бу мақсад курашга рағбат берди. Бу курашда «Қаршитов»дан кам бўлмаган яна бир етакчи куч — ислом ғояси бор эди.

**Биз ғазога борар бўлсак,  
Ота-онамиз рози.  
Ўлганлар ўлиб кетади,  
Қолганларимиз ғози<sup>3</sup>.**

ёки:

**Шоҳи Мардон, Шири Ёздон,  
Баччаликдан теримиз.  
Қилсин мадад пиримиз,  
Душман[лар]га тексин тиримиз<sup>4</sup>.**

яна:

**Байроғимиз широси,  
Аскарлар бўлсин ғози.  
Аскарларга ўқ отғон  
Худо ундан норози<sup>5</sup>.**

Бу пайт оқ подшо йиқилганди. Оқ подшонинг ўрнига «Қизил подшо» келганди. Омма шундай қабул қилди. Омманинг бир қисми:

**Амир бовом отамиз,  
Соёсида ётамиз.**

<sup>1</sup> Андреев Г. В. «Отражение басмачества в народном творчестве Таджикистана». Сборник научного кружка при Восточном факультете. Ср. Аз. Гос. Университет. Вып. I, Ташкент 1928 г. 10-бет. (Кейинги кўчирмалар ҳам шу манбадан олинди).

<sup>1</sup> Андреев Г. В. Уша мақола, 13-бет.

<sup>2</sup> Андреев Г. В. Уша мақола 10-бет.

<sup>3,4,5</sup> Уша мақола, 11-12-бетлар.



**Большевиклар келганда  
Тўпга солиб отамиз.<sup>1</sup>**

деб баралла куйласа, бошқалари:

**Қарғалар қағиллаб знади,  
Марғилоннинг чўлига,  
Бир нима билдимикин!  
Урислар чувлошади,  
Оқ подшоси ўлдимикин!<sup>2</sup>**

деб ҳайрон боқади. Яна бир қисми:

**Ленин бовом отамиз,  
Соёсида ётамиз.  
Жаҳонгирлар<sup>3</sup> келганда  
Милтиқ билан отамиз.<sup>4</sup>**

деб айтишди. Бу тўртликлар ўша давр моҳиятини очувчи энг характерли намуналардир.

Ана шунда ўғил — отага, ука — акага, қишлоқ — қишлоққа, миллат ўз-ўзига душман бўлди. Ҳар ким ўзини ҳақ деб билди. Эҳтиросга берилмай бир мисол келтирайлик. Жиззах вилоятининг Бахмал туманлигида Мулла Турсун деган кўрбоши ўтди. Мулла Турсун Мўғолда яшовчи, янги тузилган шўро ГПУсида ишлаётган Эшмат Уразматовнинг қасдига тушди. Китобларда ёзилишича, Мулла Турсун Эшматнинг онаси Чучук момонинг уйига йигитлари билан борганда ГПУчи ўғил бўлмаган. Мулла Турсун Чучук момага ош қилишни буюрган ва ошдан кейин шўро хизматига кирган аканинг сингиллари билан базм қилажагини айтган. Чучук момо ошни наша солиб пиширган ва наша кайфидан ухлаб қолган Мулла Турсунни шериклари билан бирга болталаб ўлдирган. Сўнг шўро идорасига хабар бериб жасадларни топширган.

Биз бу биродаркушлиқда ким ҳақу ким ноҳақлигига қозилик қилмоқчи эмасмиз. Бизнинг диққатимизни тортган нарса ана шу бир воқеа ҳақида тўқилган икки хилдаги кўшиқ бўлди. Бу кўшиқлар ҳам ўша даврлар ҳақида бизнинг онгимизга сингдирилган «оқ» ва «қизил» рангларни тарқатиб, қора парда ортида турган кўк, яшил рангларни кўришимизга имкон беради.

Биринчи кўшиқ:

**Турсунбек жоним отиё,  
Санзор қараб кишнайти.  
Қуруб кетгур Мўғоллар,  
Жиловидан ушлайти.**

**Турсунбек жоним дўпписи,  
Дорда туриб яшнайти.  
Уни кўриб онаси —  
«Вой болам!» — деб қақшайди.**

**Турсунбек жоним этиги,  
Укчасидан тўзмади,  
Қуруб кетгур Мўғоллар,  
Уттиздан ўздирмади.**

**Қийма қилиб ош кесдим,  
Ичмайсанми, Турсунжон.  
Элга душман келибди,  
Қирмайсанми, Турсунжон!!<sup>5</sup>**

Иккинчи кўшиқ:

**Турсунбеклар «хув» деди,  
Жом косада «сув», деди.**

**Бўйнига болта келганда  
«Охир куним шу», деди.  
Яшайлик ҳо, яшайлик,  
Душманни қақшатайлик!<sup>1</sup>**

Ҳар икки кўшиқда ҳам «душман» образи бор. Бирида:

**«Элга душман келибди,  
Қирмайсанми, Турсунжон!!» — деб куйланса,**

иккинчисиди:

**«Яшайлик ҳо, яшайлик,  
Душманни қақшатайлик!» — деб куйланади.**

Табиий савол туғилади: Бу ерда халқнинг душмани ким? Балки саволни бу тарзда қўйиб бўлмас. Лекин ҳар қандай тушунча моҳиятини аниқлаштиришда унинг ўз мезони билан ёндашилади. Бу ўринда мезон Туркистон халқининг туб манфаатлари, улар кутган замон ва ҳокимиятдир. Туркистон халқи Оқ подшони қандай қабул қилган бўлса, Қизил подшони ҳам шундай қабул қилди. Устига устак қизилларнинг дастлабки сиёсати Чор ҳукумати сиёсатидан қолишмади. Қўқон мухториятининг тор-мор этилиши, Бухоронинг ғорат қилиб эгалланиши ва бошқа қирғинлар маҳаллий халққа оқми, қизилми, барибир босқинчи ҳукумат бўлиб кўринаверди ва:

**Эшигингда жуп терак,  
Жуп теракка сув керак,  
Большевикни отқани<sup>3</sup>  
Қорақул аканг керак.**

деб куйланганидек, «Қорақул»ларни курашга, энг камида оиласини, ўзини ҳимоя қилишга мажбур қилди.

Шоир Элбек чоп этган «Ашулалар» тўпламидан «Қўрбошиларнинг Қўқонга қириши муносабати билан 1920 йилда халқ томонидан айтилган ашула» деган изоҳ билан ўрин олган ушбу кўшиқда ҳам қизиллар ўтказган Қўқон қирғинидан кейинги фожиали толотўм иси келиб турибди:

**Қўқонингга ким кирди,  
Ҳожи Ҳамдам қўрбоши.  
Унг қўлида Жанишбой  
Нор эшонинг юз боши.**

**Дўст худойим, дўст жаббор эгам,  
Хафа бўлманг, кўп йиғламанг,  
Азалда тақдир шул экан!**

**Қўқон йўли катта кўча,  
Пистирмани қўйинг, юзбошилар.  
Замбаракни қўйобериб,  
Уғриларни қувинг, қўрбошилар.**

**Дўст худойим, дўст жаббор эгам  
Хафа бўлманг, кўп йиғламанг.  
Азалда тақдир шул экан!**

**Замбаракни отинглар,  
Соёсида ётинглар.  
Бешотарни тақиб олиб,  
Уғри келса отинглар.**

<sup>1</sup>. Дружинин В. Материалы по фольклору узбеков. Келтирилган тўплам, 52-бет.

<sup>2</sup>. Айтувчи: Ҳалима Қарши қизи (83 ёш) Нурота туманлиги, Гум қишлоғи.

<sup>3</sup>. Жаҳонгир — империалист.

<sup>4</sup>. Дружинин В. Келтирилган мақола, 52-бет.

<sup>5</sup>. Ҳ. С. Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институти фольклор архиви, 123-папка, 4819 № инвентарь.

<sup>1</sup>. Қабулниёзов Ж. Узбек совет фольклорининг ривожланиш йўллари, 99-бет.

<sup>2</sup>. Аслида бу номланиш хато. Мухториятнинг таъсис қурултойи Қўқон шаҳрида чақирилганлиги туфайли ва унинг миқёсини пайсайтириш кимларгадир зарур бўлганлиги учун Туркистон атамаси Қўқон билан алмаштирилган. Аслида Туркистон мухторияти бўлиши керак.

<sup>3</sup>. Дружинин В. Келтирилган мақола, 52-бет.



Хафа бўлманг, кўп йиғламанг  
Азалда тақдир шул экан!<sup>1</sup>

Ҳозирги вақтда «кўрбоши» сўзи «босмачи»нинг синоними даражасига келиб қолган (рангларнинг иккитага келтирилганлиги сабабли). Қўшиқда акс этишича, Қўқон халқи кўрбошилардан нажот кутмоқда. Улардан, ўғрилари ҳайданг, деб илтимос қилинмоқда. Аянчли, юракларни эзувчи, тушкун нақорат эса Ю. Попоровнинг «Оппок саҳронинг қайноқ қуёши» (Юность, № 12, 1989 г.) мақоласида келтирилган дашноқ қирғинидан хабар бермоқда. (Дашноқлар Фарғонадаги қизил армиянинг кўпчилиги қисмини ташкил этган).

Қўшиқлар халқнинг — Туркистон халқининг душмани босқинчилик сиёсатидан воз кечмаган қизиллар эканини кўрсатмаяптими? Шу нуқтада Турсунбекка қарата «Элга душман келибди қирмайсанми, Турсунжон» деган мурожаат ҳақ! Лекин бу мурожаатчиларнинг фожиаси, сиёсий маҳдудлиги душман сифатида қўшни қишлоқ — «Мўғол»ликларни билиши эди. Ана шу маҳдудлик натижасида уларнинг душманлари ғалаба қилди. Душман эса ўз душманига қўшиб улар билан боғлиқ барча рангларни ҳам қорага бўяб ташлади.

Хатирчининг йўлида,  
Қишлоғи бор Тасмачи.  
Юртни хароб айлади,  
Уйинг куйгур босмачи.

Қора ранг қаршисида ана шу қўшиқни тўқиган қизил рангина қолди.

Тарих «қизил» ва «қора» рангдан иборат бўлган пайтда, биз 1917—1930 йилларда кечган халқ кураши ҳақида юқорида келтирилган тўртликка мазмунан уйғун қўшиқларни-ю, қора рангли «босмачи», «кўрбоши» каби сўзларни билардик, холос. Лекин ана шу олатасир даврга яқинроқ бориб, турли-туман қўшиқларга қулоқ тутганимизда эса «қора» ранг ўрнини «кўк», «яшил» ва бошқа ранглар эгаллади.

Яна бир бор такрорлаймиз:

Ранглар «Оқ» ва «Қора»дан иборат эмас!

<sup>1</sup> Элбек. «Ашулалар», Т., 1934, 19-бет.

Гулмих

## Телпагим

Боболардан мерос қолган телпагим,  
Бошкўриқда соврин олган телпагим.  
Бугун бошда бор-йўғингни билмадим,  
Бир чеккада ўйга толган телпагим.

Ичларида қумурсқалар ин қурган,  
Ўргимчаклар дорлар қуриб югурган,  
Қулоқларин солинтириб жим турган,  
Юзига ғам чандиқ солган телпагим.

Термуламан кўзларимга ёш олиб,  
Йўл қарайман кўлларимга тош олиб.  
Бошлар кетмиш бир-бир сендан бош олиб,  
Оҳ, ҳувиллаб бошсиз қолган телпагим.

Яраш ҚУРБОНОВ  
Тожикистон ССР, Қубадён ноҳияси,  
Жарқўрғон қишлоғи

Ёлғиз

Адҳам Даминов

# КЕЧИККАН ИЛМИЙ ИШ ЁКИ ЯНГИ ЙИЛ ҲАНГОМАСИ

Ҳажвия

Янги йил яқинлашди дегунча хомуш тортаман. Ўн йилдирики, аҳвол шу. Ўн йил... айтишга осон! «Кандидатлигим» шунчадан буён аччиқ ичакдек чўзилади. Чўзилишига сабаб эса... Э, ўша куннинг падарига минг лаънат!

...Дипломни қўлтиқлаб илмий текшириш институтига келган жўжахўрозман: юриш-ғоз, туриш-ғоз, «кандидат наук» бўп қолсак, ана унда кўрасиз— биздан зўри бўлмайти бу дунёда!.. Лекин янги йил зиёфати жаннатмакон орзуларнинг белига тепди. Йўқса юрардик дўппини чаккага қўндириб, тараллабедод қилиб, кўчани эллаб, давраларда бировга гап бермай, савлат тўкиб, беташвиш, беғалва, олимлик гаштини суриб... Э, дунёи қўтир— бир томони чўтир, деганларича бор экан. Насиб қилмади у кунлар...

Уша куни ишдан чиқиб, ҳамкасбларим Обид мечкай, Тансиқ тарс-турс билан ресторанга узун-қисқа бўлиб, чўзилишиб кириб бордик. Гардеробда битта ҳам бўш илгак қолмабди. Амаллаб палтомни бир илгакка, телпақни бошқасига миндирдим. Ўтиришимиз билан «коса-гул» кечикканларга «штраф» деб бизни «сийлай» кетди. (Э, у вақтлар ароқ жонивор ҳам сероб эди, арзон эди). Бир вақт кайфи ошган Обид мечкай беш йилда, Тансиқ тарс-турс кўзларини сузиб уч йилда ёқлаб ташлайман деб гупира бошлашди. Бу гаплардан хаёлим қочиб ўтиргандим, «тарс-турс» биқинимга секин туртди: «Кетдикми? Залда бизу Моҳир акамлар тўпи қопти, холос».

Моҳир ака— домламиз, ундан кейин қолсак уят! Турдик! Илгакдан амаллаб палтомни топиб кийдим, лекин телпақ қурмағур йўқ: шу излайман, на илгакда кўринади, на... Талабалиқдан ёдгор—арзонгина, қуён-жун, асли қорамтир эса-да, сарғайиб, четлари соч ёғидан ялтираб қолган офтобда ҳол бир телпақ эди. «Камбағални туянинг устида ит қопиб», шу телпақка «харидор» чиққанини-чи! Болаларга айтсам— қулиша-



ди, шундай кетворай десам— ташқари совуқ, чақади, олим бўладиган бошни асраш керак. Бир томони Тошкентга мусофирмиз, маош ҳам ҳаминқадар... Лекин меникини кийган одам ўзиникини қолдиргандир. Ахир шу қаҳратонда ким бетелпақ юради! Ана, илгакда уч-тўрттаси турибди-ку. Кўпи меникидақа қуёнжун...

Шартта бирига қўл чўздим. Кийсам— сал каттароқ, алмаштирай десам шубҳа туғилади.

Хуллас, ўша кунги совуқ зўриданми, ёки бегона телпак ётираб бизнинг бошни ҳимоялагиси келмади-ми, шамоллаб қолдим. Ҳафта ўтиб ишга бордим. Хонага киришим билан Обид мечкай соғлиқ сўраш ўрнига пишиллаб:

— Иш чатоқ!— деди.

— Нега?

— Бир ҳафтаки, «шеф»нинг кайфияти йўқ. Тепакалини қашийвериб бор сочини ҳам тўкворди.

— Тинчликми?

— Утиришда телпаги йўқолибди. Борганларнинг барчасиникини кўриб чиқди. Фақат сизники қолди.

— Қанақайди телпаги?— дедим бўшашиб.

— Э, қизиқмисиз... шуниям сўрайсиз-а. Илмий ходимники қанақа бўларди, сизникидақа оддий, қуёнжун, дўкон нархи— йигирма икки сўм. Кўргансиз-ку.

— Хайрият-э, оддий экан, мен «ондатра»ми дебман.

— «Ондатра» бўлганда меласага хабар қиларди. Лекин оддийси ҳам қишда топилмайди. Кейин «шеф»ни биласиз-у, пишиқ: бир тийинни қирқ жойидан тугади. Бошига ортиқча сарфлармиди? Бошини авайлаганда сочи тўкилмасди. Шу совуқда шляпада юрибди.

Ечиниб, палто ва телпакни бурчақдаги илгакка илдим. Шу пайт хонага Тансиқ тарс-турс кириб келди. У ҳайтовур сўрашди-ю, кейин тўғри бориб мен ечган телпакка қўл чўзди. Узоқ айлантириб кўрди.

Сўнг:

— Худди ўзи— деди.

— Валдирама,— дедим мен асабий.— Одам одамга ўхшайди. Бу телпак-ку...

— Мана, бир қулоғининг тангадек жойидан жуни кўчган, иккинчисининг ипида тугуни бор, аниқ, «шеф»ники, ўласиз энди!

— Алмашгандир-да,— дедим ҳамон сир бой бермай.

Шу вақт остонада «шеф»нинг ўзи кўринди: яланг-бош, тепакали ёмғирдан кейинги чимсиз майдондек ялтирайди.

— Суюнчи беринг, Моҳир ака!— дея Тансиқ тарс-турс қўлидаги телпакни унга узатди. «Шеф» олдин телпакка, сўнг менга совуқ тикилди.

— Узингизники қани?

— Ўша куни алмашибди...

— Кўзингиз қаёқда эди? Кўз бўлмаса каллани ишлатиш керак!— «Шеф» телпакни олиб чиқиб кетди.

— Тамом бўлдингиз,— деб бидирлади Тансиқ— Моҳир ака гиначи, кечирмайди энди. Агар шу ерда ёқлайман десангиз— узр сўранг... Лекин қуруқ гап қулоққа ёқмас...

— Мен атай қиппанми?

— Барибир.— Обид мечкай гапга қўшилди.— Тансиқ тўғри айтяпти. Шу ерда ёқлайман десангиз кириб кўнглини олинг.

Хуллас, эрталабдан юракка чигил тушди. Тушликка бирга борган бўлсак-да, домлам менга бир оғиз гапирмади. Бу кетишда ростдан ишлар чатоқ бўлади, шекилли... Тушдан кейин секин Тансиққа ёрилдим.

— Олдига кириш! Телпак ваъда қилинг, яшироғидан, масалан, «ондатра».— Унинг маслаҳати шу бўлди.

Юрагим дук-дук уриб «шеф»нинг хонасига кириб бордим.

— Кечиринг, домла,— дедим у ўтирган столга яқин келиб,— сизникилигини билмабман, ўлай агар.

— Кўз борми? Ё пўстакнинг йиртиғими у.

— Кечиринг...

«Шеф» индамади. Титраб кетдим. Тансиқнинг гапини эсладим.

— Сизга худо хоҳласа битта қулинг ўргилсин «ондатра» телпак совға қиламан. Қишлоқда РайПО-да акам ишлайди,— дедим ўз ёлғонимдан ўзим ўнғайсизланиб.

— Совға эмиш...— «Шеф» қошини чимирди.— Бошимдагини қайта олиб қўймасангиз ҳам катта гап. Кўрамиз ҳали...

Ўз хонамга қайтдим. Тансиқ билан Обид ширага ёпишган пашшадек ўраб олишди. «Нима бўлди?» «Кечирдимми?» Бор гапни айтдим.

— Кечиради. Энди бу ёёга астойдил «ондатра»ни қидираверинг,— деди Тансиқ тарс-турс.

— Иш ҳам тезлашади,— деди Обид мечкай.

Лекин шу-шу «шеф» билан орамиз илимади. Бирор илмий мақола ёзсам уч-тўрт ойсиз кўриб бермайди. Кўргач ҳам у ерини ўпоқ дейди, бу ерини сўпоқ дейди. Уша қишни бошяланг ўтказиб таъзимни еганим етмагандек, бу балоларга ҳам гирифтор бўлиб ўтирибман.

Хуллас, орадан ўн йил ўтди. Обид ёқлади, Тансиқнинг иши тайёр, яқинда тажрибахонада муҳокамадан ўтди. Меники эса ҳамон резинадайд чўзилади, охири кўринмайди. Эсласам юрагим сиқиладиган бўп қолди: волидол ичяпман. Ҳаммасига ўша телпак сабабчи... Шунча йил ўтибди-я! Ҳар қиш яқинлашса «ондатра» ҳақида ўйлайман. Аммо у Зухро юлдузидек олисда, сира етишиб бўлмайди. Ахир кичик илмий ходимнинг ойлиги ўзингизга маълум. Бу пул деганнинг ҳам вафоси йўқ экан, ваъдани пуч қилди. Сира ортмайди-я! Э, бу ўн йил ичида қанча-қанча битмаган ишлар битди— уйландим, кооператив бўлса-да, шаҳардан уй олдим, яшаш ҳам бир нав— юз эллик сўм ойлик етмай, ҳамон уйдан пул олиб тураман. Бунисига ҳам чидаса бўлади. Пешона-да, шўрроқ экан. Барибир минг қилсам ҳам мендан иқтисодчи чиқмади— «ондатра» учун орттиролмадим.

Мана, яна янги йил яқинлашяпти, ҳеч бўлмаса шу йилги ўтиришда «шеф»нинг ранги ўчиб кетган «қуёнжун»ни «ондатра»га алмаштириб қўйсам дейман. Шунда «шеф» кечирар, олам гулистон бўларди ва бу гулистон олам яна битта олим билан бойирди. Э, хаёл, намуна учқурсан-а. Шу учқурлигингга пишган эмас, хом бўлганингга ўлайми... Пул қани унга! Бевафо пул!.. Эй, нотаниш дўстим, дардимни сизга айтяпман: шу «ондатра» учун кетадиган юз элликми ёки икки юзники сиз бериб туролмайсизми?.. «Кандидат наук» бўлгач, фойдаси билан қайтарардим... Агар илмга ихлосингиз бўлса, орамизда «кандидатлар» кўпайсин десангиз, даргимни шу ҳикояни босган журнал ходимларидан суриштирарсиз.





**«Молодость»**  
ежемесячный  
литературно-художественный  
общественно-политический журнал  
на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: **Н. АКРОМОВ**  
Техник муҳаррир: **О. РАҲИМОВ**  
Мусахҳиҳ: **М. ТУРСУНОВА**

Адресимиз:  
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,  
60-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 78-94-05  
Бош муҳаррир ўринбосари: 78-49-83  
Масъул котиб: 78-97-07  
Наср бўлими — 78-97-58  
Назм бўлими — 78-77-16  
Публицистика, адабий танқид ва  
санъат бўлими — 78-17-47  
Фотомухбир — 78-97-58

Редакция ҳажми 12 босма табақдан ортиқ  
роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар  
қўлёзмасини қабул қилмайди.  
Бир босма табақча бўлган асарлар муал-  
лифларга қайтарилмайди.  
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширил-  
ган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул  
қилади.  
Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан  
олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 21.11.90 й. да туширилди  
Босишга 26.12.90 й. да руҳсат берилди  
Офсет босма. 1 офсет қоғози  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Қоғоз ҳажми 5,25 босма табақ  
Шартли босма табақ — 8,82  
Нашриёт ҳисоб босма табағи — 12,6  
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76  
150.000 нусхада чоп этилади.  
Буюртма № 4382  
Баҳоси 80 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Камалак» матбаа-нашриёт бирлашмаси  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденили  
босмаҳонаси.

«Ёшлик», № 1. 1991.

	<b>НАСР</b>
Саломат МУҲАММАД ВАФО. Ҳикоялар . . . . .	17
Раҳмон ҲОЖИМУРОД. Деворий газета. Қисса . . . . .	48
Менглибой ХОЛИЕВОВ. Қадр. Ҳикоялар . . . . .	65

	<b>НАЗМ</b>
Шукур ҚУРБОН . . . . .	14
ЧОРШАЪМ . . . . .	15
Ойгул СУЮНДИКОВА. . . . .	32
Нурилла ОСТОНОВ . . . . .	63

	<b>ТАНИШУВ</b>
Холмурод АБДУРАҲМОН. Шеърлар . . . . .	2
Ғофур ҚУРБОН. Шеърлар . . . . .	3
Нурмуҳаммад МУҲАММАДИЕВ. Шеърлар . . . . .	3
ХАЙРУЛЛО. Ҳикоялар . . . . .	24
Мирзаумар ХАЛИЛОВ. Ҳикоялар . . . . .	27
Сабоҳат РАҲМОНОВА. Ҳикоя . . . . .	29

	<b>МАҚОЛАНАВИСЛИК</b>
Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ. Мустақилми ёки мус- тамлака? . . . . .	4
Ҳалим САИИД. Туғилдингми, бу дунёда толиб- сан . . . . .	67

	<b>НИГОҲ</b>
Тўра МИРЗО. Чингиз Айтматовга очиқ хат . . . . .	33
Мираббос БАҒИРЗОДА. Амир Темурнинг Фа- рангистонга мактуби . . . . .	35
Метин ЭРҒУН: Туркистон бизнинг ўз ўчоғимиз . . . . .	36
Хуршид ДУСТМУҲАММАД. Азозилга алданма- ган авлод . . . . .	37
Ойбек РАҲИМ. Шеърлар . . . . .	40
Жумагул СУВОНОВА. Шеърлар . . . . .	41
Эл тақдирин қўлда тутганлар . . . . .	42—43
Ислом олами ривоятлари . . . . .	44

	<b>АДАБИЙ ТАНҚИД</b>
Нусратулло ЖУМАЕВ. Манфаат исканжасидаги «илм» . . . . .	72
Шомирза ТУРДИМОВ. Оқ, қизил, қора . . . . .	76

	<b>АДАБИЙ МЕРОС</b>
Садриддин АЙНИЙ. Шеърлар . . . . .	13

	<b>ЕЛПИҒИЧ</b>
Яраш ҚУРБОНОВ Телпагим . . . . .	78
Адҳам ДАМИНОВ. Кечиккан илмий иш ёки янги йил ҳангомаси. . . . .	78

Муқованинг 1—4 саҳифаларини мусаввир **Н. Акро-  
мов** ишлаган.